





МАШХУР КИШИЛАР ҲАЕТИ

Бўрибой Аҳмедов

У л у ф б е к

ЭССЕ

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти
1989

ISBN 5-663-00215-6

470262020-68

A ~~356 (04) - 89~~ 65-89

356 (04) - 89

© Издательство «Еш гвардия», 1989



БИР-ИККИ ОФИЗ СУЗ

Машхур поляк астрономи Ян Гевелийнинг (1611—(1687) «Продромус астрономиа» («Астрономия даракчиси») деган машхур китоби бор. Китоб бунидан қарийб 300 йил муқаддам — 1690 йили Гданьск шаҳрида (Польша) босмадан чиққан. Унда диққатга сазовор иккита сурат бўлиб, ҳар иккаласида ҳам буюк ватандошимиз мирзо Улугбек (1394—1449) сиймоси тасвирланган. Биринчи расмда (9-саҳифа) Улугбек мунажжимлар худоси Ураниянинг ёнида. Европалик тўрт йнрик астроном: грек Птолемей (эрамиздан аввал тахминан 170 йили вафот этган), немис шахзодаси Гассе (1532—1592), даниялик Тихо Браге (1546—1601) ва италян Жан Баптист Риччиоли (1598—1671) билан тасвирланган. Бу расмда Улугбек Ураниянинг ёнгинасида, унинг ўнг тарафида биринчи бўлиб ўлтирибди. Иккинчи суратда (13-саҳифа) у яна ўша Урания ва жаҳонга доғи кетган тўққиз астроном: Тимахарис (эрамиздан аввалги III аср), Гиппарх (эрамиздан аввалги II аср), номи юқорида зикр этилган Птолемей, ал-Баттоний (852—929), Региомонтан (1436—1476), Вольтер (1430—1504), юқорида тилга олганимиз шахзода Гассе, Николай Коперник (1473—1543) ва Тихо Браге билан бирга. Бу тасвирда Улугбек Ураниянинг ўнг тарафида, учинчи бўлиб турибди. Булар грек, араб, немис, италян, ўзбек, Дания ва поляк халқларининг фарзандлари, классик асарлари билан жаҳон халқлари маданияти тарихида ўчмас из қолдирган олимлар.

Бу гаплар XVII асрга тааллуқли, лекин мирзо Улугбек ўз замонасида — XV асрдаёқ машхури жаҳон бўлди. Масалан, улуг Навоий ўз асарларида унинг илм-фан

жабҳасида кўрсатган жасоратни улуглади, номини кўкларга кўтарди. «Фарҳод ва Ширин» достоннда у бундай дейди:

Темурхон наслидан султон Улугбек,
Ки олам кўрмади султон онингдек.
Анинг абпойи жинси бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд.
Ва лек ул или сори топти чун даст.
Кўзи олинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш — зеби жаҳондур.
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки андин ёзди «Зижи Кўрагоний».
Қиёматга декинча аҳли айём,
Езурлар онинг аҳкомидин аҳком.

Улугбекнинг яна бир замондоши Саккокий унинг илму камолотини мана бу мисраларда баён этган:

Арастотил ва Афлотун ва Биталимус ва Иқлимус,
Али Сино ва Файлақус, Арасту ва Абу Маъшар,
Риёзи ҳашт ва ҳикмат расад иксир ва Иқлидус,
Бадийи ва саиоъни сенингтеки билмоди анлар,
Фалак йиллар керак сайр этса ва келтурса илмингга
Менингтеки шоири турк ва сенингтеки шеҳ донони.

Яна бошқа жойда ўқиймиз:

Салотин дунёда кўп келдию кетти, сенингдек бир,
Фалакнинг гар тили бўлса ойитсунким қачон келган.

Қандай улуг ва тўғри гаплар. Подшоҳларни бир ёққа кўйиб турайлик, олимлар ҳам кўп ўтган. Ўтган-ку, лекин Улугбекдек буюклик чўққисига кўтарила олганлари камдан-кам.

Ўша замонда ўтган яна бир улуг зот — машҳур муаррих Абдураззоқ Самарқандий (1413—1482) Улугбек хусусан хандаса (геометрия) илмида тенги йўқ олим бўлганлигини айтади:

Чун Улугбек мирзо дар илми хандаса,
Натовон ёфт дар ҳазорон мадраса.

Яъни:

Хандаса илмида Улугбек мирзодек олимни,
Минглаб мадрасадан ҳам излаб топмассан.

Дарҳақиқат, шундай. Лекин риёзиёт (математика), илми нуҷум (астрономия) фаиларида ҳам бемонанд эди у. Улугбек тарих илмида ҳам арзигудек ёдгорлик қолдирди. Хуллас, Улугбек подшоҳ бўлиб эмас, балки Мовароуннахрнинг илм-фани ва маданияти тараққиёти тарихига қўшган улкан шахсий улуши билан, бебаҳо асарлари билан, илм-фан ва маданият намоёндаларига қилган ҳомийлиги ва уларга раҳнамо бўлгани билан тарихда абадий қолди.

Улугбекнинг номи ва асарлари мамлакатимиздагина эмас, балки бутун дунёга машҳур. Уни XVI асрдан бери Европада ҳам, Осиёда ҳам, Америкада ҳам яхши танишадди.

«Яхши одам икки умр кўради», деган ҳикмат бор. Улугбекнинг ҳам, Урания ўз қаноти остига олган бошқа мунажжимларнинг ҳам ҳаётдан кўз юмишганига кўп вақт бўлди — 300—500 йил вақт кечди. Шунга қарамай, улар ҳамон кўп тилларда ва қалбларда барҳаёт. Улар битган асарлар авайлаб асралмоқда, синчиклаб ўрганилмоқда. Одамлар ҳамон уларнинг илм чашмасидан баҳраманд. Имон комилки, уларнинг келажак авлодга ҳам нафи тегади. Модомики шундай экан, улар ўлмаган — тирик, ҳаммиса биз билан бирга.

Алишер Навоий ҳазратларининг мана бу сатрларига эътибор беринг-а:

Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулнга сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

Мирзо Улугбек ўзидан яхши от қолдирди...

Улугбек ва унинг илмий фаолияти ҳақида ёзилган асарлар бир талай. Уларнинг илмийлари ҳам бор, бадийлари ҳам анча-мунча. Олимнинг илмий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти айниқса Совет Иттифоқида кўп ўрганилди. Мен бу ерда В. В. Бартольд, В. Л. Вяткин, В. А. Шишкин, Т. Н. Қориниёзов, Ғ. Жалолов, Н. И. Леонов ва ушбу сатрлар муаллифининг китоблари ва мақолаларини назарда тутаётиман. Европа ва Америка олимларидан Жоел Гривс, Томас Ҳайд, Э. Б. Нобл, Л. А. Седийо, К. Наллино, Э. С. Кеннеди ва Майсларнинг бу борадаги катта хизматларини ҳам эътироф этиш зарур. Улугбек ҳақида озми-кўпми бадиий асарлар ҳам яратилди. Глеб Голубевнинг «Улугбек» қиссаси, Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» трагедияси, Одил Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси» романи шулар жумласидандир.

Бундан «Улугбекнинг ҳаёти ҳам, илмий фаолияти ҳам тўла ўрганиб бўлинди», деган хулосага келмаслик лозим. Илмда бирор масалани ҳеч ким ва ҳеч қачон бир галдаёқ узил-кесил ечмаган, ечолмайди ҳам, чунки ҳар қандай илмий кузатув тадқиқотчи илмининг даражаси, унинг назарий ва амалий савиясига, маълумот берувчи манбаанинг қанчалик тўлалиғи, сифати ва сонига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам юз фоиз тўла, мукамал ва тамоман хатодан холи китобнинг топилиши маҳол. Қолаверса, Улугбек ва унинг замонаси ҳақида, у бош бўлган Самарқанд илмий марказининг фаолияти ҳақида ҳали айтиладиган гаплар кўп.

Мухтарам китобхонга тақдим қилнаётган ушбу арзимас китобимиз беназир инсон ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш йўлидаги бир уриниш, ҳолос.

Китоб асосан XV—XVI асрларга дахлдор манбалар, хусусан Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Ҳўсайн ибн Али Воиз ал-Қошифийнинг «Рашахоту айи ул-ҳаёт», Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний», шунингдек Улугбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний», «Тарихи арбаъ улус», Али Қушчининг «Шарҳ тажрид ал-калом» рисоалари, шунингдек, Лутфий, Навоий, Бобур ва бошқа олимларнинг асарларига таянган ҳолда ёзилди.



ТАШВИШЛАРГА ТЎЛА БОЛАЛИК

Ҳижрий 796 йилнинг раби ул-аввал (мелодий 1394 йил январь) ойдан бери совуқнинг шиддатига қарамай жаҳонгир Темурнинг катта қўшини Ҳазира вилоятининг мустаҳкам шаҳарларидан Мординни чор тарафдан қаттиқ исканжага олиб турарди. Бу шаҳар баланд бир тоғнинг тепасида жойлашган бўлиб, унинг ўртасида ал-Боз (Лочин) деган яна битта мустаҳкам қалъа ҳам бор эди. Қалъа хизматчилари ўзларини устувор тутиб, босқинчиларнинг деярли ҳар куни эрта тонгдан то қош қорайгунча кетма-кет қилиб турган ҳужумларига дош беради. Мўру малахдай ёпирилиб келган душманни қалъа деворларидан туриб тошбўрон ва тирбўрон қилиб, уларга катта талафот етказардилар. Темурнинг манжаниқлари ва нафтандорларнинг зарбидан, ўткир шибаларнинг аччиғи тишидан қалъа ичидагилар ҳам қийналган, кўп одамларидан ажралгандилар. Ана шундай кунлардан бирида, айни жангу жадал авжига минган бир пайтда, қалъа рўпарасидаги қояда жангни кузатиб турган Амир Темурга даҳшатли хабар олиб келдилар. Жаҳонгирнинг кўмак учун Форсдан қўшин билан келаётган иккинчи ўгли мирзо Умаршайх Дирбақр йўлида тор бир дара ичида ногаҳон ўқ тегиб ҳалок бўлибди. Воқеа бундай кечган: Умаршайх ана шу дара ичида илон изига ўхшаш сўқмоқ йўлдан келаётиб кичик бир қалъа рўпарасидан чиқиб қолади. Қалъа Ахрамуту деб аталаркан. Умаршайх ўша қалъани томоша қиладиган бўлиб, катта бир қоятош тепасига кўтарилади. Шу пайт қалъа буржида пайт пойлаб ўтирган бир курд мерган уни аниқ нишонга олади... Бу хабарни эшитиб Темурнинг қаҳр-ғазаби минг чандон ошди, қўшунот ва тумонот бошлиқларини чақиртириб нима бўлса ҳам қалъа-

ни тезроқ забт этиш, уни ер билан яксон қилиш, қалъа ичидаги бирор тирик жонни омон қолдирмасликни буюрди:
— Мордин ҳам, ал-Боз ҳам шу бугундин қолмай забт этилсун, онинг ичида не бўлса барчаси ёндирулсун, халқи қатли ом қилинсун!

Ўша куни Темурнинг аскарлари жон олиб-жон бериб уришдилар, лекин қалъа ўша куни ҳам олинмади. Раби ус-соний (Февраль) ҳамда жумада ул-аввалнинг (март) ярми ҳам шу тариқа кечди. Билмадик қамал яна қанча вақт давом этаркан, яна ҳар иккала тарафдан қанчадан-қанча йигитнинг ёстуги қуриркан. Нима бўлса ҳам Темур бу қайсар қалъани олиши ва ер билан яксон қилиши муқаррар эди. Лекин қутилмаганда, жумаъ куни (1394 йил 17 апрель) эрталаб Султониядан, Темурнинг мухтарам ва нуфузли хотини Сароймулк хоним ҳузуридан чопар келиб амирзода Шохрух ўғиллик, жаҳонгир Темур эса неваралик бўлганини хабар қилди. Бу — мирзо Улугбекнинг таваллудни ҳақидаги хушхабар эди. Бўлажак буюк олим ҳижрий 796 йил жумади ул-аввал ойининг 19 куни (1394 йил 23 март) дунёга келганди. Темур бу хушхабарни гурур ва ҳотамлик билан қарши олди: чопарга бош-оёқ сарупо, бир сипар олтин суюнчи берди. Яна, ўша муборак таваллуднинг шукронаси учун Мордин халқининг жони ва молидан кечди, лекин яхшилик билан таслим бўлишдан бўйин товлаган амир Исони ҳокимиятдан четлатиб, шаҳар ва вилоятни унинг иниси Султон Солихнинг ишон-ихтиёрига топширди. Унга Ол-тамга босилган ёрлик ҳам берди. Ўша кечаси қалъа теварагида гулханлар ёқилиб, катта тўю томошалар бошланди. Подшоҳ чодирига йиғилган уламо, фузало, вазирлар ва лашкарбошилар соҳибқиронни янги туғилган меҳмон билан қутладилар, ҳар ким ҳолига яраша пешкашлар қилди. Темур ҳам уларни, ўз навбатида, қамматбаҳо саруполар билан сийлади. Мажлис охирида Темур тўпланганларга мурожаат этди:

— Мухтарам зотлар подшоҳлик бўстонининг янги ниҳолига не исми муносиб кўрурлар?

Аҳли мажлис бирор исми тилга олишга журъат қилолмади. Ҳамманинг кўзи соҳибқиронга тикилди, чунки невараларига исми кўпинча унинг ўзи кўярди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

— Неварамнинг муборак исми Муҳаммад Тороғой бўлғай.

Темур болага ўз отасининг исмини қўйди, лекин у

кўпроқ Улугбек номи билан машҳур бўлди. Тахаллусни ҳам Темурнинг ўзи қўйган эди.

Улугбек онаси Гавҳаринодбегим ва катта оналари Сароймулк хоним, Тўқал хоним, Чўлпон Малик ога ва уғруқ билан уч ой чамаси Султонияда истиқомат қилди. Темур бўлса шу вақт ичида Ширвон ва Арманистон устига қўшин тортди. Кўп ўтмай, 796 йилнинг ражаб ойида (1394 йил май ойида), Темур шаҳзодалар ва хотинларини ҳам Арманистонга чақиртириб олди... Шу-шу чақалоқни бешикда бир йил чамаси лашкар кетидан Арманистон ва Закавказье йўлларида олиб юрдилар. Темурнинг бундан кўзлаган мақсади бор эди-да, ахир. У набираларини гўдаклигидан ўзига ўхшаган ҳарбий киши қилиб тарбиялаш мақсадида эди. Шунинг учун ҳам уларни гўдаклигидан суягини жангу жадалларда чиниқтирмақчи бўлди. Темур саройида ҳукм сурган бу тартибдан бир қадар нимжон туғилган Улугбек ҳам четда қолмади. 797 йил жумада ул-аввал ойининг 7 куни (1395 йил 28 февраль) Темур хотинлари ва набираларини Шохрухга қўшиб Самарқандга жўнатди, ўзи эса тамом кўшини билан Олтин Ўрда хони Тўхтамишга (1378—1395) қарши уруш очди... Улугбек уч йил Самарқандда турди. У кўпинча катта онаси Сароймулк хонимнинг назорати остида шаҳарнинг жанубий тарафида жойлашган ва хонимга тегишли бўлган Боғи чинорда истиқомат қилди...

1398 йилнинг баҳорида Темур яна урушга отланди. Бу гал у Ҳиндистон устига қўшин тортди. Улугбекнинг тинчлиги ва ҳаловати яна бузилди. Темур уни Сароймулк хоним билан узоқ Ҳиндистон юришига бирга олиб кетди. Ўшанда Улугбек бобосининг ёнида Жайхун узра кемалардан, уларни бир-бирига занжирлаб қурилган кўприкдан ўтди. Ўшанда у Балх ва Бадахшоннинг бир талай шаҳар ва қишлоқларини томоша қилишга муяссар бўлди. У Хулм, Арҳанг сарой, Самангон ва Андаробда бўлди. Хулмда турган кунларининг бирида қушбегилар шаҳарчаниннг кун чиқиш тарафидаги Шамар тоғларида, ўша тарафдаги кўриқхонада катта ов маросимини уюштирдилар. Темур хос овчилари билан чор атрофи бутазор адирликнинг қоқ ўртасида жойлашган баланд қоя тепасида ўрнашди. Овчиларга эргашиб Улугбек ҳам шу ерга келган эди, бобосининг ёнида турди. У ҳам жангчи сингари совут кийган, елкасига ўзига яраша қилиб ясалган чочий камон, белга қизил чармдан тикилган садоқ ва мурассаъ ханжар осиб олган эди. Жирга чор атрофдан сурон солиб

жониворларни Темур турган ерга қувиб келди, мерганлар эса уларни беаёв отдилар. Уша куни кўп оху, каркидон, қулон отилди. Овчилардан бири арслон боласини тириклайин тутиб олган экан, уни подшоҳ турган ерга олиб келиб қозиққа боғлади. Овчи Темурнинг нуфузли амирларидан Шоҳмаликнинг тўнғич ўғли Шоҳсаидбек экан.

— Арзимас тухфамизни қабул этгайсиз, мирзом,— у Улугбекка икки букилиб тазим қилди.

Улугбек елкасидан камонини олди, садокдан бир ўқ олиб камонга жойлади ва арслонга қараб ўқталди. Арслон ириллаб ўзидан тўрт-беш қадам нарида турган мирзога ташланди. бўйнидаги арқон узилишига бир баҳя қолди, қозиқ ҳам дош бермади. Улугбекнинг ёнгинасида турган овчи эпчиллик қилиб оёғи билан арқонни босиб қолмаганда бу ёғи нима бўлишини ким биларди, дейсиз. Бола қаттиқ қўрқиб кетган эди, ўзини шиддат билан орқага отди ва йиқилиб тушди. Қўрқувданми, ёки қаттиқ йиқилганиданми, у йиглаб-юборди.

— Йўқот бунингги бадбахт! Боланинг ўтакасини ёрдинг-ку!

Темур тўғрисида қўл қовуштирганча титраётган овчига ўқрайди. Овчи суюкли амирлардан Шоҳмаликнинг ўғли бўлмаганда унинг ҳоли нима кечишини билиш қийин эмасди. Темур овчининг елкасига икки қамчи туширди. Шундай қилиб Самар қўриқхонасидаги ов Улугбек хотирасида бир умрга қолди...

Уша йили Темур рамазон ойининг охиригача (1398 йил июнь ойи) Андаробда турди, унинг катта қўшини жаҳонгирга тиз чўкишдан бўйин товлаган ва Сулаймон тоғларида истиқомат қилиб турган афғон қабилалари, мамлакатнинг шарқий сарҳадида яшовчи катурлар ва сиёҳлушларни итоатга келтириш, уларнинг юртларини талон-тарож қилиш билан машғул бўлди.

Зулхиджа ойининг биринчи куни (1398 йил 15 август) Темур қўшини билан Кобул марғузорига келиб тушди. Сафарни давом эттириш олдидан Олтин Урда хукмдорлари Темур Қутлуг (1395—1401) ва Идику ўзбакнинг (1352—1419) элчиларини қабул қилди. Эртаси (зулхиджа ойининг 10 куни — 1398 йил 24 августда) Улугбекни Сароймулк хонимга қўшиб, элчилар карвони билан Самарқандга қайтарди. Темурнинг Ҳиндистон юриши тарихини ёзган Ғиёсиддин Алининг сўзларига қараганда, Темур Ҳиндистон иқлим шароити шаҳзода саломатлигига путур

етказиши эҳтимолидан чўчиб шундай қилган экан...

Темур Ҳиндистонни фатҳ этиб беҳисоб ўлжа, минг-минг асир билан қайтди. 801 йилнинг 21 ражабиди (1399 йил 29 март) у Жайхун устига солинган кўприкдан ўтиб Термизга келиб тушди. Бу ерда уни шаҳарнинг сайидлари, кўзга кўринган уламою фузалоси ҳамда ақобирлари зўр тантана билан кутиб олдилар. Кутувчилар орасида соҳибқироннинг хотинлари Сароймулк хоним, Тўқал хоним, Туман ога ва эндигина беш баҳорни кўрган мирзо Улугбек ҳам бор эди. Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг сўзларига қараганда, соҳибқиронни кутиб олувчилар ўша куни кўприк устида Темур ва унинг ўнг ва сўл қўлида келаётган Халил Султон билан мирзо Султон Ҳусайннинг бошларидан шу қадар кўп дурру жавоҳир ва олтин тангалар сочдиларки, ундан Жайхун суви тўлиб-тошиб, Нуми кўринмай кетди. Бу маросимни зўр диққат билан кузатиб турган Улугбекнинг қалбида аллақандай туйғу — ҳавасми, истакми, шу билан бирга бобосининг ёнида тўла гурур ва сурур билан келаётган мирзоларга нисбатан ҳасадми уйғонди. Бобосининг шон-шухратини илгари ҳам кўрган, лекин Халил Султон билан Султон Ҳусайнни шу зўр тантана қаҳрамони сифатида биринчи бор кўриб туриши эди.

«Нечун мен аларнинг ўрнида, йўқса қаторида эмас-мен?» — деган ўйда Улугбек болалигидан, жуда секин ўсаётганлигидан афсус қилди.

Темур ва султонларнинг орқасидан кишанланган асирлар, ўлжа олинган ва тўқсон фил, юзлаб от ва туяларга ортилган тансиқ матолар олиб ўтилди...

Орадан кўп вақт ўтмади. Ҳижрий 802 йил муҳаррам ойининг 8 куни (1399 йил 10 октябрь) Темур яна ҳарбий юришга отланди. Бу сафар у Туркия султони Боязид Йилдирим (1389—1402) ва Миср ҳукмдори Носириддин Фаражга (1399—1412) қарши отланди. Бу юриш «Темурнинг Эрон ва Кичик Осиёга қилган етти йиллик ҳарбий юриши» (1399—1404) номи билан тарихга кирган. Ушанда Убулистон, Халаб, Хумс ва Димишқ Темур қўшинлари тарафидан ишғол қилинди.

804 йил зулҳижжа ойининг 10 куни (1402 йил 9 июль) Анқара ёнида ўрта асрнинг энг қудратли икки ҳукмдори: Темур билан Боязид Йилдирим ўртасида мисли кўрилмаган катта уруш бўлди. Жангда Боязид қўшини маҳв этилди, унинг ўзи эса асир олинди. Ана шу йиллари Улугбек бошқа мирзолар: Иброҳим султон, Муҳаммад

Жаҳонгир, Ижил, Бойсунқур, Суюргатмиш, Саид Ваққос, катта оналари: Сароймулк хоним, Туман ога, Чўлпон Малик ога билан угруқда бўлди ва Темур қайси манзилни: Авникми, Арзирумми, Султониями, Табрисми, Қорабоғми, Фирузқухми, ихтиёр қилса, улар ҳам ўша ерни ватан тутдилар.

Хўш, бундай шароитда — тиним билмай юртма-юрт, шаҳарма-шаҳар кўчиб юрилган бир шароитда Улуғбекнинг ўқиши қандай бўлди? Унинг бошланғич маълумотни олиш жараёни қандай кечди? Афсуски, тарихий китобларда бу ҳақда маълумот сақланмаган. Лекин бир нарса маълум. Улуғбекка 1498 йилдан бошлаб Темур қиссахонининг жияни Ҳамза ибн Али бириктириб қўйилди. У Улуғбекдан ўн икки ёш катта, саводи чиққан ва кўп нарсаларни ўқиб олган йигит эди. Ўрта асрлардан қолган китобларда баъзи тартиблар баён қилинган. Шулардан бири шахзодалар ва хонзодалар билиши зарур бўлган «Сулук ул-мулук» («Подшоҳларга қўлланма») китобидир. Ана шу «тоифадаги китобларда келтирилган маълумотларга қараганда, подшоҳлар, хонлар ва йирик феодалларнинг саройида амалдаги русумга биноан шахзода, хонзода ва бекзодалар тарбияси ёшлигиданоқ «уларни муҳофазат қилиш, аҳволини кузатиб бориш юқори оstonалик ва давлат нишонлик» амирларнинг қўлига топширилган. Улардан бири оталиқ деб аталган. Оталиқлар, ишончли бир тарихий китобда ёзилишича, «тўла умидворлик билан шахзодаларнинг хизматида ғайрат кўрсатиб, ҳамиша хайрхоҳлик ва хизматкорлик камарини белларига боғлаб... уларни тарбиялаш аҳдини қўлдан бермаганлар». Ўша кезларда Улуғбекка оталиқ қилиб туркларнинг билкут қабиласидан чиққан йирик амир Шоҳмалик тайинланди. Шахзодалар, хонзодалар ва бекзодалар умуман тўрт-беш ёшидан бошлаб ўқиш ва ёзишни ўрганганлар, уларга махсус биркитилган қиссахонлар ўзлари эшитган ва билган нарсалардан, рубъи маскуннинг ажойиботлари ва ғаройиботларидан сўзлаб, уларнинг зеҳни ва хотирасини пешлаганлар. Қиссахонлар биринчи муаллим вазифасини ўтаганлар. Улуғбекнинг биринчи муаллими юқорида номини тилга олганимиз кейинча Шайх Озарий (1382—1462) номи билан шуҳрат топган Ҳамза ибн Али бўлган. У Амир Темур қиссахонининг жияни, Байҳақ сарбадорларининг етакчиларидан Али ибн Тусийнинг ўғли эди. Шайх Озарий болалигидан тоғасининг тарбиясида бўлиб, ундан қиссахонлик ҳунарини касб этади.

Ана шу Ҳамза ибн Али бирмунча йил Улугбек билан бирга бўлди ва унга қиссахонлик қилди.

Шаҳзодалар савод чиқарганларидан кейин «ғўзалликлар ва латифаларни нақл этувчи» қаламдан фойдаланиш ўрнига «сувдек нақшлик ханжар ва олов сочувчи қилichni ишлатиш, найзабозлик ва камондан ўқ отиш санъатини ўрганганлар, чунки «чаққонлик билан бел боғлаб, олам очувчи шамшир ишга туширилмасе, билиш мумкинки, мамлакат қалам воситасида муҳофазат этилмайди». Бундан ташқари, шаҳзода, хонзода ва бекзодалар от чопиш, чавгон ўйнашни ҳам ўрганганлар. Шундан кейин, «Сулуқ ул-мулуқ»ларда яна айтилишича, бўлажак ҳукмдор давлатни идора қилиш санъати — турли лавозим эгаларини тайинлаш, солиқ тўлаш, руҳонийлар, мансабдорлар ҳамда бошқа юртлардан келган элчиларни қабул қилиш, хайру садақа бериш каби тартиб-қоидалар бўйича кўникма эгаллаган.

Шубҳасиз, Улугбек ҳам подшолар, хонлар ва бекларнинг болалари учун мажбурий бўлган мана шундай мактабни ўтаган, албатта...

Кейинги йиллари қўлга киритилган зафарлар, айниқса Ҳиндистоннинг фатҳ этилиши ва Туркия султони Боязидга берилган қаттиқ зарба Амир Темурни ҳовлиқтириб қўйди. Кексайгани ва бетоблигига қарамай (у Ҳиндистон юришидан касалланиб қайтган эди), яна бошқа мамлакатларни забт этиш пайига тушди. Бу гал Хитойни мўлжалга олди. Темур аслида бу юришни 1398 йилга режалаштирган эди. Шу мақсадда у 1397 йилдан бошлаб давлатнинг шарқи-шимолий сарҳадида, хусусан Кошгар билан Хитойга олиб борадиган йўл устида, масалан Ашпара ва Иссиқкўл теварагида истеҳкомлар ҳам қурдирган эди. Лекин, Қундуз, Бағлон, Қобул, Ғазни, Қандаҳор ва уларга қарашли ерларга ҳоким этиб қўйилган набираси Пирмуҳаммад Жаҳонгир билиб-билмасдан Темурнинг режасини бузиб қўйди. Пирмуҳаммад Жаҳонгир ўша йили эрта баҳорда бобосига тақлид қилиб катта қўшни тўплаб янги-янги ўлкаларни забт этиш тараддудига тушди. У бу гал Ҳиндистон томонга қўшни тортди. Йўл-йўлакай Сулаймон тоғларида истиқомат қилиб турган афгон қабилаларини талади, сўнг Синд дарёсидан ўтиб Уча шаҳрини эгаллади, Мултонни қуршовга олди. Лекин унинг Ҳиндистон ҳукмдори Султон Маҳмудхонга (1393—1413) кучи етмас, охири вой бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Темур бебош набираси қилиб қўйган ишдан

хабар топиши ҳамонро Хитой юришини орқага суриб Хиндистонга қараб от суришга мажбур бўлди.

Темур Хитойга юриш режасини 1399 йили ҳам амалга оширолмади. Бунга Фарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжонга ҳоким қилиб қўйилган учинчи ўғил Мироншоҳ баҳона-сабаб бўлди. У давлат ишларини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, айшу ишратга муккасидан кетди. Қолаверса, Туркиянинг ҳарбий ва сиёсий қудрати борган сари ортиб бораётган эди. Боязид 1386 йилдан кейин Сербия ва Булгорияни босиб олди, Венгрияга ҳам таҳдид сола бошлади. Византия ҳамда Европанинг йирик давлатлари, хусусан Франция билан Англия бундан ташвишга тушдилар. Уларнинг элчилари бирин-кетин Темур ҳузурда пайдо бўлдилар. Византия императори Мануэль Палеолог (1391—1425), Франция қироли Карл VI (1380—1422) ва Англия подшоси Генрих IV (1399—1413), Византия ва Генуя ҳукмдорлари турли йўллар билан Темурни Туркияга қарши гиж-гижлай бошладилар. Бусиз ҳам Боязид қандай кучлигини Темур яхши биларди. Боязид Йилдирим Темур давлати учун ҳам хатарли эди. Ана шу сабабларга кўра, Темур Хитойга юришни 1399 йили ҳам бошлолмади. Бу орада Боязид ўртадан кўтариб ташланди, Туркиянинг ҳарбий-сиёсий қудрати заифлашди. Энди Темур давлати таркибига кирган Фарбий Эрон, Озарбайжон ва Кавказ хавфдан ҳоли бўлди.

Темур етти йиллик урушдан қайтиб келиши биланок Хитой юришига тайёрланди. У бу ҳарбий юришнинг тамом режасини икки-чикирларигача дастлаб 807 йилнинг муҳаррам ойида (1404 йилнинг июль ойи) мўътабар хотинларидан Туман огага қарашли Боғи беҳишда бир ҳафта чамаси бир оз тоби қочиб ётиб қолганда, кейин Боғи чинорда суюкли набираси мирзо Улуғбек билан турган вақтларида бир карра калласида пиширди. Уша кунлари, айниқса касали зўрайган вақтларда, тожу тахт тақдирини ҳам кўп ўйлади. Бир чети Рум, иккинчи тарафи Қошғар билан туташ улкан давлатни кимнинг инон-ихтиёрида қолдириш хусусида кўп ташвиш тортди. Тўрт ўғилдан иккитаси отадан аввал ҳаётдан кўз юмган: тўнғич ўғил Жаҳонгир мирзо 1376 йили йигирма ёшида ўз ажални билан вафот топди, иккинчиси Умаршайх мирзо бўлса 1394 йилнинг январь ойида Рум уруши вақтида йўлда ҳалок бўлди. Тирик қолганлари орасида эса Темур ўзинга муносиб ворис топмади. Мироншоҳ (1366 йили тугилган) отасига ўхшаб жасур ва бешафқат одам эди,

масалан у 1389 йили зиёфат чогида бир вақтлар Хирот вилоятига ҳукмдор бўлган картлар сулоласининг (1381 йили Темур томонидан битилган) сўнгги намоёниси Пирмухаммадни дастурхон устида шартта чоғиб ташлади. Эртаси куни Темур уни қистовга олганда қаттиқ маст бўлганлигини баҳона қилиб кўрсатди. Кенжа ўғил Шоҳрух ўқимшли ва вазмин одам эди, лекин ҳарбий ишга кўп ҳам рағбати йўқ эди. У ўта тақводор бўлиб, сурайи ихлоси кунига юз марта ўқимасдан ётмас эди. Соҳибқироннинг йиғирма невараси бор эди. Булардан фақат Муҳаммад Султон, Халил Султон ва мирзо Улугбекни кўпроқ суярди. Муҳаммад Султон ақлли, мулоҳазали ва дадил йиғит эди. У бобосининг деярли ҳамма ҳарбий юришларида иштирок этиб, ўзини жангда кўрсатган. Афсуски у Рум юриши вақтида 805 йил шаъбон ойининг 18 куни (1403 йил 13 март) Қораҳисор ёнида касал бўлиб вафот этди. Мироншоҳнинг беш ўғли орасида Халил Султон (1384 йили туғилган) бошқача эди. У ҳам бобосининг ҳарбий юришларида фаол қатнашиб, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган. У айниқса Султон Маҳмудхон билан Дехли остонасида 801 йил раби ус-соний ойининг 7 куни (1598 йил 18 ноябрь) бўлган урувида тadbикорлиги ва ташаббускорлигини намоён қилди. У ўша жангда Темурнинг жияни амирзода Султон Хусайн, амир Жаҳоншоҳ, Шайх Арслон ва Ғиёсуддин тархонлар билан кўшиннинг жавонгорига бошчилик қилди. Ҳали жанг бошланмасдан тасодифан илгари асло кўрилмаган ҳодиса юз берди. Ҳинд ҳукмдори Султон Маҳмудхон ўз ихтиёридаги бир юз йиғирма нафар урушга ўргатилган филни бирваракайига жангга туширди. Кўп урушларни кўриб чиниққан филлар ҳайқириб олдинга ташландилар ва Темур кўшинининг Пирмухаммад Жаҳонгир билан Султоншоҳ бошқариб турган баронгори олдида саф тортиб турган пиеда аскарларни топтаб ташладилар. Темур ҳам, амирлар ҳам, лашкар ҳам авваллари бунақа аҳволга дучор бўлмаган эдилар. Қисқаси ҳаммаси ваҳима ва кўрқув босди. Кўпчилик турган ўрнини ташлаб боши оingan тарафга қоча бошлади. Аҳвол яна бир неча дақиқа шу тариқа кечгудай бўлса, урушнинг тақдири, балки курашларда елкаси ерга тегмай келаётган жаҳонгирнинг не-не умидлар билан қилган бу юриши нима билан тамом бўлишини билиш қийин эмас эди. Лекин бирдан оёқ остидан чиқиб қолган шармандалиқдан Темурни ўша Халил Султоннинг ақлу фаросати ва дадиллиги билан қилган

ҳаракати асраб қолди. У кўшни орқасидаги эҳтиёт қиём-ларини илгарига ташлади, утруқ қошидаги барча молу туя-ни шитоб билан ҳайдашиб келди ва ҳар бирининг устига ҳасу ҳашак боғлатиб ўт қалатиб юборди. Ўт азобига чи-долмаган жониворлар бўкирганича олдинга, филлар устига ташландилар. Бунақасини ҳеч кўрмаган филлар ўтга айла-ниб келаётган от ва туяларга дош беролмадилар ва орқага қараб қоча бошладилар. Энди филларнинг оёғи остида Султон Маҳмудхоннинг пиёда аскарини қолди. Халил Султон ўз кўшинини билан ёниб бораётган моллар ва туялар ке-тидан иштилоб, филлар сафини ёриб ўтди ва Султон Маҳмудхоннинг баронгорига ташланди. Темурнинг бошқа кўшинлари буидап руҳланиб ҳужумга ўтдилар...

Қисқаси кун бўйи узлуксиз давом этган уруш Те-мур кўшинининг тўла зафарини билан тугади. Султон Маҳ-мудхоннинг ўн минг кишидан иборат отлик ва йиғирма минг кишилик пиёда аскарини тўла мағлубиятга учради. Жуда кўп одам асир олинди, ўлжанинг ҳад-ҳисоби йўқ эди. Турки қолган тўқсон фил ҳам ўлжага тушди... Халил Султон Темурнинг етти йиллик урушида ҳам кўп жанг-ларда ўзини кўрсатди. Шунинг учун ҳам кейинги вақт-ларда жаҳонгирнинг бу неварасига эътибори ва меҳр-мухаббати беҳад ошди. Уни тоғу тахтга муносиб кўриб қолди. Сарой аҳли орасида ҳам, кўшинда ҳам Халил Султоннинг порлоқ келажаги ҳусусида очиқ-ошқора гапи-радиганлар кўлайди. Лекин тақдир бошқача ҳукм ўқиди. Уни илгари Темурнинг жияни амирзода Алининг қизи Жаҳон Султон бегимга уйлантириб қўйган эдилар. Султон қонуний хотини бўла туриб амир Хожя Сайфуддиннинг чўриён соҳибжамол Шодимулкини ёқтириб қолди ва уни хожасидан тортиб олиб иширинча никоҳига ўтказди. Те-мур буни эшитиб дарғазаб бўлди, ясовулбошини ча-қиртириб «шаҳзодани қойда бўлса ҳам тутуб келтирилеун ва маҳди улё Баён ога тургон қасрга қамаб қоюлеун, беҳаё Шодимулкини эреа гуломзардин бирига хотин қилиб бериб юборилеун». — деб буюрди. Халил Султон маҳбу-баси билан дўстларидан бирининг чорбоғига яширинган эди, кўп қидирдилар, лекин тополмадилар. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Сароймулк хоним билан Тўқал хоним амир Шохмалик ва Шайх Нуриддинни ўртага қўйиб шаҳ-зодани жазодан қутқариб қолишди. Амирлар соҳибқирон-нинг кайфияти дурустроқ пайтини пойлаб унинг кўпчилиги юмшатишга эришдилар. Темур ўзбошимча набирасининг гуноҳидан ўтди-ю, лекин уни валиаҳд қилиш ниятидан қайтди.

Балким валиахдликка Улугбек муносибдир? Тўғри, Темур ўткир зеҳни, ақлу фаросати билан бошқалардан ажралиб турган бу набирасини жондан севарди, уни кўпчилик олдида «Кўзимнинг нури, салтанатимнинг умидли ниҳоли», деб эркатларди. Лекин, бахтга қарши Улугбек мирзо позик бўлиб ўсди, бунинг устига кўп вақтини китоб мутолаа қилиш билан ўтказар, давлат ишларига рағбати йўқроқ кўринар эди. «Бу китоб жинниси охири девони олийга ҳам муншй бўлолмас деб кўрқамен»,— деди Темур бир куни Шохмаликка уни топиб келиш учун юборилган хизматкор шахзоданинг кутубхонада эканлиги ҳақида хабар етказгандан кейин.

Энди валиахдликка бирдан-бир номзод Пирмуҳаммад Жаҳонгир эди, чунки у биринчидан бошқалардан ёш жиҳатдан катта. Ўша вақтда у йигирма тўққизга кирганди. Иккинчидан эса унинг давлатни бошқаришда тажрибаси ҳам бор. Пирмуҳаммад Жаҳонгир бир вақтлар Маҳмуд Ғазнавийга (998—1030) тегишли улкан мамлакатни идора қилишдек мушкул вазифани анчадан бери ушлаб келаётган эди. Шунинг учун ҳам соҳибқирон уни валиахд қилишни кўнглидан ўтказиб қўйди.

Хитой сафари арафасида Темур Кониғилда, Ҳиндистонга юриш бошлашдан аввал, 1397 йили, Тўқал хонимга атаб қурдирган Боғи дилқушода, катта тўю томошо ва қурултой ўтказишга қарор қилди. Тўйга Мироншоҳ, Шохрух ҳамда Умаршайх мирзонинг ўғли Мирзо Искандардан бошқа барча шахзодалар, нўёнлар, доругалар, калонтарлар, аҳли савдо; Бердибек, Ҳудайдод Хусайний, Додмалик, Пирмуҳаммад Тогой Буқо, Шохмалик, шайх Нуриддин, Саодат Темиртош сингари нуфузли амрлар чақирилди. Тўйга Ифранж (Испания), Хитой, Ҳиндистон, Рум, Зобулистон, Ироқ, Шом (Сурия), Миер, Олтин Ўрда, Сақлаб (Россия) ва бошқа мамлакатларнинг Самарқандга келган элчилари ҳам таклиф этилди. Тўю томошалар 807 йил раби ул-аввал ойининг биринчи куни (1404 йилнинг 7 сентябрь куни) бошланиб қирқ кун давом этди. Тўй охирида Шохрухнинг фарзандлари Улугбек билан Иброҳим Султон, Мироншоҳнинг ўғли Ижил мирзо, Умаршайхнинг ўғиллари Сиди Аҳмад билан Пирмуҳаммад, шулар қатори Мирзо Бойқаро ҳам уйлантириб қўйилди. Улугбекка марқум Муҳаммад Султоннинг қизи Ўғай бегимни олиб бердилар.

Кониғилдаги тўю томошалар поёнига етгач, Темур шаҳарга қайтди ва Сароймулк хонимнинг жомеъ мас-

жидида тўхтаб Хитойга қилинадиган юриш ҳақида махфий кенгаш ўтказди. Кенгашда бу катта юриш икир-чикиригача муҳокама қилинди. Шундан кейин Темур улус амирлари ва доругаларга бетўхтов эл-юртларига бориб лашкар тўплаш, қурол ва аслаҳа, от-улов ҳамда бир ойга етадиган озиқ-овқат жамғаришни буюрди. Умумий сафарбарлик ҳақида битилган фармонлар билан тевақатрофга жарчилар ва тавочилар жўнаб кетишди. Шундан кейин шахзодалар, амирлар ва ҳукмфармолар мавқеъ ва мансабларига яраша қимматбаҳо саруполар, мураассаъ шамшир ва ханжарлар, тилло ва кумуш камар, мураассаъ эгар-жабдуқ урилган арғумоқлар, нақдиналар билан сийланиб, юртларига қайтишга ижозат олдилар. Ўша йилида Улугбек билан Иброҳим Султонга улус инъом қилинди. Улугбекка Сайрам, Янги, Ашпара ва Жете, Иброҳим Султонга эса Андижон, Ахсикат, Тароз, Қошғар ва Хўтан вилоятлари тегди. Лекин, бу вилоятларнинг баъзи бирлари масалан Мўғулистон билан Қошғар ўша вақтларда ҳали Темур давлати таркибига кирмас эди. Уларни маъна шу бўлажак ҳарбий юриш вақтида забт этиш мўлжалланганди.

Темур ўша кунни хорижий мамлакатлардан келган элчиларни ҳам қабул қилиб, уларни ҳам анвойи инъомлар билан сийлади, қўлларига олий ҳукмдорларига аталган совга-саломлар ҳамда умуман дўстона руҳда битилган мактубларни ҳам тутқазиб ва ўз элчисини ҳам қўшиб, юртларига кетишларига ижозат берди. Лекин, Хитой элчилари Анъ Чжидао билан Го-Цзинни тутиб қолди. Темур ва унинг яқинлари қанчалик сир тутмасинлар, бари бир катта урушга, Хитой устига юришга зўр ҳозирлик кўрилаётганини пайқаш қийин эмасди. Буни Хитой элчилари ҳам сезишган; албатта. Темур буни ҳисобга олмасдан иложи йўқ эди...

Темурнинг кенгаш ва қабул маросимларида катта хотинларидан бошқа, ўғиллари ва набиралари ҳам қатнашардилар. Масалан, хижрий 806 (1403) йилдан бери Самарқандда меҳмон бўлиб турган зот — Испания қироли Генрих Шининг (1379—1406) элчиси Рью Гонсалес де-Клавихо 1404 йил ёз кунларининг бирида Боғи дилкушодаги қабул маросимида ҳам, Сароймулк хоним жомеъ масжидида ўтган қабул маросимида ҳам тўрт нафар ёш шахзода иштирок этганини айтади. Клавихо Боғи дилкушода ўтган қабул маросимини бундай ҳикоя қилади: «Эшик оғалар бизни икки тарафи гулзор, устига қизил

қум сепилган йўлқадан богнинг қоқ ўртасида жойлашган қасрга қараб етаклаб бордилар. Қасрга яқинлашганимизда унинг олдида турли-туман рангда товланиб турган фаввора ва унинг ёнгипасидаги барваста чинор тагидаги тевараги мрамр ланжарали катта супада адрас тўшак устида, парёстикқа ёнбошлаб ётган Темурга кўзимиз тушди. Эгнида зарбоф ятак, бошида лаъл ва дурру жавоҳирлар қадалган тоқия... Шу ерда бизни — мени ва Темурнинг биз қолмасдан бурун Кастилияга юборган элчисини қоровуллар тўхтатишди. Сарой беги подшоҳга аталган совғасаломимизни шу ерда қўлимиздан олди. Шундан кейин эшикога имо-ишора билан бизни олдинга бошлади. Супага ўн-ўн икки қадам қолганда, йўлканинг икки тарафида жойлашган қатор супалар рўпарасида қоровуллар бизни яна тўхтатишди. Аста атрофга кўз ташладим. Супаларда тўрт нафар ёш шаҳзода ўлтирган экан. Эшикога бизни улардан ёш жиҳатдан каттароғининг олдига етаклаб борди. Кейин билсам бу Темурнинг жияни экан. Биз унга икки букилиб салом бердик. Супаларда ўлтирган бошқа шаҳзодаларга ҳам шу тариқа таъзим бажо келтирдик. Булар — Темурнинг набиралари экан. Шаҳзодалар супадан тушиб қўлимиздаги мактубни олдилар ва подшоҳнинг олдига элтиб қўйдилар...» Хўш, элчини қарши олган бу шаҳзодалар асли ким бўлди экан? Дарҳақиқат, эски китобларда Темур ўтказган қабул маросимларида унинг катта хотинлари ва набиралари ҳам иштирок этгани айтиладию, лекин кўпинча уларнинг номлари келтирилмайди. Менимча, бу ердаги шаҳзодаларнинг каттаси амирзода Султон Ҳусайн, қолганлари эса Улугбек, Иброҳим Султон, Муҳаммад Султоннинг ўғли Жаҳонгир мирзо эканлиги шубҳасиз. Уша вақтда Улугбек билан Иброҳим Султон ўн ёшда, Жаҳонгир мирзо эса саккиз ёшда эди. Шунга қарамай, Темур уларга бошқалардан кўра кўпроқ илтифот кўрсатар ва ҳамиша ёнида бирга олиб юрарди.

Сароймулк хоним жомеъ масжидида ўтказилган кенгашдан кейин Темур арк ичида жойлашган ва Кўксарой деб шуҳрат топган тўрт қаватли мустаҳкам ва маҳобатли қасрга кўчиб ўтди. Деворлари тўқ кўк мрамр билан қоплаган бу қаср Амир Темур замонида ҳам, унинг ворислари даврида ҳам муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган жой сифатида хизмат қилди. Унда давлатнинг бош хазинаси ва қурхона жойлашган эди. Кўксарой давлатнинг маҳсуе қамоқхонаси ҳам ҳисобланарди ва унга кўпроқ давлат жинойтчиси деб топилган маҳбуслар қа-

малар ва ўша ерда қатл этилардилар. Қасрнинг яна бир қанотида подшоҳнинг хос қорхоналари жойлашган бўлиб, бу ерда қилнч, пайза, ўқ, совут, жиба, тура, зирех, ҳафтон, табарзин ва баргуствон сингари қуроллар ясаларди. Амир Темур дастлаб қурол-аслаҳа оғборларини бирма-бир кўздан кечирди, сўнг қўрбошига бўлажак ҳарбий юриш муносабати билан керакли фармойишларни берди...

Ўша йили (1404—1405) куз ҳам, қиш ҳам анча қаттиқ келди. Ноябрь ойининг бошларида Темур амир Бурундукни чақиртириб, Шохрухия, Тошкент, Ясси ва Сабронга тўпланган лашкарнинг умумий сонини аниқлаш, уларнинг қандай қуролланганлиги, угрукқа тўпланган от-улов ҳамда озиқ-овқатни тафтиш қилишни буюрди. Амир Бурундук кўли остидаги ҳисобчилар ва лашкарнавислар билан бу ишни ой охиригача воёнига етказди. Ҳисоб-китобдан Мовароуннахр, Туркистон, Хоразм, Балх, Бадахшон, Хуросон, Сеистон, Мозандарон, Рум ҳамда Эрон заминидан кўчирма қилинган қора тоторлар билан кўшилиб, 200минг суворий ва пиёда аскар, бир неча минг харвор ғалла, етарли қурол-аслаҳа, ҳар бир суворийга икки бошдан от жамланганини маълум қилди. Лекин, ҳар бир сипоҳий ўзи билан бирга олиб келган озиқ-овқат ва улуфа фақат ўн кунга етарди, холос. Қолганини ўша вақтдаги тартиб-қондага кўра, кўшин қишлаш учун тўхтаган ерига теварак-атрофдаги жойлардан тўплаб келинарди. Аҳолидан лашкар аҳтиёжи учун ундириладиган бу фавқулодда солиқ тоғор деб аталарди. Озиқ-овқат ва ем-хашакнинг қолган қисмини юриш давомида йўл устидаги узоқ-яқин юртларни талаш йўли билан тўпланарди. Бу тартиб-ўйсин юртовул (юрт овлаш) деб аталарди. Йўл-йўлакай вақти-вақти билан ўтказиладиган овнинг аҳамияти ҳам катта эди. Ов ҳам ўзига хос кўрик бўларди, ҳам маълум миқдорда озиқ-овқат жамғариб олишга ёрдам берарди.

Кўксаройда ўтказилган ҳарбий кенгашда Хитойга юришни 1405 йилнинг баҳорида бошлашга қарор қилинди. Ўшанда ҳар бир кўшунот, тумонот, ҳазоражот ва садажотнинг юриш вақтидаги ўрни ҳам аниқланиб, қишлоқ жойлар тайин қилинди. Амирзода Халил Султон билан амирзода Аҳмад, баранғор амирларидан Худайод Хусайний, Шамсиддин Аббос ва бошқалар билан Шохрухия, Тошкент ва Сайрамда, амирзода Султон Хусайн жавонғорнинг бир қисми билан Ясси ва Сабронда, Темурнинг ўзи невараларни Улугбек, Иброҳим Султон, Жаҳонгир мир-

зо ва амирлардан Бердибек, Шоҳмалик, Шайх Нуриддин, Сарибуга ва хожа Юсуфлар билан Оқсулотда қишлайдиган бўлишди...

Ниҳоят юриш фурсати етиб келди. 807 йил жумади ул-аввал ойининг 23 паникшапба куни (1404 йил 27 ноябрь) мунажжими хос мавлоно Бадриддин соҳибқироннинг амри билан зоижа тузиб сафар вақтини белгилади. 28 ноябрь куни эрта билан Самарқанддан чиқдилар ва Оқсулотга — қишлов манзили сари юзландилар. Қорабулоқ, Илон ўти ва Томлиқ орқали Оқсулотга келиб тушдилар. Темур режага кўра қишнинг бир қисмини шу манзилда ўтказишга қарор қилди. Эртаси куни «Қўшунотнинг барангор ва жавонгорига тайин этилгон шаҳзодалар ўз ўринларини эгалласунлар, амирлар қўшунот, туманот, ҳазаражот ва садажот аҳволидин воқиф бўлиб турсунлар», деган фармони олий эълон қилинди. Фармонга биноан Халил Султон Тошкентга, амирода Султон Ҳусайн Саброн ва Ясси тарафга жўнаб кетдилар.

Темур Оқсулотда эллик кун турди. Улуғбек, Иброҳим Султон ва Жаҳонгир мирзо ҳам боболари билан бирга шу ерда бўлдилар. Одатда кирчиллама қиш кезлари катталар бўш вақтини қору совуқдан қочиб пана жойларда, ўчоқ ёки гулхан теварагида ўтказсалар, болалар бунинг аксини қилишади. Улар паға-паға ёғиб турган қор ва совуқнинг ачитиб туришига парво қилишмайди. Кун бўйи кўча-кўйда ўйин билан овора бўлишади. Бироқ Оқсулотда Темур ва хотин-халаждан бошқа ҳамма бирон юмуш билан банд бўлди. Шаҳзодалар ҳам ишсиз қолишмади. Масалан, мирзо Улуғбек теварак-атрофдан олий ўрдуга бетўхтов келиб турган озиқ-овқат, кийим-кечак, уруш аслаҳалари ортилган араваларни, пода-пода от ва кўй-молни ҳисоб-китоб қилиш, уларнинг маълум қисмини соҳибқироннинг кўрсатмаси билан қанотларда турган шаҳзодалар ва лашкарга жўнатиш ишларида амир Бурундук барлосга қарашиб турди, бўш вақтларида китоб ўқиди, одатдагидек бобосининг хос мунажжими мавлоно Бадриддин билан баъзап кечалари, қор тиниб осмон ёришган пайтларда, совуқнинг шиддатига қарамай, ўзлари тушган Оқсулот беги уйининг томига чиқиб юлдузларнинг ўрни ва ҳаракатини кузатарди...

Икки-уч йил бўлдики, Улуғбек билан мавлоно Бадриддин жуда дўстлашиб қолишди. Мавлоно Улуғбекка ҳисоб ва тақвимдан дарс берарди. Самарқандда бўлган кезларида мавлоно Бадриддин бир куни шаҳзодани под-

шоҳнинг Кўксаройдаги хос кутубхонасига бошлаб борди. Катта хитойи хон устига уюлган китобларни диққат билан кўздан кечириб ўтирган китобдор мавлоно Ориф оёқ шарпасини эшитиб китобдан кўзини олди ва шаҳзода билан унинг муаллимини таниб, сапчиб ўрнидан турди ва икки кўлини кўксига қўйиб, салом берди.

— Марҳабо жаноблар, марҳабо! Қадамларига ҳасонат! — Китобдор «қайси тарафдин шамол учирди?» дегандай мавлоно Бадриддинга маъноли қараб қўйди.

— Шаҳзода бирлан бамаслаҳат сизни зиёрат қилмоқчи бўлди, мавлоно.

— Қуллуқ. Қани, тўрга марҳамат.

Китобдор меҳмонларни хон атрофига таклиф этди. Фотиҳа ўқилгач, ҳол-аҳвол суриштиришди, сўнг мавлоно Ориф меҳмонларга яқин орада кўчирилган мана шу хон устида турган китоблар ҳақида сўйлаб берди.

— Ушбу махтутот малик уш-шуаро Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си эрур. Они узогн йили Пирмуҳаммад Жаҳонгир жаноблари Ғазнидин юборгон нусхадин кўчирилгон.

Китобдор қўлёмани мавлоно Бадриддинга узатди, у китобнинг бошидап ва охиридан бир-икки варагини кўздан кечирган бўлди-да, сўнг уни Улуғбекнинг олдига қўйди. Улуғбек ажойиб хаттот, мусаввир, наққош ва саҳофнинг назик диди ва олтин қўллари билан яратилган бу китобни зўр иштиёқ ва ҳавас билан узоқ томоша қилди. Китобнинг қора чармдан ишланган муқовасига ҳам нафис босма нақшлар солинган экан, варақларидан эса кўз узиб бўлмас эди. Нафис шойи қозга сал майдароқ чиройли настаълик хати билан битилган эди. Шеърлар тилла ва ҳаворанг бўёқлар билан тўрт қатор қилиб чизилган устунлар орасига жойлаштирилган, чети олтин ва зангори чизиклар билан ўралган, сарлавҳалари қизил ва ложувард сиёҳ билан ёзилган... Китобдор мирзога муқоваси саҳтиён қизил теридан ишланган яна бир китобни ҳам келтириб кўрсатди. Унинг нақши, безаклари «Шоҳнома» никидан ҳам бадиъароқ эди. Улуғбек унинг ҳар бир варагини диққат билан бирма-бир синчиклаб қараб чиқди. Мавлоно Бадриддин билан китобдор боланинг хаёлини бўлиб юбормаслик учун то у китобдан кўзини олмагунга қадар гап қўшмай сукут сақлаб ўтирдилар.

— Қалай, мирзом, махтутотлар сизга маъқулми? —

китобдор тавозеъ ва меҳрибонлик билан Улугбекка назар ташлади.

— Маъқул, тақсир. Аммо бундоқ зўр ва ажиб китобларни ёзгон одам бирон кўринадургонроқ ерга ўз исмини ёзиб қўймабдур-да.

Мавлоно Бадриддин билан китобдор бир-бирларига маъноли қараб олишди. Улар боладаги тажрибасизликдан ажабланмадилар, албатта, балки унинг шу ёшдан туриб кўп нарсаларни билиб олишга бўлган иштиёқидан, синчковлигидан таажжубландилар. Китобдор «шогирдларининг истиқболи зўр-ку», дегандай қилиб мавлоно Бадриддинга астойдил қараб қўйди. Кейин китобларни мирзо Улугбекка қисқа қилиб тушунтирди.

— Дастлабки кўргонингиз, мирзом, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» си эрур, кейингиси эрса озарларнинг улуг шоирларидин Низомий Ганжавий жанобларининг қаламларига мансубдир.— Китобдор Улугбек миразога қўл қовуштириб таъзим қилди ва унинг янги фармойишини кутди. Шу тариқа ҳар иккалалари ҳам нима дейишларини билмай бир неча дақиқа туриб қолдилар. Жимликни мавлоно Бадриддин бузди.

— Мирзо жанобларининг риёзиёт ва илми нужумга ҳам рағбатлари кўпдур. Шундоғ китоблардин яна бўлса кўрсатсалар.

Китобдор париги хонага кириб кетди ва ҳаял ўтмай уч-тўрт китобни дасталаб кўтариб чиқди, хон устидаги китобларни бир четга суриб, уларни Улугбекнинг олдига қўйди. Лекин бу китоблар Улугбекда қизиқиш уйғотмади, чамаси. Безаксиз, фақат мати орасида у ер-бу ерида қандайдир чизиқлар ва белгилар ёзилган китобларни бир зумда қараб чиқди ва китоблар тахини текислаб яна китобдорга тикилди.

— Мана бу китоб,— деди мавлоно Ориф китоблардан бирини қўлига олиб,— бундин, валлаху аълам, тахминан олти юз йил муқаддам ал-Фаргоний тарафидин битилгон «Китоб фи жавомеъ илм ан-нужум ва усул ал-ҳаракат ас-самовия» («Юлдузлар ҳақидаги илм билан осмон ёритгичлари ҳаракатининг асосини (бир-бирига) қўшувчи китоб») дир. Юлдузлар ва осмон ёритгичларининг ҳаракатини ўргатғувчи фойдали китоб.

Бошқа китобларнинг маънисини қисқа тарзда мавлоно Бадриддиннинг ўзи тушунтирди.

— Мана буниси эрса Аҳмад ибн Абдулло Марвозийнинг «Зиж ас-сағир»и, бунисин мавлоно Носириддин

Тусийнинг «Зижи жадиди элхоний» китобидур.

Улугбек бу китобни устозининг қўлидан даст юлиб олди ва кўзларига суртди. У бу китобни илгари кўрмаган бўлса ҳам бир вақтлар Марогада бўлганда бобосининг қиссахони Носириддин Тусий ва унинг расадхонаси ҳақида айтиб берган ҳикояси эсига тушди.

— Тангри таоло насиб этса биз ҳам Самарқанди фирдавсмонандда ўшандоқ расадхона қурурмиз.

Мавлоно Бадриддин ҳам, китобдор ҳам боладаги бу ишонч ва қатъиятдан аввал таажжубландилар, кейин унга таҳсин ўқидилар.

— Илоҳим мирзоим мурод-мақсадларига етгайлар, омин! — Мавлоно Бадриддин қўлини дуога очди. Китобдор билан Улугбек ҳам қўл кўтардилар.

Китобдор боладаги илмга зўр ҳавас ва иштиёқни пайқаб кутубхонада сандал дарахтидан ясалган ва қатор-қатор қилиб қўйилган сандиқларнинг сирю асрорини унга очди. Ҳақиқатан ҳам Темурнинг кутубхонаси жуда бой эди. Унда барча фанларга: илоҳиёт, ҳадис, тарих, жуғрофия, фалсафа, фикҳ, тибб, фалакиёт, риёзиёт ва бошқа фанларга оид китоблар сақланарди. Шу-шу Улугбек китобдор Ориф ҳузурига тез-тез келадиган бўлиб қолди. Кейинги бир йил ичида у бобосининг бой кутубхонасидан чиқмай қўйди. Улугбек Хоразмий, Бузжандий ва Носириддин Тусийнинг китоблари билан мавлоно Бадриддиннинг ёрдамида ўша вақтлардаёқ танишиб олди. Беруний билан Умар Хайёмнинг китобларини Хитой юришига ўзи билан бирга олиб кетди. Оқсулот ва Ўтрорда турган кезлари «Зижи Маликшоҳий»ни бир оз мутолаа қилди-ю лекин Берунийга вақти етишмади...

Осмон ҳали жади буржидан олмаган, совуқ бўш келмасдан тамом мавжудоту махлуқотни қақшатиб турарди. Деярли ҳар куни қор ёғарди. Шунга қарамай, Темур жумади ул-охирнинг 21 куни Оқсулотдан кўчиб Ўтрор сари юзланди. Оқсулотдан Узун отага, ундан Суткандга, у ердан Қамаршо отага бордилар ва, ниҳоят, Султоншайх ва Зарнуқни босиб ўтиб, Сайхуннинг сўл қирғоғига чиқиб олдилар. Бир неча кундан бери совуқ ўчакишгандай яна ҳам зўрайиб, қор тиним билмай ёғарди. Баъзи одамларнинг қўл-оёғини совуқ олди, чорполарнинг анчаси йўлда ҳалок бўлди. Шу қишда Сайхуннинг сатҳи ҳам дурустгина яхлади. Олдиндан юборилган гажарчилар тафтишу текширишлардан кейин яхнинг қалинлиги икки-

уч газга етганлигини аниқладилар. Бу, албатта, одамлар, от-арава ва чорполарни Сайхундай дарёйи азимнинг нариги соҳилига олиб ўтишдек мушкул ишни бирмунча енгиллаштирди. Қисқаси ўша қишда қавс бошидан то хутнинг охиригача Жайхундан ҳам, Сайхундан ҳам одамлар ва карвон ях устидан қатнади. Олий ўрду ях устига ташланган наमत ва гиламлар устидан ўтди. Дарёнинг ўнг соҳилида Амир Темур ва унинг ҳамроҳларини Ўтрор ҳокими Бердибек бошлиқ шаҳар аъёнлари, шунингдек Ясси ҳокими Арслонхожа тархон ва Туркистоннинг кўзга кўринган машойихлари ва зодагонлари катта совға-саломлар билан қарши олишди. 807 йил ражаб ойининг 12 кунин, чоршанбада (1405 йил 13 январь) улар Бердибекнинг қасрига келиб тушдилар. Ўша кунин Бердибек олий мартабали меҳмонлар шарафига катта тўй ўтказди. Бердибек ва Ўтрор ҳамда Туркистон амирлари соҳибқирон ва шаҳзодаларнинг бошидан халта-халта нисор сочдилар, уларнинг елкасига заррин чопонлар ташладилар, наслдор отлар ва бошқа камёб нарсаларни инъом қилдилар.

Темур Ўтрорда бир ойдин кўпроқ турди, гулдаги кўшинлари эса Ўтрор теварагидаги қишлоқларда кун кечирдилар. Ўша кунлари лашкар ҳам қийналди, раиятга ҳам осон бўлмади. Айниқса лашкар тушган қишлоқларнинг халқи кўпроқ қийналди. Ахир кўп сонли лашкарга кўноқ бериш, уни от-улови билан боқишнинг ўзи бўлармиди.

Темур бирин-кетин юборган чопарлар лашкарга бирон қоп ун у ёқда турсин, битта кулча ҳам олиб бормасди. Уларнинг вазифаси фақат Сайрамда аҳвол қанақа, Қулонбоши довоига тушган қорнинг қалинлиги неча найзага борган, лашкарнинг умумий кайфияти қандайлигини билиб келишдан иборат эди, холос.

Темур бетоблигига қарамай, амирлар ва вазирлар билан тез-тез кенгаш ва йигинлар ўтказар, яқин орада бошланажак ҳарбий сафар билан боғлиқ бўлган масалаларни қайта-қайта муҳокамага ташлар эди. Кенгашлардан баъзиларида Темурнинг ўз одамларидан бошқа Чингизхон авлодидан бўлган ўғлонлар, масалан, Жўчихоннинг авлоди Тоштемир ўғлон, Тўхтамишхоннинг ўғли Чехра ўғлон, Ўқтой қоснинг авлоди Тойзи ўғлон ва унинг қариндоши Гадоёхон ҳам иштирок қилардилар. Улар одатда Улуғбек, Иброҳим Султон ва Муҳаммад Жаҳонгир мирзодан кейин соҳибқироннинг сўл қўлидан жой олардилар. Чингизий ўғлонлар ўз қўшини билан Темурнинг

ушбу юришида иштирок қилишга сўз беришган ва жаҳонгирнинг ўзи бош бўлган гулга бириктирилган эди. Ишнинг кўзини билган жаҳонгир катта мақсадни кўзлаб чингизийларни атрофига йиққан ва уларга мулозамат қилаётган эди. Бу билан у ўзини бир вақтлар бутун жаҳонни титратган Чингизхоннинг қонуний вориси қилиб кўрсатмоқчи, бир вақтлар Чингизхон ва унинг авлоди тасарруфида бўлган тамом Мўғулистон, Қошғар ҳамда Хитойга ҳам даъвогар бўлаётган эди...

Лекин, бу сафар улуг жаҳонгирнинг омади чопмади. Унинг Хитойга юриши бошланмасдан барбод бўлди. 807 йил шаъбан ойининг 10 куни (1405 йил 11 февраль) Темур тўсатдан қаттиқ оғриб қолди. Уша вақтлардан қолган тарихий китобларда унинг хасталик сабаблари, касалининг номи ҳақида очиқ бир нима дейилмаган. Тарихчи Гийёсиддин Али жаҳонгир Ҳиндистон юриши вақтида бетобланиб қолганлиги ва қайтишда уни тахтиравонга солиб кўтариб келганларини айтади. «Зафарнома» муаллифи «соҳибқиронни ўша кезлари кўп касалик чулғаб олган эди», деб ёзади. Ҳарқалай бу хасталик Темур учун сўнггиси эди. Бунга олий ўрдудагиларнинг кўпчилиги ишонч ҳосил қилганди. Ҳозики замон мавлоно Табризий подшоҳнинг муолажасида кўп тиришди, ҳаракат қилди, лекин нафи бўлмади. Беморнинг аҳвали кун сайин, балки соат сайин оғирлашиб бораверди. Лекин Темур асло ўлишни истамасди. Бир куни у яқин орадаги барча табибларни тўплади, нурсиз кўзларида «не бўлса ҳам мени шу балодан қутқаринг», деган ёлвориш аломатлари намоён бўлди. Лекин, энди унга ҳеч ким ёрдам беролмади. Ўлганнинг устига кўмган бўлиб, табиблар беморни кўриб кетган кечаси, ярим тунда, тасодифми, қонуниятми, Темур ётган хопанинг шипига мўридан ўт туташиб ёнгин чиқди. Беморнинг ёнида мижжа қоқмай ўтирган унинг суюкли кичик хотини Чўлпон Малик дод солиб аҳли саройни оёққа тургизди. Беморни дарҳол бошқа хонага кўчириб олиб ўтиб қўйдилар, ўтни ҳам бир илож қилиб ўчириб олдилар. Лекин ҳамма саросима ва тараддудга тушди, айниқса Темурнинг кайфияти бузилди. Темур шу вақтнинг ўзидаёқ мавлоно Бадриддинни чақиртириб, имо-ишора билан: «Бу не нарсага ишорат?» — деб сўради. Мунажжим аввалда бир қадар ўзини йўқотди, нима деб жавоб қайтаришни билмади. Қадимдан қолган ақидага кўра ҳар одамнинг ўз юлдузи бўлган, юлдузнинг осмондан узилиб тушиши — умрнинг битганлигига ишора. Буни Те-

мур ҳам, мунажжим ҳам яхши биларди. Бу сафар Темур хос мунажжимни шунчаки бир имтиҳон қилган бўлса керак. Мунажжим ўзини қўлга олди ва соҳибқиронни овутишга ҳаракат қилди. «Парвардигори оламнинг карами кенг», деб кўя қолди у. Шу пайт беморнинг оёқ тарафида турган Улугбек мирзо бундан ўзинча хулоса чиқарди.

«Жади юлдузи бобом ётгон хонанинг томига қулаб тушмадими эркан?» У сарой мунажжимларидан ҳам, бобосининг ўзидан ҳам Темурнинг толе юлдузи мана шу Жади юлдузи эканлигини кўп маротаба эшитган эди...

Бора-бора Темурнинг ўзи ҳам соғайиб кетишга кўзи етмай қолди. Шинга термилиб ётган кезлари бир умр от устида қилич чопиб кечирган бутуп ҳаёти кўз ўнгидан бирма-бир ўтди. Мовароуннаҳрда феодалларнинг бошбошдоқлигига барҳам бериб, эл-юртда тинчлик ўрнатгани ва бу билан қосибу деҳқоннинг тинч меҳнат қилишига бир қадар имкон яратгани, хунарамандчилик ва савдосотикқа ривож бергани, шаҳарлар ва боғу роғлар барпо қилгани, Мовароуннаҳр билан Озарбайжонда қайта тиклатган шаҳарлари, қазитган каналларини эслаганда бир оз таскин топгандай бўлди. Лекин ўз юртида ҳам, ўга юртларда ҳам қилган қирғинларини, айниқса Исфаҳон ва Сабзаворда беғуноҳ кесилган бошлардан кўтартирган қалламинорларни эслаганда, Деҳли остонасида турган вақтида минг-минг ҳинд асирини ўлимга маҳкум қилгани эсига тушганда баданини титроқ босиб, совуқ терга ботди, қилган ишидан бир қарра пушаймон еди, лекин астойдил тавба қилмади... 15 февраль куни хотинлари, нақиб, қози аскар ва катта амирлари: Бердибек, Сарибуго, Шайх Нуриддин, Шоҳмалик ва хожа Юсуфларни хузурига чақиртириб, сўнгги иродасини эълон қилди:

«Куним битгонга ўхшайдур. Сизларни таңгри таоллонинг лутфу марҳаматига тобшурдум. Асло оби дийда қилиб ўлтурманглар, андин не фойда? Э, аттанг. Тамом Эрону Туронни забт этдим, бечораларга озор еткурдим. Онинг учун таңгри таоло гуноҳимни кечурсун. Лекин уни раият ва эл-юрт омонлиги учун деб қилдим. Жаҳоннинг этагидан золимларнинг тааррузлик илкени юлб ташладим, билъакс дунё менга бевафолик қилди, у сизларга ҳам вафо қилмас. Не бўлса ҳам эл-юрт осойишталиги учун деб қилинган ишлар қиёмат куни кечирилур. Улуғ фарзанд Пирмуҳаммад Жаҳонгирни валиаҳд қилдук. Самарқанд тахтинини анго топшурдук. Эмди борчангиз ул

хумоюн тобеълик шахзодага тобеъдуренилар, анго тобеълик ва итоткорлик ҳалқасини бўйинга оёуб, хизматворлик камарини белга боғламоғини лозимдур. Ҳаммавақт, ҳар жойда у билан бир тану бир жон бўлунглар».

Шу гапларни айтиб, у бир неча дақиқа сукутга кетди, сўнг яна ўзига келиб бошқа амирлар ва вазирларни ҳам чақиртиришни буюрди:

— Менинг васиятларимга, содиқмуз, деб қасам ичинглар.

Соҳибқироннинг эшитилар-эшитилмас айтган бу гапларини бош тарафида ўтирган Шайх Нуриддин билан Шоҳмаликдан бошқа ҳеч ким эшитмади.

Ҳамма тўплангандан кейин Шайх Нуриддин билан Шоҳмалик ҳаммани тиз чўктириб қасамёд қилдирди. Дуо ва фотиҳадан кейин йиғилганлар ўрнидан туришди. Лекин, ҳамма чиқиб кетди-ю, Шайх Нуриддин билан Шоҳмалик нимагадир остонада бир неча дақиқа туриб қолдилар, сўнг ўғрилиб беморга бир назар ташладилар, кейин ташқарига чиқдилар. Темур уларнинг бошқалардан сир тутган бирон гаъи борлигини пайқади ва оёқ тарафида турган Улугбекка: «Аларни қайтариб кел!» — деб имо-ишора қилди. Лекин Улугбек уқмади. Хаёл қуши унинг эс-хушини аллақаяқларгадир олиб кетган эди. У шу вақтгача ота-она меҳрини билмади, шу ногирон чол билан унинг саховатли кампирининг иссиқ бағрида униб-ўсди, вояга етди. Наҳотки энди ундан ажралиб етим бўлиб қолса? Тўғри, унинг туққан ота-онаси бор, улар ҳали ҳаёт. Онаси Гавҳаршод бегимни Улугбек бор-йўғи икки ой эмган, холос. Шухратпараст, соҳибжамол онасини Улугбек яхши туслайди. Лекин дилда Сароймулк хоним билан эди... Улугбек яқин орада юз бериши мумкин бўлган фожияни пайқаб, чуқур ўй-хаёлга ботган эди. Шаҳзоданинг хаёлини Сароймулк хоним бузди:

— Улугжон, сизни бобонгиз чорлайдурлар. Шайх Нуриддин бирлан отакангизни айтуб келинг.

Улугбек ўзига келди, бобоси билан унинг бош тарафида ўлтирган катта онасига кўл қовуштириб салом берди, сўнг ташқарига чошиб чиқди. Кўп ўтмай тилга олинган амирлар кириб келишди. Темур уларни: «Ўлтиринглар!» — деб имо-ишора қилди, сўнг бўғиқ овоз билан сўради: «Тақсирларимнинг яна не сўзлари бор?»

Амирлар бир-бирига қараб олишди, сўнг Шоҳмалик тавозе билан арз қилди:

— Халил Султон билан Султон Ҳусайнларни чақир-

тирсақмикан, аъло ҳазрат? Валиаҳд борасидаги гапларни алар ҳам подшойи оламининг муборақ огизларидан ўзлари эшитсалар.

— Вақт ўтди, аммо Шоҳрухни бир кўргум бор эрди.

Темур кўзларини юмиб олди. Маълумки, Конидаги тапталалар арафасида Бердибек, Шайх Нуриддин ва Шоҳ-маллик Газнидан Пирмуҳаммад Жаҳонгири ва Хуросондан Шоҳрухни ҳам қурултойга чақиртиришни таклиф қилганларида, Темур Пирмуҳаммаднинг келишига розилик бердию, аммо Шоҳрухни чақиртиришни маъқул кўрмаган эди. Ушанда у: «Ироқ бирлаи Озарбайжоннинг тинчлиги Шоҳрухнинг Хуросонда бўлишлигини тақозо этадур», деб қўя қолган эди.

16 февраль куни эрталаб амирлар, имом, нақиб, қози аскар ва аҳли сарой соҳибқироннинг ҳузурига одатдаги саломга кирдилар. Лекин бугун, бахтга қарши, у тамом тилдан қолганди. Фотиҳа ўқилгандан кейин ҳамма имомга эргашиб подшони узундан-узюк дуо қилди. Соҳибқирон қандайдир тушкун бир кайфиятда тўпланганларнинг ҳаммасини бирма-бир кўздан кечирди, сўнг нималарнидир шивирлай бошлади. У нималарнидир айтмоқчи бўлди, муддаосини ҳеч ким уқмаганини фаҳмлаб чап кўлини сал кўтариб, олдин-кейин аввал кўрсатгич, сўнг ўрта бармогини ёзди... Саломдан чиқишгач, айвонда бу ҳолни ҳар ким ўз билганича таъбирламоқчи бўлди, Лекин, илми зўр, мартабаси улугроқ зотлар огиз очишга улгурмай, Темур саройида «Вотвот мунажжим» ёки Еркиндик номи билан таниқли айгоқчилар бошлиғи Ҳифзулло ўзича бидирлаб кетди:

— Подшойи олам, Рустамн достон, Искандари соний, соҳибқирони муаззам Амир Темур Кўрагон жаноби олийлари у дунёю бу дунёга ҳукмфармодурлар. Шу бонедан ул жанобнинг зоти шарифлари у дунёю бу дунё боқийдир. Муборақ икки бармоқларини ёзиб кўрсатгонлари шунга ишорадур.

Имом ҳам, бошқалар ҳам соҳибқироннинг бу ишорасининг асл маънисини яхши англаган бўлсалар ҳам бор гапни айтишдан бир оз чўчидилар. Улар айгоқчидан ҳадиксирадилар. Шу сабабдан «Вотвот мунажжим»нинг таъбирини бош иргаб шунчаки тасдиқлаб қўя қолдилар...

Мирзо Улугбек калласи катта, кўллари тиззасидан бир қарич пастга тушиб турадиган олақўз майиб-майрик бу одамни ёқтирмас эди. Уни илгарилар ҳам бир неча

бор кўрганди. Хамма тарқалгандан кейин устози мавлоно Бадриддиндан унинг асли ва насл-насабини суриштирди. Мавлоно Бадриддин бошда ўзини гапдан олиб қочди, лекин бари бир бўлмади. Шаҳзода оёқ тираб туриб олди. Шундан кейин «Вотвот мунажжим» ҳақида эшитган билганларини қисқа қилиб сўзлаб берди:

— Ул зотнинг асли ва наслу насабини аниқ билмайдурмен. Баъзилар уни марвлик десалар, бошқа бировлар Мултондин деб айтадурлар. Локин қавми жўгийлардин ва чайқовчи табаасидин эркандур. Бир вақтлар Хири ҳукмдори карт подшоҳзодаларидан Пирмуҳаммаднинг хизматида бўлгон эркан. Пирмуҳаммад асир олинув Самарқандга олиб келинғоч, чақимчилик қилиб, онинг ҳақида баъзи бўҳтон гапларни Мироншоҳга еткизув, Пирмуҳаммаднинг ўлимига сабабчи бўлгон эркан. Ушбу ва бошқа хизматларини инobatга олув, мирзо Мироншоҳ уни ўзи бирлан Табризга олиб кетгон ва бош айғоқчилик вазифасига таъини қилгон эркандурлар. Бора-бора ул зот Мироншоҳга ҳам хиёнат қилув, онинг устидан соҳибқирони муаззамга маълумотлар юбориб тургон эркан. Мироншоҳ ҳокимиятдин четлатилгон йили (1399) улуг бобонгиз «Вотвот мунажжим»ни кўп йиллик хизматларини кадрлаб, ўзларига бош айғоқчи қилув олгон эрканлар.

— Бўйи бир қаричлигиндин Вотвот аталиши маъқул ушбу еркиндикнинг, локин онинг мунажжим аталашини не боисдин?

Мавлоно Бадриддин бунинг маънисини ҳам шогирдига тушунтирди:

— Ул зотнинг «Вотвот мунажжим» аталишига сабаб шулким, аслида илми нуҷумга доҳиллиғи бўлмаса-да, бир оз ром очишни ўрганиб олув мунажжимларнинг ишига ҳам бурнини суқиб юриши туфайлидандур.

Мавлоно зукко ва синчков шогирдига яна бир қизиқ воқеани ҳам сўзлаб берди:

— Бундин валлоҳи аълам тахминан юз йил муқаддам Убайд Зоковий отлиғ киши ўтгон эркандур. Ул зот катта шоир ва соҳиби илм эркандурлар. Шоҳ Абу Исҳоқнинг ҳукмронлиғи замонида Шерозда таҳсил қилгон эрканлар. Айтишларича, Убайд Зоковий Форс ҳукмдори бўлмиш ўшал Абу Исҳоқнинг отига маоний ҳамда баён илмига мансуб бир рисола битгон эркандурлар. Они тақдим этмоқ ниятида саройга борса, эшикога они саройга киритмабдур, дебдурким, «саройга масхарабоз жаноблари

ташриф буюргонлар, подшоҳ айни шу пайтда онинг бирлан суҳбат қуриб ултирубдурлар». Эшикоганинг сўзларини эшитуб, Убайд Зоконий дебдурлар: «Наҳотки масҳарабозлик бирлангина султонга яқинлашмоқ муяссар ўлса? Масҳарабозлар мақбулу фозиллар хилватда хор-зор эрканда? Шундоқ бўлгоч подшоҳ ҳузурига яна бориш машаққатининг не зарурати бор?!» Ушандин кейин Убайд Зоконий шоҳ Абу Исҳоқнинг мажлисларига бормаи кўйгон эрканлар...

Мирзо Улуғбек бу тағдор гапнинг маънисига етди шекилли, қошларини чимириб мавлоно Бадриддинга ўқрайди.

— Узр, мирзом, улуғ бобонгиз масҳарабозлар бирлан суҳбат қилмайдурлар, алардин ҳазар қиладурлар, локин...

— Нима локин? — Улуғбек устознинг гапини шартта кесди.

— Локин айғоқчиларнинг хизматидин фойдаланадурлар, чунки аларсиз салтанатни идора қилиб бўлмас, дўсту душман аҳволидин бохабар бўлиш мушкул бўлса керак.

Улуғбек бошқа эътироз билдирмади. Мунажжим эса шогирдининг ўйланиб қолганидан фойдаланди ва унга мана бу насиҳатомуз гапни айтди:

— Локин айғоқчилар келтурган маълумотининг тўғри ёки тўғри эрмаслигини англаш бир қадар мушкул, мирзом. Аларнинг гапларини ақл тарозусида тортуб, сўнгра ҳукм чиқармоқ лозимдур...

Уша куни чошгоҳдан то ярим кечагача Темур беҳуш ётди. Хотинлар, шахзодалар ва амирларни ваҳима босди. Эртаси куни саҳар пайти у яна бир оз ўзига келди, кўзлари ёришиб, лаблари қимирлаб қолди. У нималарнидир шивирлай бошлади. Атрофида ўтирганлар бутун вужуди билан қулоққа айланиб унинг сўнги сўзларини илиб олишга интидилар:

— Мамлакат бирлан раиятнинг рифоҳияти хусусида нималар айтилгон бўлса ёдда тутинглар, раият аҳволидин гофил бўлманглар, шамширни маҳкам тутинглар. Эроғу Туронни эҳтиёт қилинглар. Мабодо орангизда ихтилоф чиқиб қолгундек бўлса, оқибати яхши бўлмас.

Темур бир зум оёқ тарафида йнглаб турган Улуғбек мирзога тикилиб турди, сўнг кўзлари юмилиб, яна ўзидан кетди. Энди ҳамма ундан умидини узди. Сароймулк хонимнинг имо-ишораси билан мавлоно Убайдулланинг ўгли мавлоно Ҳофиз Байтулло ичкарига чақиртирилди ва унга тиловат буюрилди...

Темур шу бўйи ўзига келмади ва 807 йил шалбон ойининг 17 куни (1405 йилнинг 18 февралда) шом билан хуфтон оралигида оламдан ўтди.

Темур вафот этгандан кейин у тузган улкан давлат ўзаро феодал кураш, фитна-фасод, исбилар исканжасида қолди. Марҳумнинг васиятлари васиятлигича қолди. Мурда ҳали совимай туриб, Темурнинг болалари тожу тахт таллашиб бир-бирига қилич кўтардилар.

Бердибек, Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин эртаси (1405 йил 19 февраль куни) наҳорликдан кейин Темурнинг хотинлари, Улугбек, Иброҳим Султон ва Муҳаммад Жаҳонгир билан яширин кенгаш ўтказдилар. Ҳозирча юз берган фожиани ошкор қилмаслик, марҳумнинг тобутини барча оғалар, Улугбек ҳамда кичик ёшдаги шахзодалар билан бирга амир хожа Юсуф, Али қавчин мутасаддийлигида, Али Дарвиш шиговул бошлиқ кўриқчи бўлинма ҳимоясида махфий суратда Самарқандга жўнатиш, Иброҳим Султон ва Ҳалил Султон бошчилигида Хитой устига юришни бошлаб юбориш, тожу тахт масаласини юришдан қайтилгандан кейин Самарқандда курултой чақириб ҳал қилишга қарор қилинди. Лекин, амалда ҳар ким ўз билганича иш тутди, амирларнинг ичган қасами қасамлигича қолди. Биринчи бўлиб қасамдан Темурнинг яқинлари кечишди. Шайх Нуриддин билан Шоҳмалик ҳам, Темурнинг бевалари ҳам васиятга хилоф равишда ҳокимиятни Шоҳрухга топшириш пайига тушдилар. Шунинг учун ҳам улар Темур вафотини Ҳалил Султондан ҳам, Султон Хусайндан ҳам сир тутдилар. Тошкент ва Яссига борган чопарлар шоҳзодаларга гапнинг ростини айтишмади. Фақат соҳибқироннинг оғир бетоб бўлиб қолганини хабар қилдилар, холос. Ҳиротга юборилган Шайх Темур қавчин эса Шоҳрухга бўлган гапни очиқ айтди. Шундан кейин Шоҳрух рамазон ойининг бошида (1405 йил 1 март куни) ўз номига хутба ўқитдириб, пул зарб қилдирди.

«Ойни этак билан ёпиб бўлмас», деганларидай, Темурнинг ўлимини ҳам яшириб бўлмади. Совуқ хабар тез орада Саброн билан Тошкентга ҳам етиб борди. Султон Хусайн қўл остидаги кўшинини ташлаб, минг чоғлик сара йиғити билан Самарқандга қараб от сурди. Ҳалил Султон ҳам фурсатни қўлдан бермади. Ҳаммадан аввал Самарқанд ҳокими амир Арғуншоҳ билан алоқа ўрнатди. Унинг Самарқандга юборган вакили Арғуншоҳ билан гапни бир жойга қўйиб қайтди. Амир Арғуншоҳ Те-

мурнинг жасади солинган тахтиравондан бошқа биров зотни шаҳарга киритмаслик ва пойтахтни Халил Султон етиб келгунча эҳтиёт қилиб туришга сўз берди...

Кўп ўтмай Хитойга юришни давом эттириш режаси ҳам чиппака чиқди. Темур вафотидан бир ҳафта ўтгандан кейин, 1405 йил 24 февраль куни чошгоҳда Иброҳим Султон билан амирлар отланишиб кўшин билан Ўтрордан чиқдилар, лекин ҳаммаси бўлиб бир тош йўл босдилар, холос. Улар Азуж ариғига бориб, Қулдурма кўприги олдида чодир тикдилар. Лашкар орасида бузилиш юз бермаслиги учун Амир Темурнинг туғи Иброҳим Султоннинг чодир қуббасига тикиб қўйилди. 19 февраль куни Тошкент билан Сабронга юборилган чопарлардан ҳар учала кўшин — Иброҳим Султон, Халил Султон ҳамда Султон Ҳусайн бошлиқ кўшинлар Чўқлик мавзеида кўшилиши ва у ёғига юришни биргаликда давом этдиражаклари айтиб юборилган эди. Бахтга қарши чопарлар нохуш хабар олиб келдилар: Султон Ҳусайн аллақачон кўшинни ташлаб Самарқандга қараб отланибди ва ҳаммадан илгари тожу тахтни кўлга киритиш пайига тушибди. Марҳум Умаршайх мирзонинг ўғли амирзода Аҳмад билан Худайод Ҳусайний, амирлардан Едгоршоҳ орлот, Шамсиддин Аббос, Бурундук барлос ва бошқалар билан тил бириктириб, Халил Султонни подшо кўтарибдилар. Бу хабар Иброҳим Султоннинг ёнидаги амирларни додиратиб қўйди. Охири улар ҳам Иброҳим Султон ҳамроҳлигида орқага қайтишга қарор қилдилар ва Темурнинг Хитой юриши ҳаражатлари учун ўзи билан бирга Ўтрорга олиб келган хазинасини ҳам олиб шитоб тарзда Самарқандга қараб юзландилар. Уларни шу қадар таҳлика босгандики, Сайхундан ўтишаётганда муз ёрилиб кетиб хазина ортилган уч туя сувга тарқ бўлди.

Иброҳим Султон ва унинг амирлари тобут билан бо-раётган оғалар ва мирзоларга (Улуғбек, Муҳаммад Жаҳонгир ва бошқалар) Оқсулотда етиб олдилар, уларга кўшилиб Самарқанд сари юрдилар. Шоҳмаликнинг таклифи билан, ҳар эҳтимолга қарши, жиба ва совутларини кийиб олдилар ва саф тортиб, жанговар тартибда йўлга тушдилар. Кўшиннинг ўнг қанотига амирзода Улуғбек билан амир Шоҳмалик, унинг сўл қанотига Иброҳим Султон ва Шайх Нуриддин бошлиқ этиб тайинландилар...

Амир Аргуншоҳ шаҳарга фақат тобут ортилган тахтиравоннигина киритди. Чорраҳа дарвозаси олдида келган

Шоҳмаликка эса Темурнинг сўнги иродаси билан Утрордан юборилган фармони олийни рўкач қилди ва: «Борлиқ шаҳзодалар иттифоқ бўлуб амиrhoда Пирмухаммад Шаҳонгирни подшоҳ кўтармагунларича бирон зот қалъага дохил этилмайду», деб жавоб қилди. Шоҳмалик Алиобод қишлоғига ҳазрати олиялари ва шаҳзодалар ҳузурига қуруқ қайтиб келди ва амир Аргуншоҳ билан бўлган гапларни бирма-бир баён қилди. Сароймулк хоним бир оз саросимага тушди, лекин Аргуншоҳ инсофга келиб қолишига умид боғлади.

— Бир умр тузумизни ичгон бу зотга бирон нарса бўлгондур. Агар уни шайтон йўлдан оздиргон бўлса ҳам инсофга келиб қолгай.

Бу гал Чорраҳа дарвозасига Шайх Нуриддин юборилди. Унга ҳам дарвозани очмадилар. Аргуншоҳ у билан девор устида туриб гапланди. Ҳар иккала амир узок бахслашдилар. Шайх Нуриддин уни силаб-сийпаб ҳам кўрди, дўқ-пўписа ҳам қилди, лекин уни тамом кўндиролмади. Аргуншоҳ озгина ён берди, холос.

— Қалъага ҳазрати олияларидин бошқа бирон кимсани киритмайдуرمىз, қолгонлар қаён борсалар инон-ихтиёрлари ўзларида.

Ҳар ҳолда оз бўлса ҳам ютуқ эди бу. Шайх Нуриддин шу хабар билан Алиободга қайтиб келди. Амирлар ҳазрати олиялари билан қисқа кенгаш ўтказишди. Улуғбек, Иброҳим Султон ва амирлар қўл остидаги аскарлари билан дастлаб Бухорога, у ерда туриш имкони бўлмаса Хуросонга, Шоҳрух мирзо олдига кетадиган бўлишди. Огалар эса қолганлар билан бирга Самарқандга боришни мўлжаллашди.

5 март куни Улуғбек билан Иброҳим Султон ҳазрати олиялари билан видолашдилар. Улуғбек билан Иброҳим Султон Бухорога, катта оналар эса порасида шаҳзодалар Бойқора, Ижил, Саид Ваққос, Суюрғатмишни олиб ўғруқ билан Самарқандга жўнаб кетдилар.

Бу видолашув айниқса Улуғбекка қаттиқ алам қилди. Бир умр бағрига босиб, иссиқ-совуқдан, замон ҳодисаларидан авайлаб-асраб вояга етказган бу кекса олийҳиммат аёл билан у энди қачон дийдор кўришади? Бу қайта насиб бўлармикан? Бу бевафо дунё уларни яна не кўйларга соларкин? Улуғбек шу хаёлга чўмганча тахтиравон ва ўғруқ то кўздан гойиб бўлгунча кўчанинг қоқ ўртасида қаққайиб турди.

Бухорога етганларича Улуғбек ҳеч ким билан гаплаш-

мади, алам ўтида ёнди. Сароймулк хоним сиймоси кўз ўнгидан кетмади, у билан Самарқандда, айниқса Султония, Қорабоғ, Қазвин, умуман Озарбайжон билан Арманистонда кечган кунлари бирма-бир кўз ўнгидан ўтди. Унинг бу ажойиб юртларда кўрганлари, ўша мамлакатларнинг тарихи, ажойиботу гаройиботи ҳақида эшитганлари бир талай...

Сароймулк хоним неварасидан ҳеч нимани аямасди, айниқса ўзга юртларда бўлганларида унга ҳамма нарсани кўрсатишга ҳаракат қилди. Шу ерда Улугбекнинг эсига бир воқеа тушди. Воқеа етти йиллик урушнинг учинчи қишини угруқ Марогада ўтказган кезлари содир бўлган эди. Ўша йили Темур Ширвон ва Гуржистон тарафларга бораётиб анча қартайган қиссахонини Марогада қолдириб кетган эди. Бир кун Сароймулк хоним қиссахонни чақиртириб деди:

— Марога обдон кўхна шаҳар эрмиш. Ул шаҳарда ва онинг теварақ-атрофида осори-атиқалар кўп эрмиш. Ҳамза бирлан Улугжонни олиб бориб аларни томошо қилдириб келсангиз.

Қиссахон Сароймулк хонимга қуллуқ қилди:

— Бош устига, бегимпошина. Улугжоннинг ўзлари ҳам кечадан бери қистаб қўймайтурурлар.

Қиссахон жияни билан Улугбекка Мароганинг осори-атиқаларини, Урмия кўли атрофидаги баъзи тарихий жойларни томоша қилдирди. Марога шаҳри Озарбайжоннинг қадимий пойтахти эди. Шаҳар Чаготу дарёсининг Урмия кўлига қуйилишида жойлашган экан. Шаҳарни шимол тарафдан баланд тоғ ўраб тураркан. Тоғ шаҳарни шимол тарафдан тез-тез эсадиган кучли шамолдан ва бўронлардан асраркан. Бир вақтлар арабларнинг Озарбайжондаги ноибининг қароргоҳи ҳам шу ерда бўлган дейишади. Мўғул ҳукмдорлари Ҳалоқухон, Абақахон ва Ҳозонхонлар ҳам қиш фаслини Марогада ўтказишган...

Шундай қилиб ўша кун қиссахон Улугбек билан жиянини Урмия кўли атрофида жойлашган қадимий бир қасрга олиб борди. Қаср Озарбайжон халқининг миаллий қахрамони Бобакнинг сафдошларидан Муҳаммад ибн Бошга қарашли экан. Қаср тапазулга юз тутган бўлса-да, ҳали анча мустаҳкам, пастки қаватидаги хоналарнинг баъзилари ҳали бус-бутун эди. Қиссахон 816—837 йиллари бу ерларда араб истилочиларига қарши бўлиб ўтган кўз-голон ва унинг афсонавий қахрамони Бобак Ҳасан ўгли ҳақида қизиқарли ҳикоялар сўзлади.

— Ораларидан хоин чикмагонда келгиндилар қўзгонни бостирилмас эрдилар. Ушбу биз кўруб тургон қасрнинг соҳиби аввалда Бобакнинг одами эрди, сўнг хонлик қилди. Хижрий 218 йили ўшал Мухаммад ибн Боис ва дағи бир неча саркарда Исфахон ёнида бўлгон урушда Бобакни ташлаб араблар тарафиға ўтуб кетдилар. Алар кейинча қўзгонни буткул бартараф қилишда арабларнинг бошчиси Хайдар ибн Ковусга ҳам кўмаклашибдирлар.

Баҳор бошида қиссахон болаларни ўша атрофдаги Дехи ҳаррақон, Хой, Моранд, Солмас деган шаҳар ва қишлоқларни ҳам томоша қилдирди, бу ерларнинг тарихи билан боғлиқ ажойибу гаройибларни ҳикоя қилиб берди.

Яна бир куни улар Мароғанинг шимолӣ тарафидаги баланд тепаликка чикдилар ва доира шаклида қурилган улкан бинонинг харобаларини тамошо қилдилар. Қиссахон болаларга бинонинг тарихини таърифлади.

— Ушбу мавзеъда бундин тахминан 200 йил муқаддам расадхона бўлгон. Они хижрий 657 йили Халоқхоннинг амри билан қургонлар. Расадхонада юздан ортиқ мунажжим собита юлдузлар ва ўзга осмон ёритғичларининг ҳолати ва ҳаракатини кузатгон эрканлар. Бир китобда ўқигоним бор, расадхона ўн нафар мукамал танжим асбоблариға эга бўлгон эркан. Ушбу асбобларни йигирма минг динорға сотиб олгон эркандурлар. Расадхонанинг бой кутубхонаси ҳам бўлгон. Махтутотларнинг кўпини Бағдод ва Аламутдаги кутубхоналардин келтиргон эрканлар. Мунажжимлар орасида чин-мочинликлар ҳам бўлгон. Алар эронлик ва туронлик мунажжимларга чинийларнинг тақвимини тузишда кўмаклашгон эрканлар.

— Бобо, расадхона не важҳдин ва қачон вайрон бўлгон? — деб Улуғбек қиссахоннинг ҳикоясини бўлди.

— «Нузхат ул-қулуб» китобининг муаллифи Ҳамдуллоҳ Қазвиний хижрий 740 йили они бориб кўргон эркандурлар. Ушанда ушбу расадхона вайронлиқға юз тутгон эркандур. Ушбуга Султон Абу Саидхон фавт бўлгондин сўнг эл-юртда бошлангон ур-йиқитлар сабаб бўлгон. Яна ўша йиллари тез-тез zilзила ҳам бўлиб тургон эркан. Онинг таъсири ҳам бўлгон, албатта.

Қиссахон Мароға расадхонасининг кашфиётлари, унинг бошлиғи Носириддин Тусий ҳақида яна бир талай қизик ҳикояларни сўзлаб берди.

— Мароға расадхонасида иш олиб борган мунажжим-

ларнинг ўн икки йиллик тафтиш ва кузатишларининг самараси «Эжи жадиди элхоний» отлиқ ажойиб китобдур. Онинг бир нусхаси Самарқандда, бобонгизнинг кутубхонасида сақланадур. Сиз они, мирзом, куни келиб ўқиб қолурсиз...

Улуғбек шу хаёл билан Дабусия қалъасига етиб қолганларини ҳам сезмади. Кечқурун ётиш олдидан ўзига-ўзи тасалли берди:

«Хайр, майли. Тожу тахт энди бизга насиб бўлмас. Балки бу хайрли иш бўлгой? Энди илм бирлан машгул бўлурмиз. Носириддин Тусий жаноблари подшоҳ бўлмагон, шунча вақт кечса-да, исми боқий бўлиб қолибди-ку!»

Шу пайт эшикнинг бир табақаси очилди. Улуғбекнинг кўзи киришга ботинолмай турган эшикогага тушди.

— Кираверинг.

Эшикога кирди.

— Мирзом, Самарқанддин чопар бор.

— Чақиринг, кирсун.

Қотмадан келган ўрта ёшлардаги паҳмоқ соқол бир одам кириб келди. Улуғбек Сароймулк хонимнинг бу содиқ хизматкорини дарров таниди, даст ўрнидан турди ва у билан кадрдонларча қучоқлашиб кўришди... Фотиҳа ўқилгандан кейин чопар ўрнидан турди ва қўйнидан муҳрланган ўрам руқъани олиб Улуғбекка узатди.

— Бегим, ҳазрати олияларидин.

Чопар қўлларини кўксига қўйиб, таъзим қилди, сўнг яна жойига ўтирди.

Улуғбек мактубни икки дафъа ўқиб чиқди. Аргуншоҳ гарчанд Дабусияга мирзо Улуғбек хузурига одам юбориб: «Соҳибқироннинг васияти важҳидин шаҳар дарвозаларини сизларга очмагон эрдик, Халил Султонга ҳам очмасмуз», деган мазмунда мактуб юборган бўлса-да, иккиюзламачилик қилган экан. Улуғбек Алиободдан жўнаб кетган куннинг эртасиёқ унинг одами ўша вақтда Шерозда турган Халил Султонга Самарқанд дарвозаларининг калидини олиб бориб топширибди.

«Улуғжон, жигаргўшам!— деб ёзган эди Сароймулк хоним.— Мирзо Халилнинг нияти бузуқ кўринадур. Ва яна онинг Бухорода ҳам одамлари борга ўхшайдур. Ҳар ҳолда ўзингизга эҳтиёт бўлинг. Менга қолса ўша ердин тезроқ ихрож бўлуб, улуғ отангизнинг олдиға, Хириға шошилганингиз маъқул...»

Улуғбек зудлик билан Шоҳмаликни чақиртирди. Тун яримдан оғиб қолган эди. Шунга қарамасдан у ҳам хали

ухламаган экан, лекин тўсатдан бўлган бу чақирикнинг сабабини билмасди. Бунинг устига мирзонинг қoшида ўтирган бу нотаниш одам... Шoхмалик останада ҳанг-манг бўлганича қаққайиб туриб қолди.

— Ҳазрати олияларининг содиқ кули хунук хабар олиб келмиш, жоноби бек, — Улуғбек Шoхмаликка ёнидан жой кўрсатди. Амир ўлтиргач, Улуғбек сўзида давом этди: — Аргуншоҳ бизни лақиллатибдур. Алиободдин ихрож бўлганимиз ҳамоно ул ҳаромнамак Самарқанднинг калидини Халил Султонга тоширибдур.

Улуғбекнинг ранги ўчиб, бутун вужудини титроқ босди.

Шoхмалик уни юпатмоқчи бўлиб кўп ҳаракат қилди, лекин фойдаси бўлмади. Бора-бора ўзи ҳам шунақа кайфиатга тушиб қолди. «Яна бир нуфузли амир онинг тарафига ўтибдур, балким Халил Султон Самарқанднинг иккичир ишларидини фориғ бўлгоч, қўшин билан аларнинг кетидин тушар? Балким, ҳақиқатан ҳам Бухорода ҳам онинг тарафдорлари бордур?» Шoхмалик мана шу гапларни ҳам бир қарра кўнглидан ўтказди.

— Жанoб Шайх Нуриддинни ҳам чақиртирсак, кенгашиб олмақ лозим.

Улуғбек бу гаини маъқул топди ва Шайх Нуриддинга одам юборди. Лекин кечқурун дурустгина кайфу сафо қилган экан, уни уйготиш, уйготгандан сўнг ўзига келтириш мушкул бўлди. Алламаҳалда уни Улуғбекнинг хонасига олиб кирдилар, Шайх Нуриддин оёқда аранг турарди. Шoхмалик «огир фурсатларни кечириб тургон бир найти-мизда бу маҳлуқнинг ишини қаранг», дегандай, Улуғбекка маънодор қараб қўйди. «Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайпамас», деганларидай, иккала амир бир-бирлари билан келишмас эди. Улуғбек буни анчадан бери сезиб юрарди, шунинг учун ҳам «ўлганнинг устига тепган» қилиб, алапта олай деб турган ўтга ёғ сепгиси келмади. У ўзини ҳеч нарсани сезмаганга олди. Аввалгидек тавозе билан Шайх Нуриддинга жой кўрсатди, сўнг юз берган аҳволдан уни ҳам хабардор қилди.

Ҳисқа кенгашдан кейин пайсалга солмай йўлга чиқиш ва тезроқ Бухоронинг мустаҳкам қалъасига ўрнашиб олишга қарор қилдилар.

Улуғбек, Иброҳим Султон ва уларнинг ҳамроҳлари илк сахарда Дабусияни ташлаб чиқдилар. Дабусиядан то Бухорогача, тўппа-тўғри Шoхроҳ билан борганда, тахминан йигирма саккиз фарсахлик (168 — 196 км), 8-9 кунлик йўл эди. Бу йўлни улар олти кунда босиб ўтдилар. Фақат

Карманада тўнадилар. Шаҳар остонасига илк саҳар етиб келдилар. Ҳазрати имом дарвозаси ёнида уларни доруга Ҳамза барлос, Бухоронинг кўзга кўринган машо-йиҳлари, уламою фузалоси зўр таътана билан кутиб олдилар. Ҳамза барлос Улугбекка шу ернинг ўзида шаҳар дарвозалари калидини топширди. Тўғри Чашмаи Айюбга бордилар ва зиёратдан сўнг аркка қараб йўл олдилар.

Улугбек ва амирлар эртаси куни Халил Султондан чўчиб шаҳар дарвозалари ҳамда қалъанинг буржу бораларини мустаҳкамлашга киришдилар...

Амир Темурнинг бир қадар марказлашган ва кўйгина жаҳон ҳукмдорларини таҳликада тутган қучли салтанати ҳали мурда чирмай мана шу тарзда чилирчини бўлди. Халил Султон 18 март куни зўр таътана билан Самарқандга кириб борди ва ўзини Мовароуннаҳрнинг олий ҳукмдори деб эълон қилди. Хуросонда Шохрух, Балх, Ғазни ва Қандаҳорда Пирмуҳаммад Жаҳонгир, Ғарбий Эрон ва Озарбайжонда мирзо Мироншоҳнинг ўғиллари мирзо Умар билан Абубакр мирзо ҳам ўзларини ҳокими мутлақ деб ҳисоблардилар. Сирдарёнинг нариги тарафидаги ерлар: Туркистон, Саброн, Ўтрор, Сайрам... амир Бердибекнинг қўлида қолди, Ўратена билан Фарғонани амир Худайод Хусайний эгаллаб олди. Темур қўшинлари 1388 йили оғир жанглардан кейин узил-кесил итбатга келтирган Хоразми 1406 йилнинг бошидаёқ Олтин Ўрданинг нуфузли амирларидан Идику ўзбак босиб олди.

Улугбекка Бухоро ҳам насиб қилмади. Халил Султон тез орада Бухоро доругаси Ҳамза ва унинг оғаси Рустам барлоснинг дилига ҳам йўл топди, улар билан тил бириктириб Улугбекка қарши фитна уюштирди. Фитначилар амир Шохмалик жўнаб кетган (у Хиротга, Шохрух ҳузурига ёрдам сўраб юборилган эди) кунининг эртаси тунда аркка ҳужум қилдилар. Шайх Нуриддиннинг одамлари кундузиёқ доруганинг гумашталари арк атрофида ҳам, гузарларда ҳам гимиллаб қолганини сезган эди. Шунинг учун ҳам Улугбек, Иброҳим Султон ва уларнинг хизматкорлари Шайх Нуриддиннинг таклифи билан ўша кечаси ечинмай ётишди, чироқларни ўчиришдию лекин ухлашмади. Ахтабеги билан рикобдорга отларни эгарланган ҳолда шай тутиб туриш буюрилди. Чодирлар ва бошқа тирикчилик анжомлари араваларга ортилиб тепасига хашак ташлаб сал кўздан нари қилиб қўйилди. Лекин бари бир уларни олиб кетиб бўлмади. Аркка ҳужум илк саҳарда,

кўпчилиқ гафлат уйқусига гарқ бўлган бир пайтда бошлангани сабабли Улуғбек ва унинг ҳамроҳлари бир амаллаб қуруқ бошларини олиб қочишга улгурдилар, холос. Хотинлар, хазина ва угруқ фитначилар кўлига тушди. Амир Ҳамза ва унинг гумашталари шаҳарни, шаҳзодаларнинг хотинлари ва хазинасини ҳам кўшиб, Бухоро остоналарида турган Халил Султоннинг мулозимларига топширдилар.

Улуғбек ва унинг ҳамроҳлари Таллиноч дарвозасидан чиқиб Қоракўл тарафга қочдилар. Улар фақат кечалари йўл юрдилар, кундузлари эса бирон хилват жойда яширишиб ётдилар. Шу тарада не-не азоблар чекиб ўн кун деганда Калифга етиб келдилар. Қочоқлар бир-икки кун Калифнинг кичик, лекин бир қадар мустаҳкам қалъаси ичида яширишиб ётдилар. Ҳалил Султоннинг амирлари эса уларни Қоракўлгача таъқиб қилиб ўша ердан орқага қайтиб кетган эдилар. Шундай бўлса ҳам Улуғбек ва унинг ҳамроҳлари Мовароуннаҳрда ортиқча қолишдан кўрқинди. Калифга келиб тушганларининг учинчи куни қалъа кутволиянинг кўмаги билан Жайхуннинг нариги соҳилига ўтиб олишди...

Шоҳрух қарийб етти йилдан бери дийдор кўришмаган фарзандларини кўриб беҳад суюнди. Шайх Нуриддинни эса бу катта хизмати учун қимматбаҳо сарупо билан сийлади, подшоҳ отхонасида турган аргумоқлардан бирини ҳам унга тортиқ қилди. Амир Шоҳмалик ҳам қуруқ қолмади. Улуғбекка қайтадан оталиқ этиб тайинланди.

Шоҳрух Самарқанднинг қўлдан кетганига кўп ачинди, лекин нима ҳам қила оларди ўшанда. У Мовароуннаҳрға кўшин тортиш ва Халил Султон билан олишиш имкониятига эга эмас эди. Биринчидан, Халил Султон Амир Темур кўп йиллар мобайнида Мовароуннаҳр ҳамда Хоразмнинг хирожи, шунингдек ўзга юртлардан олиб келинган зару жавоҳирлар билан тўлдирган хазинанинг эшикларини амир ва лашкарга катта қилиб очиб кўйди ва шу йўл билан тарафдорларини ортдирди, катта кўшин тўплаб ҳам олди. «...Султонзода Халилулло, — деб ёзади Давлатшоҳ Самарқандий, — ...Амир Темур ҳукмронлиги йилларида Эрону Турон хирожидин жамъ қилгон хазинасини очди. Найсон булуту киби ёққан ёмғир, балки Бадахшон лаъл кони, Уммон денгизи киби кўп зару жавоҳирни лашкар ва раиятга инъом қилди... Шундай қилиб, соҳибқирон ўтқир қилич воситасида битталаб жамлагон хазинани Султон Халил қоп-қоплаб совурди.» Иккинчидан, Хуросон ўша вақт-

да нотинч, теварак-атрофдан Хиротга деярли ҳар куни ташвишли хабарлар келиб турарди: Сеистонда Шох Али, Қутбиддин ва Шох Жалолиддинлар исён кўтаришган, Балхда жияни Пирмуҳаммад Султон (Умаршайх мирзонинг ўғли) амакисига бўйин товлаб мустақиллик байрогини кўтарибди. Бунинг устига, айнан ўша пайтда Халил Султон катта қўшин билан Термизда турар эди. Хуросон ташвишларидан қутулмай Халил Султонга қарши курашиш қийин эди. Шунинг учун ҳам Шохрух Халил Султон билан музокара очишга мажбур бўлди. Музокараларни Халил Султон томонидан амир Шамсиддин Аббос билан амир Аргуношоҳ, Шохрух томонидан амир Шохмалик ва амир Абдусаммад олиб бордилар. Кўп талаш-тортишувдан кейин тарафлар қўйдаги тўхтамга келишди: Халил Султон гаров тариқасида Самарқандда тутиб турган Муҳаммад Султоннинг беваси Хоника бегимни (у 1404 йилнинг кузида Конигилда бўлган тўю томошалар вақтида Пирмуҳаммад Жаҳонгирнинг никоҳига ўтказилган эди) хазинаси ва хизматкорлари билан Балхга, Пирмуҳаммад Султон хузурига жўнатишни ваъда қилди. Ва яна Улугбек мирзо билан Иброҳим Султоннинг Бухорода қўлга тушиб қолган хазинасини, бирон мисқолига ҳам тегмай, Шохрухнинг хумоюн ўрдусига жўнатишга сўз берди. Шохрух эса «Жайхуннинг нариги тарафидаги вилоятлар Халил Султоннинг ишон-ихтиёридадур», деб эътироф қилди.

Лекин, бари бир, иккала тараф ҳам сулҳга риоя қилмади. Бунинг устига Халил Султон ҳам, Шохрух ҳам зўр бериб куч йиға бошлади. Бундан ташқари, Халил Султоннинг Хуросонда ҳам нуфузли тарафдорлари бор эди. Энг аўри отаси Мироншоҳ эди. У 1405 йил июль ойи бошларида ўгли Абубакр билан бирга Халил Султонга ёрдамлашиш мақсадида Озарбайжондан чиқиб Хуросонга юриш бошлади. Айнан шу вақтда амир Сулаймоншоҳ Қалотда исён кўтарди. Шохрух ҳар не бўлса ҳам аввал Мироншоҳни Хуросон сарҳадига ўтказмаслик чораларини кўрди. Шу мақсадда Қалот ва Тусга қўшин тортди. Мазкур юришда мирзо Улугбек отасининг узангисига бўлди. Жомга етганларида Улугбек ва Шохмалик угруққа мутасаддий этиб тайинландилар. Бироқ Шохрух Машҳаддан нарига ўтмади. Мироншоҳга қарши амир Саидхожани юбориб, ўзи Сулаймоншоҳ исёнини бартараф қилишга тувинди. Шу мақсадда у билан музокара очди. Лекин бунинг фойдаси бўлмади. Сулаймоншоҳ Шохрухнинг элчилари амир Абдусаммад билан хожа Сайфуддин олдига оғир шартлар қўйди.

«Ҳоқони саид Шайх Нуриддинни саройдин йироқлаш-тирсун, Нуширвон барлосни бўлса ёсоқга еткурсин. Шундин сўнггина унга итоат қилурмиз»,— деб жавоб қилди Сулаймоншоҳ. Шоҳрух унга қарши Қалот устига қўшин юборди, лекин Сулаймоншоҳ у билан очиқ жанг қилишдан бўйин товлади ва Қалотни ташлаб Самарқандга қараб қочди. Мироншоҳ масаласи, аксинча, тинч йўл билан ҳал бўлди. Тусга амир Саидхожага ёрдамга юборилган амир Ҳасан сўфи тархон, Жалолиддин Фирузшоҳ ва амир Жаҳонмалик: «Мироншоҳ кўрагон Семнондин нарига ўтмабдур, даги Озарбайжонга қойтуб кетубдур»,— деган хабар топиб келдилар.

Мана энди Шоҳрух тамом диққат-эътиборини Ҳалил Султон билан курашга қаратса бўларди. У биринчи навбатда катта ҳарбий-сиёсий аҳамиятга молик бўлган Анхуд билан Шибиргон кўргонларини мустаҳкамлаш учун Улугбек билан Шоҳмаликни ўша тарафга юборди. Улугбек билан Шоҳмалик Балх ҳокими Пирмуҳаммад Жаҳонгир билан қўшилиб Ҳалил Султонга қарши уруш бошлаш ҳақида ҳам кўрсатма олдилар...

1405 йил мезон ойининг бошлари, айни узум пишган пайт эди. Улугбек Шибиргоннинг Ситораги деган қишлоғида турарди. У бу ерга кеча қўшинга янги жалб қилинган йигитларнинг ҳарбий машқларини тамоша қилгани келган эди. У машқдан кеч қайтди. Кечқурун алламаҳалгача қишлоқ оқсоқоли билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирди. Пировард Улугбек ундан вилоят ҳокими амири аъзам Сулаймоншоҳ хусусида баъзи гапларни сўради.

— Ул жаноб одилу олим кишидур, шул сабабдин райату, ҳабисаю, ятимчаю, барча мўмин-мусулмон, эртаю кеч онинг дуосидадурмиз.

Оқсоқолнинг бу гаплари дилдан айтилмаганини Улугбек унинг кўзлари ва кайфиятидан пайқади. Нима бўлса ҳам Пирмуҳаммад Жаҳонгир билан Улугбек бир отанинг боласи, улуг амир Сулаймоншоҳ уларнинг содиқ хизматкори-да.

— Амири аъзам жаноблари сизнинг қишлоғингизга ҳам келиб турадурларму?

— Шибиргонга етмишдин зиёд қасаба ва қарйа қарайдур, мирзом. Балким дигарларида бўлгондурлар, лекин бизнинг Ситорагига келгонларича йўқ.

Оқсоқол бир фурсат сукут сақлади, сўнг Улугбекка ийманибгина қараб қўйди. Шаҳзодани бу гаплари бирмунча қизиқтириб қолганини сизди шекилли, «локин

амири аъзамнинг закотчилари тез-тез келиб турадурлар», деб кўшиб кўйди оқсоқол.

— Одатга биноан хирож учун куз охирида, хирмон кўтарилган пайтда келгуч эрдилар-ку?

— Шундоғ, мирзом, локин бундин бир ой муқаддам келгонларида кўк пули ундуриб кетдилар.

Улугбек билан оқсоқол шу зайлда алламаҳалгача гаплашиб ўтирдилар...

Эртаси понушта чоғида хос чухралардан бири кизик хабар топиб келди. У Улугбекка кеча шом билан хуфтон орасида бу ерга Самарқанддан катта бир карвон келиб тушганини, карвон аҳли орасида қайдайдир олий мартабали аёллар ҳам борлигини айтди. Улугбек ясовулбошини чақиртирди ва унга шитоб билан бориб карвонни сурштириб келишни буюрди. Ясовулбоши бирмунча хаяллаб қайтди.

— Мирзом, карвон дарҳақиқат Самарқанддин эркан, Балх музофотига бораётган эрмиш. Саройбоннинг сўзларига қарагонда аҳли карвон орасида паранжи ёпинган икки занфа ҳам бор эрмиш, аҳли карвон карвонбошинин тортит то сарбонгача алар бирлан рўбарў бўлгонларида ўзларини зўр тавозеда тутармишлар.

Улугбек ясовулбошининг шу гапларини эшитди-ю, алланечук бўлиб кетди, бир нима демасдан ўрнидан сапчиб туриб, кафшни ҳам киймасдан, оёқяланглигича кўча эшигига қараб отилди ва бозор тарафга қараб чопиб кетди. Чухра билан ясовулбоши ҳам мирзонинг кетидан чопиб кетдилар. Ҳақиқатан ҳам чухра хушxabар топиб келган экан. Олий мартабали бу аёллардан бири Улугбекнинг кўз очиб кўрган хотини Уғай бегим бўлиб чиқди. Иккинчиси эса Кайхусравнинг қизи Руқия бегим бўлиб, у Уғай бегимни кузатиб келаётган экан...

Хулласи калом, ўша мезон ойида ҳар иккала тараф — Шохрух ҳам, Халил Султон ҳам зўр бериб янги ва ҳал қилувчи курашларга ҳозирлик билан банд бўлдилар. Кўп ўтмай Шохрух Хиротдан Сарахсга кўчиб ўтди ва бор кучини шу атрофга йига бошлади. Жайхун буйида ҳам иш қизиб кетди. Улугбек билан Шохмалик буйруққа биноан кечувда ва бошқа ерларда турган кемалардан беш юзтасини судратиб келиб бир ерга тўплади ва уларни бир-бирига зашжирлаб кўприк қурдилар. Шохрух тузган режага биноан Улугбек билан Пирмуҳаммад Жаҳонгирининг бирлашган кучлари яқин орада ўша кўприкдан ўтиб Халил Султонни бирёқли қилиши керак эди. Лекин Халил Султон

бундан тўла хабардор эди. Унинг катта қўшини дарёнинг ўнг соҳилида шай ҳолда пайт пойлаб турарди. У ўтган ойдаёқ дарёни кечиб ўтиб, Балх сари юрмоқчи бўлди, лекин дарё суви ҳали пасаймаганлиги туфайли, кечиб ўтиш қийин бўлганидан ноилож турарди...

Томонлар вақтдан ютиш мақсадида яна музокарага оғиз очдилар. Борди-келди узлуксиз давом этди. Лекин аҳвол «эски ҳаммом, эски тос» лигича қолаверди. Шохрух Халил Султонни яна Мовароуннаҳр ҳоким сифатида тан олди, Халил Султон эса Амир Темур ҳаётлигида Шохрух учун ажратган ва ҳозир Кўксаройда Шайх Умар хазиначи кўлида сақланаётган хазинани қайтаришга ваъда берди. Лекин, бу сафар ҳам Халил Султон аҳдини бузди. Хазина у ёқда турсин, ҳатто уни олиб келиш учун Шохрух Самарқандга юборган амир Абдусамад, пакана Бахши ва муҳрдор Фасиҳ Аҳмад Хавофийнинг жониға қасд қилди. Халил Султон бошда уларни қулоч очиб қарши олди, уларни ҳаддан зиёд сийлади, кунда уларнинг шарафига куюқ зиёфатлар берди. Айниқса учинчи кунги зиёфат жуда куюқ бўлди, Шохрухнинг мулозимлари заррин чопонлар, мурассаъ шамшир ва ханжарлар, улоқчи отлар билан сийландилар. Уларнинг шарафига Регистонда катта сайил ва мушакбозлик ҳам уюштирилди...

Базми жамшид қизиган, ҳамма ширакайф бўлиб қолгандан кейин Халил Султон оҳистагина ўрнидан туриб хилватхонага ўтди. Ҳаял ичида унинг орқасидан Исо қавчин ҳам чиқиб кетди. Амир Абдусамад деворга нақшланган парирухсорлар базми тасвирланган суратга тикилиб ҳангманг бўлиб қолган муҳрдорнинг биқинига оҳиста туртди ва унга маънодор бир қараб қўйди. Муҳрдор амир Абдусамаднинг шамасини англамади, лекин пакана Бахши қурмағур буни сезиб ўтирган экан, Амир Абдусамад буни пайқаб бир оз хотиржам бўлди... Исо қавчин киргач, Халил Султон унга «ўтир» деб ишора қилди, сўнг гапни чўзиб ўтирмай муддаони лўнда қилиб айтиб қўя қолди.

— Шу кечадин қолдирмайин аларни бир ёқлик қилмоқ даркор.

— Маъқул, жаноби олийлари.

Исо қавчин саячиб ўрнидан турди ва қўл қовуштириб таъзим қилди.

Халил Султон яна меҳмонхонага ўтди ва ҳеч нима бўлмагандай ўтирди ва шу асно икки кўлини кўксига қўйиб ҳиротлик меҳмонларга қуллуқ қилди.

Жаноблари узр қилгайлар, зарурат юзасидин азиз меҳмонларни бир дақиқа ёлғиз қолдиргон эрдик.

Халил Султон энди хотиржам бўлди, чунки Исо қавчини бундай ишларга устаси фаранг эди.

Амир Абдусамад ва унинг ҳамроҳлари фитнани Самарқандга келган кунийёк, расмий қабул маросими вақтида пайқаган эдилар. Халил Султон амакисининг мактубини ўқиганида юзида бирон хаяжон, севинч ёки тараддуд аломати сезилмади, лекин Улуғбекнинг хатини ўқиганда унинг қўллари сезилар-сезилмас титраб турарди. Мактуб аччиқ сўзлар аралаш битилган бўлишига қарамай, Халил Султон ўзини одоб доирасида тутишга ҳаракат қилди. Дарҳақиқат Улуғбекнинг мактуби аччиқ, унда пешонани тириштирадиган гаплар ҳам бор эди. Айниқса «Ҳазрати соҳибқирон» тожу тахт билан мамлакат хусусан Халил Султонга қоладур», деб қачон айтгон?» деган гап Халил Султоннинг дилига қаттиқ ботди. Қаттиқ ботди-ю, лекин, бари бир, элчилар олдида пешонасини тириштирмади, енгилгина тин олди-да, кўзини хатдан узиб элчиларга қарата «ҳа майли, лекин амир ҳазратларига тожу тахт ила мамлакатни берган қодири эгам они биздин ҳам дариг тутмадилар», — деди. Бу гап ҳам ақлга ишора эди. Ўша кун кечқурун Боғи майдонда берилган зиёфатда ҳам, бошқа кунги зиёфатларда ҳам Халил Султон Шохрухнинг элчиларига зўр ҳурмат-эътибор, лутф-марҳамат кўрсатди. Амирларининг тилёғдамалигини айтмайсизми, хизматкорларининг сертакаллуфлигини-чи? Амир Абдусамад ва унинг ҳамроҳлари бундан ҳам ўзларича, лекин тўғри хулоса чиқардилар...

Ўша кунги зиёфатдан кейин Шохрухнинг элчилари ўз қароргоҳларига қайтиб бормадилар. Боғи чинордан чиқишлари билан уларни кузатиб бораётган икки ясовулни йўлда гумдон қилиб, отнинг жиловини Тахта қорачага қараб бурдилар. «Биз, — деб эслайди Фасиҳ Аҳмад Хавофий, — ўшанда икки кечаю бир кундуз бирон ерда тўхтамайин от сурдук ва ишҳоят учинчи кунги тонгда Жайхундин эсон-омон ўтуб олдук ва олий ҳазратларининг ўша вақтда Андхуд қишлоқларидин Хожа дуккада тургон олий ўрдусига келуб қўшилдук».

1406 йилнинг февраль ойида ҳар икки ўртада — Халил Султон билан Шохрух ўртасида уруш ҳаракатлари бошланиб кетди. Пирмуҳаммад Жаҳонгир билан Мирзо Улуғбекнинг кўшинлари амир Шохмалик бошчилигида Жайхундан ўтиб Термизини эгалладилар. Ҳеч қандай қарши-

ликка учрамай Ғузор билан Шахрисабзни ҳам олдилар ва Қарши сари илгариладилар. Лекин, Халил Султон атайлаб, маълум мақсадни кўзлаб, бу ерда ҳийла ишлатаётганини Шоҳмаликдай тажрибали саркарда ҳам пайқамай қолди. У осон қўлга кирган ғалабадап эсанкираб хушёрликни қўлдан бой берди. Йўл-йўлакай амирлар ҳам, лашкар ҳам кўнглига келганини қилди: бир манзилда ов уюштирсалар, бошқа бирида базму сафо қилдилар. Бундан Халил Султон усталик билан фойдаланди. Бор кучини Қарши атрофига тўплаб уруш ҳозирлигини кўрди. У Жайхун қирғоқларидан хотиржам эди. У ерда тўпланган кўшин нариги қирғоқдан келиши мумкин бўлган ёрдамчи кўшинининг йўлини тўсишга қодир эди. Халил Султоннинг Жайхун бўйида пистирмада қолдирган амирлари Улугбек билан Шоҳрух дарё устига қурдирган кўприкларни буздириб ташлашга ҳам қодир эдилар, лекин «кўприк асло бузилмасун», деган буйруқ бор эди. Кўприк эртами-кечми Халил Султоннинг ўзига ҳам керак бўлиб қолиши мумкин эди. 808 йил рўмазон ойининг иккинчисида (1406 йил 21 февралда) Қаршидан бир ёғоч масофа жойлашган Маймурғ кўригида икки ўртада қаттиқ уруш бўлди. Халил Султон рақибининг гулига кучли зарба берди. Гулнинг қоқ ўртасида турган орлотлар зарбага дош беролмай, жанг майдонини ташлаб қочдилар. Бунинг оқибати яхши бўлмади. Гулдан кейин жавонғор билан баронғор ҳам бузилди, сипоҳийлар боши оған тарафга қараб қоча бошладилар. Қисқаси, Халил Султоннинг қўли бу сафар ҳам баланд келди. Тез орада шаҳзодалар билан амирлар ҳам жангдан қўл тортдилар. Пирмуҳаммад Жаҳонгир ўрда ва угруқни ташлаб Балхга қараб қочди, Улугбек билан Шоҳмалик эса Жайхундан ўтганларидан сўнг Андхуд қалъасининг мустаҳкам деворлари орқасига яшириндилар. Халил Султоннинг амирлари уларни Жайхун устига қурилган кўприкнинг ўртасигача қувиб бордилар. Хайриятки, Шоҳрух шу пайт Сарахсда, кўшиннинг катта қисми эса дарёнинг сўл соҳилида ўша кўприк атрофида тўпланиб турган экан, аке ҳолда Пирмуҳаммад Жаҳонгирнинг ҳам, Улугбек билан Шоҳмаликнинг ҳам ҳоли не кечини аён эди.

Шоҳрух Халил Султон билан яна музокара очишга мажбур бўлди. Устига-устак Хуросоннинг турли тарафларида яна исён ва ғалаёнлар кўтарилди: Тус билан Машҳадда вазир Саидхожа, Қирмонда қора тоторлар, Озарбайжонда Мироншоҳнинг ўгли мирзо Умар Шоҳрух ҳукуматига бўйсуниншдан бўйин товладилар. Ғур вилоятида ҳам

ур-йиқит бошланди. Шу сабабдан Шохрух шитоб билан Ҳиротга қайтди. Улуғбек билан Шохмалик эса подшоҳнинг кўрсатмасига биноан бир ой чамаси Бодҳизда туриб қолдилар.

Амир Саидхожага қарши юриш 808 йил зулҳижжа ойининг 23 кунини (1406 йил 14 июнь) бошланди. Улуғбек билан Шохмалик бу юришда Шохрухга ҳамроҳ бўлдилар. Кураш 809 йилнинг сафар ойига қадар (1406 йил август) давом этди. Охири амир Саидхожа Тус билан Машҳадни ташлаб Астрободга қочиб борди ва у ерда Пир Подшоҳ билан бирикди. Сафарнинг 9 кунини (1406 йил 26 июль) Шохрух уни таъқиб қилиб Ҳабушон орқали Астробод сари юзланди. Саидхожа у ерда ҳам туropolмади ва қочиб бориб Калот қалъасига яширинди. Бу ерда у билан туршизлик амирлардан Хожа Али Насруллоҳ Туршизий бирикди. Пировард Шохрух Саидхожани Калотдан ҳам суриб чиқарди, лекин у Мозандаронга қочди ва яна Пир Подшоҳга қўшилди. Исёнчилар билан Шохрух қўшинлари Астрободнинг Сиёҳбилод деган қишлоғи ёнида тўқнашдилар. Бу уруш исёнчи амирларнинг мағлубияти билан тугади. Жангда Шохрух қўшинининг ўнг қанотига Улуғбек, Шохмалик ва амир Мусо бошчилик қилдилар, Пир Подшоҳ бутазор орасига қочиб кўздан гоёиб бўлди. Саидхожа эса Шероз тарафга йўл солди. Ўшанда Шохрух Мозандаронни мирзо Умарга инъом қилди; Тус, Ҳабушон, Калот, Нисо, Абивард, Язир, Сабзавор ва Нишопур вилоятларини эса мирзо Улуғбекка тўртқ қилди. Улуғбек билан Шохмалик ўша йили қишни Астрободда ўтказдилар.

Хулласи калом, Шохрух билан Улуғбек она юрт Мовароуннахрни Халил Султон ва унинг гумашталари кўлидан озод қилиш ва Амир Темурнинг тожу тахтини эгаллашдан иборат ниятларини 1407 — 1409 йиллари ҳам амалга оширолмадилар. Бунга асосан Балх ва Сеистон, Хуросон ва Озарбайжонда темурий шахзодалар ва айрим иқтидорли амирлар бирин-кетин кўтариб турган галаёнлар сабаб бўлди. Булардан энг дахшатлиси Балхда юз берди. 809 йил рамазон ойининг 14 кунини (1407 йил 22 февраль) ярим кечада вазир Пир Али Тоз бошлиқ бир гуруҳ фитначилар Балхнинг катта аркига бостириб кирдилар ва қўриқчиларни ўлдириб Пирмуҳаммад Жаҳонگیرни ухлаб ётган жойида хотинлари ва хизматкорлари билан бирга чопиб ташладилар. Бу дахшатли воқеа ҳақидаги хабар яшин тезлигида теварак-атрофга тарқалди, ҳамма таҳликага тушди, Балх вилоятига қарашли шаҳарларнинг ҳокимлари бирин-кетин

юртин тарк эта бошладилар. Ўша вақтлари Шибиргонда турган амирзода Сиди Аҳмад ҳам улусни ташлаб Хиротга қочиб борди. Пир Али Тознинг сири тез орада ошкора бўлиб қолди. Ушаввол (март) ойида ўзига содиқ аскар билан Жайхун соҳилига қараб юрди, соҳилини қўриқлаб турган орлот амирлари ва ҳарбий қисмларни тор-мор келтириб, уларнинг ўрнини эгаллади ва дарёнинг ўнг соҳилида қўшин билан турган Халил Султон амирлари билан алоқа боғлади.

Шоҳрух Баяхда содир бўлган даҳшатли воқеадан хабар топиши ҳамона қўл остидаги бор қўшини билан Пир Али Тоз исёнини бостириш учун йўлга чиқди, лекин Қизил Работдан нарига ўтолмади, сабаби, чопар Гур ва Астрободдан нохуш хабар олиб келган эди. Гурда малик Исфаҳбед Гурий, Астрободда эса амирзода Умар исён кўтарган эканлар. Шоҳрух қўшинини Гур сари буришга мажбур бўлди, лекин Исфазордан нарига ўтмади. Хуросондан хавфсираб Хиротга қайтди, чунки катта хавф-хатар мирзо Умар тарафида эди. Гурга амир Ҳасан Жондор билан амир Жаҳон Малик бошчилигида қўшин юборилди. Шоҳрух, қисқа тайёргарликдан сўнг, шаввол ойининг 13 куни (1407 йил 27 март) Жомга, қўшин тўпланадиган жойга қараб юрди. Юриш олдидан Мурғобга, амир Музроб хузурига чопар юбориб, Жайхун бўйидаги истеҳкомларни эҳтиёт қилиш ҳамда Халил Султон билан Пир Али Тознинг кирдикорларидан бохабар бўлиб туришни буюрди. Кўрсатилган вақтда Тусдан Жомга Улугбек билан Шоҳмалик ҳам етиб келишди. Жомнинг Хусравжирд қишлоғи ёнида қисқа, лекин шиддатли уруш бўлди. Омад Шоҳрухга боқди. Мирзо Умарнинг қўшини енгилди, мирзонинг ўзи оғир жароҳатланди. Мулозимлари не-не машаққат билан уни жанг майдонидан олиб чиқдилар ва Мурғоб тарафга олиб қочдилар. Улар шаҳзодаани бир илож қилиб Жайхундан ўтказиб оғаси Халил Султон қўлига топширмоқни кўзладилар. Лекин, бунга муяссар бўлолмадилар — Мурғоб дарёси бўйида уларни амир Музробнинг одамлари тутиб олдилар. Мулозимлари ўша заҳотиёқ тигдан ўтказилди, оғир яраланган мирзонинг ўзи эса тахтиравонга солиниб Хиротга жўнатилди. Бироқ уни белгиланган манзилга етказиб боролмадилар. У йўлда вафот этди. Бу воқеа зулкада ойининг 25 куни (1407 йил 7 май) содир бўлди.

Шоҳрух Улугбекка, Хусравжирди Жомда бўлган урушда кўрсатган хизматини инobatга олиб, Хуросонга қўшиб Мозондаронни ҳам инъом қилди.

1407 йилнинг ёзи жуда оғир келди. Озарбайжонда вабо тарқалиб, Табриз, Султония ва уларга қарашли қишлоқларда кўпчиликнинг ёстиғи қуриди. Хуросонни эса қаттиқ кургоқчилик қамради. Кўклам-ёз ойлари осмондан бир томчи ҳам ёмғир тушмади, бунинг устига иссиқ ҳаддан зиёд бўлди. Далада мутлақо ҳосил битмади — барча экин қуриб кетди. Шунинг учун ҳам Ҳирот бозорларида бир ман галланинг баҳоси уч динорга кўтарилди. Бу ва бошқа қийинчиликлардан қора қуюнли туркманлар фойдаланиб қолдилар. 810 йилнинг рабъи улаввалида (1407 йилнинг август ойида) Қора Юсуф (1389 — 1420) Озарбайжоннинг катта қисмини, Табриз билан бирга, Мироншоҳ ва мирзо Абубакрдан тортиб олди. Зулқаъданинг 24 кунинда (1408 йил 22 апрель) Табризнинг Шанби Ҳозоний деган манзилида Мироншоҳ ҳамда Абубакр мирзо Қора Юсуф билан тўқнашди. Урушда Мироншоҳ ҳалок бўлди. Шундан кейин туркманлар теурийларни Озарбайжон ва Ироқнинг қолган қисмидан ҳам суриб чиқардилар. Кўп ўтмай Султония ҳам қўлдан кетди. Халил Султон, Пир Али Тоз ва ҳамон Ғур вилоятида давом қилиб турган исёнлар билан қўл-оёғи боғланиб турган Шоҳрух Озарбайжон ва Ироқдаги бу воқеаларга аралашолмади, оғаси билан жиянларига ёрдам беролмади.

1407 йилнинг қишини Шоҳрух яна Сараҳеда ўтказди ва тамом диққат-эътиборини Халил Султонни бартараф қилиш ҳозирлигига қаратди. Ўша қишда Термиз, Кеш, Насаф, Бухоро ва Самарқанд бозорлари ҳамда карвонсаройларини Шоҳрухнинг қаландар ва савдогар либосига бурканган айғоқчилари босиб кетди. Улар зўр бериб ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга молик маълумотларни тўпладилар. Райятнинг умумий аҳволи, қайфияти, Халил Султон ва унинг теvarак-атрофидаги амирлар ҳамда мансабдорларга муносабати билан қизиқдилар. Шоҳрух вилоят ва ўлкаларга жарчилар ва тавочиларни юбориб Бодғисга катта ҳарбий куч тўплашга киришди. Лекин Шоҳрух 1407 йили ҳам асосий режасини амалга оширолмади. Ҳамон Хуросон нотинч, Балхда эса қотил ва исёнкор Пир Али Тоз... Шоҳрух баҳорда уни даф этишга қасд қилди. Бу хусусда у амирлар, вазирлар, машойих ва уламони тўплаб катта кенгаш ўтказди ва, ниҳоят, муҳаррамнинг 19 кунини (1407 йил 27 июнь) Балх устига юриш бошлади. Лекин бу сафар ортиқча қон тўкилмади. Хуросон қўшини Андхудга келиб тушгани ҳақидаги хабар эшитилиши ҳамон Пир Али Тоз Балхни ташлаб чиқди ва Бадахшонга қочди.

Амирзода Сиди Аҳмад, Ёдгоршоҳ орлот, Нўширвон барлос ва Шохрухнинг бошқа амирлари уни изма-из қувладилар, лекин тутолмадилар. Пир Али Тоз сувга томган симобдек Бадахшон тоглари орасида йўқолди. Унинг ҳарамн, навкарлари ва хазинаси Шохрух амирларининг қўлига тушди. Подшоҳ Балх вилоятини марҳум Пирмуҳаммад Жаҳонгирнинг ўн икки яшарли ўгли мирзо Қайдуга, Шибиргонни амир Саидхожага суюрғол йўсинида инъом қилиб, рабъи ус-соний ойининг 12 кунда (1407 йил 16 сентябрь) пойтахтга қайтди.

Кўп ўтмай Жўржонга қўшин тортишга тўғри келди. Бунга яна ўша Пир Подшоҳ исёни сабаб бўлди. Жўржоннинг эътиборли амирларидан ҳисобланган бу олий мартабали зот баъзи ярим кўчманчи қабилаларга таяниб, хусусан жонн қурбоний ва тўқалий қабилалари билан тил бириктириб, Улугбек мирзога қарши қурол кўтарди ва унинг ноибн Шамеуддин Алини Астрободда қуршовга олди. Бу ҳам етмагандай ўша вақт Хуросонда яна қаҳатчилик бўлди. бозорда нарх-наво, айниқса озиқ-овқатнинг нархи икки баробар ошди. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий бир ботмон бугдойнинг нархи бир миқоал кепакийдан икки миқоалга кўтарилиб кетганлигидан гувоҳлик беради. Бунинг устига соҳиб девон хожа Гийёсуддин солор халққа кўшимча солиқ ва жарималар солиб, ушн анча қийнаб кўйдн. Оқибатда халқ орасида ҳам, лашкар ўртасида ҳам гала-говур бошланди. Ҳасан Жондор, Юсуф Халил, Саодат Темиртош ҳамда вазир Жаҳон Маликка ўхшаш бир тўда амирлар Шохрухга қарши бундан фойдаландилар ва подшоҳга қарши фитна уюштирдилар. Лекин фитна бошланмасданок фош қилинди. Шохрух уни уюштирганлардан аёвсиз ўч олди.

Пир Подшоҳ исёни эса давом қилиб турар, Улугбек ва Астробод ҳамон хавф остида эди. Ниҳоят, саройда уюштирилган фитна бостирилгандан кейин жумади ул-охирнинг 18 кунн (1407 йил 20 ноябрь) Шохрух Мозандаронга қўшин тортиш имкониятига эга бўлди. Унга Машҳадда Шохмалик, Хожаён қасабаеиға етганда мирзо Улугбек ўз қўшинлари билан келиб қўшилдилар.

Шохрух ўша вақтда Хожаён ҳокимиға қарашли чорбоғда тўхтаган эди. Улугбек билан Шохмалик қўшинға жой тайин қилингандан кейин подшоҳни зиёрат қилгани ўша чорбоққа қараб йўл олдилар. Подшоҳ боғ ўртасидаги атрофи ойналанган шинам шийпонда Фасиҳ Аҳмад Ҳавофий билан нималарнидир гаплашиб ўтирарди. Пастда, зинанинн шундай ёнгинасида қўйилган курсида эшиккоға қўл

қовуштирган, у бутун вужуди билан кўзу қулоққа айланиб шийпонга термилар, подшоҳнинг амр-фармойишларини кутарди. Шийпоннинг чор атрофида, ундан уч-тўрт газ нарироқда қоровуллар, чухралар, хизматкорлар... Кўча эшиги очилиб боққа икки нотаниш одам кириб келди. Эшикога уларнинг олдига тушганича йўлка ўртасида югуриб-елиб келаётган қоровулбегига кўзи тушиши билан бирон мўътабар зот ҳоқони сайдга ташриф буюрганларини пайқади икки қўлини қоши устига қўйиб келаётган одамларга тикилди. Қоровулбегини эшикогага бор овози билан:

— Эшикога жаноблари, подшойи олам ҳузурига мирзо Улугбек жаноблари оталиги бирлаи ташриф буюрадилар, — деб бақирди. Қоровулбегининг йўгон овозидан муҳрдор ҳикоясини зўр диққат-эътибор билан тинглаб ўтирган Шохрух ҳам чўчиб тушди. Эшикога қоровулбегига «ахир қар эмасмуз, секинроқ гапирсанг ўлармудинг!» дегандай бир ўқрайди. Подшоҳ узокдан келаётган ўглини таниди ва даст ўрнидан турди. Шийпон ёнида турган чухралардан иккитаси сапчиб тепага чиқдилар ва подшоҳни икки қўлтигидан олиб зинадан пастига олиб тушдилар... Ота-бола кучоқлашиб кўришдилар, сўнг олдин-кетин шийпонга кўтарилдилар. Уларнинг кетидан амир Шохмалик ҳам сўрига чиқди. Улар бирмунча вақт дастурхон устида ўлтириб суҳбатлашдилар. Улугбек билан ҳол-аҳвол сўрашганларидан кейин подшоҳ Пир Подшоҳ исёни натижасида Астрободда юз берган воқеаларни унга бирма-бир баён қилди.

— Улуг онангиз маҳди улё бегим жаноби олиялари сизга кўпдин-кўп дуо дедилар, мирзом.

— Қуллуқ, аълоҳазрат! — Шундай деди-ю, лекин бутун хаёли яна катта онага, Сароймулк хонимга кетди. «Алиободда видолашгонларидин берли тўрт йил ўтибдур. Ул бечоранинг ҳоли не кечди эркан? Халил Султон онга ҳам жабр-ситам ўтқузмаётибдими эркан? Умуман тирикму арканлар?»

Шохрух ўглидаги паришонхотирликни пайқади:

— Мирзо, кўнгил-хотирингизга нелар келди, сир бўл-маса айтингиз.

— Йўқ, шунчаки ўзим, падари бузруквор.

Подшоҳ ўглининг кайфиятини бошқа суриштириб ўтирмади ва Пир Подшоҳ исёни бартараф бўлганини эълон қилди:

— Бу нонкўр биз бирлаи очикчасига курашишга журъат қилолмади. Биз онинг Хоразм тарафларга фарор бўл-

ғони ҳақида хабар топдик. Иншоолло, эмди бу ерларга қайтиб келолмас.— Сўнг Фасих Аҳмадга мурожаат қилди:— Тақсир, маншурни олсинлар.

Муҳрдор саллага қистирилган икки букланган қоғозни олди, ёзиб кўзларига суртди, сўнг подшоҳга узатди, Шохрух қоғозни Улуғбекка берди.

— Биз, сизни, мирзом, валиаҳдлик мартабаси бирлан сарфароз этдук, Мозандаронни ҳам қайтадан сизга инъом қилдук.

Улуғбек даст ўрнидан турди, маншурни кўзларига суртди ва подшоҳга эгилиб қуюқ таъзим бажо келтирди.

— Қуллуқ, аълоҳазрат. У дунёю бу дунё сиздин миннатдормен. Ишончингизни оқламоқ учун нимарсага қодир бўлсам қилурмен.

Улуғбек тиз чўкиб отасининг қўлларидан ўпди. Шу пайт эшикога подшоҳнинг ишорати билан бир заррин кимхоб чопон олиб чиқиб Улуғбекнинг елкасига ташлади.

Улуғбек кечаси шу ерда, отасининг ёнида тунади. Подшоҳ ҳаял ўтмай ухлаб қолди. Улуғбек бўлса бир паллагача мижжа қоқмай ўйлаб ётди. «Ажабо, падари бузруквор энди ўттиз бирга кирдилар, ҳали ёш йигит, аммо, нега бундай қилдилар? Наҳотки...» Шу пайт ўн беш кунлик бўлиб қолган ой булут парчасини ёрганча сузиб чиқди ва унинг шуъласи ота-бола ётган шийпонни ёритди. Кечаси яхши кўрмаган, тўғрироғи эътибор бермаган экан... Отасининг сочу соқолига битта-яримта оқ оралабди.

Эртаси куни бутун вилоятларга Пир Подшоҳ устидан қозонилган ғалаба муносабати билан фатҳномалар юборилди. Фатҳномаларда Улуғбекнинг исми биринчи бор наввоб деб тилга олинди.

Зулқаъда ойининг 9 куни (1408 йил 7 апрель) Шохрух Ҳиротга қайтди, Улуғбек оталиғини олиб Тусга жўнади.

1408 йилнинг кузида Шохрух Сеистон ҳокими Шох Қутбиддин ва унинг олдига қочиб келган Кирмон подшоси Султон Увайснинг марказий ҳукуматга қарши кўзғолонини бостириш билан банд бўлди. Кўзғолончилар билан кураш уч ой давом этди ва ниҳоят катта қурбонлар эвазига Фарах, Ўқ, Лош ва Зараҳ шаҳарлари эгалланди. Сеистонда тўла осойишталик ўрнатилгандан кейин Шохрух шаъбон ойининг сўнгги куни (1409 йил 17 январь) яна Ҳиротга қайтиб келди.

Халил Султонга қарши юриш 811 йил зулқаъда ойининг бешинчи куни (1409 йил 22 мартда) бошланди. Шохрух Ҳиротда Иброҳим Султон билан амир Жалолиддин

Фирузшоҳни қолдириб, ўзи Бодҳизга жўнаб кетди. Жаннатмакон бу манзилда у бир ой чамаси турди, қўшин тўплади, бўлажак юришга тайёрланди. Шоҳрух Тусдан Улугбекни ҳам чақиртирди ва уни Мовароуннаҳрга олиб кетди. Шундан мирзо Улугбекнинг ҳаёти Мовароуннаҳр билан боғланди.

Шоҳрух Бодҳизда турган кезлари унинг Самарқандга юборган айгоқчилари икки муҳим хабар олиб келишди. Хабарларнинг биридан маълум бўлишича, Халил Султон давлат юмушлари билан кам шугулланиб, кўп вақтини Зубайдайн соний Шодимулк ога билан ўтказармиш, суй-гилсиннинг амр-фармонидан чиқмасмиш, ҳатто унинг маслаҳати билан Бобо Турмуш деган наслу насаби бетайин бир кимсани вазири аъзамлик курсисига ўтқизганмиш, кўпдан бери Султоннинг қиличини чопган амир Оллоҳдод, Ҳусайний, Самарқанд дарвозалари калидини унга олиб бориб топширган амир Аргуншоҳ сингари мўътабар зотлар энди кам эътибор бўлиб қолганмиш. Даҳшатлиси шулким, Халил Султон ўша Шодимулкнинг қистови билан Темирнинг катта хотинлари Сароймулк хоним билан Тўқал хонимни мажбуран эрга бериб юборганмиш, хазинада бир чақа оқча қолмаганмиш. Кейинча бу гаплар шунчаки «миш-миш» эмас, балки аччиқ ҳақиқат эканлиги ойдинлашди. Халил Султон ҳақиқатан ҳам мамлакатни жар ёқасига олиб бориб қўйган экан. Хазинанинг куп-қуруқ бўлиб қолганлиги ҳам тўғри чиқди. Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» китобида мана бу қизиқ ҳикоятни ўқиймиз: «Шоҳрух Султон Самарқанд тахтига ўлтиргондин кейин Амир Темурнинг шаҳар аркида, Кўксаройда яширилган хазинасига доҳил бўлдилар, аблахлар димоғи ақлдин, жоҳиллар қалби билимдин холи бўлгондек (Шоҳрух ҳам) ўша хазинани ганждин холи топди. Тасодифан мирзо асосининг учи (тупроқ билан қорилиб ётгон) бир дирҳамга бориб тегди. Уни олиб артиб тоза қилиб ҳамёнига солди, сўнг ҳамроҳларига ўгирилиб дедилар: «Биз ушбу дирҳам ҳақи отамиздин қолгон хазина ва меросдин баҳраманд бўлдик». Зулқаъда ойнинг 21 куни (1409 йил 8 апрель) Бодҳизга Самарқанддан яна бир даҳшатомуз хабар келди. Маълум бўлишича, Самарқанд ёнида Худайдод Ҳусайний билан Халил Султон орасида уруш бўлган ва Султон енгилиб, Худайдод Ҳусайнийга асир тушган.

— Зўравонлиг, раият ва черикни ўзидин йироқлаштириб қўйишнинг жазоси бу!

Шохрухнинг аччиқ, лекин тўғри гапларини шу пайт унинг чодирда ўлтирган Улугбек билан Шохмалик ҳам бош ирғаб тасдиқладилар. Ранят ва черикдап ташқари, кейинги вақтда мусулмон руҳонийларининг кўпчилиги, ҳатто нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намояндалари — хожа Муҳаммад Порсо ва Мир Абдуллаваб сизгари олий мартабали зотлар ҳам айшу ишратга тамом муккасидан кетган Халил Султонни ёқтирмай кўйган эдилар, Халил Султон билан аразлашиб Мўғулистон тарафларга кетиб қолган амир Худайдод Хусайний бундан усталик билан фойдаланади. У Сайхун теварагида жойлашган Ўратена ва Шохрухия қалъаларини осонгина қўлга киритиб олди, сўнг тез суръат билан Самарқандга қараб юрди. Шаҳарнинг шарқий-шимолий тарафида Кўҳак сойининг бўйида жойлашган Шероз шаҳарчаси атрофида хар иккала тараф бир-бирининг ёқасидан олди, оқибат амир Худайдод Хусайнийнинг қўли баланд келди. Халил Султоннинг қўшини енгилиб, ўзи асир тушди. Шу тариқа Самарқанд энди амир Худайдоднинг қўлига ўтиб қолди.

Бу воқеа 811 йил зулқадда ойининг 13 куни (1409 йил 30 март) содир бўлди.

Шохрух амирлар ва олий ўрдуниг барча мўътабар одамларини йиғиб кенгаш ўтказди, сўнг сафар тайёргарлигини жадаалаштириб, зулҳижжа ойининг 6 куни (1409 йил 22 апрель) Бодҳизга тўпланган мўру малах каби аскар билан Жайхун қирғоғига келиб тушди. Қўшинни дарёдан ўтказиш вақтида Худайдод Хусайнийнинг элчиси келиб қолди. Амир Худайдод Хусайний йўллаган мактубда Шохрух мана шу жумлаларни ўқиди: «Башарти ҳоқони саид Самарқандни амирзода Муҳаммад Жаҳонгирнинг илқига топшуришга рози-ризолик берсалар, биз бетўхтов амирзода Халил Султон баҳодир бирлан онинг хотини Шодимулкни аълоҳазратнинг олий ўрдусига олиб боруб топширушга сўз берурмиз». Маккор Худайдод узокни кўзлаб шу ишга қўл урди. Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ҳали балоғатга етмаган — энди ўн икки ёшда эди. Шундай бўлгач, ўша замоннинг таомилига кўра бунақа вақтда ҳукумат ишлари унинг оталиги қўлида, яъни ўша Худайдоднинг қўлида бўларди-да. Шохрух амир Худайдоднинг элчисига рўйхушлик кўрсатмади. Охири «айнан ушбу дамда бу хусусда бирон нарсга айтуб бўлмас, Самарқандга борайлик, сўнг не муносиб бўлса шуни қилурмиз», деб қўя қолди. Элчига эса қайтишга ижозат бермади, уни олий ўрдада тутиб қолди. Зулҳижжанин 8 кунида (1409 йил 25 апрель) Шохрух

Жайхундан ўтиб Самарқанд сари юзланди. Дарёнинг ўнг соҳилида илгари Ҳисори Шодмон тарафига юборилган мирзо Мирак Аҳмад олий ўрдуга келиб қўшилди.

Кухитанга етганларида Шохрух хузурига Худайдод Хусайнийнинг яна бир элчиси — Абдуллахожа келди. Элчи унга Шодимулк бегимни канизақлари ва хизматчилари билан олиб келиб топширди. Шохрух бу сафар ҳам амир Худайдоднинг Мовароуннахри Мухаммад Жаҳонгирга хатлаб бериш ҳақидаги талабини рад қилди.

Худайдод Хусайний бари бир Самарқандни қўлда тутиб қололмади. Шохрух ва Улугбек Хузорга келганларида унинг шаҳарни ташлаб Андижон тарафга қочганлиги, Халил Султонни эса ўзи билан бирга олиб кетганлиги ҳақида хабар топдилар. Шохрух амир Саид Али тархон ва Алоуддин Алайка кўкалдош бошлиқ илгор қисмларни Самарқандга отлантириб, бир-икки кундан кейин ўзи ҳам Хузордан кўчди. Работи ёмда Шохрух билан Улугбекни Самарқанднинг казо-казолари катта совға-салом билан кутиб олишди. Булар орасида амир Оллоҳдод, Аргуншоҳ ва Мир Абдулаввал ҳам бор эдилар. Амир Аргуншоҳ кутиб олувчилар тўдасидан ажралиб олдинга чиқди ва отдан тушиб турган подшоҳ билан шахзоданинг олдига қараб юрди. Унинг қўлида тепасига қирмизий кимхоб дастурхон ташланган сипар бўлиб, устида эса шаҳар дарвозаларининг калиди. Аргуншоҳ ота-бола олдига сал ҳадик билан борарди, қўл-оёғини титроқ босаётган эди. Ўзини тутишга қанчалик тиришмасин, бари бир, бўлмади. Йиқилишига бир баҳя қолди. У икки букилиб таъзим қилиб подшоҳга сипарни тутди. Шохрух уни олиб орқасида турган амир Ҳасан Жондорга узатди. Аргуншоҳ тиз чўкиб подшоҳнинг этакларини юзига суртмоқчи бўлганди, Шохрух унинг қўлидан пешани шартта тортиб олди. Аргуншоҳ ўрнидан турди ва подшоҳга яна бир марта таъзим қилди. Шу пайт мулозим яна бир сипар тўла олтинни келтириб Аргуншоҳнинг қўлига тутқаэди. Аргуншоҳ уни мирзо Улугбекнинг бошидан сочмоқчи бўлди, лекин мирзо ўзини ундан олиб қочди. Олтинлар унинг оёқ остига тўкилди. Аргуншоҳ бўшаган сипарни мулозимга узатиб мирзонинг оёғига йиқилди. Мирзо ҳам отасига ўхшаб ундан оёқларини олиб қочди. Бундан тўрт йил муқаддам уни шаҳарга киритмасдан сарсон-саргондоп қилган шу иккиюзламачи эмасмиди?! Энди эса оёқларини ўпишга тайёр. Қандай пасткашлик! Бунақаларни нега еру замин ютиб юбормай, аксинча

кўтариб туради. Шохрух ўглининг хаёлидан кечган фикр-ни пайқаб турган экан, уни юпатиб деди:

— Хафа бўлмангиз, мирзом, мунингдек иккиюзламачи махлуқлар авволги замонларда ҳам бўлгон, ҳозир ҳам бор, келгусида ҳам бўлгай албат, чунки дунё шундоғ яратилгон...

Тафтишу текширишлардан сўнг амир Оллохдод, Аргуншоҳ ва Шодимулkning вазир аъзами Бобо Турмуш қатл этилдилар.

Шу тариқа Шохрух мирзо Самарқандда ҳам ўз ҳокимиятини ўрнатди.

Худайдод Хусайний ўшада Халил Султонни Андижонга олиб қочди ва ўгли амир Абдуҳоликнинг кўлига топшириб, ўзи кўмак сўраб Муҳаммадхон (1408 — 1416) олдига — Мўғулистонга борди. Муҳаммадхоннинг Темур ўлгандан кейин бўлган воқеалардан хабари бор эди. Боз устига Худайдод Хусайнийни ҳам яхши биларди. Шундай бўлса ҳам бошда ўзини ҳеч нимани билмаганга олди, амир Худайдодни ҳурмат-аҳтиром билан қаршилади. Ўнта бия ва йигирма бош кўй сўйиб зиёфат қилди, кечаси эса ҳамма уйқуга кетгандан кейин ясовул Худайдод Хусайний ётган хонага бостириб кириб, уни тигдан ўтказди. Маҳаммадхон унинг бошини элчи билан Шохрухга юборди.

Шохрух Самарқандни олгандан кейин, кўп ўтмай, амир Худайдод Хусайнийнинг гумашталарини бартараф қилиш ва Халил Султонни тутиш мақсадида Сирдарё бўйларига кўшин тортди. Мирзо Улуғбек Самарқандни кўриқлаб туриш учун қолдирилди. Йўлда кўшин уч қисмга бўлинди: амирзода Рустам, амир Али тархон, Шохмалик ҳамда Нуширвон барлос илгор қисм билан Шохрухияга, амирзода Аҳмад биродари мирзо Бойқаро ҳамда амирлардан Султоншоҳ барлос ва Ҳасан Сўфи тархон бир қисм кўшин билан Тошкентга жўнатилди. Шохрухнинг ўзи ёзнинг иссиқ кунларини Ўратепада ўтказадиган бўлди.

Лекин иш урушгача бориб етмади. Халил Султон Худайдод Хусайний ўлдирилгандан кейин банддан қутулди ва Хўжанднинг Аъло деган кичик бир қалъасига қочиб келиб яширинди. Кўп ўтмай у ердан Ўтрорга қочиб борди, лекин у ерда ҳам атрофига одам тўпполмади. Охири Узун Отани лашкаргоҳ қилиб турган Шохрух ҳузурига тавбатазарруъ билан келди... Ўша йили, шаъбон ойида (1409 декабрь) Шохрух уни ўзи билан бирга Ҳиротга олиб кетди ва бир-икки кундан кейин Халил Султонни Рай вилоятига ҳоким қилиб жўнатди. Лекин уни ўша ерда ҳам тинч қол-

дирмади. Зулқаъда ойининг 7 куни (1410 йил 14 март) Райга Шохрухнинг чопари борди. Чопар Халил Султонга подшоҳнинг фармонини топширди. «Шаҳзодаи олий насабининг равшан-раъйларига маълум ва равшан бўлсин-ким, айни замонда Қора Юсуфнинг фитнаю фасоди туфайлидин Ироқ ва Озарбайжонда раият аҳволи мушкуллашмиш. Фитначиларнинг золим илкини мусулмонларнинг пок этакларидин юлиб ташлаш айни савоб кўринадур. Тангри таоллонинг иродаси бирлан бу ишни сизнинг иқтидорлик илкингиизга топширурмиз. Хумоюн фармонни олишингиз билан черик ва лашкарни тўплаб зафар тугини баланд кўтаринг ва ўшал кофирни ўртадин кўтариб ташлаб, элу юртга эмну омонлик бахшида этинг», — дейилган эди ўша фармонда. Фармонда Халил Султон тўплаш зарур бўлган кўшиннинг умумий миқдори ҳам аниқ кўрсатилганди — у ўн минг кишидан кам бўлмаслиги зарур эди. Халил Султон Шохрухнинг амр-фармонини бажардимийўқми, бу ҳақда бизга маълум тарихий манбаларда бир нима дейилмаган. Абдураззоқ Самарқандий ва Фасиҳ Аҳмад Ҳавофий Халил Султоннинг 814 йил ражаб ойининг 18 куни (1411 йил 6 ноябрь) Райда вафот топганини хабар қиладилар...

Шохрух Ҳиротга қайтиш олдидан Мирзо Улугбекни Мовароуннаҳр билан Туркистонга ҳоким қилиб тайинлади, лекин улуснинг тамом инон-ихтиёрини шаҳзода балогатга еткунга қадар «улуг нўён Муборизиддин Шохмаликнинг иқтидорлик кўлига» топширди. Ҳисори Шодмон вилояти мирзо Муҳаммад Жаҳонгирга инъом этилди. Балх билан Бадахшон вилоятларига Иброҳим Султон, Кобул ва Қандаҳорга мирзо Қайду, Фарғонага Умаршайхнинг ўғли мирзо Амирак Аҳмад тайинландилар. Шохрух кейинча мамлакатнинг бошқа қисмларини ҳам ўғил ва неваралари ҳамда қариндошларига бўлиб берди. Хуросоннинг бир қисмини, Ҳабушон, Нисо, Абивард вилоятлари билан Бойсунқур мирзога, Эроннинг гарбий ўлкалари ҳамда Ироқи Ажамнинг бир қисмини Султон Муҳаммадга, Форс вилоятини Абдулла мирзога суюрғол тариқида инъом қилди. Шу йўл билан мамлакатни бошқариш енгил бўлади, деб ўйлади.



ТАХТ ҲАВАСИ ВА ИЛМ ЗИЁСИ

Мирзо Улугбек қарийб қирқ йил (1409—1449) Мовароуннаҳрда подшолик қилди. Лекин, аслини олганда, у шунчаки ноиб эди, холос. Қарийб тўрт йил ҳали балоғатга етмагани учун мамлакат жиловчи амир Шоҳмаликнинг қўлида бўлди. 1412 йили ниҳоят Шоҳрух Шоҳмаликни Мовароуннаҳрдан чақириб олди ва шу вақтдан бошлаб эл-юртнинг инон-ихтиёри Улугбек мирзо қўлига ўтди. Лекин, бари бир, унинг ҳақ-ҳуқуқи кўп жихатдан чеклаб қўйилганди. Шоҳрух унинг шаҳар қурилиши билан боғлиқ фаолиятига ва илмий ишларига аралашмади, бу ишларни унинг ихтиёрига қўйиб берди. Лекин хорижий мамлакатлар билан бўладиган муносабатлари, улус ҳокимлари билан бўладиган ишларни Шоҳрух ўз қўлида сақлаб қолди. Улугбек Мовароуннаҳрнинг ички ва ташқи сиёсатига алоқадор ҳар қандай ишни отаси билан келишмай, унинг рози-ризалигисиз қилолмасди, аёс ҳолда бунинг оқибати яхши бўлмасди. Шунинг учун самарқандликлар ҳам, ҳиротликлар ҳам Улугбекни, Шоҳрухнинг Мовароуннаҳрдаги соясигина, холос деб аташарди. Ҳа, бу ҳақиқат, аччиқ ҳақиқат эди. Улугбек том маъноси билан шунчаки соя эди, холос. Тўғри, Шоҳмалик Ҳиротга чақириб олингандан кейин унинг қўли бир оз узайди. Лекин Самарқанд саройида унинг бутун фаолиятини кузатиб, босган ҳар бир қадамини ўлчаб юривчилар ҳам бор эди. Улар Шоҳрух ва унинг нуфузли хотини Гавҳаршод бегимнинг одамлари эдилар. Қолаверса, Улугбек вақти-вақти билан Ҳиротга бориб отасига ҳисоб бериб туришга, хирожнинг бир қисмини унинг хазинасига жўнатиб туришга, Шоҳрух Ироқ ёки Озарбайжонга, Ғур ё бўлмаса.

Сеистонга ҳарбий юриш қилган тақдирда унга Мовароуннаҳрдан маълум миқдорда аскар, от-улов, озиқ-овқат ва қурол-аслаҳа юборишга мажбур эди.

Яна бир гап. Улугбек гарчанд 812 йилнинг ражаб ойида (1409 йилнинг ноябрь ойи) тамом Мовароуннаҳр ва Туркистонга ҳоким деб эълон қилинган бўлса ҳам аслида, бошқа, унинг ҳокимияти фақат Самарқанд, Бухоро ва Насаф вилоятлари билангина чекланди. Фарғонани то Ўзгангача Амирак Аҳмадга, Ҳисори Шодмонни мирзо Муҳаммад Жаҳонгирга бериб, Улугбекни Шохрухнинг ўзи чеклаб қўйди. Туркистон Шайх Нуриддин ва унинг тарафдорлари қўлида эди. Улар ўша йиллари, Улугбек у ёқда турсин, Шохрухни ҳам тан олмасдилар.

Бунинг устига мамлакат ҳали нотинч эди. Бунга асосий сабабчи Шайх Нуриддин эди. У Туркистон билан ҳам қаноатланмади: Ҳисори Шодмон ҳокими мирзо Муҳаммад Жаҳонгир, марҳум Худайдод Ҳусайнийнинг ўғли, Янги ва Сайром вилоятларининг ҳокими амир Абдулхолиқ ҳамда оқўрдалик хонзодалардан Чингиз ўғлон билан иттифоқ тузиб темирйларга қарши исён кўтарди. Улугбекка қарши Абдулхолиқ ва Чингиз ўғлон ўтрордан, мирзо Муҳаммад Жаҳонгирнинг амирлари Ҳамза билан Мубашшир Ҳисори Шодмондан бир вақтнинг ўзида — 812 йил зулҳижжа ойининг ўрталарида (1410 йил апрель ойи) Самарқандга қараб от солдилар. Зулҳижжанинг 15 кўни (1410 йил 20 апрель) Самарқанднинг гарбий томонида жойлашган Қизил работ мавзёсида ҳар икки ўртада қаттиқ уруш бўлди. Жангда Шайх Нуриддин билан унинг иттифоқчиларининг қўли баланд келди. Мирзо Улугбек билан амир Шохмаликнинг қўшини эса мағлубиятга учради. Улугбек Жайҳун тарафга, Калиф кечувига қараб қочди. Шохмалик аввал Қоратенага қочиб борди, лекин у ерда ҳам туролмай, Самарқанднинг кунчиқиш тарафидаги Олақароғ тоғлари орасига бориб яширинди. Шайх Нуриддин амир Шайх Ҳасанин сараланган отлик қисм билан Улугбекнинг кетидан юборди. Тоғай Буғони Бухорога жўнатди, ўзи Чингиз ўғлон билан бирга, Самарқанд устига отланди. Улар шаҳар даравозаларининг калиди чўнтакда деб фараз қилдилар, шунинг учун ҳам тўла ишонч ва умид билан Шайхзода дарвозаси олдига бордилар. Лекин бирон зот уларни қаршилаб шаҳардан чиқмади. Шайхзода дарвозасигина эмас, балки шаҳарнинг бошқа дарвозалари ҳам маҳкам қилиб ичидан беркитиб олинган эди. Шайх Нуриддин ва Чингиз ўғлон Фирюза, Оҳанин, Чорроҳа дарвоза-

ларига ҳам боришди. Лекин улар ҳам берк. Нима қилиш керак? Камал жанглари олиб боришга аскар етмайди, қайтиб кетиш шармандалик. Бунинг устига Чингиз ўғлонга нима дейди? Ахир у катта ўлжа деб келган эди-ку, бу ерларга. Шаҳар олинмаган, мўмай ўлжани унга қаердан олиб беради. Уша вақтларда амалда бўлган тартиб-қондага кўра, истило қилинган шаҳар лашкарга уч кунга талонга бериларди. Шайх Нуриддин Чингиз ўғлонни шунга ишонтирган эди. Хўш, энди нима қилади? Шайх Нуриддиннинг боши қотди. Охири Чингиз ўғлонга маслаҳат солди.

— Жаноби олийлари, агар маъқул кўрсангиз, бу ерда бир тадбир ишлатасек.

— Қандоғ эркан сизнинг бу сафарги тадбирингиз, жаноби амир?— Чингиз ўғлон истеҳзо билан Шайх Нуриддинга тикилди.

— Шаҳар ақобирлари бирлан музокара очсоқ, балким алар шаҳарни урушсиз тобшуришга рози бўлурмиканлар.

— Ихтиёрингиз,— Чингиз ўғлон унга қўл силтади.

Шу тариқа улар Фирюза, Оҳанин, Ғозиристон, Чорроҳа дарвозалари қаршисида аскар қолдириб, Шайх Нуриддин билан Чингиз ўғлон Кониғилга Дилкушо боғи ўртасидаги маҳташам қасрга ўрнашдилар ва шаҳарга элчи юбордилар. Бахтга қарши элчи ноумид бўлиб қайтди. Шаҳар мудофаасини ўз қўлига олган шайхулислом хожа Камолиддин Абдулаввал бошлиқ рухонийлар ва зиёлилар: хожа Исомиддин, мавлоно Салоҳиддин қози, мавлоно Қутбиддин, Мирак донишманд, хожа Файзуллоҳ Абуллайсий ва бошқалар Шайх Нуриддиннинг талабларини рад қилдилар. Чингиз ўғлоннинг қистови билан Шайх Нуриддиннинг ўзи бир неча бор Шайхзода дарвозаси қаршисига бориб Мир Абдулаввал билан музокара олиб борди, лекин бунинг ҳам фойдаси бўлмади.

Аммо Самарқанд таслим бўлмагани билан Термиз ва Калифдан ташқари ҳамма ерлар Шайх Нуриддин ва унинг иттифоқчилари қўлига ўтган эди.

Самарқанд остонасидаги воқеа ва Мовароуннахрнинг оғир аҳволи ҳақидаги хунук хабар Ҳиротга ўп беш кундан кейин, зулҳижжа ойининг сўнги куни (1410 йил 6 май) етиб борди. Шохрух шошлинч равишда Термиз билан Калифга амирлардан Музроб, Таваккал барлос, Ёдгоршоҳ орлот ва бошқалар қўл остида ёрдамчи куч юборди. Шохрухнинг ўзи аввал Ҳиротда қолди, чунки у ўша кунлари Ироқ ва Озарбайжонга, амир Қора Юсуфга қарши юриш тараддудиди эди. Чуқур ўйлаб кўриб бу ишни энди орқага

сурди ва Мовароуннахрга жўнаш ҳозирлигига киришди.

Шайх Нуриддин Чингиз ўғлон, амир Абдулкарим ҳамда Султон Боязид бошчилигида Термиз билан Калиф устига, Улуғбекка қарши қўшни юборди. Лекин амир Музроб Термизни, Улуғбек эса Калифни мустаҳкамлашга улгиришган экан. Чингиз ўғлон ва Шайх Нуриддиннинг амирлари бу қалъаларни қаттиқ қамал остига олдилар, ҳар кuni бир неча бор чигирткадек ёпирилиб бордилар, лекин ҳар сафар катта талафот кўриб, чекинишга мажбур бўлдилар. Шунга қарамай, қамал жангларини давом эттиравердилар.

Шоҳрух 813 йилнинг 4 муҳаррамида (1410 йил 9 май) Хиротдан чиқди ва Жайхун соҳилларига қараб йўл олди. Лекин унинг қўшини шошилмай, секинлик билан ҳаракат қилди ва фақат сафар ойининг 17 кuni (1410 йил 21 июнь), қарийб бир ярим ойдан кейин, Калифга келиб тушди ва дараёнинг ўнг соҳилига кечиб ўтди. Шайх Нуриддиннинг шу ерда турган аскарни урушга ботинолмади ва тартибсизлик билан чекинди. Шоҳрух Улуғбек билан амир Музробни Мовароуннахр халқини Шайх Нуриддинга қарши курашга кўтариш учун Кеш билан Насаф тарафларга жўнатди.

Жайхун бўйида Мирак Аҳмад ва Шоҳмалик ҳам Шоҳрухнинг олий ўрдусига келиб қўшилдилар. Шоҳмаликнинг ўн-ўн беш навқаридан бошқа ҳеч кими йўқ, Мирак Аҳмад эса бундан бир ой муқаддам Андижон ва Ахснинг тамом аскарини йиғиб келиш ҳақида буйруқ олганига қарамай атиги беш юз аскарни эргаштириб келибди, ҳоло.

Шайх Нуриддин ва унинг иттифоқчилари билан Шоҳрух ўртасида раби ул-аввал ойининг тўққизинчисида (1410 йил 12 июль) юқорида зикр этилган Қизил рабoт ёнида қаттиқ уруш бўлди. Урушда Шайх Нуриддин билан Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир енгилдилар. Шайх Нуриддин қолган-қутган одами билан Сабронга, амир Ҳамза билан Мубашшир қурол-яроғи ва кўч-кўронини ташлаб Ҳисори Шодмонга қараб қочдилар.

Орадан икки кун ўтгач, 14 июль кuni Шоҳрух Самарқандга кирди, лекин бу ерда қололмади. 30 июль кuni шитоб билан Самарқанддан жўнаб кетди. Бунга Форсда юз берган воқеалар сабаб бўлди — Умаршайх мирзонинг ўғиллари мирзо Рустам билан мирзо Искандар Исфаҳон билан Шерозни таллашиб ўзаро уруш бошлаган эдилар.

Шоҳрух Самарқанддан жўнаб кетиш олдидан амир Шоҳмаликни Сабронга амир Шайх Нуриддинга қарши,

амир Музробни эса Ҳисори Шодмон устига мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ва Ҳамза сулдузга қарши юборди.

Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир амир Музроб билан урушмади ва бундан буён подошоҳнинг амру фармонидан чиқмасликка ваъда берди. Бу сафар у сўзининг устидан чиқди ва подшоҳ номидан Ҳисори Шодмонни идора қилди. Аммо Шайх Нуриддин билан кураш эса осон бўлмади, у узоқ вақтга чўзилди.

Шайх Нуриддинга қарши юриш 813 йил рамазон ойининг 13 кунин (1411 йил 10 январь) бошланди. Самарқанд қўшинининг манглайига амирлардан Мусо ака билан Ҳамза тархон тайинланди. Шайх Нуриддин, Шоҳмаликнинг қўшини Саброн остонасида пайдо бўлмасдан, қалъани ташлаб Мўғулистон тарафга қочиб кетди. Лекин Шоҳмалик нима сабабдандир рақибини таъқиб остига олмади бунинг устига Саброн билан Яссини амир Абдулҳолиққа топшириб, ўзи Самарқандга қайтди. Жўнаш олдидан у Абдулҳолиққа буюрди:

«Лашкаримиз, Саброндин қойтгач, Шайх Нуриддин ҳар қалай ўзини эркин сезиб Сабронга қайтиб келгай Сен эрсанг ўзунгни пистирмага ол. Шундай қилинса они қўлга тушуриш мушкул бўлмас».

Абдулҳолиқ Шоҳмалик айтгандай қилди. Шайх Нуриддин ҳақиқатан ҳам бир кун тунда Саброн атрофида пайдо бўлди, лекин пистирмага дуч келиб қўшннидан ажралди, ўзи эса ўттиз чоғли йигити билан зўрга қочиб кутулди. У яна Мўғулистон тараф йўл солди. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий амир Абдулҳолиқ бу ерда ишлатган бир сиёсат сирини очиб берган. У бундай дейди: «Амир Абдулҳолиқ ўшанда Шайх Нуриддинни тутиб олиши ҳам мумкин эрди, лекин «мен они бартараф қилгундай бўлсам, амир Шоҳмалик (кейинча) мени ҳам бу ерда тинч қолдирмас», деган андишага борди. Ўша тунги олишувда амир Абдулҳолиқ катта ўлжалик бўлди. Онинг қўлига фақат отнинг ўзидан ўн минг боши тушди».

Орадан ўн етти кун ўтгач, амир Абдулҳолиқ қандайдир оғир бир дардга чалиниб тўсатдан вафот топди. Улуғбек унинг ўрнига амир Дулдойнинг ўғли Темур Маликни Туркистонга ҳоким этиб тайинлади. Шайх Нуриддин амир Дулдой эл-юртда ўз мавқеини мустаҳкамлашга улгурмасдан туриб Сабронни қўлга киритиб олишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда у Мўғулистон хони Муҳаммадхон (1408—1416) ҳузурига борди ва ундан ёрдам сўради. Шайх Нуриддин билан бир вақтда Муҳаммадхоннинг ҳузурига

Улуғбек билан амир Шоҳмаликнинг элчиси ҳам келган эди. Муҳаммадхон Шайх Нуриддиннинг илтимосини инобатга олди, Улуғбек билан Шоҳмаликнинг элчисини эса зиндонбанд қилди. Сўнг ўгли Шамъи Жаҳонни ўн беш минг отлик аскар билан Шайх Нуриддинга қўшди. Шайх Нуриддин билан Шамъи Жаҳон Сайрамни қамал қилдилар, уларнинг илғор қисмлари эса Утзорнинг Қорасомон қишлоғигача етиб бордилар. Кўп ўтмай уларнинг кетидан қўшин билан Муҳаммадхоннинг ўзи ҳам Туркистонга бостириб кирди.

Шу тариқа Мовароуннаҳр билан Туркистон осмонида яна қора булут қуюқлаша бошлади. Улуғбек Хиротга чопар юбориб, бўлган воқеадан отасини хабардор қилди. Шоҳмаликни Самарқанддаги бор қўшин билан Туркистонга жўнатди.

Шоҳрух бошқа ишларини йиғиштириб қўйишга мажбур бўлди ва 814 йил раби ул-аввал ойининг сўнги куни (1411 йил 23 июнь) катта қўшин билан Хиротдан чиқди ва Мурғоб дарёсининг бўйига келиб тушди, у ердан эса Чечактуга келди. Лекин шу ерда қўшинни ҳаракатдан тўхтатди, чунки юришни давом эттиришга эҳтиёж қолмади — Улуғбекнинг чопари «Муҳаммадхон Шоҳмалик билан битим тузиб, Қуллобшидин қайтиб кетибдур», деган хабар олиб келган эди. Маъмур битим ҳақида мўътабар китобларда эътиборга молик маълумотлар бор. Масалан, Абдураззоқ Самарқандийнинг китобида мана буларни ўқиймиз: «Муҳаммадхон аркон давлат бирлан кенгаш қилди. Кўп ишларни кўруб, тажриба орттиргон кишилар «Биз Шайх Нуриддинни деб кучлик бир қавм ва шавкатли бир гуруҳ бирлан ёвлашувимизга не ҳожат бор, урушнинг нима бирлан тамом бўлиши эрса маълум эрмасдур», деб туриб олдилар. Муҳаммадхон Хофиз исмлиқ элчисини амир Шоҳмаликнинг хузурига мана бу гапларни айтишни тайинлаб юборди: «Аввалда орамизда бирон бир адоват бўлмагон, юз берган низо эрса ғаразгўйларнинг рағбати бирлан воқеъ бўлди. Буёғига дўст бўлмоғимиз лозим. Агар Шайх Нуриддин бирлан ораларингизда бирон бир низо чиққандай бўлса, ундай ҳолда Шайх Нуриддинни эмди асло ҳимоя қилмағаймуз».

Шунга қарамай Шайх Нуриддин курашни давом эттираверди ва ҳатто, ҳийла ва тadbир ишлатиб, беш юз отлик аскарни билан Саброн қалъасига кириб ҳам олди. Улуғбек унга қарши катта қўшин билан яна амир Шоҳмаликни жўнатди. Улуғбекнинг қўшини Сайхун устига

қўприк солаётганида Шайх Нуриддиннинг элчиси Рамазон ўзбек келиб сулҳ тузиш хусусида гап очди:

— Амир жаноблари ортиқча қон тўкилмаслигини ис- тайдилар ва сулҳ тузуб, дўстлик-иттифоқлик риштасини узилғон жойидин боғлашни таклиф этадурлар.

Рамазон ўзбек Шоҳмаликка Шайх Нуриддиннинг мак- тубини узатди. Шоҳмалик мактубини диққат билан ўқиб чиқди, сўнг уни яна ўраб ёнида турган лашкарнависга узатди. Рамазон ўзбек қўл қовуштирганча жавоб кутиб турарди. Шоҳмалик бўладиган гапни айтиб қўя қолди:

— Агарчи Шайх Нуриддин чиндин ҳам сулҳни ихтиёр қилғон бўлсалар, бирламчи Тумон ога бирлан онинг иниси Шайх Ҳасани... ҳамда ўгли Маҳмудшоҳни кечиктур- майин бизнинг ҳузуримизга жўнатсун, шундан кейин ул жанобнинг сўзлари чин эканлигига ишонч ҳосил қилурмиз.

Лекин Шайх Нуриддин ишни пайсалга солди, ана- мана деб вақт ўтказди. Оқибатда Шоҳмалик Сабронни камал қилди, лекин барибир уни ололмади. Вақт ўтиб камал қилувчилар ҳам қийналишди, камалдагиларнинг аҳволи ҳам танг бўлди. Ёвлашувчи томонлар яна музокара очдилар. Бу сафар амирларнинг ўзлари, ёнига фақат икки навқар олиб, шахсан учрашадиган бўлишди. Бир вақтлар, хусусан Амир Темур тирик пайтларда, уларнинг ораларидан қил ҳам ўтмасди-ку, ахир! Энди нега бу қадар ит-мушук бўлиб қолишди? Амирларнинг атрофи- даги одамларнинг гапи шундай. Асли улар Темур ҳаётли- гида ҳам бир-бири билан мой тортишиб юришарди. Ахир, «икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас», деб бежиз айтишмаган-да. Молу давлат, мансаб-шуҳрат ҳар қандай одамни ҳам шунақа қўйга солиб қўяркан...

Ҳар қалай Шоҳмалик билан Шайх Нуриддин инсофга келганга ўхшаб туюларди. Бу, албатта, яхши. Лекин юзаки карагандагина аҳвол биз ўйлагандай тарзда эди аслида эса «эски ҳаммом, эски тос» лигича қолган эди. Амирлар пайт пойлашаётган эди, бири иккинчисини маҳв қилиб юборишнинг қулай йўлларини ахтаришаётган эди. Лекин, Шоҳмалик эпчиллик қилди, у Ҳирқадоқ исмли навқарини ишга солди. Абдураззоқ Самарқандий воқеани мана бундай хикоя қилади: «Ҳирқадоқ Шоҳмаликнинг амри билан Шайх Нуриддинни етаклаб келмоқ учун қалъа дарвозаси рўбарасига борди. Шайх Нуриддин дарво- заннинг ташқарисида эрди, Ҳирқадоқга кўзи тушгач, уни овоз бериб ҳузурига чақирди. Ҳирқадоқ борди ва бир неча марта чўк тушди (таъзим қилди). Амир Шайх

Нуриддин отдан эгилиб қучоқ очди ва они бағрига босмоқчи бўлди, лекин маккор Ҳирқадоқнинг қўллари амирнинг белидан тутғоч, они бор кучи билан пастга тортди ва у отдин йиқилди. Шу пайтнинг ўзида Ҳирқадоқ онинг кўкрагига тиззасини қўйиб қиличини гилофдин суғурди. Шайх Нуриддиннинг қалъа тошқарисиди турғон навкарлари чопуб келиб Ҳирқадоққа ташландилар. Алардан бири Ҳирқадоқнинг қўлига қилич урди. Ҳирқадоқ эрса Шайх Нуриддинни босиб турғони ҳолда, навкарнинг отини қилич билан чунон урдик, отининг лабларини кесиб тушди. Навкарларнинг отлари чўчуб аларни олуб қочдилар. Сўнгра Ҳирқадоқ Шайх Нуриддиннинг юзига зарб билан қилич урди. Шайх Нуриддин қилични ушлаб қолмоқчи бўлди, аммо қилич онинг бармоқларини ва бош қосагининг ярмини бурни билан қўшуб узуб тушди. Шоҳмалик нарироқда баландлик тепасиди туриб аларни кузатиб турғон эрди. Ҳирқадоқ қўллари кўтаруб анга ишора қилди. У икки юзга яқин мукамал қуроллангон суворийси билан от қўйиб қалъа дарвозасига етуб келди. Ҳирқадоқ хануз Шайх Нуриддинни босиб ўлтиргон эрди. Мадад етиб келгондин сўнг ўрнидин турди ва Шайх Нуриддиннинг бошини кесиб олиб хорлик тупроғига улоқтирди».

Шундай қилиб Шайх Нуриддин фитнаси ҳам таскин топди. Туркистон ҳам Улугбекка бўйсундирилди.

Лекин ўша йиллари Улугбек билан Шоҳмаликнинг оралари бир қадар бузилиб қолди. Бунга оталиқнинг ўта мансабпарастлиги ва мутакаббирлиги ҳам сабаб бўлди. Сирасини олганда Улугбек энди катта йигит бўлиб қолганди, у роппа-роса ўн еттига тўлганди. Шунга қарамай, амир Шоҳмалик унинг ҳақ-ҳуқуқлари билан мутлақо ҳисоблашмас, уни давлат ишларига яқин йўлатмас эди, Шоҳмалик ҳатто Мўғулистон хони Муҳаммадхон билан музокарага киришган кезларда бирон марта бўлсин Улугбекнинг номини тилга олмасди, музокараларни ҳар сафар ўз номидан адо этди. Хулласи калом, Шоҳмалик ўзини подшолардай тутди. Бу ҳол ёш ҳукмдорнинг иззат-нафсига тегди, албатта. Бу мутакаббир ва шуҳратпараст амирни Самарқанднинг катта-кичиги ҳам ёқтирмай қолди. Улугбек унинг устидан отасига тез-тез шикоят қила бошлади. Шайх Нуриддин исёни ва Мўғулистон ҳукмдорларининг Туркистонга бостириб кириши оқибатида Шоҳруҳ Чечактуди турган кезларда Улугбек отасининг олдига навқари Малик ясовулни юборди. Малик ясовул мирзо Улугбек

билан Шоҳмалик ўртасида кина-кудурат ортиб кетганлигини Шоҳрухга арз қилди. Авваллари шундай ҳолларда Шоҳрух насихатомуз гаплар билан жавоб қайтарарди. Энди бундай қилиб бўлмай қолди, чамаси. Шикоят кўпайиб кетди, охириги эса ташвишлироқ эди. Шунинг учун ҳам Шоҳрух ўглининг шикоятини тафтиш қилиш учун Самарқандга амир Саид Али тархонни вакил қилиб жўнатади. Саид Али тархон Самарқандда икки ҳафта турди ва «Амир Шоҳмалик Мовароуннаҳр мулкига соҳиб-ихтиёр этуб тайинлонгондир бери тамом ишларини кўпчилиكنинг раъйига мувофиқ тўғри фикр ва ўтқир назар билан низомга солгон, мирао Улуғбекга эрса панд-насихат қилиш ва давлатхоҳлик мақомида турадур. Аммо, кўбчилиكنинг табиатиға, айниқса подшоҳларға насихат аччиқ ботадур, чунки алар ҳамиша тириклик таомини ширин ва тотлик бўлишни истайдурлар, бутун оламни бўлса ўзларидин паст тутадурлар. Шу сабабдин бордию амир (Шоҳмалик) бирон маслаҳат юзасидин шахзоданинг раъйига хилоф иш тутгудек бўлса, гаразғўйлар уни тартибсизлик ва мулоҳазасизликға йўюб, бўлгон ишни бошқа суратда кўргузадурлар», деган хулоса чиқариб қайтди. Шоҳрух ахволни мулоҳаза қилиб кўриб, бир оз хавотирга тушди. Нима қилиш керак? Ҳақиқатан ҳам Шоҳмалик ўзига берилган ваколатни сал ортдириб юбораётганга ўхшайди. Бунинг устига унинг Сабронда қилган ёвузлиги подшоҳга ҳам ёқмади. Нима, Шайх Нуриддиндан қутулишнинг бошқачароқ йўли йўқмиди? Ахир унинг Туркистонда тарафдорлари кўп-ку! Бунинг устига Сайром билан Янги шаҳарлари унинг иниси Шайх Ҳасанинг қўлида-ку! Нега Шоҳмалик бунини ўйламай хом иш тутди? Энди нима бўлса ҳам Шайх Нуриддиннинг фарзандлари, қариндошлари ва тарафдорларининг ранжиган кўнглини юмшатишга тўғри келади. Бунинг фақат битта чораси бор, у ҳам бўлса Шоҳмаликни Мовароуннаҳрдаги лавозимларидан озод этишдир. Шоҳрух 1411 йилнинг кузида Мовароуннаҳрда бўлганида, ота-бола Қонигилда, Боғи диякушода ёлғиз қолган кезлари Улуғбек Шоҳмалик масаласини бир неча бор эслатди. Шоҳрух бу сафар ўглининг истак ва талабларига қулоқ осинга мажбур бўлди. У бу билан бир ўқ воситаси ила икки қуённи отмоқни кўзлади. Биринчидан, Улуғбек билан унинг аркон давлатини тинчитади, иккинчидан эса Шайх Нуриддиннинг авлоди ва яқинлари кўнглини юмшатади.

— Агар сизнинг истагингиз шул эркан, мирзом, унда Шохмалик жанобларини бошқа хизматга таъйин этурмиз.

— Илтифотингиз учун қуллуқ, отажон, бу бирлан Мовароуннаҳрга ҳам, Туркистонга ҳам эмну омонлик бағишладингиз.

Улуғбек ўрнидан туриб отасига қуллуқ қилди.

Шохрух эшик огани чақиртирди.

— Ясовулбошига айт, амир Шохмаликни айтуб келсун!

Шохмалик Қонигилга етиб келиши билан Шохрух уни хонайи хосга тақлиф қилди. Амир кириши билан Улуғбек отасидан ижозат олиб ташқарига чиқди ва олма тагидаги сўрига бориб ўтирди... Шохрух билан Шохмаликнинг суҳбати кўпга чўзилмади. Ҳаял ўтмай амир ҳам хонадан чиқди. У бир ахволда эди: ранги ўчган, қовоғи солиқ, Улуғбекнинг олдидан ўтаётиб у билан шунчаки бош иргаб хайрлашди. У Улуғбекдан хафа эди. Шунча қилган хизматларини билмади, бунинг устига она юртидан бадарга қилдираётибди.

Шохрух Самарқанддан қайтишида амир Шохмаликни ўзи билан бирга Хуросонга олиб кетди. Амир Шохмалик икки йил чамаси Ҳиротда истиқомат қилди ва Шохрухнинг хос мулозимлари қаторида туриб саройнинг катта-кичик юмушларини бажарди. Охири, 1413 йили Хоразмга ҳоким қилиб тайинланди ва умрининг охиригача (1426 йил январь) ўша ўлкани идора қилди. Шохмаликнинг авлоди ҳам катта-катта мансабларда турди. Масалан, ўгли Нурсайдбек Улуғбек, сўнгра Султон Абу Саиднинг (1451—1469) хизматида, невараси атоқли шоир Муҳаммад Солиҳ эса Султон Ҳусайн мирзо (1470—1506) ва Шайбонийхон (1500—1510) саройида хизмат қилдилар.

Шохрух Мовароуннаҳрдан қайтаётганида илгари Халил Султон Шайх Нуриддинга никоҳлаб берган Тумон огани ҳам ўзи билан бирга Хуросонга олиб кетди ва унга Жом вилоятига қарашли Қавсия булуқини суюрғол қилиб берди.

Шундай қилиб, 1411 йилга келиб Сайхуннинг ўнг соҳилида жойлашган шаҳарлар: Тошкент, Ясси, Саброн, Сайром, Янги яна теурийлар давлати таркибига қўшиб олинди ва бу ўлкаларни идора қилиш ҳам Улуғбекнинг зиммасига юклатилди. Фарғона билан Ҳисори Шодмон эса яна бирмунча вақт мустақиллигини сақлаб қолди.

Фарғона учун кураш ҳам оғир бўлди. Бу бой ва ҳарбий-сийёсий аҳамиятга эга бўлган ўлка 1409 йилдан бери Амирак Аҳмаднинг қўлида эди. Улуғбек Фарғона устидан

ҳам ўз ҳукмдорлигини ўрнатишни истарди. Лекин, Амирак Аҳмадни бир ёқлик қилмай туриб бунга эришиб бўлмасди. Амирак Аҳмад эса Улуғбекка итоат қилишни истамади. Улуғбек аввал пшни ҳамирдан қил сугургандек осонгина ҳал қилмоқчи бўлди. Шу мақсад билан Андижонга элчи юборди ва Амирак Аҳмадни «муҳим бир кенгаш» баҳонаси билан Самарқандга таклиф қилди. Лекин Амирак Аҳмад ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиб чопарни қуруқ қайтариб юборди. У Улуғбекнинг тўсатдан қилган бу таклифидан ҳадиксиради, «яна бу усталик билан қўйилган тузоқ бўлмасин», деб чўчиди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас Самарқанддан айнан шундай таклиф билан яна элчи келди. Энди Улуғбекнинг асл мақсадини пайқаш қийин эмасди. Шунинг учун ҳам Амирак Аҳмад Улуғбекнинг элчисига бўладиган гапни айтди-қўйди: «Мен мирзо Улуғбекнинг мизожидин қўрқадурмен, шу сабабдин онинг ҳузурига боролмайдурмен, лекин ул жанобга давлатхоҳ эрканимни эътироф қилурмен». Улуғбек яна Андижонга одам юборди. Бу сафар Самарқанднинг бообрў кишилари билан Боязид парвоначи элчи бўлиб борди. Элчи Амирак Аҳмадга Улуғбекнинг дўстлик ва садоқат руҳида битилган номасини катта совға-саломлар билан қўшиб топширди. Мақтуб охирида мана бу сўзлар ёзилган эди: «Анинг (Боязид парвоначининг) сўзи-менинг сўзумдур, мирзонинг қандай шартлари бўлса ижобатга олинур, сулҳга розилик билдирсазар они аҳду пайвон бирлам мустаҳкамлағаймиз». Амирак Аҳмад «подшоий оламдин (Шоҳруҳдан) ижозат бўлмагунча Фарғонани тащлаб кетолмайдурмиз», деб жавоб қилди. Шу тариқа Боязид парвоначининг элчилиги ҳам натижаеиз тугади.

Энди қурол ишлатишдан ўзга чора қолмади. Улуғбек 817 (1414) йили амир Муса ака, Муҳаммад Тобон, амир Али бошчилигида катта қўшин билан Фарғонага борди. Амирак Аҳмаднинг бу катта кучга бас келишига кўзи етмади, шунинг учун Андижон билан Аҳсини амирлар кўлига топширди, ўзи эса Ўш билан Олой тарафларга, ундан Кошғарга қочди. Улуғбек Аҳси билан Андижонни эгаллади. Аҳсида Поянда баковулни, Андижонда амир Мусо ака билан Муҳаммад Тобонни қолдириб, ўзи Самарқандга қайтди.

Орадан кўп вақт ўтмади. Амирак Аҳмад Кошғар ҳокимидан мадад олиб Фарғонани қайтариб олди. Ўш ёнидаги ҳал қилувчи урушда Амирак Аҳмад Улуғбекнинг амирларини мағлубиятга учратди. Амир Мусо ака Муҳаммад

Тобон, амир Али ва бошқа баҳодирлар ҳалок бўлдилар.

Фарғонада юз берган воқеалардан Шоҳрух Исфохонни қамал қилиб турган пайт (1414 йил июль ойи) хабар топди. Даҳшатомуз бу хабарни Улуғбекнинг навқари Шайхўйи қораунос олиб келган эди. Шоҳрух чопарнинг олдида бир нима демади-ю, лекин уни олиб чиқиб кетганларидан кейин ёнида турган Алайка кўкалдошга Улуғбекнинг бебошлигидан нолиди, Мусо ака, Муҳаммад Тобон ва Али баҳодирдек номдор амирларнинг шаҳид бўлганига кўп ачинди, сўнг чопарни чақиртириб унга қисқагина жавоб қилди:

«Ушбу дақиқаларда олий ҳимматимиз олдида тургон бирдан-бир мақсад Ироқдаги юмушлардур. Ушал ишлардин фориг бўлгонимиздин сўнгра Фарғона хусусида нишо-олял доруссалтанага қойтиб борилгоч ўйлаб кўрурмиз».

Отасининг жавобидан Улуғбек ўзича ҳулоса чиқарди: демак ҳозирда у аскар билан ёрдам беролмайди. У Ироқдаги ишлар билан банд. «Иншоолло» деганича ҳам бор — у қачон Самарқандга келади-ю... Мирзо Улуғбек Амирак Аҳмадни бартараф қилиш ва Фарғонани бўйсундириш фикридан қайтмади, лекин бу сафар ўзбошимчалик билан иш тутишдан чўчиди ва отаси билан шахсан учрашишга қарор қилди. Шу мақсадда у 817 йил рамазон ойининг 12 куни (1414 йил 25 ноябрь) Ҳиротга келди. Кўп уринди, лекин отасини кўндирилмади, бунинг устига қайтишга рухсат ҳам ололмади. Шоҳрух ўғлини Хуросонда уч ой тутиб қолди. Уни «бир оз ховуридан тушсин», деб шундай қилди, чамаси. Зулҳижжанинг ўрталарида (1414 йил декабрь ойининг ўрталари) ота-бола Сараҳсага овга чиқдилар. Бу ерда ҳам Улуғбек Фарғона ва Амирак Аҳмад хусусида отасига кўп бор гап очди, лекин подшоҳдан садо ҳам чиқмади. Ниҳоят овдан қайтганларидан кейин (1415 йил 12 мартда) Шоҳрух ўғлига Мовароуннаҳрга қайтишга ижозат берди, лекин Фарғона борасида на «ҳа» ва на «йўқ» деди. Улуғбек буни ўзича «сукут — аломати ризо» деган маънога йўйди.

Амирак Аҳмад Улуғбекдан чўчиб яна Кошғарга қараб қочди. Улуғбек эса катта қўшин билан унга қарши от сурди. Кейинги воқеалар Шоҳрухнинг бу ишлардан хабари бор эканлигини тасдиқлади. Унинг 818 йил раби ул-аввал ойининг ўн олтинчисида (1415 йил 26 июнь) Амирак Аҳмадга йўллаган инончюмасига бир назар ташлайлик. Унда хусусан мана буларни ўқиймиз: «Қулоққа етган гаплардин маълум бўлишича, шахзода бирлан фарзанд

аржуманд Улугбекнинг ороларида, фиску фасодчиларнинг номақбул сўзлари оқибатида, шахару раиятнинг ташвишини ортдиратургон номақбул воқеа содир бўлибдур. Биз ушбу нохуш хабарни Ироқ мамлакатада тургонимизда эшитдук, бироқ масофа йироқлиги ваъхидин онинг тадорикини кўролмадук, доруссалтанат Хирига қойгонимиздин сўнгра эрса эшитдукким, ул фарзанд (Амирак Аҳмад) Муғулустон тарафларга жўнаб кетган эрмиш. Бу иш биз учун бағоят маслаҳатдин йироқ ва ажиб туюлди, чунки бизнинг фарзандлар ва биродарлар хуеуендаги гамхўрлигимиз ўзларига аёнидир. Ота-болалик биноти мустаҳкам бўлмоғи учун ул фарзанд хузуримизга панош излаб келишига ишончимиз комил, эътиқодимиз кучлидир. Эҳтимолдин йироқ эрмасдурким, мулозимликда юргон бир гуруҳ одамлар мазкур ноўрин ҳаракатлар хоҳ ихтиёрий, хоҳ мажбурий тарзда аларнинг тарафидин содир бўлгонлиги ваъхидин ваҳимага тушуб, ул фарзанднинг (Амирак Аҳмаднинг) бизнинг хузуримизга келишлиғига монелик қилсалар эҳтимол. Мирзо (Амирак Аҳмад) мажмуъ ал-аномий ишонтиргайким, биз аларнинг жарималарини афв суви билан ювдик... Ҳақ устига ҳақдурким, аларнинг ҳаммаларига раҳму шафқат қилурмиз, давлатимиз паноҳидин бошпана берурмиз...»

Ишоннома ўз таъсирини кўрсатди. Амирак Аҳмад охири Фарғонани Улугбекка ташлаб чиқди. Абдураззоқ Самарқандий 819 (1416) йилда Хуросонда, Ироқда ва Мовароуннаҳрда содир бўлган муҳим воқеалар орасида ўша йили Амирак Аҳмаднинг Хиротга келганлиги, Шоҳрух эса уни Макка зиёратига жўнатиб юборганлигини айтади. Уша замонларда олий мартабали зотлардан, улардан бирон жиддий айб ўтган тақдирда, қутулишнинг чораларидан бири шунақа бўларди.

Шундан кейин Фарғона ҳам, унга тобё Кошгар ҳам Улугбекнинг қўлига ўтди. Улугбек Кошгарга ҳоким қилиб нуфузли амирлардан Сиддиқ Али тақритни тайинлади. Амирак Аҳмаднинг ноиб Шайх Али Тоғойи эса унга Кошгарни топшириб ўзи Самарқандга келди. Фасиҳ Аҳмад Ҳавофий Улугбек уни зўр ҳурмат ва эҳтиром билан қарши олгани ва иқтидорли амирлар қаторидан жой берганлигини айтади. Абдураззоқ Самарқандий воқеани бундай ҳикоя қилади: «... Мирзо Амирак Аҳмад... Хуросонга жўнаб кетатуруб амир Шайх Али Тоғойини ноиб қилуб Кошгарда қолдиргон эрди. Амир Шайх Али ўглини Самарқандга юборди ва улуг амирнинг (Темур-

нинг) руҳини шафёъ қилуб мирзо Улугбекдин гуноҳларини афв этишни сўроттирди ва «Қошғарга ўз одамини юборсаки, анго ушбул мамлакатни тобшуруб Самарқандга борсам» деб илтижо қилди. Мирзо Улугбек Қошғарга Сиддиқ Али такритни жўнатди. Шайх Али Тогойи Қошғарни анго тобшуруб, Самарқандга келди. Шаҳзода (Улугбек) уни яхши қарши олдилар».

820 (1417) йили Улугбек яна Хиротга борди. «Маҳди улё Гавҳаршод оға, Гиёсуддин мирзо Бойсунқур, мирзо Мухаммад Жаҳонгир, мирзо Мухаммад Жуқий ва бошқа шаҳзодалар, нўёнлар ва улуғ амирлар, — деб ҳикоя қилади Абдураззоқ Самарқандий, — Хиротдин бир неча фарсах йўлга чиқуб шаҳзодани кутиб олдилар ва иззату икром ва улуғлаш шартларини бажо келтирдилар». Улугбек бу сафар доруссалтанада қирқ кун (1417 йил 6 майдан 16 июнгача) турди. Улугбек ўшанда отасининг кўпгина давлат кенгашларида, қабул маросимларида қатнашди. Ана шундай маросимлардан энг каттаси раби ул-аввал ойининг сўнгги куни (1417 йил 17 май) бўлди.

Ўша куни Шоҳрух Хитой императори Чэн-Цзунинг (1403-1425) элчилари Би-Бочин, Ту-Бочин, Жот-Бочин ва Татқ-Бочинларни қабул қилган эди. Элчилар Шоҳрух, унинг хотинлари ва фарзандлари учун олиб келган Хитой императорининг жуда катта ҳадясини топширди. Совға-саломлар (атлас, кимхоб, тарғу, чинни буюмлар ва бошқалар) уч юз отга ортилган экан. Элчилар императорнинг дўстлик ва хайрхоҳлик руҳида битилган мактубини ҳам топширдилар. Абдураззоқ Самарқандий бу мактубнинг қисқача мазмунини келтирган: «Хар икки томондин ҳам ғайрлик ва бегоналик пардаси олиб ташланмоғи, мувофиқлик, яқдиллик эшиги очилмоғи лозим, токи раиятлар ва савдогарлар истак-ихтиёрлари бирлаи бориб-келатургон бўлсинлар, йўллар эса беҳавотир бўлсун». Ўша кунлари Улугбекнинг ўзи ҳам отаси шарафига, иниси Бойсунқур мирзо шарафига, шунингдек Хоразмдан Хиротга келган мирзо Мухаммад Жаҳонгир ва эски қадрдон амир Шоҳмалик шарафига катта зиёфатлар берди.

Хўш, Улугбек не мақсад билан Хиротга борди? Ота-бола нималар ҳақида сўзлашдилар? Бу саволларга тарихий китоблардан тўғридан-тўғри жавоб топилмади. Лекин, кейинги йилларда содир бўлган воқеалардан кўринишича, бу сафар Улугбек отаси билан Оқ ўрда хонлигида юз берган воқеалар, Оқ ўрдага юриш бошлаш хусусида маслаҳатлашгани борган кўринади. Биринчидан, Улугбек Хуросондан

қайтишида Шохрух унга Муҳаммад Жўқийни ҳам қўшиб жўнатди. Улар бирон манзилда узоқ тўхтамадилар, шитоб билан йўл босдилар ва бир ҳафта деганда Самарқандга кириб бордилар. Иккинчидан, улар мавжуд тартиб-қондага хилоф равишда (Улугбек Бухорода қишлашни одат қилган эди) бу сафар Оби турк бўйида қишлашга қарор бердилар ва рамазон ойининг 21 куни (1417 йил 6 ноябрь) Шохрухия ёнига келиб тушдилар. Шу ерга теварак-атрофдан кўп лашкар тўпланди. Улугбек билан Муҳаммад Жўқий 1418 йилнинг 8 февралига қадар шу ерда турдилар. Фақат Оқ ўрда тахтини Тўхтамишхоннинг ўғилларидан Жабборберди эгаллаганлиги ҳақида хабар олингандан кейингина оғанин Самарқандга қайтишга қарор қилдилар. Қайтиш олди-дан, замондош тарихчининг сўзлари билан айтганда, мирзо Улугбек «бандда тутиб турилган бир неча ўзбек ўғлонларини бўшатиб вилоятларига қайтириб юборди».

— Майли, борсунлар, Жабборберди бирлан ёқолашсунлар, шу тариқа ўз-ўзлари бирлан овора бўлсинлар, шунда биз тинч бўлурмиз, — деди Улугбек инисига.

Шу вақт Мовароуннаҳр билан қўшни бўлган яна бир мамлакат—Мўғулистон ҳам яна нотинч бўлиб қолди. Бу ўлкада яна тўс-тўпалонлар бошланди. Ана шу ур-йиқитларнинг бирида Увайс ўғлон Мўғулистон хони Нақши Жаҳонни ўлдириб қўйди. Бу теварак-атрофдан Самарқандга тез-тез келиб турадиган хабарларнинг энг даҳшатлиси эди. Бу даҳшатумуз хабарни Улугбекнинг Қошғардаги ноиб Сиддиқ баҳодирнинг чопари олиб келди. Мирзо Улугбекнинг кайфияти бузилди. Чунки Нақши Жаҳон унинг Мўғулистондаги ишонган одами эди. У тахтда ўлтирган пайтларда Улугбек Туркистон ва Андижон хусусида хотиржам эди. Энди-чи? Энди нима бўлади? Балким хабар нотўғридир? Улугбек уни аниқлашга қарор қилди. Мўғулистон тарафларга ишончли ва ишбилармон одамларини юборди. Хиротдан эса яна мирзо Муҳаммад Жўқийни чақиртирди. У шитоб билан йўлга чиқди ва ражаб ойининг 20 куни (1418 йил 23 август) ўз қўшини билан Самарқанд атрофига келиб тушди. Мирзонинг ўзи Боғи дилқушога жойлашди. Лекин бу сафар ҳам Мўғулистон устига юришга эҳтиёж бўлмади. Ана шу кунлари Самарқандга Увайсхоннинг (1418—1428) элчиси келди ва унинг бўйсунуш, садоқат ва яқдиллик руҳида ёзилган мактубини Улугбекка топширди. Элчининг кетидан илгари Мўғулистонга юборилган Улугбекнинг одами ҳам етиб келди. Улугбек уни хияватхонага олиб кирди.

— Хўш, тақсирим, сиз қандоқ хабар келтурдингиз?

— Увайсхон, ҳазрати олийлари, мамлакатнинг ички ишлари билан шу даражада бандким, ондин ортиқча хавотирланмаса ҳам бўлур.

Улугбекнинг кўнгли бир қадар таскин топгандай бўлди ва Кўксаройда бандда бўлган мўғулларни озод қилиб, Увайсхоннинг элчисига кўшиб юборди. Улар орасида дуглот амирларидан Сайид Али ҳам бор эди. Бу билан Улугбек кўпдан бери Мўғулистонда ҳокимият учун кураш олиб бораётган яна бир феодал гуруҳни — амир Санд Али бошлиқ дуглотлар гуруҳини кучайтириб, Увайсхоннинг қўл-оёқларини боглаб қўймоқчи бўлди.

Улугбекнинг одами олиб келган хабар тўғри бўлиб чиқди. Орадан кўп вақт ўтмай 822 (1419) йилда Мўғулистонда ўзаро феодал кураш олови қайтадан янгиланди. Бу ҳақда Самарқандга бетўхтов хабар келиб турди. Хабарлар бир-биридан ташвишли ва даҳшатли эди. Масалан, Андижон ҳокимининг чопари Абуллайс келиб амир Шербаҳромнинг ўгли Жетедан Қошгарга қочиб кетганлиги, унинг кетидан эса бир гуруҳ мўғул амирлари ҳам эргашиб кетганлиги ҳақида хабар олиб келди. Уша йили август ойида амир Худайдоднинг қизи эри Шамъи Жахонни захар бериб ўлдиргани эшитилди. Улугбек кулай келган бу фурсатдан фойдаланиб, Мўғулистонга юриш қилмоқчи бўлди, лекин кутилмаган тасодифий бир аҳвол бунга халақит берди. Бу — Хитой элчиларининг Фаргона сарҳадига яқинлашиб қолганлиги эди. Бу ҳақдаги хабарни Андижон бегининг чопари етказди.

1419 йил 22 август. Самарқанд ҳар қачонгидан гавжум, саранжом ва сарништа. Чоррахаларга, айниқса, Регистон ва бозор атрофидаги кўчаларга кунда икки мартадан сув сепилиб супурилар, қасрлар ва шаҳар бозорларининг деворлари анвойи матолар билан безатилган, дўконлар ва расталар турли-туман моллар ва буюмлар билан лиммолим.

Император Чэн-Цзуннинг элчилари Ли-да ва Жонг-ку ташриф буюрган. Улар билан бирга Шохрухнинг аввалги йили Хитойга юборган элчиси Ардашер товочи (Хитой манбаларида Бек буқо) ҳам улар билан бирга келган. Боги дилкушода элчилар шарафига катта зиёфат берилди. Элчилар мирзо Улугбекка Хитой императорининг дўстлик ҳамда ўзаро муносабатларни ривожлантириш хусусидаги таклифларини ўз ичига олган мактуби ҳамда катта совғасаломларини топширдилар.

Улуғбек Хитой элчиларини Хуросонга узатиб кўйганидан кейин, шаббон ойининг охирида (1419 йил 20 сентябрь) Мўғулистон устига қўшин тортди. Туркистон ҳокими Арслонхожа тархон, Саброн ҳокими амир Фаттон, шунингдек Сайхун атрофидаги шаҳарларнинг доруғалари, Ёдгор барлос ва Маҳмуд тархон сингари номдори амирлар унга бу юришда ҳамроҳ бўлдилар. Самарқандни тасарруф қилиб туриш амир Искандар Ҳинду Буқога топширилади. Қорабулоққа етганларида Мўғулистонда ўзаро кураш олиб бораётган амир Худайдод билан Садр Ислоннинг навкарлари келиб, улар ҳар бири ўз ҳолича Улуғбекни сабрсиз кутаётганликларини хабар қилдилар. Улуғбекнинг қўшини Чинос ёнида Сайхундан ўтиб, Тошкентнинг Бурлоқ деган жойига келиб тушди. Лекин Улуғбек нимагадир юришни давом этдирмади, Тўқмоққача бориш ниятидан қайтди. Қўшин шу ердан орқага қайтди ва шаввол ойининг 2 куни (1419 йил 22 октябрь) Самарқанд атрофига келиб тушди.

Бурлоқдан қайтиш олдида Улуғбек Арслонхожа тархон билан амир Фаттонга ўз вилоятларига, яъни Ясси ва Сабронга қайтишларига ижозат берди, бошқа амирларни, Маҳмуд тархон бошчилигида, Қошғар муҳофазасига юборди...

Хитойлик элчилар Хуросондан қайтишда (ўша йилнинг ноябрь ойида) яна Самарқандга кўниб ўтдилар. Улуғбек элчилар шарафига бу сафар Боғи майдонда катта зиёфат берди, уларнинг ҳар бирини муносиб совғалар билан сийлади. Қайтишларида уларга Султоншоҳ ҳамда Муҳаммад бахши бошчилигида ўз элчиларини ҳам қўшди ва катта карвон билан Хитойга жўнатди. Ҳофизи Аbru ва Абдураззоқ Самарқандийларнинг маълумотларига қараганда, Шохрух, Улуғбек, Бойсунқур ва бошқа темурийлар ҳам ўз элчиларини мана шу карвонга қўшган эканлар. Аниқ маълумотларга қараганда, темурийлар карвони катта бўлган. Карвондаги элчилар, хизматкорлар ва савдогарларнинг умумий сони беш юз ўттиз одамдан иборат бўлган. Шохрухнинг карвонига амир Шодихожа билан амир Кўкча, Бойсунқурникига Султон Аҳмад ва хожа Ғиёсуддин ваққош, Иброҳим Султоннинг карвонига амир Ҳасан, мирзо Рустамникига паҳлавон Жалол бошчилик қилдилар. Буларга Самарқандда Қобул ва Ғазни ҳокими мирзо Суюрғатмишнинг элчиси амир Арғудоқ, Хоразм ҳокими амир Шохмаликнинг элчиси Урдувон ҳамда Бадахшон подшоҳининг элчиси хожа Тождин ҳам келиб қўшилдилар.

Уларнинг теъасида Шохрухнинг элчиси амир Шодихожа турди. Гийёсуддин наққош котиблик қилди. Унга махсус «хотира дафтари» тутиш ва онга сафар чоғи ўз кўзи билан кўрган ва эшитган нарсаларни орттирмайин ва бўрттирмайин ҳаққоний ёзиб бориш» вазифаси топширилди....

Темурийларнинг элчилари икки йилу икки ой ва беш кундан кейин 1422 йилнинг 2 сентябрь куни ватанига қайтиб келдилар.

Ўша замонларда савдо ва элчилик қарвонлари Ўрта Осиёдан Хитойга икки йўл орқали боришган. Биринчи йўл Тошкент, Сайрам, Еттисув ва Шарқий Туркистоннинг Турфон ва Қумул шаҳарлари орқали, иккинчи йўл Фарғона водийси орқали — Хўжанд, Қўқон, Марғилон, Андижон, Ўш орқали Олой водийси бўйлаб борган ва Шарқий Туркистоннинг Қошғар, Хўтан ва Ёрканд шаҳарлари орқали ўтган.

Шуни айтиш керакки, ҳар иккала қўшни мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ, сиёсий ва маданий алоқалар Шохрух билан Улуғбек замонида яна ҳам ривож топди. Деярли ҳар икки-уч йилда Самарқанд билан Хиротга Хитой элчилари, Хонбалиққа (Пекингга) эса Ўрта Осиё ва Хуросон элчилари ва савдогарлари қатнаб турришган.

Шохрух билан Улуғбек замонида Тибет билан ҳам яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилган. Масалан, Улуғбек 824 йил муҳаррам ойида (1421 йил январь) Бухорода қишлаб турганда ўша мамлакатдан элчилар келганини биламиз.

Улуғбек Оқ ўрдада ҳам ўзининг сиёсий мавқени мустаҳкамлашга ҳаракат қилди, шунинг учун ҳам у ерда бўлиб турган воқеаларни диққат-эътибор билан кузатди. 1419 йил баҳор кунларининг бирида Дашти қипчоқ тарафдан келган одам Улуғбекка Ўзбек улусида бузулишлар юз берганини хабар қилди. Унинг гапларини Сигноқда бўлган бухоролик ва самарқандлик савдогарлар ҳам тасдиқлашди. Бу кўпдан бери мирзо Улуғбекни қўллаб-қувватлаб келган Бароқ ўғлоннинг навбатдаги мағлубияти ҳақидаги хабар эди. Бароқ ўғлонни Жўчпхон наслидан бўлган шаҳзода — Муҳаммадхон мағлуб этганди. Кўп ўтмай, 822 йил раби ул-охир ойининг сўнгги куни (1419 йил 25 май) Бароқ ўғлоннинг ўзи Самарқандга, Улуғбек мирзонинг олдига қочиб келди. Улуғбек уни очик чехра билан қаршилади. Шохона илтифот кўрсатди ва бир неча кун давом этган меҳмоннавозликдан сўнг, зарур қурол-аслаҳа, пул ва аскар билан таъминлаб, қайтишга ижозат

берди. Бароқ ўғлон Улуғбекнинг мана шу ёрдами билан тез орада Муҳаммадхонни енгди ва Ўзбек улусининг катта қисмини қўлга киритиб олди.

823 (1420) йили Мўғулистонда яна ур-йиқит бошланди. Яна ўша Увайсхон билан Шермухаммад ўғлон ўртасида тожу тахт учун кураш борди. Бу Улуғбекка қўл келди, у Мўғулистонга юриш ҳозирлигини кўрди. Шу мақсад билан теварак-атрофга жарчилар ва тавочилар юборди. Чамамда бунга Улуғбекни Шохрухнинг ўзи ундаган бўлиши керак. Масалан, у ўша йили катта куч билан Ироқ ва Озарбайжонга, Қора Юсуфга қарши юриш бошлаш олдидан ўғлига юборган нишонда «мирзо Улуғбек Мовароуннахр, Туркистон ва Мўғулистонни идора қилиб турсин», деб айтилганлиги ҳам маълум даражада фикримизга далилдор: Ўша кунлари (раби ул-охир ойининг ўрталарида — 1420 йил 28—29 апрель) Гавҳаршод бегимнинг кутилмаганда Самарқандга келиши ҳам бежиз эмасди. Ушанда Улуғбек бу хусусда онаси билан ҳам гаплашиб олган. Абдураззоқ Самарқандийнинг мана бу гапларига ҳам бир назар ташлайлик: «...Боғи чинорда подошоҳона тўй ва хусравона зиёфат тузилди. Бир неча кунни шоду хуррамлик билан ўтказдилар, сўнг мирзо Улуғбек сакирлотлар, қирмизий қатийфалар ва бошқа нафис матолар ортилган қатор-қатор хачир, туялар ва тилло эгарлик отларни совға қилиб тортди. Сўнг маҳди улё Хуросон сори юзландилар... Шундан кейин мирзо Улуғбек Мўғулистонга юриш қарорини қатъийлаштирди...»

Улуғбек жумади ул-охир ойининг ўрталарида (1420 йил 25—26 июнь) катта лашкар билан Самарқанддан чиқди. Қорабулоққа етгач, ўзи лашкарнинг бир қисми билан ўша ерда қолди, амирлардан Искандар, Ҳарий Малик ва Боязидларни эса илғор тариқида олдинга юборди. Лекин бу сафар ҳам Мўғулистонга юриш ярим йўлда тўхташилди. Ойнинг охирида, яъни 1420 йил 11 июлда, Мўғулистондан Малик Ислон келди ва Улуғбекка мўғулларнинг давлатхоҳлик ва тобеълик тариқасида эканликларини маълум қилди. Шундан кейин Улуғбек юришни тўхтатиш тўғрисидаги фармон билан илғор қисмга чопар юборди. Амир Искандар, Ҳарий Малик ва Боязид ражаб ойининг 9 куни (1420 йил 20 июль) Қорабулоққа қайтиб келдилар. Орадан бир ҳафта ўтгач, ражаб ойининг 16 куни (1420 йил 27 июль) Сариқ ўғлон бошлиқ яна бир гуруҳ мўғул сардорлари Улуғбекнинг ўрдусида ҳозир бўлдилар. Булар орасида тожу тахт даъвогарлари-

дан Шермухаммад ўғлон ҳам бор эди. У тушқун бир аҳволда Улугбекка мурожаат қилди:

— Бахту иқбол ва омад биздин юз ўғирди, аълоҳазрат Осмон қадар остонангизга бош уриб келдик, даргоҳингиздан қувмассиз деган умиддамиз.

Шермухаммад ўғлон Улугбекнинг оёқларига йиқилмоқчи бўлди, лекин Улугбек унинг қўлигидан тутиб қолди.

— Йўк, йўк, асло бундог қилмангиз, аълоҳазрат! Бундог қилиш подшоҳларга муносиб эмас.

Улугбек уни етаклаб чодирга олиб кирди ва тўрдан жой кўрсатди. Шермухаммад кўзига ёш олди.

— Тумонот раҳматлар бўлғай. Лутфу марҳаматингизни, тирик эканмен, асло унитмасмен.

Улугбек Шермухаммад ўғлон билан бир пайтларгача суҳбатлашиб ўтирди. Маълум бўлдики, Увайсхон ўзаро курашда бу сафар ҳам ютиб чиқибди. Улугбек Шермухаммад ўғлонга Мўғулистон тахтини олиб беролмади бу гал. Биринчидан, Увайсхоннинг қўли бирмунча баланд эди, тарафдорлари ҳам кам эмасди. Иккинчидан, Шохрух нимагадир Озарбайжонда кўп ушланиб қолди, бу Хуросон тақдирини учун хатарли эди. Учинчидан эса отаси ундан зудлик билан ёрдам тариқасида ўн минг отлиқ аскар юборишини талаб қилиб қолди. Бундай шароитда яна битта катта юриш бошлаш тўғри бўлмасди. Шунинг учун ҳам Улугбек Мўғулистонга юриш фикридан қайтди ва Шермухаммад ўғлонни ўзи билан бирга олиб Самарқанд сари юзланди.

Лекин Улугбек, бари бир, Шермухаммад ўғлонга Мўғулистон тахтини олиб бериш ниятидан қайтмади. Зулҳижжа ойининг 16 кунин (1420 йил 22 декабрь) уни зарур отулов, қурола-аслаҳа, озиқ-овқат ва керак миқдорда одам билан Мўғулистон устига отлатирди. Шермухаммад ўғлон тез фурсат ичида Улугбекнинг ёрдами билан ғалаба қозонди ва Мўғулистонда ҳокимиятни қўлга киритди. Лекин у пировардида кўрнамаклик тариқини тутди, мамлакатда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгандан кейин валинеъматидан юз ўғирди. Абдураззоқ Самарқандийнинг ибораси билан айтганда, у «салтанат тахтида ўрнашиб олгоч, подшоҳлик турури ва ўта такаббурлик уни мирзо Улугбекнинг ҳақ-хуқуқини риоят қилиш интизомидини тошқари чиқаруб, мустақиллик байрогини осмонга фалак томига кўтарди ва онинг мактубларидин бўйсунувш йўлидин оғишганлиги маълум бўлди». У Новароуннаҳр ва Кошгар-

дан қочиб борган кишиларга бошпана берди. Ана шундайлардан бири Улугбекнинг Қошғардаги ноибиди. Пир Али такритнинг ўгли бўлиб, у 1423 йил жазодан қўриқиб Мовароуннаҳрдан Мўғулистонга қочиб борган эди. Улугбек уни тутиб беришни талаб қилганда, Шермухаммад ўғлон ҳеч иккиланмасдан рад жавобини берди. Улугбек бу бадбахтга кўп яхшиликлар қилиб, энди ёмонлик қайтганидан кўп ачинди.

Улугбек Мўғулистонга юриш қилиш тараддудига тушди. Тушди-ю, лекин отасининг олдидан ўтмай туриб бу ишга кўл урولмасди. У Шермухаммад ўғлоннинг қилмишлари тўла баён қилинган мактуб билан Ҳиротга амир Ҳамзани жўнатди. Шохрух ўглининг йўлини тўсмади, Мўғулистонга, Шермухаммад ўғлонга қарши юриш бошлашга ижозат берди.

Юришни 1425 йилнинг илк баҳорида бошлаш маъқул топилди ва шу мақсад билан Шохрухия, Саброн ва Андижонда қишлашга ва ўша ерларда қўшин тўплашга қарор қилинди. Қишлоғга кўчиш 827 йил зулҳижжа ойининг биринчи куни (1424 йил 25 октябрь) бошланди. Қўшиннинг ўнг қаноти амир Ҳарий Малик ва Шайх Абу Саид бошчилигида Андижонда, Султон Увайс барлос, хожа Юсуф ва Таваккал барлос бош бўлган сўл қанот Саброн атрофида, Қорасомон деган манзилда қишлайдиган бўлди. Улугбекнинг ўзи гул билан Шохрухияда турадиган бўлди. Улугбек бу ерга зулҳижжанинг 15 куни (1424 йил 10 ноябрь) келди. Эртасига «Мовароуннаҳр ҳамда Туркистон мамлакатларидаги лашкарлар муқаррар булжорда муайян мавзеъда жамъ бўлсунлар», деган хуמוюн асар фармон содир бўлди...»

Улугбек бир куни кечқурун мавлон Абуллайсий билан ёлғиз қолганда деди: «Ҳа, шу тариқа яна лак-лак одам ҳаракатга келди, эл-юртнинг саранжомлиги бузилди. Расадхонанинг қурилиши эмди нима бўлади? Самарқанд, Шаҳрисабз ва Гиждувонга мўлжаллангон қурилишлар-чи? Расадхона қурилишининг суръати сусаяди, бошқа қурилишлар бўлса кейинга сурилади, чунки қурилишга ажратилатургон маблағни бу ялмоғуз уруш ютади эмди. Мана, ўша ҳамду саноларнинг оқибати бу, «боракалло ота ўғил, рааё бирлан бароёнинг бошини силасангиз кам бўлмагайсиз», деб мақташларнинг оқибати бу. Беклар ва амирлар атайлаб рааёни ҳам қўшиб қўюрлар. Аслида-чи? Аслида алар бирламчи навбатда ўз гамини ейдурлар. Аларга мўмай ўлжа, беҳисоб бойлик бўлса бас. Ахир, аларнинг катта-

катта ер-суви, беҳисоб молу мулки бор-ку? Ушша-мулкдин келгон даромад етмасму эркан ўзи?! Йўқ, етмас. Камлик қилур. Алар ўзи тўйса ҳам кўзи тўймас махлуқдурлар. Алар ўзларини дунёга устун фараз қилиб, ўлимни кўз ўнгига келтирмайдурлар...»

— Ори, аълоҳазрат, аларга Корун тоғи киби бойлик ҳам камлик қилур. То кўзининг усти хок бирлан тўлмагунча тўймаслар, — деди шу фурсат Мавлоно Абуллайсий ва хожа Аҳмад Яссавийдан мана бу ҳикматни келтирди:

Бешак билинг бу дунё барча халқдин ўтаро,
Ишонмагил молингга бир кун қўлдин кетаро.
Ота-она қариндош қаён кетти фикр қил,
Тўрт оёқлиг чубин от бир кун сапго етаро.
Дунё учун гам ема, ҳақдин ўзгони дема,
Киши молнин ема спрот уара тутаро.

— Ори, мавлоно. Локин илож қанча? Магар уларнинг майлига боқмосак, сўзга киратургонини топиб олурлар.

Шундай деди-ю, Улуғбек бошини ҳам қилиб сукутга кетди. Бир оз вақт ўтгач ўзига келди ва айтилган гаплар ва қилинган мулоҳазалардан бир қадар чўчиб тушди. Хайриятки, бу гапларни мавлоно Абуллайсийдан бошқа ҳеч ким эшитмади.

— Ахир улуг бобомиз соҳибқирони муаззам бир вақтлар кўп мамлакатлар қатори Мўғулистонни ҳам забт этмагонму эрди, — деди у ўзини ўнглаб. — Шундай бўлгоч не сабабдин эмди биз бу мамлакатни қўлдин чиқиб кетишига йўл кўяр эрканмиз.

Йўқ, Улуғбек бунга йўл қўймайди. Бу унинг кўзларидан кўриниб турибди. Мўғулистонга юришни албатта бошлаб юборади. Унинг кўнглидан шу хаёл кечди, сўнг ўз ўзига деди: «Ахир улуг бобомиз урушни ҳам тўхтотмагонлар, қурилиш ҳам бўлаверганку. Биз ҳам шундог қилурмиз. Ахир ўлжанинг бешдин бир қисми бизга тегадур-ку. Биз они, хирожнинг бир қисми бирлан кўшуб, қурилишларга ишлатурмиз».

Замондош тарихчининг ибораси билан айтганда «совуқнинг лашкари баҳор сипоҳини кўруб чекинмоқга юз тутгон, ҳавонинг жонпарвар насми мўътадиллик лутфини касб этгон ва замона баҳор фасли ташриф буюргонлигининг ҳаёт табиатиға киргон бир пайтда», яъни 828 йил раби ул-аввал ойнинг 27 куни (1425 йил 17 февраль) лашкар ўрнидан кўзгалди. Шундай қилиб Мўғулистон устига юриш бошланди. Улуғбекнинг аскари мўғулларнинг амир Иброҳим ва Жаҳоншоҳ бош бўлган катта қўшинини Аш-

пара билан Оксув бўйида, Буам сойи ёқасида тор-мор келтирди. Бу воқеа раби ул-охир ойининг 14 куни (1425 йил 4 март) юз берди. Амир Иброҳим билан унинг икки ўғли ўша жангда ҳалок бўлдилар. Жаҳоншоҳ қолган-қутган одами билан Чўнг кеминга, у ердан Иссиқкўл тарафга қочди. Буам дарасида, Иссиқкўл атрофида, Чўнг кемин, Обиш, Чорин, Арпа ёзи, Тош бўйноқ, Қизилсув, Сангтош, Кетмон тепа, Оқ қуёш, Қарши, Кунгес ва Юлдуз номлик мавзёларда бўлган уруш ҳам Мовароуннаҳр ва Туркистон қўшинларининг ғалабаси билан тугади.

Улугса мисли кўрилмаган қулфат келтирган бу уруш юз кундан ортиқ давом этди, минг-минглаб йиғитларнинг ёстугини қуритди, кўп элу юртлар талон-тарош қилинди. Улугбекнинг амирлари ва беклари беҳисоб ўлжа ва кўп лаб асирларни ҳайдаб қайтдилар. Ўлжа орасида Мўғулистон хонининг бош қароргоҳидан (у Қарши аталган) олинган икки бўлак катта кош тоши (нефрит) ҳам бор эди. «Мирзо Улугбек, — деб эслайди Абдураazzoқ Самарқандий, — ўшал кош тошни ароба бирлан дорулсалтана Самарқандга етказиш учун икки минг чапдаст кишини ўшал мавзёда қолдирди. Ўшал тошни қадимги подшоҳлар Чин тарафдин ушбу жойга келтургон эрканлар ва ҳазрати соҳибқирон ул тошни Мовароуннаҳрга кўчирмоқчи бўлуб амир Жаҳоншоҳни бир неча минг киши бирлан ул ерда қолдиргон, аммо алар тошни кўчириб келтиришдин ожизлик қилгон эрканлар». Бир вақтлар Дува Сеценхон Хитой тарафларидан олиб келиб мўғул ҳукмдорлари қароргоҳига қўйган бу тош аслида уч қисмдан иборат бўлиб, Амир Темур фақат унинг бир қисминингина Самарқандга олиб келишга муяссар бўлган эди. Тошнинг қолган икки бўлагини Улугбек махсус араваларга юклатиб, Самарқандга келтирди. Улугбекнинг амри билан мохир сангтарош усталар уларни тарошлаб Амир Темурнинг қабри устига ўрнатдилар.

Улугбек Самарқандга шаъбон ойининг 10 куни (1425 йил 27 июнь) қайтди. «Тарихи жадидайн Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») китоби муаллифининг сўзларига қараганда, Улугбек Мўғулистон юришидан қайтишида, Соибўйи қалъаси билан Жиззах оралиғида жойлашган Илоқўти деган тор ердан ўтаётиб қоятошга мана бу сўзларни ёздирган экан: «Улуг тангрининг... қўллаб-қувватлаши бирлан улуг султон, жамий подшоҳлар ҳукмдори, тангрининг ердаги сояси, ислом динининг тугдори, дин ҳомийси Муъиниддин Улугбек Кўрагон, тангри онинг

салтанатини пойдор қилсун, Жете ва Мўғулистонга юриш вақтида ушбу ердан ўтгон. Хижрий 828 йил».

Мўғулистон уруши мирзо Улуғбек олиб борган жиддий урушларнинг биринчиси ва сўнггиси эди. Бу қирқ йиллик подшолик даврида Улуғбек қозонган биринчи зафар эди. Орадан икки йил ўтгач, у яна бир урушга бел боғлади, лекин бу сафар қаттиқ мағлубиятга учради.

Аслини олганда Мўғулистонни Амир Темур ҳам узил-кесил бўйсундиrolмаган эди. Улуғбекнинг уриниши ҳам беҳуда кетди. Увайсхоннинг иккинчи ҳукмронлиги йилларида, яъни 1425—1428 йилларда, феодал тартибсизликлар, қалмоқларнинг кетма-кет қилиб турган ҳужуми кучайди. Лекин мамлакат ўз мустақиллигини сақлаб қололди. Унинг вориси Исобуғахон даврида (1428—1462) эса у ўзини бирмунча тиклади ва ҳатто Қошғарни Улуғбекнинг ноиби қўлидан тортиб олди. Улуғбек Оқ ўрдада ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳам кўп уринди, лекин бу уринишлардан зигирча ҳам фойда чиқмади. Юқорида тилга олганимиз Бароқ ўғлон 1423 йили Улуғбекнинг ёрдами билан тамом Оқ ўрда устидан ҳукмдор бўлиб олди. «Равзат ус-сафо» муаллифининг сўзларига қараганда, ўша йил атрофида Самарқандга Бароқ ўғлоннинг элчиси Жумодуқ ўғлон келди ва Бароқ ўғлоннинг Оқ ўрда тахтига ўлтирганлигини айтиб, унинг бериб юборган катта совға-соломини Улуғбекка топширди. Мирзо Улуғбек элчини керагича ҳурмат-эҳтиром билан қаршилади ва унга ўз элчисини ҳам қўшиб, Бароқхоннинг ҳузурига турли-туман тансиқ моллар ва катта маблағ билан юборди. Бароқ ўғлон Улуғбекнинг катта моддий-маънавий ва ҳарбий ёрдамига таяниб бошқа султонларни ҳам енгди. Рус сономаларида келтирилган маълумотларга қараганда, у 1423—1425 йиллар ичида Давлатберди ва Кепак ўғлон сингари бирталай тожу тахт даъвогарлари устидан галаба қозонди, ҳатто Олтин ўрда пойтахти сарой Беркани ва Олтин ўрдага қарашли бошқа юрларни ҳам ўзига бўйсундирди. Лекин, Бароқ ўғлон ҳам, Шермуҳаммад ўғлонга ўхшаб, Оқ ўрдада сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олгандан кейин, босар-тусарини билмай қолди, манмансираб кетди. Бир умр ёрдам бериб келган Улуғбекдай валинеъмат юзига оёқ қўйди. У ҳатто илгари темурийлар давлати таркибига кирган Сирдарё бўйидаги Ўтрор, Саброн ва Сигноқ сингари шаҳарларга ҳам кўз тикди. 1425—26 йиллари Самарқандга Туркистон ҳокими Арслонхожа тархоннинг чопарлари бир неча бор шикоят олиб келди.

Бир руқъада бундай дейилганди: «Онинг навкарлари ушбу тарафларни хароб этмоқдалар, ўзларини хокими мутлақ деб ҳисоблаб, салтанат дофини урмоқдалар». Улуғбекнинг сийлашу сиоришлари, ваъз-насихатлари ва ҳатто дўқ-пўписалари ҳам қор қилмади. Бароқ ўғлон беҳаёлик билан иш тутаверди. У ҳатто Сигноқни ҳам эгаллади. Норозилик билдириб унинг ҳузурига келган Арслонхожа тархоннинг элчисига тап тортмасдан «Сигноқнинг яйловлари қадимдан менинг ота-боболаримга тегишли бўлган, бувам Урухсон Сигноқда иморат солган», деб жавоб қилди. «Табакоти Маҳмудшоҳий» китоби муаллифининг сўзларига қараганда, ўшанда Бароқхон беш минг уйлик кўчманчиларни ҳам ўзи билан бирга Сигноққа кўчириб олиб келган экан. Қисқаси аҳвол шу даражага етдики, ҳар иккала томон ёвлашиб қолди.

Улуғбек шитоб билан Ҳиротга чопар юборди ва содир бўлган воқеадан отасини хабардор қилди. Шоҳрух сўзда «олам вайронгарчилигининг сабаби бўлмиш жангу хусуматдан ўглини ман қилса ҳам», аслида бир лашкарни мирзо муҳаммад Жўқий туғи остида Мовароуннаҳр сари боришга тайин қилди. Мирзо Муҳаммад Жўқий бу кўшин билан 830 йил раби ул-охир ойининг 17 куни (1427 йил 15 февраль) Мовароуннаҳр сари отланди.

Лекин мирзо Улуғбек кўшин билан иниси келмасдан «сал» аввалроқ Самарқанддан жўнаб кетган эди. Муҳаммад Жўқий отасига Шоҳрухияда етиб олди. Бир-икки кун отлар ва одамларга дам бердилар, сўнг ота-ини кўшин билан бирга йўлга чиқдилар. Сайхундан ўтиб Тошкентга, у ердан Сигноқнинг Жумғол қишлоғи ёнига келиб тушдилар. Эртаси куни шу ерга Бароқхоннинг элчиси келди ва унинг узрхоҳлиги ҳамда сулҳга чанқоқ экаплигини маълум қилди. Улуғбек Бароқ ўғлондан қаттиқ ранжиган эди, шунинг учун ҳам элчига илтифот кўрсатмади. Бароқнинг узрини қабул қилмади ва ўша куниёқ кўшинни олдинга бошлади. Лекин, бахтга қарши, эртаси куни кечқурун қутилмаганда мудҳиш воқеа юз берди. Улуғбекнинг лашкари Сигноқ атрофидаги тепалик орқасидаги тор бир майдонда хотиржам тунаб ётганда, Бароқхоннинг лашкари чор атрофдан уни босди ва қаттиқ зарба берди. «Матлаъ ус-саъдайн»да ўқиймиз: «Рақиблар фидойилардай баб-баробар жангу жадалга киришиб, зўрлик ва қудрат қўлини чўздилар. Мирзо Улуғбек кўшинининг ўнг ва сўл қанотлари танг аҳволда қолди. Душман гулга ҳам ҳужум қилди, оқибатда қалб вайрон бўлди. Натижада Мо-

вароуннахр лашкарида қочиш аломатлари ва енгилганлик белгилари намён бўлди...» Улуғбекнинг одамлари бор-йўғини ташлаб тум-тарақай қочдилар. Улуғбекни Арслонхожа тархоннинг одамлари, мирзо Муҳаммад Жўқийни эса Шоҳрухнинг эски хизматкорларидан паҳлавон Маҳмуд Дандоний душман чангалидан бир илож қилиб қутқардилар. Ўша пайтда Бароқхоннинг йигирма чоғлик йигити лашкардан ажраб қолган ога-инини адир ёнбагрига қараб сиқиб бораётган эди. Арслонхожа тархон билан паҳлавон Маҳмуд Дандонийнинг йигитлари яна бир неча дақиқа кечикишганида нималар бўлишини тасаввур қилиш қийин эмасди. Чекинганларнинг кўпчилиги Янги, Саброн ва Тошкент қалъасига қочиб бориб яширинди. Улуғбек билан мирзо Муҳаммад Жўқий хос одамлари ва махсус қўриқчи қисм билан Самарқандгача қочиб боришди ва унинг мустаҳкам қалъасига кириб яшириндилар. Бароқ ўғлоннинг лашкари уларни Самарқанд остоналарига таъқиб қилиб келди. Ясси, Саброн, Тошкент, Шоҳрухия, Самарқанд ва Бухоронинг теварак-атрофидаги қишлоқларни ва аҳолини таладилар.

Улуғбекнинг Сигноқ остонасидаги муваффақиятсизлиги ҳақидаги хабар Самарқандга унинг ўзидан аввал етиб келди. Шаҳар аҳлини ваҳима босди. «Нахотки шахзодалар катта кўшини бўлатуриб, шу алфозга тушишган бўлса? Буни қандай англамоқ керак? Хоинликми ёки ландовурликми бу? Бундайин подшоҳнинг кимга кераги бор?» — деб вайсовчилар ҳам бўлди. Шаҳар дарвозаларини беркитиб олиб Улуғбекни ҳам, мирзо Муҳаммад Жўқийни ҳам шаҳарга киритмасликни маслаҳат кўрувчилар топилди. Лекин фақат шаҳар ҳокимининг эпчиллиги билан бу аҳволнинг олди олинди...

Улуғбекнинг мағлубияти ҳақидаги хабар Ҳиротга ҳам унинг чопаридан илгари етиб келди. Улуғбекка тескари бўлиб юрган амирлардан бирининг навқари бу совуқ хабарни жумади ул-аввал ойидаёқ (1427 йил март) Шоҳрух саройига етказиб улгурганди. Ваҳоланки, Улуғбекнинг чопари мавлоно Шамсуддин эса ундан бир ҳафта кейин жумади ул-охир ойининг 4 куни (1427 йил 2 апрель) Ҳиротга етиб келди. Ўша кунлари Шоҳрух оғир бетоб ётганди. У 830 йил рабиъ ул-аввал ойининг 23 куни (1427 йил 21 февраль) Ҳиротнинг жума масжидидан чиқиб келаётганда пичоқ еб оғир жароҳатланганди. Абдураззоқ Самарқандий вақеани бундай ҳикоя қилади: «... У ҳали масжид ичида бораётганда ногоҳ мавлоно Фазлуллоҳ

Астрободийнинг муридларидин Аҳмад Лур исмлиқ намад-пўш шикоятчи қиёфасида қўлида қандайдир бир қогоз тутган ҳолда подшоҳга яқинлашди. Онҳазрат «онинг сўзини маълум қилиб арзга етқуринглар» деган маънода мулозимларидан бирига ишорат қилди, бироқ андишасиз Аҳмад Лур онинг қошига чопуб келиб сув қатрасидай (ялтирок) пичоқни он ҳазратнинг қорнига санчди...» Шохрух Улуғбекнинг чонарига бирор нарса демади, лекин унинг кетидан рабиъ ул-охирнинг 17 куни (1427 йил 15 февраль) Муҳаммад Жўқий мирзони Самарқандга отлантирди. Шохрух ўғлига қурол-аслаҳа ва катта маблағ ҳам бериб юборди. Афтидан у Улуғбекдан нима қилиб бўлса ҳам Туркистондаги аҳволини изга солишни қаттиқ талаб қилган.

Ўз вақтида юборилган ёрдам Улуғбекнинг жонига ора кирди. У «нақдина, аслаҳа, от-улов ва бошқаларни лашкар аҳлига улашиб, аларни жиҳод йўлига рағбатлантирди» ва қўшинни қайтадан тузиб Бароқ ўғлонга қарши юришга қасд қилди. Юришга ҳозирлик қилиб турган бир пайтда мирзо Муҳаммад Жўқий оғир бетоб бўлиб ётиб қолди. Улуғбек инисини Самарқандда қолдирди, унинг тумоноти ҳамда Қандаҳордан келган қисмларни ўз қўшинига қўшиб Бароқ ўғлонга қарши отланди. Шохрухия рўбарасида Сайхунга кўприк қуриб дарёдан ўтди ва Тошкентга келиб тушди. Шу пайт Самарқанддан чопар келиб Шохрух қўшин билан, Бойсунқур мирзони ҳам ўзи билан бирга олиб Мовароуннаҳр йўлига чиққанлигини маълум қилди. Улуғбек отасининг шахсан ёрдамга отланганлигидан севишти, лекин Бойсунқурни ўзи билан бирга олиб келаётганидан ваҳимага тушди. «Нима, балки отам мендин Мовароуннаҳр бирлан Туркистонни тортуб олуб, ўрнимга мирзо Бойсунқурни тайин этмоқчимми?» — деган андишага ҳам борди. Унда бошқа шахзодалар ичиде қандай қилиб бош кўтариб юради, расадхона нима бўлади, мўлжаллаб қўйган илмий ишларнинг тақдирини-чи? Йўқ, Улуғбек бунга йўл қўя олмайди, бориб отасининг оёқларига йиқилади, ялинади, ёлворади. Нима бўлса ҳам ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолади. Улуғбек шуларни назаридан ўтказди-ю, ҳеч нарсага қарамай отасининг истиқболига боришга қарор берди ва лашкарни Тошкентда қолдириб жўнади.

Шохрух хали тамом соғайиб кетмаган эди. Лекин соғайиши билан ҳисоблашмади, ҳисоблашиб ўлтирадиган вақт ҳам эмасди. Уша йил шаъбон ойининг биринчи куни (1427 йил 28 май) у Бойсунқурни ўзи билан бирга

олиб Хиротдан чиқди. Олий ўрду эндигина Жайхун қиргогига келиб тушган эди. Улугбекнинг чопари подшоҳга тиз чўкди ва унга ўглининг мактубини топширди. У отасидан Бойсунқурни пойтахтга қайтириб юборишни зорланиб илтимос қилган экан. Шоҳрух бу ишни шунчаки сиёсат учун қилган эди, ўглининг илтимосига дарров «хўп» деб қўя қолди. «Мирзо Бойсунқур, — деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий, — хоқони сайднинг намойиши ҳамда мирзо Улугбек Кўрагоннинг илтимоси билан Хуросон пойтахtiga қайтиб кетди».

Икки юз кема Шоҳрухнинг катта қўшинини бир ой деганда Термизга ўтказди. Улугбек билан Мовароуннахрнинг кўзга кўринган ақобирлари подшоҳни мана шу ерда зўр таитана билан кутиб олдилар. Шоҳрух ўгли билан совуққина кўришди, кўпчиликнинг олдида индамади-ю, лекин кечқурун, ҳамма тарқалгандан кейин, уни қаттиқ итоб қилди.

— Хўш, Искандари замон, марҳамат қилиб айтсунлар-чи, қўшин ҳозир қой манзилда турур? Онинг умумий аҳволи нечук?

— Қўшиннинг асосий қисми Тошкентда, лекин онинг аксарий қисми от-улоvidин ажралғон.

— Шундоғ бўлғоч сиз не учун бу ердасиз, мирзо?

Отасининг истеҳзоси ва қочирғи Улугбекнинг ич-ичини тирнади, қалбига наштар бўлиб санчилди. Оғзи қуруқшаб, тили айланмай қолди. Отасининг ўтқир нигоҳидан кўзларини олиб қочди ва бошини ҳам қилди. Лекин бу билан у сўроқ ва итобдан қутулиб қололмади. Тафтиш ва сўроқнинг энг каттаси Самарқандда бўлди. «Матлаъ ус-саъдайн»да ўқиймиз: «...у (Шоҳрух) Бароқ ўғлон билан бўлғон уруш хусусида суруштирди ва бўлуб ўтгон воқеанинг тагига етди. Воқеа шарҳини сўраб билғонида Мовароуннахр амирлари гуноҳкор бўлиб чиқдилар. Аларни девони олийда чўби ёсоқга етқурдилар. Мирзо Улугбекни эрса хитобу итоб мақомига етқуриб, жуда қаттиқ сўроқ қилди ва шаҳзода бир неча вақт беътибор қолди».

Ҳақиқатан ҳам Улугбек учун ўша кунлар жуда-жуда оғир кечди. У бир ойдан ортиқ қўли ишга бормаи ўз хонақосида дарвешлардек яшади. Ўша кунлари деярлик ўзи-ўзи билан бўлди, тунларни бедор ўтказди, нималар ҳаёлидан кечмади дейсиз ўша кунлари. Наҳотки ҳокимият тамом қўлдан кетган бўлса? Илож қанча, бордию отаси ҳақиқатан ҳам уни ҳокимиятдан четлаштира... Хеч бўлмаганда унга расадхона қурилишига бориб ишлашга

халақит бермас. Кеча мавлоно Мухаммад Ҳавофий унинг олдида бўлганда мадрасада риёзиётнинг ўқитилишидан кўнгли тўлмаётганлигини айтган эди. Балким, ўз мадрасасида оддийгина бир мударрис бўлиб қолар. Отаси буни ман қилмас, ахир... Лекин охири хайриятли бўлди. Шохрух фарзандига қайтадан меҳру-шафқат қилди — Мовароуннаҳр билан Туркистонни унга қайта инъом қилди.

Ўша йили куз бошида Тошкентга қўшимча куч юборилди. Лекин Бароқ ўғлон бундан хабар топган ҳамона Сигноқни ташлаб Дашти қипчоқнинг ичкари ерларига қараб қочган эди. Улугбек кўшинининг Сигноққа келган илғор қисми шаҳар ва унинг теварак-атрофини ҳар қандай лашкардан холи топди...

Шохрух Самарқандда зулҳижжанинг 14 кунигача (1427 йил 7 октябрь) турди...

Мағлубият алами, отанинг ҳатто илонни ҳам пўст ташлатадиган ачиқ гаплари Улугбекка қаттиқ ботди. Отасини кузатиб қўйди-ю, бир неча кун давомида ҳеч кимга кўринмай Боги чинорда кўрпа-ёстиқ қилиб ётди. Ҳозирки замон мавлоно Нафис уни келиб кўриб: «Мирзо бир қадар қабзият бўлибдур, иншоолло соғайиб кетгай», деб унинг яқинларини юпантирди.

Улугбек бир оз ўзига келиб саройга қайтгандан кейин ҳам давлат ишларига кўп рағбат қилмай қўйди, кечалари илм, кундузлари эса расадхона қурилиши билан боғлиқ ишларга берилди. Лекин Сотуқхон билан амирлар уни холи-жонига қўймай, янги ҳарбий юриш бошлашга гиж-гижлай бошладилар. Бир куни ўша Сотуқхон унга гап қотди:

— Падари бузрукворингиз, мирзом, бетоб бўлишларига қарамайин, Мовароуннаҳрдин Ҳирига қойтуб боргон ҳамона, кўшин тўплаб Озарбайжонга, амир Қора Юсуфнинг устига юрибдур, онинг зафар кучуб қойтиши муқаррардур. Шундоғ бир пайтда сиз бирлан бизнинг бекор тамошачи бўлуб қўл қовуштуруб ўлтиришимиз тўғри бўлмас, мирзо! Подшоҳи оламнинг қойтишларини биз ҳам бирон мақбул иш бирлан қорши олсок обдон яхши бўлмасму, мирзо?

Улугбек индамади. Сотуқхон эртаси куни Ҳарий Малик билан Шайх Абу Саидни подшоҳ олдига бошлаб кирди. Яна ўша гап. Шохрухнинг кўнглини бирор ютуқ билан олиш бир бахона эди, холос бу одамга. Аслида у Мўғулистон тахтига кўз тикаётган эди. Амирларнинг эса эртаю кеч фикру зикри мўмай ўлжада эди... Охири бўлмади.

Улар Улугбекни кўндирдилар. 832 (1429) йили у Мўғулистонга, Увайсхон устига қўшни тортишга қарор қилди, лекин бу ишга Сотукхоннинг ўзини мутасадди қилиб қўйди. Иссиқкўл атрофида бўлган урушда Сотукхон Увайсхонни ўлдирди, лекин, бари бир, Мўғулистон тахтини эгаллаб ололмади. Кўп ўтмай, ўлдирилган хоннинг тарафдорлари уни мамлакатдан қувиб юбордилар. Сотукхон Кошғар тарафга қочди.

Хукумат тепасига келган Эсон Бугахон (1424—1462) тез фурсатда Мўғулистоннинг мустақиллигини тиклади. У Олабуқа ва Иссиқкўл атрофида бир неча мустаҳкам қалъалар бунёд қилди ва ўша ердан туриб Фаргона, Сайрам ва Туркистоннинг қишлоқларига тез-тез бостириб кириб, уларни горат қилиб турди.

Темурийлар Кошғарни ҳам қўлда тутиб қололмадилар. Юқорида тилга олганимиз амир Худайоднинг набираси, Оқсув ҳокими Саид Али дуглот Улугбекнинг ўша мамлакатдаги ноиб амир Шоястам билан Кошғар учун қаттиқ урушди. 1435 йили Саид Али етти минг отлиқ йигити билан Шарқий Туркистонга бостириб кирди ва Кошғар шаҳари ёнида бўлган шиддатли урушда амир Шоястамни мағлубиятга учратди. «Тарихи Рашидий» китобининг муаллифи мирзо Муҳаммад Хайдар амир Шоястам урушга ўттиз минг аскар билан чиққанлигини айтади. Муаррихнинг фикрича, Шоястамнинг мағлубиятига, ўзининг ношудлигидан ташқари, баъзи бир ҳарбий бошлиқларнинг хонлиги ҳам сабаб бўлган. Улар жанг айни қизган ва зафар насими амир Шоястамнинг туғига қараб эса бошлаган бир пайтда жанг майдонини ташлаб қочдилар. Шу боисдан бўлса керак, бу уруш тарихда «солой бегим» («Бегимни ташлаб кетдилар») деган ном билан шуҳрат топди. Амир Саид Али дуглотнинг аскари Кошғарнинг теварак-атрофини беармон талади. Худди шундай аҳвол келаси йили ҳам такрорланди. Бу сафар амир Шоястам талончилар билан курашиш у ёқда турсин, қалъанинг мустаҳкам девори орқасида мушукка ўхшаб писиб ётди, босқинчилар бўлса бундан фойдаланиб вилоятнинг кўп қишлоқларини беармон таладилар. Халқнинг нонини еб, отини миниб юрган мансабдорларнинг бу қадар ношудлиги бора-бора ҳамманинг жонига теғди. Кошғарликлар нима бўлса ҳам ундан қутулиш кўйига тушдилар. Шу мақсад билан улар Самарқандга одам юбориб, Шоястамнинг устидан Улугбекка арз-дод қилдилар. Мирзо Улугбек амир Шоястамни мансабидан бўшатиб, ўрнига амир Пирмуҳаммадни тайин қилди. Ле-

кин у ҳам ландовурликда Шоястамдан қолишмади, балки ортиб тушди. Келаси йили қиш кунларидан бирида мўғулистонлик оломон Қошғар сарҳадига яна бостириб кирганларида амир Пирмуҳаммад икки қулогига пахта тикиб, кўзларини юмиб олди ва ҳатто гораггарлар сурон солиб Қошғар остоналарида пайдо бўлганларида ҳам пинагини бузмай ётаверди. Шуниси ачинарлики, амир Пирмуҳаммад «гораггарлар Қошғар сарҳадига яқинлашиб қолдилар», деган хабар олинishi билан шаҳар атрофидаги узоқ-яқин қишлоқларда истиқомат қилиб турган бадавлат ва нуфузли одамларни бола-чақаси ва кўч-кўрони билан қалъа ичига кўчиртириб олиб ўтди, бу билан уларни ёвнинг талон ва таъқибидан асраб қолди. Қора халқ бўлса ўз ҳолига ташлаб қўйилди. «Бой — бойга боқар, сув сойга» деган нақл бежиз эмас экан-да! Гораггарларга бу қўл келди. Улар бу сафар ҳам Қошғар атрофини истаганча таладилар, ҳеч ким қаршилиқ кўрсатмаганидан кейин шаҳарга кўз тикдилар ва уни қуршовга олдилар. Амир Пирмуҳаммад арк ичидан бош чиқармади, қўлини совуқ сувга ҳам урмади. Охири халқнинг сабр-қосаси тўлиб-тошди. Яхши еб-ичиш, ҳамён тўлдиришдан бошқа нарсага қодир бўлмаган ҳокимнинг баҳридан ўтишдан бошқа илож топмадилар. Улар бу сафар Самарқандга одам юбориб овора бўлиб ҳам ўтирмадилар. Қошғарликлар хожа Муҳаммад Шариф исмли бообрў бир одамни ўртага қўйиб мўғуллар билан сулҳ туздилар, амир Пирмуҳаммадни эса қўл-оёгини боғлаб мўғулларнинг бошлиғига олиб бориб бердилар. Амир Саид Али уни ўлдирди ва Қошғардай бой ва азим шаҳарни осонгина қўлга киритиб олди. Шу тариқа 838 (1435) йилдан бошлаб Қошғар вилояти яна Мўғулистонга қўшиб олинди. Амир Саид Али бу ўлкани то вафотига қадар (1458) қарийб йигирма тўрт йил давомида идора қилди.

XV асрнинг 30—40 йилларида Шоҳруҳ билан Улугбекка икки кучли кўчманчи давлат: Дашти қипчоқнинг шарқий қисмида истиқомат қилувчи халқлар ва элатларни ўзига бўйсундирган Абулхайрхон (1428—1468) ҳамда Озарбайжон ва Ироқда ўз ҳукмронлигини ўрнатган Қорақуюнлилар сулоласининг кўзга кўринган намоёндаларидан Искандар (1420—1436) ҳамда Жаҳоншоҳ (1436—1467) билан қураш олиб боришга тўғри келди.

Шоҳруҳ Искандарга қарши уч бор (1429, 1430, 1435 йиллари) қўшни тортиди. Лекин ўртада бирон марта ҳам жиддий тўқнашув бўлмади. Қорақуюнлилар ҳар сафар

Шоҳрух Озарбайжон сарҳадида пайдо бўлганда унинг кўп сонлик қўшинига тоб беролмай мамлакат ичкарасига чекинар, кейин элчи ва катта совға-салом юбориб сулҳ сўрардилар, бундан бери «бўйнимизни итоат ҳалқасидан чиқармагаймуз», деб қасам ичардилар. Шоҳрух Озарбайжондан чиқиб кетиши биланоқ, кўп ўтмай, Шоҳрух Ҳиротга ҳали етиб бормай туриб яна исён кўтарардилар. Охири бўлмади. Шоҳрухнинг қорақуюнлиларни итоат доирасида тутишга мадори қолмади. Шунинг учун ҳам 1436 йили у эндигина подшоҳ кўтарилган Жаҳоншоҳнинг Ҳиротга келган элчиларига Озарбайжон билан Ироқнинг мустақиллигини таниганлигини эътироф қилишга мажбур бўлди.

Абулхайрхон ва Дашти қипчоқ кўчманчилари билан кураш ҳам Шоҳрух билан Улугбек учун осон бўлмади. Кўчманчилар ҳар йили, айниқса, қиш фаслида, Мовароуннахрнинг ички районларига бостириб кирар ва ўтроқ аҳолини горат қилиб кетардилар. Масалан, 1431 ва 1435 йиллари кўчманчилар икки марта ўша Абулхайрхон етакчилигида Хоразмга бостириб кирдилар ва унинг ғарбий-шимолӣ қисмини, Урганч билан қўшиб, забт этдилар. Йирик тарихшунос олим академик В. В. Бартольд (1869—1930) кўчманчиларнинг бу юришдан кузатган бирдан-бир мақсади ўлкани талон-тарож қилиш ва катта ўлжа орттиришдан иборат эди, деб ёзган. Лекин ўша замонлардан қолган тарихий китобларда бу хусусда сал бошқача гап бор экан. Масалан, «Тарихи Абулхайрхоний» номли китобда келтирилган маълумотларга қараганда, Абулхайрхоннинг Хоразмга қилган юришдан кузатган асосий мақсади уни бўйсундириш ва кўчманчи ўзбеклар давлати таркибига қўшиб олишдан иборат эканлиги кўриниб турибди. Ўша вақтда Хоразмни юқорида номи кўп марта тилга олинган амир Шоҳмаликнинг ўғли амир Иброҳим идора қилиб турарди. Абулхайрхон 1431 йили Хоразмга бостириб кирганда у нимагадир унга астойдил қаршилиқ кўрсатмади. «Баҳр ул-асрор» китобининг муаллифи Маҳмуд ибн Вали бу ҳақда кизиқ маълумот келтирган. Мана унинг айтгани: «Абулхайрхон қалъага элчи юборуб, амир Иброҳимдин шаҳарни яхшилик бирлап тошшуришни талаб қилди. Амир Иброҳим бўлса онинг талабини рад этди. Шаҳар аслзодалари ҳамда руҳонийларнинг бошлиқлари пировардида уни қаршилиқ кўрсатмай шаҳарни онга тошшуришга мажбур қилгонлар». Оқибатда амир Иброҳим Урганчни ташлаб Қот ва Хива тарафларга қочиб кетди. Шу тариқа Хоразм Абулхайрхоннинг қўлига ўтиб қолди.

«Тарихи Абулхайрхоний» китобининг саҳифаларида яна мана буларни ўқиймиз: «Абулхайрхон Хоразм ишғол этилгондин сўнг аввал ўтгон подшоҳлар не-не машаққат бирлан жамгаргон хазинанинг эшикларини очишни буюрди, сўнгра икки мўътабар амирни хазина эшиклари ёнига ўтиргиздилар. Сўнгра хоннинг барча умароси, мулозимлари ва лашкарга «иккита-иккитадин бўлуб хазинага киришсунлар ва ундоғи дирам ва зарру жавохирдин ҳамёнларига сиққонича олсунлар», деб буюрди. Алар хазинадин қонча истасалар шунча олдилар, ҳамма бирдин ғаний бўлуб қолди...»

Қорақуюнлилар ва Дашти қипчоқ кўчманчиларининг Хуросон ва Мовароуннаҳр сарҳадларида активлашиб қолиши ҳам ташвишли эди. Лекин, на Шохрух ва на Улугбек уларга бас келиш имконига эга эди. 1427 йили Бароқхон билан бўлган воқеа ҳали Улугбекнинг эсидан чиқмаганди.

Харҳолда Хоразмда бўлиб ўтган воқеа Шохрухни бирмунча раижитди. Буни Улугбекнинг давлат ишларига кам эътиборлиги ва сусткашлигидан ҳам кўрди. 835 йил жумади ул-аввал ўрталарида (1432 йил январь ўртаси) Сараҳсада қишлаб турганида Улугбекни чақиртириб олди. Аввалда, ҳамманинг олдида, ўғлини бағрига босиб, дастурхон устида серилтифот бўлди. Лекин олий ўрдудагилар тарқаб, ота-бола ёлғиз қолганларида бирдан подшоҳнинг қовоқлари осилиб кетди, ўғлини итбга олди:

— Хоразмда нелар бўлгонидин огоҳдурсиз, мирзо?

— Ори, отажон. Туркистон сарҳадларидин хавотир олуб, амир Иброҳимга кўмак юборолмадук.

— Дашти қипчоқ тарафларидин осмонда зог-поғ кўрунмадиму ё они Талли расаддин кўриб бўлмасму эркан?!

Улугбек бошини ҳам қилиб гапдан қолишдан бошқа илож тополмади. Нима ҳам дерди? Отаси ҳамма нарсадан хабардор. Ҳақиқатан ҳам илм билан тамоман банд бўлиб кетибди: Хоразм у ёқда турсин қасрга ҳам кам борадиган бўлиб қолганди.

Шохрух амир Иброҳимга ёрдам учун аскар юбормагани боис ўша кеча кўп койиди, эрталабки нонушта вақтида эса, Улугбек Сараҳсага келмасдан сал илгари Ҳиротдан чақиртириб келтирилган Бойсунқур мирзога ортиқроқ илтифот кўрсатиб сермулозамат бўлди. Гап орасида унга деди:

— Амирзода, Самарқандда бўлмагонингизга ҳам анча бўлгондур?

— Анча бўлди чоғи, отажон.

Бойсунқур бир отасига, бир бор отасига нигоҳ ташлади.

Бу тагдөр гапнинг маъини чақниш қийин эмасди. Улугбек отаси нимага шама қилаётганини яхши англади.

Улугбек Самарқандга маъюс ва тушқун бир аҳволда қайтди. Сиқилавериб тез-тез оғриб қоладиган бўлди. Шу шу у ҳаммавақт маъюс ва камган юришга одатланди. Охири хафақонлик касалига чалинди.

«Подшоҳликнинг уч-тўрт кунлик дабадбаси шунақа бўларкан. Шу билан тугаса-ку нур устига аъло нур», — деди у бир куни ўзига-ўзи. От устида қилич чопиб ўтказган умрига ачиди, нега аввалроқ тахт деб аталмиш бу дабадали курсини Муҳаммад Жўқийгами, Бойсунқургами бермаганига ачиди. Эссиз бекорга ўтган умр! Илмий ишлари анча илгариллаган бўларди-я!..



ЖАҲОН ИЧРА ЗЕБ

Шоҳрух Шоҳмаликни бирга олиб Хуросонга жўнаб кетган куннинг эртаси мирзо Улугбек вазири аъзам хожа Носириддин Насрулло Хавофий, катта амирлардан Аргуншоҳ, Таваккал барлоқ ва Ҳамза чухра билан бирга шаҳар айлангани чиқди. Тўғри, у шаҳарни аввал ҳам кўп бор сайр қилган, унинг катта-кичик кўчаларини яхши билади. Лекин бугунгиси бошқача. Бугун у шаҳарни подшоҳ сифатида айланади, негаки ахир у бир умр орзиқиб кутган кун келди, орзу-умиди рўёбга чиқди. У энди соҳибни тож, Мовароуннаҳр ва Туркистон ҳукмдори...

Подшоҳ навкарлари қаср дарвозасидан чиққанда офтоб икки найза кўтарилиб қолган эди... Ўша кунни улар шаҳарнинг эътиборга молик ҳамма жойини бориб кўрдилар. Қуссам ибн Аббос, хожа Муҳаммад санграсон, шайх Абу Мансур Мотуридий, хожа Абди дарун ва хажга Абди бирун мазорларини, Гўри Амир, Рухобод ва бошқа мақбараларни виёрат қилдилар. Шаҳар, айниқса бобосининг улкан жоме масжиди ва Шоҳизиндада зўр дид ва санъат билан қурилган мухташам мақбаралар Улугбекда бу сафар бошқача таассурот қолдирди. Бобосига хаваси келди. Шунақа ишлар қилиш унга ҳам насиб бўлармикли? Одам-ку топилади, чапдаст усталар ҳам йўқ эмас, лекин бунга катта сармоя керак. Уни ҳозир қаердан олади? Хазина бўм-бўш-ку. «Йўқ, руҳан тушма, бардам бўл, Улугбек! Нима қилсанг ҳам улуг бобонгни қурувчилик ишларини давом эттирурсен. Буни ушбу йил бўлмаса, келаси йил, яна бўлмаса ондин кейинги йил бошлаб юборурсен. Ном-нишонсиз ўтмоқ фожедир. Тожу тахт, олий мансаб соҳибни бўлгон киши учун эрса самарасиз дарахт бўлуб ўтиш — уят бўл-

гай», — деди Улугбек ўзига-ўзи. Шунақа ўй-хаёл билан Чорсу бозорига бориб қолганларини ҳам сезмади.

Чорсу шаҳарнинг энг катта бозори бўлиб, ҳамisha гавжум. Савдо дўконлари турли-туман матолар: кирбос, парча, кўк туслик баҳмал, фата, атластаргу, дубо, қолин зулуча ва бошқа анвойи моллар, улардан тикилган турли-туман кийим-кечак билан тўла, расталарда эса Самарқанд боғларида етиштирилган анвойи ноз-неъматлар, тармева ва турли-туман ширинликлар, жаҳонга машҳур Самарқанд нонлари: оби, пўлотий, ширмойи, седана пайванд, нони заргарон, нони осийи... Бозорни чор атрофдан ўраб турган қатор-қатор миҳчагарлик, мисгарлик, қулочилик, сангтарошлик, маҳсидўзлик, нажжорлик, саҳҳофлик, заргарлик ва бошқа дўконларни айтмайсизми. Бу дўконларда уй-рўзгор учун зарур ҳамма нарса, заргарлик буюмлари ва зеб-зийнат моллари, жаҳонга шуҳрати кетган тилларанг, ҳаворанг ва ложувард бўёқлар, ҳарбий қурол-аслаҳалар ва жиба, совут, баргуствои сингари ҳарбий кийимлар сотиларди. Оби раҳмат ариги устига қурилган қоғоз жувозларида ишлаб чиқарилаётган турли нав қоғозлар билан савдо қилувчи дўконлар ҳам бор. Алоҳида дўкон очиб ўлтирган хушнавис хаттотлар, китоб вақаларига тилло суви ва турли нав бўёқлар билан жило бериб ўлтирган наққошлар, лаввоҳларни, китобларни зўр санъат билан муқовалаб ўлтирган саҳҳофларни айтмайсизми. Ошхоналарда пиширилаётган турли-туман таомлар-чи?..

Ҳақиқатан ҳам Самарқанд обод ва тўқ шаҳар эди. Маҳмуд Қошғарий уни Семизкент деб бежиз айтмаган экан...

Улугбек пойтахтнинг умумий аҳволидан қониқиб ҳосил қилди. Шаҳарнинг ободонлигига бир томондан хунаремандчилик, савдо-сотик ҳамда зироатчиликнинг бирмунча ривож топганлиги, иккинчи тарафдан эса Амир Темурнинг 1386 йилдан Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Туркия ва Ҳиндистон заминида олиб борган зафарли урушлар оқсидида тўплаган беҳисоб бойлиги, ўша юртлардан ҳайдаб келинган қўли гул усталар сабабчи бўлишди, албатта. Улар самарқандлик, кешлик, бухоролик ва хоразмлик меъморлар, сангтарошлар, ёғочсозлар, гилкорлар ва наққошлар билан ёнма-ён туриб, Самарқанд, Бухоро, Гиждувон, Кеш ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида масжиду мадрасалар, муҳташам қасрлар, ҳаммомлар, карвонсаройлар бино қилдилар. Лекин, бари бир, ҳали қилнадиган ишлар кўп. Қолаверса Темур бошлаб қўйган баъзи иморатлар охиригача битказилмай қолганди. Булар-

ни ҳам битказиш Улугбекнинг зиммасига тушди. «Қили-
натургон ишларни режалаб олиш керак кўринадур», деди
у ўз-ўзига. Рухободни — Бурхониддин Соғаржий мазорини
зиёрат қилиб турганларида Улугбекнинг хаёлидан устози
мавлоно Бадриддин кечди. Мавлоно шу яқин атрофда,
Хон Саид имом маҳалласида истиқомат қиларди. У шол
бўлиб қолган, шунинг учун ҳам кўпдан бери кўча-кўйга
чиқмай қўйганди. Улугбек уни сайрдан қайтишда кўриб
ўтишни кўнглидан ўтказиб қўйди, зеро бирон иш бошлаш-
дан олдин шу одам билан кенгашадиган одати бор эди.
Ниҳоят, у йўлда ҳамроҳларига ижозат бериб, хос мулозими
ва курчилар билан отининг жиловини Хон Саид имом
маҳалласига бурди. Мавлононинг каталакдек ҳовлиси
Хон Саид имом мазорининг ёнгинасида, Наводон чаш-
масининг бўйида эди. Дарвоза одатдагидек очиқ, мавлоно
уни ичидан занжирлатмасди... Уй соҳиби ўша куни ёлғиз
эмас экан. Подшоҳ бугун кечқурун кўрмоқчи бўлган
одамларидан баъзилари: мавлоно Афзалиддин Кеший,
шайхулислом ҳожа Исомиддин ва ҳожа Фазлulloҳ Абул-
лайсий ҳам шу ерда эди... Бемордан бошқа ҳамма под-
шоҳни ўрнидан туриб қарши олди.

— Қадамларига ҳасанот, мирзом. Сизни қойси шамол
учуриб келди эркан?

Мавлоно Бадриддин шогирдини кўриб ичига сизмай
суюнди. Ўрнидан туришга ҳаракат қилди.

— Йўқ-йўқ, уринмангиз, устоз.

Улугбек унинг олдида тиз чўкди. Устоз билан шогирд
бир-бирини соғинган эканлар, қучоқлашиб кўришдилар.
Сўнг Улугбек уни оҳиста ўрнига ётқизди.

Фотиҳадан кейин ҳол-аҳвол сўрашдилар, бир оз омади
гаплардан гаплашиб ўтирдилар, сўнг Улугбек аини муд-
даога кўчиб қўя қолди — кўп ўтириб беморни ҳоритиб
қўйиш одобдан эмасди.

— Фақир ҳаммаларингизни ушбу кун йўқлаб туруб
эрдим, мана, ният холис эркан, яхши соатда кўрушдик.
Маслаҳатлик иш чиқиб қолди.

Ўтирганлар «қандай иш эркан», деб подшоҳга тикил-
дилар. Улугбек сўзида давом этди:

— Биз ушбу кун доруссалтанатни яна бир бор кўздан
кечуриб чиқдик, азиз-авлиёларнинг мазорларини зиёрат
қилдук. Самарқанди фирдавсмонанд улуг бобомизнинг
саъий ҳаракати бирлан ҳийла ободон бўлгон эркан.

— Шундоқ, аълоҳазрат.

Шайхулислому Исомиддин қўлларини кўксига қўйиб подшоҳнинг сўзларини маъқуллади.

— Лоқин, қилинатургон юмушлар ҳали борга ўхшайдур.— Улугбек сукут сақлади, ўлтирганларга бир-бир кўз ташлаб олди, сўнг, ҳамманинг юзида хайрхоҳлик ва тараддуд аломатларини кўриб, давом этди: — Биз ҳам ўзимиздин бирон ёдгорлик қолдирсак, деган ният қилгон эрдик.

— Ҳазратимнинг ниятларига тангри таоло ёр бўлгай!
Мавлоно Афзалуддин Кеший қўлларини дуога очди. Бошқалар унга эргашдилар.

Мавлоно Бадриддин оҳиста гапга аралашди:

— Муборак ниятларини билсак бўларму, мирзо?

— Ори, устоз, агар мухтарам жамоа маъқул топса, аркон давлат ҳам қувватласалар, Самарқандда расадхона бино қилсак, деб эрдим.

— Бораккало, айни муддао эрур бу,— Мавлоно Бадриддиннинг кўзлари ёришиб, юзида суюнч аломатлари пайдо бўлди, овози ҳам бир қадар жонланганди.— Лоқин, дин пешволари бунга не дер эрканлар?

Мавлоно Бадриддиннинг бу сўзлари унинг бош тарафида ўлтирган шайхулисломуга қаратилган эди. Мавлоно Исомиддин кутдириб қўймади:

— Авваламбор, подшоҳнинг амри вожиб эрур. Бу барчага аёндур. Сониян, Самарқанд киби шаҳри азим учун расадхона ҳам зарур, лоқин, аълоҳазрат, бизни айбга буюрмасалар, банда кўнглига келгон бир гапни баён қилса.

— Айтинг, қулогим сизда, мавлоно.

Шайхулислому икки қўлини кўксига қўйиб Улугбекка таъзим қилди, сўнг сўзида давом этди:

— Дин пешволари орасинда жаноби мухтасиб Сайид Ошиқ ва Низомуддин Хомуш жаноблари ва яна хожа Муҳаммад Порсо каби зотлар ҳам бурдурким, аларни ҳам ҳисобга олмай бўлмас. Шу важдин қурилишлар аввал бирон масжид, ё бўлмаса мадрасадин бошланса деб эрдим. Сирасини олгонда масжид ҳам, мадраса ҳам аҳли мўмин учун илму маърифат ўчоғи-ку.

Бошқалар индамади, мавлоно Бадриддин шайхулислому фикрини маъқул топди. Шундан кейин бир вақтгача орага сукут чўкди. Сукутни Улугбекнинг ўзи бузди.

— Маъқул, тақсир. Қурилишни масжиду мадрасадин бошлагаймиз. Иншоолло бир эрмас, балки икки-уч мадраса бунёд қилгаймиз.

Шу билан қурилишларини нимадан бошлаш хусусидаги баҳсга хатм ясалди, сўнг қадрдонлар яна бир оз у ёқ-бу ёқ-

дан гаплашиб ўлтиришди, кейин соҳиби хонага саломатлик ва эсон-омонлик тилаб ўринларидан кўзгалдилар.

Ўша куни кечқурун аркон давлат, умаро, вазирлар, аълам, шайхулислом, қози калон ва Самарқанднинг бошқа казо-казолари саройга чақиртирилди. Таклиф қилинганлар орасида нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намोёндаларидан Низомуддин Хомуш ҳам бор эди.

Мажлисга йиғилганлар бирин-кетин мирзо Улугбекни тожу тахт билан муборакбод қилдилар. Дуойи-фотиҳадан сўнг Амир Темур вафотидан кейин узоқ йиллар давом этган уруш туфайли эл-юртнинг емак-ичмаги огирлашганлиги ва уни ўнглаш билан боғлиқ масалалар устида гурунглашдилар. Подшоҳнинг имо-ишорати билан вазири аъзам сўз бошлади:

— Муҳтарам жамоага маълумким, Халил Султон баҳодир замонда юртнинг эмну омонлиги бузилди, рааё ва бароённинг боши урушдин чиқмади. Анинг оқибати эрса яхши бўлмади: зироат дуруст битмади, қосиблар ва аҳли савдонинг иши ривож топмади. Бозорда нарх-наво бирмунча кўтарилгон. Боз анинг устига мазкур султон солиқларни ҳам ошируб кетди.

Хазиначи қўшиб қўйди:

— Султон Халилдин кейин хазонаин омирида бир фулус ҳам оқча қолмагон, ҳозир ҳам анинг чўғи паст.

Иқтисодий аҳвол хусусида муставфий ул-мамолик ҳам кўп гапларни айтди. Шундан кейин орага сукунат чўкди. Улугбек мажлис аҳлини бир-бир нигоҳдан ўтказди — ҳамма бошини қўйи солганича жим ўлтирарди. Улар ёш подшоҳ бу борада ўзи нима дейишини кутаётган эдилар. Буни Улугбек илғаб олди. «Айтилатургон гаплар айтув бўлуни, энди анинг чорасини қидирмоқ зарур, бусиз эл-юрт интизомга қелмас, расадхона туғил таҳоратхона ҳам қуриб бўлмас», деди у ўз-ўзига. Кейин бу масала хусусидаги кенгашга яқун ясаб қўя қолди.

— Агар жанобларининг бошқа айтатургон гаплари бўлмаса вазири аъзам бирлаи муставфий ал-мамоликдин илтимос қилсакким, мазкур жаноблар девони молдаги борча масъул кишиларини ва дафтардорларни ёнларига олуб, олиқ-солиқни низомга солиш борасида, бозорда нарх-навони тартибга келтириш хусусида махсус мисол ҳозирласалар. Ҳар жарибдин олинатургон хирож ёки ушрнинг миқдори аниқ белгиланса, динор ва ҳатто фулуснинг вазни ҳам ўлчанса.

Муставфий ал-мамолик «бошқа солиқлар нима бўлади», деган маънода подшоҳга ер остидан бир қараб қўйди. Улуғбек бунақа «ичимдагини топ!» қабилида иш тутадиган одамларни ёқтирмас эди, шунинг учун жеркиб ташлади:

— Муддаонгизни очуқ айтсангиз бўлмасму, жаноби муставфий! Нима, тилингизни кесуб олурму эрдик?!

Муставфий ал-мамолик қўрқиб кетганиданми, ёки бошқа важданми, оғзига талқон солиб олди. Улуғбек ҳам унга тикилганича нима дейишини билмай жим қолди. Боз, бунинг устига, ўй суриб кетди. Мовароуннахрга тайин қилинганининг учинчи кун иёз бошларида ёнига ана шу хозир ер чизиб ўлтирган муставфий ал-мамоликни олиб эртадан кечгача шаҳар айланди. Улар бозорларни ва гузарларни кездилар, қаландархона ва чойхоналарда бўлдилар. Подшоҳ билан девони муставфийнинг бошлиғи одмигина либосда бўлганлари учун уларни ҳеч ким танимади. Ҳақиқатан ҳам бозорда нарх-наво кўтарилган, теварак-атрофдан бозорга мол олиб келган деҳқонлар закотчиларни қаргаб-шилгардилар, харидорлар эса нарх-навонинг баландлигидан нолирдилар:

— Нонсофлар! Эски одатларни тарк этмабдурлар, ҳали кўк пули, ҳали гўза пули деб келавериб тинкамизни курутдилар.

— Оқчанинг ҳам қадри йўқ. Бу аҳволда яқин орада хонавайрон бўлишимиз турғон гап.

— Хирожинг миқдори ортиб бораётганини айтмайсизму? Бойлар билан эшонларнинг ерлари серунум, серсув, лекин алар фақат даҳяк тўлайдурлар, биз бечоралар эрсак ҳосилнинг учдин бир қисмини подшоҳнинг закотчисига тобшуришга мажбурдурмиз.

— Подшоҳ давлат ишларига кам эътибор бўлгондин кейин аҳвол бундин ўзга бўлурму?

Улуғбек билан муставфий ал-мамолик бозорда ҳам, чойхоналарда ҳам, гузарларда ҳам шунақа ва шунга ўхшаш гапларни эшитишди. Бу гаплар айниқса Улуғбекнинг жон-жонидан ўтиб кетди. У не аҳволда саройга қайтди, кечки овқатдан кейин китобдорни чақиртирди ва давлат ишларини бошқариш масалаларига онд бирон рисола бўлса топиб келтиришни буюрди. Ҳаял ўтмай китобдор подшоҳнинг олдига учта китоб олиб келиб қўйди. Булардан бири Носириддин Тусийнинг элхонийларнинг молия ишларига тегишли рисоласи, иккинчиси Муҳаммад ибн Ҳиндушоҳ Нахичевонийнинг «Дастур ал-котиб фи таъйин ал-маротиб» («Мансабдорларнинг мар-

табаларини белгилашда котибларга қўлланма») мажмуаси; учинчиси Абдулла ибн Муҳаммад Мозандаронийнинг «Рисолати фалакня»си эди. Улугбек бу китобларни бир ой деганда ўқиб чиқди. Китоблар унга маъқул бўлди. Амир Темур даврида ҳам девон хизматчилари бу қўлланмаларга таяниб иш тутишган, лекин Халил Султон даврига келиб, улар унутилган, мансабдорлар қуюшқондан чиқиб кетган эдилар. Улугбек бу иклат ҳозир ҳам давом этаётганини биларди, лекин уни тугатиш учун ҳали кўп ишлар қилишга тўғри келарди. Аммо, бахтга қарши, ўша кезларда унинг иккала қўли ҳам боғланган — мамлакат жилови амир Шохмалик илмида эди. Энди Шохмалик йўқ, энди давлат унинг ихтиёрида. Лекин бари бир буни бирдан тuzатиб бўлмасди. Шунинг учун ҳам Улугбек ўша йигилишда айни муддаони айтиб қўя қолди:

— Улуг бобомиз замонда амалда бўлгон барча олиқ-солиқлар ўз ҳолича қолгай, лекин омиллар ва закотчилар устидин назоратни кучайтирмоқ лозим. Ҳа, айтгонча, бошқа солиқ-жўрималар қатори томго ҳам соқлонгай.

Амирлардан баъзилари алланечук бўлиб кетдилар, чунки уларнинг ҳам савдо-сотик билан алоқалари бор эди-да!

Кенгаш охирида Улугбек Самарқанд ва Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларини ободонлаштириш хусусидаги режасини ўртага ташлади. Булар ҳам ишни масжид, мадраса ва ҳонақоҳлар қуришдан, мазорларни обод қилишдан бошлаш кераклигини айтдилар. Улугбек нима ҳам дея оларди. Ўша замонларда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ислом ва мусулмон руҳонийларининг нуфузи катта эди. Бундан ташқари, унинг ўзи ҳам мусулмон фарзанди, мусулмонларга подшоҳ эди. «Хайр, майли, — деди у ўз-ўзига, — расадхона зарурроқ эрди, лекин масжид билан мадраса ҳам ҳар ҳолда илм-маърифат ўчоғи-ку. Доғи масжиднинг сэмтини мунажжим тариқида қурса бўлмасму эркан?...»

Хуллас, қурилиш ишларини яқин икки-уч йил ичида бошлаб юбориш, ҳозирликка эса келаси йили наврўзи оламда киришишга қарор қилинди...

Орадан бир ой ўтгач, хирож ва ушрнинг ҳажми ўзгартирилди. Тўрт харвор галла етиштиришга қодир бўлган бир жариб ердан олинпадиган хирожнинг миқдори тўрт доғ фулусий миқдорида белгиланди. Подшоҳнинг бу ҳақдаги фармони барча вилоятларга юборилди. Янги пул ҳам

зарб қилинди. Бу пул «фулуси адлия» номи билан шуҳрат топди.

Улугбек сўзининг устидан чиқди. У ҳақиқатан ҳам бир эмас уч мадраса қурдирди. Булардан бири Бухоройи шарифда (1417), иккинчиси Самарқанди фирдавсмонандда (1417—1420), учинчиси эса Ғиждувонда (1433) бунёд этилди. Булардан энг каттаси Самарқандда қурилган эди. Бир тарихий китобда унга мана бундай таъриф берилган: «Мадрасанинг тоғ шукӯҳли ҳайъати устухонбанд мустаҳкамлигини фалак биносидин тинчликни олгон, юксаклик жиҳати бўлмиш азаматнишон нештоқи оғирлигини еру заминга зилзила солгон, анинг олий даражалик кўнгира-ларини қудрат устаси фалак айвонининг муқарнаскор-лиги бирлан бир хилда ёсогон, ложувард кошинларини қазо наққош фалакнинг чарогон юлдузлари бирлан бир тартибда нақш қилуб, аларга даҳлдор қилгон; қуёш каби жилваси, зарнигор нақшлари гўзал фалак гумбази бирла ҳамвази эрди». Мадраса икки қаватлик, эллик нафар хужраси бор эди. Ҳар бир хужра уч хонадан: қазноқ, ётоқхона ва дарсхонадан иборат эди. Тарихий манбаларда сақланган маълумотларга қараганда, Улугбекнинг Самарқанддаги мадрасасида юздан ортиқ талаба истиқомат қилган ва таълим олган. Мадрасага ўша замоннинг иқтидорли олимларидан мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Хавофий етакчи мударрис бўлган. XVI аср бошларида ўтган машҳур адиб Зайниддин Васофийнинг «Бадонъ ул-вақонъ» китобида диққатга сазовор мана бу ҳикоят бор: «Мадраса қурилиши итмомига етгач, анинг саҳнида катта йигин бўлди. Йигинга Улугбек мирзо ҳам ташриф буюрдилар. Йигилгонлар андин «мадрасанинг биринчи мударриси ким бўлгай?» — деб сўрагонларида Улугбек мирзо «барча илмларининг саромади бўлгон киши ушбу мадрасага мударрис этиб тайинлангай», — деб жавоб қилдилар. Ушбу йигинда ҳозир бўлгон ва хишт уюми устида жулдуз кийимда ўлтургон бир шахс ўрнидин даст туриб мирзога таъзим қилди ва «ушбу мартабага мен муносибдурмен», деди. Улугбек мирзо ани имтиҳон қилди, илму камолатига ишонч ҳосил қилгач, ани ҳаммомга олиб бориб ювиб-тараб кийинтиришни буюрдилар. Мадраса очилгон кунини мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Хавофий мударрис ўрнида биринчи дарсени ўқидилар. Дарса олимлардин тўқсон нафари ҳозир бўлгон эрдилар, лекин дарсининг маънисига Улугбек мирзо бирлан Қозизода Румийдин бошқа ҳеч ким тушунмади».

Мадрасанинг кун юриш тарафида Улуғбек мирзо хонақоҳ (1424) ва муқаттаъ деб аталмиш ажойиб бир масжид ҳам қурдирди. Бу бинолар ҳақида «Бобирнома»да мана бу қимматли маълумотлар бор:

«Хонақоҳнинг гумбази бисёр улуғ гумбаздур, оламда онча улуғ гумбаз йўқ деб нишон берурлар... яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибтур, масжиди муқаттаъ дерлар. Бу жиҳатдин муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитойӣ нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунлуқтур».

Улуғбек ният қилган катта қурилишлар 1424 йили бошланиб кетди. Одатдагидек бу ишлар ҳам наврӯзи оламга тўғри келди. Ажам халқи орасида қадимдан одат шундай. Шарқда азалдан кўп ишлар — деҳқончилик ҳам, катта-кичик қурилишлар ҳам шу айёмдан бошланади. Наврӯз одатда фарвардин ойининг биринчиси, ҳамал ойининг биринчи куни, ҳозирги календарь бўйича эса март ойининг 21—22 қунларидан ҳисобланади. Самарқандликларнинг кўпчилиги бу мўътабар айёмни шаҳарнинг шарқий-шимолӣ тарафидаги Чўпонота тепаликлари, Обираҳмат ва Сиёб ариқлари бўйларида кутиб олишга одатланишган.

Наврӯзнинг биринчи куни мирзо Улуғбек ҳам ўзига яқин одамлар — шайхулислом мавлоно Исомиддин, хожа Жалолоиддин Фазлуллоҳ Абуллайсий, мавлоно Муъиниддин Кошфий, Ғиёсиддин Жамшид Кошоний, Қозизода Румий, хожа Абдулмўмин, мавлоно Бадахший ва бошқалар билан Чўпонотага чиқди. Улар дастлаб тўппа-тўғри тепаликка кўтариладилар ва ўша ердаги Чўпонота мазорини зиёрат қилдилар. сўнг Обираҳмат ариғи бўйига келиб тушдилар. Нақши жаҳон деб аталувчи бу манзил анча баландлик бўлиб, ундан чор-атрофни бемалол тамошо қилиш мумкин эди. Баковуллар, фаррошлар, хонсолорлар ва ўзга хизматкорлар кечадан бери базм анжомларини ҳозирлаб турган эканлар. Ариғ бўйида қаторасига тўртта катта-кичик сўри қўйилиб, шоҳона жой тўшалган эди. Улуғбек билан унинг ҳамроҳлари катта сўридан жой олдилар. Хонсолорлар дастурхонни турфа неъматлар билан безашди. Дастурхонда яхши асралган қовун, тарвуз, олма, узум ва анордан тортиб, то ўрик, шафтоли, гилос ва анжир мураббосигача, сумалакдан тортиб, то полуда, ҳолва ва нашмакгача бор эди.

Хуллас, зиёфат ҳаддан зиёд қуюқ бўлди ва ярим кечага

қадар давом этди. Сўриларнинг биридан ўрип олган мутриб ва ҳофизлар зўр маҳорат билан ижро қилган куй ва кўшиқлар дилни симоб каби эртди. Мавлоно Лутфийнинг ҳофизлар кўшиққа солган мана бу ғазали олқиш қозонди:

Жамолу хуснингга сўз йўқ, вафо керак бўлса,
Мени худ ўлтирадурсен, раво керак бўлса
Кўнгилад чу бўлмайми ўз ҳаддиши сени севди,
Балоу гусса бирла мубтало керак бўлса.
Жафони жонима оз қилки, ногаҳон бир кун,
Жаво туганса нетарсен, жафо керак бўлса?
Кўнгулни ўзгага бергил демангки, мушкулдур,
Жаҳонда сиз киби бир дилрабо керак бўлса.
Кишиким ўз жонига қасд этар, сени севсун,
Дағи эшикинга келсун, бало керак бўлса.
Жамолу жоҳ юз фароғатим бордур,
Урамунг ити манга ошно, керак бўлса,
Уку бу Лутфийи мунглақ ниёз помасини,
Савобу алқишу юз минг дуо керак бўлса.

Мавлоно Бадахший, хожа Абдулмўмин ва мавлоно Саккокийларнинг наврўзи олам мавзуида қилган мушоираси ҳам мароқли бўлди. Мушоирадан сўнг Улуғбек қаршида ўлтирган ва фазлу камолоти билан эл-юрт орасида шуҳрат топган хожа Фазлиддин Кешийга мурожаат қилди:

— Абу Райҳон Хоразмийнинг «Осор ул-боқия»сида наврўз тарихидин ҳам баҳс юритилгон деб айтурлар. Ул китобга кўзунгиз тушғони бордур, мавлоно?

— Ори, аълоҳазрат, улуғ мутафаккир ушбул айёми муборак хусусинда «Осор ул-боқия»дин ташқари яна «Аҳлоқ ул-мулук» отлиқ китобида ҳам кўп эътиборлик фикр айтгон эрканлар.

— Қани, эшитойлик, тақсир, агар малою бўлмаса?

Улуғбек бунга ўқиганди, лекин мавлонони имтиҳон қилди, чамаси.

— Бажони дил, аълоҳазрат.

Хожа Фазлиддин Беруний китобларидан ўқиган ва билганларини гапириб берди: «Наврўз Эрон заминида ҳам, Туронда ҳам қадим-қадим замонлардин, хусусан, Тахмурос, Жамшид ва Афросиёб замонидин ийд қилинур эркан. Наврўз тамом мавжудот ва махлуқот тирилганин билдирур эркан. Шу куни дарахтлар уйғонур, гуллар очилур, ўсимлик унуб чиқур эркан. Шу сабабдин наврўз ҳаётнинг бошланишига ишорат деб эътироф қилур эрканлар. Хулласи калом, еру заминдаги борлиқ нарсалар, осмону фалак ҳам ҳаракатга келур эркан. Ўшал айём-

да подшоҳлар табааларига ниъомлар улашур, одамлар ариқ қазиб сув чиқарур, дарахт экур, дехқонлар эрса зироатчиликқа тутинур эрканлар».

Ҳагга шайхулислом мавлоно Исомиддин аралашди:

Абу Райҳон Беруний «Осор ул-боқия»да қизиқ бир ривоят келтирубдурлар: «Ушбул кунни наврӯз деб аташнинг сабаби шулким, собийлар Тахмурос даврида юзага чиққанлар. Жамшид подшоҳ бўлгач, ул мазжусийлар динни янгилади ва ўшал кун наврӯз, яъни янги кун деб аталди. Ушбу кун Жамшиддин аввал ҳам ҳурмат қилинган бўлса ҳам, Жамшиддин бошлаб ҳайитга айлаптирулди».

Хожа Фазлиддин сўзида давом этди:

— Бошқа бир ривоятда айтилгонким, наврӯз бошланмасдин бир ой аввал борча пойтахт шаҳарларда хиштдин унча баланд бўлмаган ўн икки стун кўтарилур эркан. Бу — йилнинг ўн икки ойнага ишорат бўлса керак. Стунлар анвойи матолар билан жиҳозлануб, устига бир турлук экинлар: бугдой, арпа, маккажўхори, тарик, кунжут, шоли, лўбийё, нохут экилур эркан. Ушбулар наврӯзи оламгача униб-ўсиб қолар эркан, сўнг аларни ўшал стунлар устига қўяр эрканлар. Ва яна наврӯздин қирқ кун аввал идишларга бугдой экилиб ундирилар, анга ун, мой қўшиб дошқозонларда сумалак пиширур эрканлар. Фарвардиннинг биринчи кунни тамом халқ ўшал стунлар атрофига йнгилушуб, байрам қилур эркан...

Шундан кейин Умар Хайёмнинг «Наврӯзнама»си, Жалолий табиб ва мавлоно Лутфийнинг «Гул ва Наврӯз» дostonларидан нарчалар ўқишди. Хожа Фазлиддин Лутфийнинг бу дostonини ёд билар экан, ундан Наврӯзнинг тушида Гулни кўргани ҳақидаги бобни зўр маҳорат билан ўқиб берди.

— Аҳсан, мавлоно. Наврӯзи олам меҳнат байрамигина бўлмайин, балким севишганлар байрами ҳам эркан.

Мирзо Улугбекнинг бу сўзларини бошқалар ҳам қувватлади. Хожа Фазлиддин дostonнинг бошқа бобларини ҳам, хусусан Наврӯз уйқусидап уйғониб беҳуш бўлгани, тушининг таъбирини элдин тилагани бобларини ҳам зўр завқ-шавқ билан ўқиди.

— Мавлоно Саккокий ушбу кунларда яхши бир газал битгон, деб эшитдук, шу тўғриму? — Мирзо Улугбек нариги сўрида ўлтирган шоирга мурожаат қилди.

— Ори, аълоҳазрат, газалнинг битилгонига бир ойча бўлди, лекин ушбу олий мажлисга маъқул бўлурму эркан?

— Иншоолло маъқул бўлур, мавлоно. Ахир сиз кўпчи-

ликка маъкул бўлмайтургон шеър битгон эрмассиз: Уқин-
гиз, тақсирим, бутун вужудимиз бирла қулоқ бўлуб эши-
турмиз.

Саккокий подшоҳнинг гапини қайтаромади, ишқ-
муҳаббатни тараннум қилган ушбу газалини ўқиб берди:

Кўруб гулдек кўзунг рангини кўздан юз чаман бўлди,
Ақик эринингни кўргали кўзум холи иман бўлди.
Тун оқшом тўлгану сунбул бикин зулфингдин оҳ урдум,
Хавони голня тутти жаҳон мушки кўтан бўлди.
Қилди раъно қадинг ёдин саҳарда онча йиғлади,
Кўзумнинг жўйбори ичра сарви норвон бўлди.

— Аҳсан, мавлоно! Газалини хўб айтубдурлар.

Аҳли мажлис шоирни бир оғиздан олқишлади...

Шу тарикка мароқли суҳбат бир вақтларгача давом этди.
Подшоҳ ва унинг ҳамроҳлари ўтириб чарчашди чоғи,
орқаларидаги парестикларни ёнбошга қўйиб чўзилишди.
Суҳбат баҳор ва ишқу муҳаббат мавзудан илмга кўчди:

— Ажабо, ушбу ернинг кечаси тароватдин ташқари
анвойи хусусиятларга ҳам эга эркан. Осмони ўта паст
эрканким, қўл узотсанг етгундай, ёритгичлардин истаган-
нингини тутиб олсанг ҳам бўлур эркан, чамаси, — деди
осмоннинг мусаффо ва юлдузлар билан чарогон гумбазига
тикилиб ётган Улугбек.

— Ху анови ситорани онсонгина тутуб олса бўлур, —
деди Қозизода бир ёруғ юлдузга қараб.

— Бу шаъри бўлса керак, — деди мавлоно хожа Фаз-
лиддин.

— Йўк, тақсир, Сурайёдур ул, — деди Улугбек.

Риёсиддин Жамшид ҳам унга қўшилди:

— Ори, мирзом, ул дарҳақиқат Сурайё.

Сўнг Қозизода шимол тарафдаги юлдузларга тикилди
ва икки ёруғ юлдузни қўли билан кўрсатди:

— Булар фарқадон.

Олимлар шу тарикка анчагача юлдуз санашди: бу Тарозу
юлдузи, буиниен Суҳо, хув ановиен эреа Насри тойир. Юл-
дуз санашда айниқса Улугбек мирзо саъий ҳаракат кўрғаз-
ди. Мазкур манзил ва бугунги суҳбат уни тамомон ўзига
ром қилган эди.

— Ушбу манзилгоҳ хўб хосиятли кўринадур, расад-
хонани шул жойга қурсакми эркан, устоз? — Улугбек Қо-
зизодага мурожаат қилди.

— Маъкул, аълоҳазрат. Яхши ниятларига таңгритаоло
ёр бўлгай!

Жой бошқаларга ҳам маъқул бўлди. Ахли мажлис иттифоқ бўлиб расадхонани шу ерга қуришни маъқул топдилар.

Наврўз байрами яна беш кун давом этди.

Бир ҳафтадан кейин Улуғбек, Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид ва муҳандислар яна Чўпонотага чиқишди. Улар бўлажак расадхона тарҳини шу ерда туриб тузишга тутиндилар.

Уша йили расадхона билан бир вақтда бир қанча жамоат бинолари: ҳаммомлар ва карвонсаройлар қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Карвонсаройлардан энг каттаси Регистонда Сарди атик аталмиш жойда, ҳозирда мавжуд Тиллакори мадрасаси ўрнида қурилди ва Мирзойи карвонсаройи номи билан шуҳрат топди. Унда кўпинча хорижий мамлакатлардан келган савдогарлар қўнишган. Бундан ташқари Регистонда, Улуғбек мадрасаси ва хонақоҳидан сал нарироқда бино қилинган ҳаммом шаҳардаги бошқа ҳаммомлардан тамоман ажралиб турарди. Уни ҳам Улуғбек мирзо қурдирган (1424 йили), шунинг учун ҳам Мирзойи ҳаммоми деб аталган. Ҳаммом баланд дид ва юксак санъат билан бунёд этилган. У ҳақда «Бобирнома»да мана бундай гап бор: (Мирзо Улуғбек) яна ушбу мадраса ва хонақоҳга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибдур, Мирзойи ҳаммомига машҳурдир, ҳар навъ тошлардин фаршлар қилибтур. Хуросону Самарқандда онча ҳаммом маълум эмаским, бўлғай».

Расадхона тарҳини тузиш ишлари яна бир неча кун давом этди. Муҳандислар эрта тонгдан Чўпонотага бориб, қош қорайганда қайтдилар, кечқурун эса барча мунажжимлар билан Улуғбек ҳузурида тўпланишиб, таъбиру тавсияларини ўртага ташлаб, муҳокама қилдилар. Ана шу йиғилишларда Улуғбек ва унинг сафдошлари Шарқда қурилган расадхоналар, уларнинг тарҳи тузилиши, илмий кашфиётлари билан қизиқишди.

— Биз қура тургон расадхона борча жиҳатлари билан аш-Шаммосиядагидин ҳам, Касиюндогидин ҳам, Мароғадагидин ҳам кам бўлмаслиғи лозим.

Улуғбек бу ўринда Халифа Маъмун (813—833) замонида Бағдод ёнида қурилган Яхё ибн Абу Мансур бош бўлган машҳур расадхонани, Халид ибн Абдулмалик бош бўлган Димишқ расадхонасини, Халокухон даврида (1256—1265) Мароғада йирик қомусий олим Носириддин Тусий (1201—1274) раҳбарлигида қурилган расадхоналарни назарда тутди, албатта.

— Умид-истакларига худо ёр бўлгай, аълоҳазрат. Аш-Шаммосия расадхонаси ҳам, Носириддин Тусий жанобларининг расадхонаси ҳам ушбу қутлуғ замонгача Машрикда қурилгон расадхоналарнинг машҳурларидин ҳисобланган. Илло мирзо Улуғбек Кўрагонники алардин ортуқ бўлса бўлур, локин кам бўлмагай,— деди Қозизода Румий.

Эртага қурилиш бошланади, деган куни олимлар, саркорлар, шаҳар аслзодалари — ҳаммаси бўлиб беш юз чоғли одам подшоҳ бошлиқ яна Чўпонотага чиқдилар ва расадхона қурилишига тайёргарликни охирги бор кўздан кечирдилар. Расадхона ўрни кафтдек текисланган, ҳамма тарафи муҳандислар ҳамда ишбилармон усталар томонидан ўлчаниб, хатт нисф ан-наҳор ҳам аниқланган экан. Бу ҳақда мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва бош меъмор уста Исмоил ахборотини эшитиб, Улуғбекнинг кайфи чоғ бўлди. Сўнг расадхона учун ҳозирланган тўрт тарафи тўрт газлик учбурчак асбобни кўриб қувончига қувонч кўшилди.

— Мингдин-минг раҳмат, азизлар. Расадхона ўрни обдон текисланибдур, атрофи ҳам тўғри ўлчангон бўлса керак. Локин, ҳаво булутлануб турибдур, бундай ҳолда қуёшнинг ҳаракат йўлини аниқ билиб бўлмас, анинг оқибатида ўлчов юмушларида бирон янглиш содир бўлишлиги ҳам мумкин,— у диққат билан осмонни кузатиб, яна сўзида давом этди: — Чошгоҳдин сўнг булут тарқалуб, ҳаво ёришуб кетатургон кўринадур, иншоолло. Қуёш ҳали иртифо нисф ан-наҳорга кўтарилмабдур. Шундин сўнг ернинг тарҳини, хусусан онинг тўғри текислангонини яна бир карра текширулса яхши бўлур эрди.

Қозизода Румий эътироз билдирди:

— Биз бино ўрнини, анинг барча тарафларини обдон текширганмиз, аълоҳазрат, ғалат бўлмаса керак.

Ғиёсиддин Жамшид Улуғбекнинг ёнини олди:

— Шундоқ-ку, мавлоно, локин ҳаво булут бўлуб, қуёш ҳали юқориға кўтарилмагон бир шароитда ўлчовда хатолик содир бўлиши турган гап.

У ўша учбурчак асбобнинг шаклини ерга чизиб, ҳар хил математик йўллар билан фикрини исботлаб берди. Чошгоҳдан кейин расадхона ўрни ва умуман ҳамма ҳисобкитобни яна бир бор текшириб чиқишга қарор қилинди.

Уша куни кечқурун расадхона қурилишига бағишланиб яқунловчи мажлис бўлди. Бу йнғилишда гап кўпроқ ра-

расадхона учун зарур бўлган асбоб-ускуналар атрофида борди.

— Мен Марога расадхонаси ҳақидаги китобларнинг баъзиларидин хабарим бор, лекин расадхонанинг ўзини кўргон эмасмен, мен фақат болалигимда анинг харобаларинигина кўргондурмен.

Улуғбек гапни яна Марога расадхонасидан очди. Подшоҳнинг асл пиятини пайқаш мушкул эмасди. У расадхонасини Носириддин Тусий расадхонасига ўхшатиб қурмоқчи эди. Лекин ишлатиладиган ўлчов асбобларини ясашда муаммолар бор эди. Эклиптика оғмалиги ва қуёш ҳаракатини ўлчаш учун уста Иброҳим мисгарга буюриб сариқ мисдан диаметри олти газдан иборат иккита доира қуйилган эди. Бу доира Птоломей тажрибасига асосланганди.

— Мингдан ортиқ собита юлдуз ҳолатини ушбу асбоб бирлан ўлчаб бўлмас, у кичиклик қилур. Анинг учун айланаси камида 10 газдан иборат доира зарур бўлғай.

Ғиёсиддин Жамшид, бундай асбоб бувайҳийлар подшоҳи Азуаддабла (949—983) замоннда ясалганлиги, судси фахрий деб аталмиш бу асбоб Марога расадхонасида қўлланилганини айтди. Кейин у сўзида давом этди:

— Расадхонага зот ул-устурлоб, зот ул-халқа, зот ул-суқбатайн, зот аш-шубъатайн, шөмила ва шунга ўхшаш асбоблар зарур бўлғай. Аларни ҳозирлаш ишига алоҳида эътибор лозим. Аларни ясай олатургон Али ибн Исо Устурлобий, замонасининг ягонаси Абу Махмуд Хўжаидий киби моҳир усталарни топуб ишга солмоқ зарур.

— Уста Иброҳимнинг ҳам бу ишда катта салоҳияти бордур. — деди мавлоно Афзалуддин Кеший.

— Уста Иброҳим бу хусусда шубҳадин холидир. Биз ул зот ясагон асбобни тўғри эрмас демадук, фақат у бўлажак расадхона учун кичиклик қилишини назарда тутдик, холос.

Мавлоно Ғиёсиддин устанинг ишлари билан яхши таниш эканлигини сўзлаб берди, чапдаст шогирдлари борлигини ҳам айтди.

— Ушбу муҳим юмушнинг мутасаддийлигини сизга тобширурмиз, мавлоно. Салоҳиятлик шогирдимиз Алоуддин Муҳаммад сизга қўмакчи бўлғай.

Улуғбек Ғиёсиддин Жамшиднинг ўзи ҳам расадхона учун керак асбобларни ясашда моҳир усталарини яхши биларди.

Шу кеча расадхона қурилиши билан боғлиқ ҳамма масала икир-чикиригача муҳокама қилинди... Расадхона

цилиндр шаклида, уч ошёнали қилиб қуриладиган бўлди. Айланаси 47, баландлиги эса 31 метр атрофида мўлжалланди...

Расадхона қурилишига қарийб беш йил вақт кетди. Қурилишга Мовароуннаҳрдаги усталарнинг катта қисми сафарбар қилинди. Шаҳар халқи ҳам четда қолмади: ер қазиш, гишт, тош ва бошқа материалларни ташишда усталарга кўмаклашди. Қурилишга Улугбекнинг ўзи, у шаҳарда бўлмаган кеаларда Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ва Али Қушчи бошчилик қилишди. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий расадхона битгандан сўнг уни келиб кўрган экан, унинг ҳақиқатан ҳам уч ошёнали эканлигини тасдиқлаб ёзади:

«Расадхонанинг биноси давлат асосидек пойдор, деворлари эрса салтанат низомидек устивор қилиб мустаҳкамланди, иморатини тиклаш ва устунларини кўтариш (оятдаги) «албатта ўша (қиёмат) кунин тоғлар сайр этади» дейилган кунгача барқарор турувчи тоғлар киби йиқилиш ва нурланишлардин омон қолатургон қилиб бажарилди. Ва яна (оятдаги) «етти мустаҳкам куббадор қасрдин» намуна бўлгон ул олий бино ва улуг сифатлик иморатнинг хоналари ичига тўққиз фалакнинг ҳайъати ва тўққиз осмон доиралари шаклларини даражалар, дақиқалар, сониялардин тортиб то ошираларигача чизилди. Айланувчи фалаклар, етти сайёра юлдузлари, собита юлдузлар кўриниши, ер куррасининг ҳайъати ва етти иқлим сурати тоғлар, биёбонлар ва ер куррасига нимаки тегишли бўлса барчаси бирлан дилназир нақшлар ва беназир рақамлар бирлан чизилди».

Бинонинг сирти кошин ва сирли парчиилар билан безатилди. Олимлар ва хизматчилар учун теваракда катта-кичик хужралар қурилди. Расадхонанинг бой кутубхонаси ҳам бўлиб, унда қарийб 150 минг китоб сақланган.

Расадхона этагида мирзо Улугбек ўзи учун иккита катта-кичик чорбоғ ҳам қурдирди. Бири Боги майдон, иккинчиси эса Чиннихона номи билан шуҳрат топди. Боги майдон ўртасида қурилган улкан бино икки қаватли бўлиб, девор ва устунларга мрамрдан сайқал берилди, иккинчи боғдаги иморатларнинг бири-тошдан, яна бири-рангли фарфордан. Фарфорни 1422 йили Хитойдан олиб келдилар. Расадхона ёнидаги боғлар ва иморатлар ҳақидаги маълумотлар «Бобирнома»да сақланган: «(Улугбек мирзо) яна Пуштан кўҳақнинг доманасида гарб сори боге солибдур. Боги майдонга мансуб. Бу боғнинг ўртасида

бир олий иморат қилибтур. Чилстун дерлар, ду ошиёна, стунлари тамом тошдин. Бу имораттин тўрт бурчагида тўрт манордек буржлар кўтарибдурларким юқорига чиқар йўллар бу тўрт бурждандур. Ўзга тамом ерларда тошдин стунлардир. Баъзини морпеч хиёра қилибдурлар. Юқори ошёнанинг тўрт тарафи айвондур, стунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдур. Иморат курсисини тамом ташдин фарш қилибдурлар. Бу имораттин Пуштайи кўҳак сари доманада яна бир боғча солибдур, анда бир улуг иморат қилибтур, айвоннинг ичида бир улуг тош тахт қўюбтур, гули тахминан ўн тўрт-ўн беш қари бўлгай, арзи етти-секкиз қари, умқи бир қари. Мундоғ улуг тошни хили йироқ йўлдин келтирубтурлар. Ўртасида дарз бўлубтур. Дерларким, ушбу ерда келтурғондин сўнг бу дарз бўлгондур. Ушбу боғчада яна бир чордара солибдур, изораси тамом чиний, Чинихона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтирубтур».

Ха, Улугбек мирзо Самарқандни обод қилишга катта ҳисса қўшди. У Амир Темур даврида бошланиб тамомланмаган бирталай биноларни ҳам қуриб битказди. Гўри Амир мақбараси, Шоҳизинда мазорати, шунингдек Шаҳрисабздаги Кўк гумбаз масжиди, Ясидаги хожа Аҳмад Яссавий қабри устига қурилган бинолар шулар жумласидандир.

Улугбек 1424 йили Гўри Амирда, унинг кунчиқиш тарафидан эшик очтирди ва ундан то мақбарагача гумбазли ёпиқ айвон (галерея) қурдирди. Мақбара эшигининг тепаси, ён тарафлари, шунингдек, ёпиқ айвон нақшин бўёқлар билан безатилди.

Афросиёбнинг жануб тарафида жойлашган ва Шоҳизинда номи билан маълум силсила Самарқанднинг ажойиб меъморчилик ёдгорликларидан ҳисобланади. Шоҳизинда XI асрда қурила бошланиб, Темур ва Улугбек даврида поёнига етказилди. Мақбаралардан баъзиларининг девори ёки пештоқида бунёдкор усталарнинг номлари ёзилган: Бадриддин Самарқандий, Зайниддин Бухорий, Али Насафий, Юсуф Шерозий...

Кўриб турибсизки, Улугбек ҳам бобоси сингари бунёдкор бўлди. У ҳам жамоат эҳтиёжи учун зарур кўплаб бинолар: ҳаммомлар, карвонсаройлар, сардабалар қурдиртирди. Масжиду мадрасалар қуриш, мазорат ва зиёратгоҳларни обод қилишга ҳам эътибор берди. Ислоҳ дини ва мусулмон руҳонийлари куч-қудрати билан ҳисоблашмасликнинг йложи ҳам йўқ эди-да.



САМАРҚАНД АКАДЕМИЯСИ

Самарқанд академияси. Яна XV асрда-я? Ҳозирги замон нуқтаи назари билан қараганда бу худди афсонага ўхшайди. Ҳа, эртақнинг ўзгинаси: бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда Самарқанди фирдавсмонанд отлиқ шаҳри азим бўлган экан. Унинг ҳамма нарсаи, хусусан ўз академияси ҳам бор экан. Уша академиянинг президенти, бирмас учта вице-президенти, 100 атрофида академиги билан мухбир-аъзоси ва доктори ҳам бўлган экан... Чиндан афсонами бу? Йўқ, ундай эмас, ҳақ гап бу. Фақат кўпмас, озгина ошириб юборилган, холос. Бу илмий муассаса балкиим ўша вақтларда айнан академия деб аталмагандир, балки номи бошқачароқ бўлгандир? Лекин, қандай бўлмасин, «Самарқанд академияси» деган гапнинг тагида асос бор. Сираси бу гапнинг келиб чиққанига кўп вақт бўлган. «Академия» деган ном милоддан аввалги IV асрдан маълум ва жаҳонга машҳур файласуф Афлотунга тегишли. Ушанда у асос солган фалсафа мактаби шу ном билан аталганди. Хорун ар-Рашид (786—809) ва ал-Маъмун (813—833) даврида Бағдодда ташкил топган ва «Байт ул-ҳикма» (Ҳикмат уйи) номи билан шуҳрат қозонган илмий муассаса ҳам ўз замонасининг академияси ҳисобланган. X асрнинг биринчи ярмида Мўсул шаҳрида таъсис этилган «Дор ул-илм» («Илм уйи»), 1010 йили Хоразмнинг қадимий пойтахти Гурганжда ташкил топган «Донишмандлар уйи» ҳам ўзига хос академия эди. Худди шундай илмий муассаса XV асрда Самарқандда ҳам яратилди. Буёғини сўрасангиз, «Самарқанд академияси» тушунчаси каердан ва қачон чиққалиғи ҳам маълум: бу гап, азиз китобхон, узоқ Францияда, бундан 200 йил муқаддам истеъмолга кирган. Уни энг аввал машҳур ёзувчи,

файласуф ва тарихчи олим Вольтер (1694—1778) эътироф этган. Мана унинг сўзлари: „La fameux Oulougbeg qui luisucceda dans les etats de la Transoxiane, fonda dans Samarcande la premiere academie de sciences, fit mesuerer la terre, et ent part a la compositi on des tabl es astronomi ques...“; яъни: «Трансоксианада унинг (Амир Темурнинг) ўрнига тахтга чиққан машхур Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солди, ер куррасини ўлчашни буюрди ва астрономик жадвалларни тузишда иштирок этди» (Вольтер. Танланган асарлар, Женева, 1769, т. IX, 199-саҳифа). Ҳа, Вольтер ҳақ гапни айтган. Ўша вақтларда Самарқандда ҳам ўзига хос академия бўлган. Мирзо Улуғбек теварагига уюшган 100 дан ортиқ олимни ўз бағрида кўкартирган; номи жаҳонга машхур Самарқанд расадхонаси шу вазифани ўтаган. Бундан ташқари, Улуғбекнинг Самарқанд ва Бухородаги мадрасалари, аynиқса пойтахтдаги мадраса замонасининг дорилфунунлари эди. Мадрасаларнинг дарсхоналарида илоҳият илмларидан (қуръон, ҳадис, тафсир) ташқари, риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), илми ҳайъат (астрономия), тиббиёт (медицина), тарих, жуғрофия, илми аруз (поэтика) сингари дунёвий илмлар ҳам ўқитилган. Бунга далил-ашё ҳам бор. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги шарқшунослик институтининг кўлөзмалар фондида Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасасида таҳсил кўрган балхлик Шамсиддин Муҳаммад исмли бир йигит номига берилган санад (шаҳодатнома) сақланади. Мадрасада ўқитилган китоблар шу санадда қайд этилган. Унда хусусан бундай дейилган:

«... Шамсиддин Муҳаммад ал-Балхий илм таҳсил қилиш учун ватанидин узоқ ерларга сафар қилишни ихтиёр қилди. Мусофирликнинг оғир заҳматларига чидади... У Самарқандда ўн олти йил чамаси истиқомат қилди. Унинг талаб водийсида илмининг тиниқ сувига ташналигини кун сори ортуб турди. Идрокли ва зийрак бўлгани учун дарсларни тез тушунар эрди. Дарс вақтларида Абубакр Армавийнинг «Лавом ул-асрор мин матолеъ ул-анвор» («Яширин сирларнинг нур чиқиши билан равшанлашиши») китобининг яширин сирларини тушунди, «Бадоеъ ул-ибкор мин таволеъ ул-афкор» («Фикрларнинг туғулишидан ёш гунчаларнинг бадийликлари») асарининг пардали нуқталарини очди. Шунингдек, «Талвиҳот ут-тавзиҳ» («Равшанликни ойдинлаштириш ва изоҳлаш»)нинг дарсига диққат қилди, «Тақвим ул-мезон фи-т-таъдил ва

таржих» («Тарози палласини тенглаштириш ва оғирлигини тўғрилаш») китоби унинг диққат-эътиборини тортди, «Минҳож ул-вусул ило илм ал-усул» («Имоннинг аслларига етишиш йўллари») ни тинмайин мутолаа қилди. Ниҳоят, тиришуб ва ҳаракат қилуб, «Иҳком ул-аҳком мунтахаби мунтаҳил амали вассуол» («Танлаб олинган охириги умид ва тилак ҳукмларини мустаҳкамлаш») китобларига ҳам етишди, «Мафотиҳ абвоб ул-адаб» («Адаб илми эшикларининг калитлари») ни таҳсил қилди, «Кашшоф» ва унинг ишончли шарҳларидаги чиройли ибораларнинг юзларидан парда очди, «Қуръон» оятлари денгизидин дурлар олуб чиқди. Андан ташқари «Мавоқий ул-калом» («Диний эътиқод фалсафаси») саҳифаларидаги латиф сўзлар ҳамда мақсадларидан воқиф бўлди... «Хидоя» далилларига эрушди. Шаръий масалаларни билиш учун «Ниҳоя» («Хидоя шарҳи»)га тўғри йўл топди.

Ушбу даражага етгоч, юртдошларини ўз илмидин нафлантириш учун ватанига қайтмоқчи бўлди. Мендин олий санад билан ижозат беришимни илтимос қилди. Мен анинг илтимосини қабул қилдим...

Қозизода Румий номи бирлаи машҳур бўлгон фақир ул-ҳақир Мусо ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд, 838 йил ражаб ойининг ўрталари (1435 йил февраль ойининг ўрталари)».

Мадраса билан расадхона орасида мустаҳкам алоқа бор эди. Масалан расадхонада ишлаб турган илмий ходимларнинг бир қисми мадрасада мударрислик қилишарди. Улар орасида Ғиёсиддин Ҷамшид Қошоний ва мирзо Улугбекнинг ўзи ҳам бор эди. Яна бир гап. Расадхона битказилиб ишга туширилганга қадар осмон ёритгичларининг ҳолатини кузатиш ишлари маълум даражада мана шу мадрасада ва юқорида қайд этганимиз муқаттаъ масжидида олиб борилди. «...масжиднинг қибласи бирлан мадраса қибласининг орасида, — деб эслайди Заҳириддин Муҳаммад Бобур, — бисёр тафовутдир. Ғолибо, бу масжид қибласининг самти мунаажжим тариқи била амал қилиб-турлар». Кўриниб турибдики, масжиди муқаттаъ ўша вақтда, ўзининг асосий вазифаларидан ташқари, осмон ёритгичларини кузатиш ишига ҳам хизмат қилган. Мадраса ҳам шундай вазифани ўтаган. «Мадрасага кираверишдаги пештоқи тоқчаларида юлдузли осмон тасвири солинганлиги бунинг исботидир», — деб ёзган эди машҳур Ўрта Осиё тарихчиси А. Ю. Якубовский.

Расадхона ишга туширилганининг иккинчи йили, наврўзи оламга бир қафта қолганда, Ғиёсиддин Ҷамшид

Кошоний вафот қилди. Уни, кейинги уч йил ичида, бада-нига канадек ёпишиб олган безгак касали адо қилди. У айни кузатиш ишлари самарали бўладиган ёз ойларида тиши-тишига тегмай икки қават кўрпага ўранганча ётиб олди. Бирмунча қартайиб қолган Қозизода Румий бўлса «кўзим хиралашгон, оёқда эрса қувват йўқ», деб тунги кузатувларга чиқмай қўйди. Шу сабабдан расадхонадаги асосий ишлар Улуғбек билан унинг салоҳиятли шогирди Алоуддин Али Қушчи елкасига юкланди. Бундан бошқа Улуғбекнинг мадрасада ҳам деярлик ҳар куни дарси бор эди. Юқори курс талабаларини риёзиётдан унинг ўзи ўқитарди. Сарой ишлари-чи? Уни нима қилади? Уни тамом ташлашнинг иложи йўқ, тўғриси буни унинг ўзи истамайди. Тожу тахт деб озмунча курашдимиз?! Энди нега уни ташласин. Тожу тахтдан кечиб фақат илм билан шуғулланмоқни ният қилганини отасига сал шипшитиб қўйса кифоя. Шоҳрух унга насиҳат қилиб ҳам ўтирмайди, ўрнига Бойсунқурними, Муҳаммад Жўқийними, мабодо Гавҳаршодбегим аралашгудай бўлса, Олоуддавганими тайинлайди қўяди. Унда расадхонанинг катта ҳаражатлари учун сармойани қаердан олади? Шуларни ўйлаб Улуғбекнинг юраги орқасига тортди. Давлат юмушлари билан ҳам озми-кўпми шуғулланиб туришга, отасини ранжитадиган иш қилмасликка аҳд қилди. Бунинг учун хирожнинг учдан бир қисмини Хиротга, отаси хазинасига тўхтатмай юбориб турса, зарурият туғилганда унга аскар билан ёрдам бериб турса кифоя. Хуллас, Улуғбек илми ҳам, салтанатни ҳам бир қўлда тутиш умидида эди. Шунинг учун эрталабки қабул маросимларини апил-тапил ўтказар, вазири аъзамнинг қоғозлари билан танишиб муҳрлаб берар, шундан кейин мадрасага отланарди. Куннинг иккинчи ярмида эса у расадхонада бўлар, Али Қушчи ва бошқа мунажжимларни ёнига олиб тунда ўтказилган кузатишларни таҳлил қилар, баъзида эса олимларни тўплаб кенгаш ўтказарди. Кенгашларда асосан илмий масалалар муҳокама қилинарди. Тунда мунажжимлар ёнида туриб осмонни кузатар ёки Чиннихонага бориб китоб мутолаа қилар ва ўша ерда тунаб қоларди...

Бугун Улуғбек саройдан барвақт чиқди. Вазири аъзам хожа Носриддин Ҳавофий қўшни мамлакатларга юбориладиган мактублар, вилоятларга жўнатиладиган қоғозлар, муҳр босилиши зарур ёрлиқларни тутганича қолаверди. Ҳукмдор отга минаётиб унга тасалли берган бўлди:

— Қоғозларингизни кўришга бу кун вақт мусоид

этмайдур, мавлоно. Аларни иншоолло, эрта менен кўрурумиз.

— Ихтиёрлари, аълоҳазрат.

Вазири аъзам икки букилиб таъзим қилди, лекин ичида подшоҳдан бир оз ранжиди. Муҳим қоғозларни кеч билан расадхонага борди-ю, подшоҳ у ерда бўлмаса Кўҳак бўйидаги боғчага олиб бормоқчи бўлди. Чунки бу қоғозларнинг муҳлати ўтиб бораётган эди.

Ўша куни Улуғбек талабаларни риёзиёт билан тақвимдан бир имтиҳон қилмоқчи бўлди. У ўртага мана бу саволни ташлади: «Қани, толиби илм, айтинг-чи, ҳижрий 818 йил ражаб ойининг учи бирлан ўн бешинчиси ўртаси, 918 йил ражаб ойининг ўнннчиси бирлан ўн бешинчиси ораси қойси айёмга тўғри келур?» Бунинг учун жуда кўп рақамларни ёдда тута билиш керак. Талабалардан биронтаси ҳам масалани ечолмади. Улуғбек буни уйга вазифа қилиб берди. Сўнг Абурайҳон Берунийнинг «Қонуни масъудий» китобини очиб, олтинчи мақоласининг еттинчи бобидан парча ўқиди: «Битлумус қуёшнинг афижюни ўрнини, яъни қуёшнинг ердин энг йироқ бўлгондаги ўрнини аниқлагон. Ул ўз амалини қуёш фалак ал-бурж чоракларини ўтгон муддатидоғи афижюнининг ўринларига биноан асослагон. Сўнгра анинг фалак ал-буржда топгон афижюн ўрни анингча Хиппархнинг топгонига мувофиқ келгон... аларга тақлид қилиш ушбул фанда дуруст эрмаслиги жиҳатдин лоақал анинг баҳор муддатини тўқсон икки ярим кун топғони хусусинда айтғонининг тўғрилигини имтиҳон қилиш зарур, чунки бунда иккиланиш бор». Сўнг китобни ёпиб, талабаларга мурожаат қилди: «Хўш, улуг бобомиз бу хусусда қандай йўл тутгон, вақт тенгламаси ҳақида неларни ёзгон?» Улуғбек буни ҳам уйга вазифа қилиб берди. Сўнг қуёшнинг ўртача ҳаракат тезлиги, вақт тенгламаси, ер ҳатти, мунтақат ал-бурж ва бошқа тушунчаларнинг моҳиятини тушунтирди. Талабалар устознинг сўзларини ҳар қачонгидай зўр диққат-эътибор билан тингладилар, хужраларига қайтгач, бутун кун бўйи у топширган вазифа устида бош қотирдилар. Улар ўша куни туннинг ярмигача «Қонуни масъудий» ни мутолаа қилдилар ва устознинг саволларига жавоб қидирдилар. Хужралардан бирида тонг отгунча чироқ ўчмади. Соҳиби хужра испижоблик Мирпўлат ибн Мирзо Содик ва унинг дўстлари мударрис берган вазифани тун яримлаб қолганда ечдилар. Талабалар орасида хотираси ва қуввайи илми яхши бўлган Мирпўлат пировард дўстларига ўзи

гувоҳ бўлган бир воқеани ҳам ҳикоя қилиб берди. «Бундин бир ҳафта муқаддам, — деди у дўстларига, — расадхона олдида устоз буюк бизга бергон биринчи вазифани они кузатиб чиққон мунажжимларга ҳам ҳавола қилгон, локин ушбу ернинг ўзида ҳеч кимса ани чиқариб беролмагон. Шунда устоз от устида ўлтиргони ҳолда, қогозсиз ва қалам-сиз, они ечиб бердилар».

— Мошолло, бунинг учун минг-минг рақамни ёдда тутмоқдаркор-ку! Устоднинг хотирасенга тасанно, — деди тошкандлик Хуршидбек.

Гапга андижонлик муллавачча Отабек Шодмонбек ўгли аралашди: — Бундоқ буюк зот минг йилда бир дунёга келгай!

Муллаваччалар шу хужрада тонг оттиришди, жой солмай тўшак устида чўзилиб, бир оз мизгиган бўлишди...

Мунажжимлар ўша кечаси мирзо Улугбекнинг Кўҳак бўйидаги Боги майдон отлик богчасига, Чиннихона қасрига тўпландилар ва хўрознинг биринчи қичқиригигача осмон ёритгичларини турларга ажратиш, тургун ёритгичлар ва уларнинг ҳаракатларини аниқлаш, сайёралардан Уторуд, Зухро, Миррих, Муштарий ва Зухалнинг умумий ҳолати ҳақида баҳслашдилар, кузатишларнинг дастлабки натижаларини ҳам муҳокама қилдилар.

1437 йил. Ниҳоят, Улугбек бир умр орзу қилгани — «Зижи жадиди Кўрагоний» («Улугбек Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали») асарини ёзиб тугатди. Қоралама тайёр бўлган кунни Боги майдонда, Чиннихонада катта анжуман, тўю томошалар бўлди. Боги майдон бамисоли сайилгоҳга айланди. Расадхонадагиларнинг барчаси, Улугбек мадрасасининг муддаррисию талабалари, аркон давлат, юртнинг барча уламою фузалоси, Самарқанди фирдавсмонанднинг қолган барча казо-казолари шу ерга йиғилди. Улугбек шайхулислом мавлоно хожа Исомиддин, Али Қушчи, ифтихор ул-вузаро хожа Носириддин Насрулло Ҳавофий ва Саид Имоиддин Жунободийлар билан кун бўйи, то қош қорайгунгача, Чиннихонада табрик қилиб келувчилар билан банд бўлди. Кечқурун, анёфатдан сўнг, расадхонада куну тун осмон ёритгичларини кузатган, «Зиж»ни тузишга ҳиссадор бўлган олимларга заррин чопонлар кийдирилди, уларнинг барчаси турли-туман суюрсолатлар билан сийландилар. Сўнг, ҳамма тарқалгайдан кейин, мушыйи хос Абулқарим Хоразмийни чақиртириб қораламани унинг қўлига тутқазди.

— Мавлоно, ишнинг буёғи сизнинг мўъжазнизом ил-кингига ҳавола, андин нусха кўчиргайсиз.

— Бош устига, аълоҳазрат.

Муиший икки кўдани кўксига кўйиб таъзим қилди, сўнг қораламани Улугбекнинг кўлидан олиб кўзларига суртди ва меҳмонхонадан чиқди.

Муиший Абулкарим Хоразмиининг эрталабгача сабри чидамади, уйига қайтиши биланок меҳмонхонасига кириб шамдонини ёқди ва қораламани варақдай кетди. Асар муқаддимасини диққат билан ўқишга тутинди. Биринчи варақда нингоҳи мана бу сатрларга тушди: «Тангриининг кули... Улугбек ибн Шоҳрух ибн Амир Темур Қўрагонга, бандайи фақир ва ҳақирга, шундайин (зўр) ихтисос ва имтиёз бахшида бўлдим, гаройиб нигор китоб битиш ва анда юлдузлар ҳаракатини ифтиҳор ва иштиҳор этиш ишнини айланувчи фалак куббасига еткуруб расад боғлаш-дек муҳаббати азим ва мукаррамати кабир насиб бўлди. Ва ҳазрати устоз алломайи жаҳон... Қозизода деб шуҳрат топгон мавлоно Салоҳиддин Мусо, ани тангри таоло раҳмат қилсун! Ва жаноби мавлоноийи аъзам, олам ҳакимларининг ифтиҳори... мавлоно Гиёсиддин Жамшиднинг кўмаги ва мадади бирлан ушбул юмушга киришилди. Локин, иш бошидаёқ мавлоно Гиёсиддин Жамшид тангриининг раҳматига етушди, иш жараёнида эрса, расад боғлануб тартибга келтурулмасдин аввал ҳазрати устоз (мавлоно Салоҳиддин Мусо Қозизодаийи Румий) ҳам вафот топдилар. Иш фарзанди аржиманд Али ибн Муҳаммад Қушчи... иттифоқлигида поёнига етказилди».

«Зижи жадиди Қўрагоний» — авваламбор мирзо Улугбек бош-қош бўлган Самарқанд расадхонасининг кўи йиллик меҳнати самараси, шарқ классик астрономиясининг назарий ва амалий масалаларини ўзида мужассамлаштирган, уни янги далил-исботлар билан бойитган шоҳ асар. Иккинчидан, самарқандлик астрономлар қозонган бу оламшумул муваффақиятда мирзо Улугбекнинг хиссаси бениҳоя. У шахсан кузатувлар тепасида турди. «Зиж»нинг асосий қисмларини Улугбекнинг ўзи ёзди. Бошқалар тузган жадваллар ҳам аввал Улугбекнинг текширишларидан ўтиб, кейингина «Зиж»га қўшилди. Улугбекнинг илм-фан тараққиётидаги катта ўрни Гиёсиддин Жамшид, Мирим Чалабий, Давлатшоҳ Самарқандий сингари олимлар тарафидан эътироф қилинди. Масалан, Гиёсиддин Жамшид Улугбекни қуръон, ҳадис, араб тили ва унинг грамматикасини, фикҳни, мантиқ, адабиёт, мусиқа, риё-

зиёт, фалакиёт илмларини чуқур билган олим, деб таърифлади.

Абдулкарим мунший эртаси уйқудан ҳар қачонгидан барвақт турди, намоз ва нонуштадан кейин қораламани бир четидан диққат билан ўқишга киришди. Оққа кўчиришдан аввал матни яхшилаб таҳлил қилиш, унвон ва сарлавҳа ўринларини белгилаб олиш, жадвалларнинг ҳажми ва ўрнини чамалаб олиши керак эди-да...

«Зижи жадиди Кўрагоний» асосан икки қисмдан: кенг муқаддима ва 1018 собита юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат эди.

Муқаддиманинг ўзи тўрт мустақил қисми ташкил этади: етти бобдан иборат биринчи қисмда («Таърих, яъни хронологиянинг маърифати») астрономиянинг муҳим пойдеворларидан ҳисобланган сана ёки йил ҳисоби, яъни юнонлар, араблар, эронликлар ҳамда уйғурлар қабул қилган йил ҳисоблаш усуллари, уларнинг миллий байрамлари, шунингдек, бу саналарнинг келиб чиқиш манбалари баён этилган. «Бусиз тақвимни такомиллаштириш мумкин бўлмас», — деди ўз-ўзига мунший.

«Вақтлар ва унга тааллуқлик нимарсалар» деб номланган иккинчи қисмда (22 бобдан иборат) осмон буржларининг муаддил ан-наҳордан оғиши, ҳатти устивонинг чиқиш ўрни; юлдузларнинг чиқиш ва ботиш жойлари; Нисф аннаҳор соатининг расад ўрни бўлмиш Самарқанд кенглигига нисбати; Шуш, Кайравон, Урмия, Нахичевон, Булғор, Мадоин, Бағдод, Басра, Козерун, Истахр, Ҳамадон, Қум, Рай, Домгон, Бодхиз, Сарахс, Марв, Балх, Андароб, Бадахшон, Гурганж, Хазорасп, Кот, Бухоро, Ўш, Қошғар, Чин, Олмалиқ, Бешбалиқ, Қорақўрум, Самарқанд, Тароз, Усрушана, Хўжанд, Ахсикат, Ўзганд, Шош, Банорас, Сарандиб, Тибат, Кашмир каби шаҳарларнинг (ҳаммаси бўлиб 683 жой) координатлари, етти иқлим ва унинг маърифати сингари масалалар ҳақида гап боради.

Ўн уч бобни ўз ичига олган учинчи қисмда («Юлдузларнинг равшанлиги ва ўрни») юлдуз ва сайёраларнинг қуёш атрофидаги ҳаракати зўр билим ва маҳорат билан шарҳланган.

«Юлдузларнинг доимий ҳаракати» деб аталмиш тўртинчи қисм эса атрология масалаларига, яъни юлдузларнинг ҳолати ҳамда ҳаракатига қараб тақдирни белгилаш масалаларига бағишланган.

«Зижи жадиди Кўрагоний» нинг иккинчи бўлаги астрономия ва тригонометриянинг амалий масалаларига бағиш-

ланган. Унда 1018 собита юлдузнинг ҳолати аниқ кўрсатилган.

Айниқса, Улуғбек зижда учинчи даражали алгебраик тенгламага олиб келган тригонометрик жадваллар катта илмий аҳамиятга эга. «Бундай тенгламани ҳал қилиш, — деб ёзган эди машҳур ўзбек олими Т. Н. Қориниёзий, — Улуғбек замонида катта проблема саналар эди. Бу тенглама муваффақиятли равишда янги оригинал метод билан ҳал қилиниб, натижада аниқлиги миллиарддан бир бўлган тўққиз хоналик тригонометрик жадваллар тузилган». Шак-шубҳасиз бундай жадвалларни тузиш бениҳоят оғир иш эди. Улуғбек ва унинг астрономик мактабида тузилган «жадваллардан фақат синус моҳиятининг тўғрилигини текширишга, — деб ёзган эди самарқандлик олим марҳум Раҳматулло Ибодов, — бир йилдан ортиқ вақт сарфладим». Бу ўринда шунини ҳам айтиш керакки, олим бу ҳисоб-китобни махсус электр-ҳисоблаш машинаси ёрдамида амалга оширган. Шу асосда у Улуғбек расадхонасида маълум ҳисоблаш маркази, яъни астрономик кузатишлар натижасида тўпланган материалларни таҳлил этувчи 100 дан ортиқ мутахассис бўлган, деган фикрга келган.

Яна бир гап. Фалак ал-бурж текислиги билан ҳатти истиво текислиги орасидаги бурчак, бошқа сўз билан айтганда, фалак ал-бурж текислигининг ҳатти истивога оғмаллиги Самарқанд расадхонаси олиб борган кузатиш натижасида $23^{\circ} 30' 17''$ деб белгиланди. Бу ҳозирги ҳисоб бўйича $23^{\circ} 30' 49''$ ни ташкил этади. Кўриб турибсизки, ўртадаги тафовут жуда кам $-0,32''$ га тенг, холос. Бу XV аср учун гоаят юксак аниқликдир. Турли замонларда ўтган астрономларнинг ҳисоб-китоби билан Улуғбек расадхонасининг бу борадаги ҳисоб-китобини олиб кўрайлик.

Фалак ал-бурж оғмаллиги:

Эратосфен бўйича	—	$23^{\circ} 51' 20''$	хатоси $+ 7'35''$
Гиппарх	— « —	$23^{\circ} 51' 20''$	— « — $+ 8'23''$
Птолемей	— « —	$23^{\circ} 51' 20''$	— « — $+ 10'10''$
Ал-Баттоний	— « —	$23^{\circ} 35'$	— « — $- 0'17''$
Ас-Сўфий	— « —	$23^{\circ} 33' 45''$	— « — $- 0'50'$
Абулвафо	— « —	$23^{\circ} 35'$	— « — $+ 0'35''$
Ал-Кўхий	— « —	$23^{\circ} 51' 01''$	— « — $+ 16'36''$
Ибн Юнус	— « —	$23^{\circ} 34' 52''$	— « — $+ 0'33''$
Носириддин Тусий	— « —	$23^{\circ} 30'$	— « — $- 2'9''$
Улуғбек	— « —	$23^{\circ} 30' 17''$	— « — $- 0'32''$

Қарап, Улугбек мактаби ўтмишдошларидан қанча илгарилаб кетибди!

Мирзо Улугбек ва ёрдамчилари сана ва сайёраларнинг йиллик ҳаракати борасида бажарган ҳисоб-китоб ҳам ҳозирги ўлчовларга жуда яқин. Масалан, Юлдуз йиллигининг турли халқлар орасида мавжуд бўлган узунлигини ҳозирги замонда белгиланган узунлиги билан солиштириб кўрайлик. Бу:

Хиндларда 365 кун, 6 соат, 12 минут, 30 секунд;

Халдейларда 365 кун, 6 соат, 11 минут, 00 секунд;

Аристархда 365 кун, 6 соат, 10 минут, 49 секунд;

Собит ибн Қуррада 365 кун, 6 соат, 9 минут, 12 секунд;

Улугбекда 365 кун, 6 соат, 10 минут, 8 секунд;

Ҳозирда 365 кун, 6 соат, 9 минут, 6 секунд.

Кўринадики, Улугбек ҳозирги ҳисоб-китоб бўйича бор-йўғи 1 минуту 2 секундга янглишган экан.

Сайёраларнинг йиллик ҳаракатини олиб кўрайлик. Бу ерда ҳам Улугбекники билан ҳозирги ҳисоб-китоб орасидаги тафовут жуда кам:

Сайёралар	Улугбек ҳисоб-китобига кўра	Ҳозирги ҳисоб-китоб бўйича	Тафовут
Зуҳал (Сатурн)	12° 13' 39"	12° 13' 36"	-3"
Муштарий (Юпитер)	30° 20' 39"	30° 20' 31"	-8"
Миррих (Марс)	191° 17' 39"	191° 17' 10"	+29"
Зухро (Венера)	224° 17' 32"	224° 17' 30"	-2"
Ўторуд (Меркурий)	53° 43' 13"	53° 43' 3"	-10"

Хуллас, Улугбек ва Самарқанд астрономия мактабининг энг зўр кашфиёти пиروvard учинчи даражали алгебраик тенгламага олиб келган бир градусга тенг синус ёйини аниқлашдан иборат бўлди...

Муншийи хос «Зиж»нинг қораламасини бир қатор кўздан кечириб бўлганда тун яримдан оғиб қолган эди. Шундай бўлса ҳам чарчоқ сезмади, кўзларида уйқудан асар ҳам йўқ эди. Етгани келмай қораламани у ер-бу ерини яна бир бор кўздан кечирди, китобга ҳам, уни битган одамга ҳам қойил қолди.

— Мошолло, қандай ажойибу гаройиб китоб бўллубтур. Бундайини китобини башарият яратилгондин бери ҳеч кимса кўрмагон ва эшитмагон. Абад ул-абад қолгай ушбу шоҳ асар.

Ҳақиқатан ҳам шох асар яратилган эди. Бу ерда Абулкарим мунший тамоман ҳақ эди...

Олимнинг яна бир асари башар маданияти тарихида муҳим ўрин тутади, у «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») деб аталади. Лекин, бахтга қарши, бу асар бизга тўлалигича етиб келмаган, бир неча мухтасар нусхаси сақланган: икки нусхаси Англиянинг Оксфорд ва Бодлейи кутубхоналарида, учинчи нусхаси Ҳиндистоннинг Банкипур шаҳрида ва ниҳоят, тўртинчиси АҚШда, Харвард университетининг кутубхонасида. Асарнинг сўнгги варағида мана бу сўзлар ёзилган: «Ушбу асар «Улуси арбаъи Чингизий» дур, унда қайдга олингон Туркхон ибн Ефас ибн Нух... наслидин бўлгон подшоҳлар ҳамда Туркистон-замин ҳокимларининг номлари шаҳид бўлгон султон Улугбек мирзонинг, тангри таоло онинг қабрини ҳамниша ёруғ қилсун, тўрт улус хонлари зикрида битгон китобидин қисқортуруб олинди».

Асарнинг қисқача мазмуни бундай: сўзбошисида исломиятдан аввал ўтган пайгамбарлар, туркларнинг аждоди Ефас ўғлон ва унинг авлодлари ҳақида хикоя қилинади. Сўнгра туркларнинг афсонавий ҳукмдори Ўғизхон ва унинг авлоди тарихи баён этилган. Айнан шу қисмда турк-мўғул қабилалари ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар бор. «Тарихи арбаъ улус»нинг қолган қисмлари Чингизхон тасарруфига тушиб қолган мамлакатларнинг XIII—XIV асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихидан баҳе юритади, бошқача айтганда Чингизхон вафоти (1227) арафасида ташкил топган тўрт улус: Улуг юрт (Мўғулистон ва Шимолий Хитой), Жўчи улуси (Балхаш денгизидан то Волганинг ўрта ва қуйи оқимигача бўлган ерлар ва Ғарбий Сибирь), Чигатой улуси (Ет-тисув, Кошгар, Мовароуннаҳр ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисми) ва ниҳоят, Элхонийлар улуси (Эрон, Ироқ, Озарбайжон)нинг қисқача тарихидир...

Улугбек расадхонаси жуда кўп олимлар учун малака ошириш мактабига айланди. Гиёсиддин Жамшид Кошоний, Қозизода Румий, Али Қушчи, Абдулали Биржандий (тахм. 1525 йилда вафот этган) шу мактабнинг кўзга кўринган намояндаларидан эди. Улар яратган математика ва астрономияга оид асарларнинг баъзиларига мана шу улкан илмий даргоҳ бешик бўлди. Улугбек мадрасасининг кўзга кўринган мударрислари — қомусий олимлар мавлоно Муҳаммад Ҳавофий, Саид Имоиддин, машҳур тиб олими хожа Бурҳониддин Нафис, йирик адабиёт-

шунос ва тилшунос олим хожа Фаазуллоҳ Абуллайсий ҳамда Абулқосим Самарқандий замонасининг пешқадам олимлари сифатида донг таратдилар. Саккокий, Бисотий Самарқандий, хожа Исматулло Бухорий, Хиёлий Бухорий, мавлоно Бадахший, Жавҳарий, Вафойй, Риёзий сингари забардаст шоирлар етишди.

Илм-фан ва маданий ҳаётда эришилган муваффақиятлардан мирзо Улуғбек қалбига чексиз ифтихор бағишлар эди. Ҳафтада бир марта, кўпинча жума кунлари, кечқурун Чиннихонада ўтказиб туриладиган умаро билан шуаро мажлисларида расадхона ютуқларидан ич-ичидан қувониб сўзлар, мусаввадаси эндигина оққа кўчирилган янги асарларни аҳли мажлисга кўз-кўз қиларди. Бугунги мажлисда подшоҳ олдидаги хонтахтада мана шунақа китоблардан йигирмага яқини таҳлаб қўйилган эди. Шулардан мавлоно Гиёсиддиннинг «Талхис ал-мифтоҳ», Қозизода Румийнинг «Шарҳи мулаҳхис фи-л-хайъа», Алоуддин Али Қушчининг «Рисола дар илми фалакиёт»ини кўпроқ мақтади. Олимларни эса турли-туман сийловлар билан сарфороз қилди. Сўнг хон устидан яна бир-икки китобни олиб мақтай кетди.

— Ушбуси, — деди у кўк муқовали китобни қўлига олиб, — мавлоно Шотибийнинг Қуръони мажидни қироат бирлан ўқуш санъатига бағишланган таълифининг туркийчасидур.

Улуғбек китобни ўнг қўлида ўлтирган садр аъзам Жамолиддин Фатхулло Табризийга узатди. У бир-икки жойини варақлаб кўрган бўлди-ю, «хўб ажойиб китоб бўлибдур, таълиф қилгоннинг ҳам, туркийга ўгиргоннинг ҳам, котибнинг ҳам у дунёю бу дунё қўли дард кўрмасун», деб дуо қилди-ю, шайхулислом хожа Исомиддинга узатди. Шу тариқа китоб қўлма-қўл айланиб, яна Улуғбекга қайтди.

— Мана бунисини эрса Туркистондин Арслонхожа тархоннинг тўнгич фарзанди ва ноиби Абулкаримхожа тархон юборибдур. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ»и эрур.

Улуғбек зангори муқовали яна бир нодир асарни дўстларига кўрсатди. Бу китоб ҳам қўлдан-қўлга ўтиб, таҳсину офаринларга сазовор бўлди.

Мажлис охирироғида расадхонада қилиниши керак бўлган янги ишлар ва янги қурилишлар режаси муҳокама этилди.

Улуғбек ҳақиқатан ҳам Самарқандда бутун жаҳонга

шухрати кетган Академия таъсис этди. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, Улуғбек ушбу Академиянинг президенти, Гиёсиддин Жамшид, Қозизода Румий ва Али Қушчи вице-президентлари эдилар. Шу тариқа Самарқанд Академиясининг довуғи бутун жаҳонга ёйилди. Унинг таъсири Эрон, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа мамлакатларга ҳам ўтди, XVII асрдан бошлаб уни Европа олимлари ҳам тан олдилар...

1432 йили қирчиллама қишда Улуғбек бошига мусибат тушди. 15 январь куни ўн икки яшар бўлиб қолган фарзанди мирзо Абдурахмон тўсатдан ўлиб қолди. Улуғбек бу ўғлини жуда севар, не-не умидлар билан ўстираётган эди. Мирзо кўп жиҳатлари билан отасига ўхшаб кетарди.

Лекин ўша йили ёзда Улуғбек гамини бир оз унутгандай бўлди. Хотини Бахтигул дўмбоққина ўғил туғиб берди. Унга Абдулазиз деб ном қўйдилар. Келаси йили ёз бошида Улуғбек унинг тўйини қилди. Тўй Қонигилда ўтди. Ўша куни тароватли бу манзилга аҳли Самарқанднинг барчаси кўчиб чиқди, деса муболага бўлмас. Дастурхон мўл-кўл қилиб солинди. Турли-туман ичимликлар ҳад-ҳисобсиз тортилди. Қўшиқ рақслар билан, аския эса масхарабозлик ўйинлари билан уланди. Ичкилик анча авжига чиқди. Бунга Улуғбекнинг ўзи йўл очиб берди. Қози калон билан ёнма-ён ўлтирган мухтасиб Саид Ошиқнинг кайфияти бузила бошлади, ранги бўзариб, қовоқтушмуғи осилди, қўлларини титроқ босди. Рўбарўда ўлтирган вазири аъзам хожа Носириддин Ҳавофий мухтасибни кузатаётган экан, унга гап қотди:

— Мухтасиб жонобларининг кайфияти хуш эрмасга ўхшайдур, нима бало, безгак хуруж қилиб қолдимۇ?!
Ҳамма гурр этиб кулиб юборди.

Мухтасиб унга бир ўқрайиб қаради, лекин индамади. Гапга қози калон Шамсиддин Муҳаммад Мискин аралашди:

— Йўқ, ҳазрат, тақсиримдин безгак ҳам кўрқадур. Бозор-ўчорда кўп юрганларидин кейинги пайтларда кўлу оёқлари титрайтургон бўлуб қолгон.

Яна кулги бўлди. Айни шу пайт ўртада тановарни эшаётган раққосаларга йигитлар қўшилиб ўйин оммавий тус олди. Бу ҳол ёниб турган олов устига сепилган мой бўлди-қўйди. Энди мухтасиб ўзини тутиб туролмади. У тўй эгасига ёпишди:

— Сен мусулмон подшоси бўлатуриб, дини Мухаммаднинг оёқ ости қилдинг, кофирлар удумиш жорий қилдинг, Осмону фалакнинг ишига аралашиб даҳрийлик сулуқини тутгонинг етмасму эрди?!

Улугбекнинг аъзойи-баданини титроқ босди, жаҳлгига ҳай берди-ю, лекин жавоби кескин чиқди:

— Сиз тақсир хожаман ва саййиндан деб эл аро обрў ортдирдингиз. Эмди, кексайиб қолгонда охират тадорикини яхшилик билан кўриш ўрнига дағдага қиладурсиз, ноўриш маломат тошини отадурсиз. Наҳотки шаҳидликни ихтиёр қилсангиз? Лекин биз сизнинг ушбул мақсудингизни ижобатга еткурмайдурмиз.

Мухтасиб даст ўрнидан туриб мажлисни тарк этди, лекин бирмунча вақт Улугбек ўзига келолмади. «Разил одам эркан, ошимга заҳар солуб кетди. Санд бўлмағонида кунини кўрсатур эрдим», — деди у ёнида ўлтирган шайхулисломнинг қулогига...

Кейинги пайтларда Улугбек рухонийларнинг баъзи табақалари, хусусан дарвешлар билан бирмунча келишолмай қолди. Улугбек Шохрухга ўхшаб бошига қозондай салла ўраган ҳар қанақа одамни кўрганда отдан тушиб, икки букилиб, қўл қовуштириб турадиганлардан эмасди. Авваламбор у кўпроқ дунёвий одам эди, илм билан хурофотни; олим билан омиийни фарқ қила оларди. Илм-маърифат дунёсида юрса-да, аммо илмдан беҳабар, тирногининг учигача бидъатчи шахсларни Улугбек ёқтирмамасди. Тўғри, Санд Ошиқ илмни, лекин хурофотга муккасида кетган киши эди. Айни пайтда Улугбекнинг мусулмон рухонийлари орасида ҳамфикр дўстлари ҳам кўп эди. Хожа Исомиддин, Абулфатҳ Дайлар, Шамсиддин Мухаммад Мискин шулар жумласидандир. Улар кичик одам эмасдилар. Хожа Исомиддин юртнинг шайхулисломни, демак, мусулмон жамоасига бошлиқ ҳисобланарди, лекин Улугбек у билан дўстлаша олди. Хожа Исомиддин «даҳрий» подшоҳнинг бутун илмий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини қўллаб-қувватлади, хамиша унинг ёнида турди, бора-бора у билан ҳамфикр бўлиб қолди. Абулфатҳ Дайлар ҳам катта нуфузга эга рухонийлардан эди. У подшоҳнинг ҳузурига бемалол, несаган пайтда кираверарди. Улугбек эса унинг тўғри маслаҳатларига муштоқ эди. Бир тарихий китобда мана бундай ҳикоят бор: кунлардан бир кун Улугбек ҳузурига бир ҳарбий одам арз қилиб келди. Оёғига йиқилиб деди: «Оғойим вафот топуб, хотини бева қолди. Андин икки сағир ва ўртаийёна бир ховли-жой ҳам қолгон.

Урф-одатга кўра, мен ўшал бевани хотинлигга қабул қилишим, сағирларга эрса ота бўлмоғим лозим. Локин, билъақс, заифа кўнмайин турадур, бир баззозни ихтиёр қилгон эрмиш. Хузурингизга кўмак излаб келдим, аълоҳазрат. Қулингиздин мурувватингизни оямасангиз, оламанох».

Улугбек ясовулбошини чақиртирди:

— Шул одам бирлан боруб, ўшал заифани онинг ихтиёрига олуб бер!

Абулфатҳ Дайлар шу найт подшоҳ ҳузурда ўлтирган эди. У ҳукмга аралашди:

— Аълоҳазрат, ҳаял фурсат қилеунлар, бу хусусда маслаҳатлик гап бор.

Улугбек бош иргитиб унинг таклифига рози бўлди, ясовулбошига «сен тошқарига чиқуб тур!» — деб имо-ишорат қилди, у чиқиб кетгач қўл қовуштирди:

— Кулогим сизда, тақсир!

— Сипоҳийнинг хотун хусусидоги талаби шариятга хилофдур. Ога ўлгач бевасини иши олишлиқ урфий бир нарса, кўчманчилардин қолгон одат. Сониян, иббоҳ ҳар икки тарафнинг ризолиги бирлан бўлур.

— Уэр қилсинлар, тақсир. Биз бу тарафдин иштибоҳ қилубмиз.

Улугбек дарҳол ясовулбошини чақиртириб аввалги ҳукмини бекор қилганлигини айтди.

Қози калон мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Мискин ҳам кўп ўқиган, шарият ва тариқатдан хабардор одам эди; у умри бўйи адолатни ёқлади, «қонун олдида барча баробар» қабилида иш тутди.

Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр»ида диққатга сазовор мана бу ҳикоят бор: мирзо Улугбек комрон ва бахтиёр бўлгон йиллари анинг тоншириги бирлан байт ул-молдин ишлатсун, ўзига ҳам самара келтурсун, хазинага ҳам нафи бўлсун, деб бир савдогарга катта маблаг берилди. Кўп вақт ўтмай, ўшал савдогар оламдин ўтди. Вазир Саид Имоиддин анинг авлодидин лаъл даво қилди. Қози Мискин ўшал савдогарнинг авлодини қозихонага чақиртурди, тафтиш қилди. Локин подшоҳнинг фойдасига ҳукм чиқармади, аксинча ҳукмини ўша савдогарнинг авлоди фойдасига қилди.

Лекин, бари бир, Улугбек Саид Ошиқ билан муроасага келолмади. Бир куни улар шайхулисломникида яна тўқнашиб қолишди. Шайхулислом Улугбек ва унга эргашиб, ўзидан пом-нишон қолдириш мақсадида, жамоат учун

бирон иморат қурган сармоядорлар қатори ўша йиллари ўзи истиқомат қилиб турган хожа Абдуллайсий маҳалласида ҳаммом қурдирди. Янги ҳаммомга ўт қаланган куни эса шаҳар четдаги чорбоғида шаҳарнинг каттакичигини тўплаб катта зиёфат берди. Зиёфатга подшоҳ ҳам ўзининг аркон давлати билан ташриф буюрган эди. Самарқанднинг мен-мен деган хонандаю созандалари ҳам шу ерда эдилар. Улар орасида Шарофатхон исмли бир хушруй ва хушбичим аёл ҳам бор эди. Бадавлат одамлар зиёфат берганда ана шу гўзал ва хушовоз аёлни чақиртирарканлар, у бўлса маросимга йигит қиёфасида келиб базми гуллатаркан. Хожа Исомиддин ҳам уни подшоҳ ва юртининг казо-казолари жам бўлган ўша мажлисга айтиб келган эди. Шарофатхон шайхулисломнинг йигинини ҳам гуллатди. Мен-мен деган хонандалардан навбат унга тез келди-ю, лекин бошқаларга ундай навбат келиши бирмунча мушкул бўлди. Базм аҳлининг талаби билан Шарофатхон қаторасига тўрт кўшиқ айтди. Юсуф Амирийнинг «Тамошо» деган ғазалга басталанган кўшиқни икки бор айтишига тўғри келди. У эндигина Лутфийнинг:

Эз бўлди, керак ул бути айёр топилса,
Барча топилур бизга керак ёр топилса,—

деб бошланадиган шеърига тўқилган кўшиққа тутинган ҳам эдики, дарвозада Саид Ошиқ пайдо бўлди. Хизматкорлардан бири чопиб бориб қозон бошида ошпаз билан нималарнидир сўзлашиб турган соҳиби хонага буни хабар қилди. Хожа Исомиддин шошганича мухтасибнинг қаршисига чиқди ва икки қўлини кўксига қўйиб, уни дастурхонга таклиф қилди:

— Пойи қадамларига ҳасанот, жаноби мухтасиб. Қани, дастурхонга марҳамат!

Мухтасиб пинагини ҳам бузмай турган жойида қоққан қозикдай тураверди. Саломга алик олиш ўрнига шайхулисломга қараб ўшқира кетди:

— Шайхулислом беислом! Хотинлар бирдан эркаклар бирга ўлтурсун, бирга қўшуқ айтсун, деб қайси мазҳабда айтилган?!

Можарони эшитиб Шарофатхон ҳам, аҳли мажлис ҳам жимиб қолдилар. Хайратомуз бу гапдан шайхулисломнигина эмас, балки унинг дастурхони атрофида тўпланган ҳамманинг ҳам дили сиёҳ бўлди. Мухтасибнинг бу қадар беҳаёлигидан Улуғбек ҳам ранжиди. «Инсоннинг бурчи фақат тоат-ибодатдин иборат деб юргувчи бундоқ

одам қандоқ қилиб ўзини зиёли деб ҳисоблагай? Жамоа, дастурхоннинг кадр-қимматини англамагон одамни қандоқ қилиб ахлоқлик, хулқлик одам деб айтса бўлур?» — деди ўзига-ўзи мирзо Улугбек...

Бир кимса яхши ният билан дастурхон ёзсаю, бошқа биров унга захар сочиб кетса. Бу инсофданми? Шундай қилиш керак, деб қайси мазҳабда айтилган? Ҳамманинг кўнглидан мана шу гаплар кечди. Аҳли мажлис анча вақтгача ўзига келолмади. Лекин, хафахонликни шайхулисломнинг ўзи ўртадан кўтарди:

— Азиз меҳмонлар! Инсоннинг тирикчилиги анинг хоҳиши билан бўлмаса, ундоқ одам қандоқ қилуб ўзини тирик ҳисоблагай? Бу гапни Ануширвони одил айтгонлар. Кишининг билими бўлса-ю, локин анга ярашурлуқ ақли бўлмаса... Келинглар, бундоғ касдин хафа бўлуб ўлтурмайлик, дастурхон мунтазир бўлмасун.

Базм давом этди-ю, аввалги аслига тушмади, лекин бора-бора яна қизиб кетди. «Самарқанд биноларига яна бир бино кўшилибди-ю, ани шарафламай бўлурму? Қани эмди ўзга гузарларда ҳам шундоғ катта ҳаммомлар қурилса», — деган фикр Улугбекнинг кўнглидан ўтди.

Хожа Исомиддиннинг базми алламаҳалда тарқалди. Улугбек тўғри Боги майдонга борди, лекин мутлақо уйқуси қочди. Шундай пайтларда у кўпроқ дунёнинг ажойибу гаройиботларидан ҳикоя қилувчи китобларни ўқирди. Ҳозир котиблар куни кеча настаълиқ хати билан кўчириб олиб келишган ўзи битган «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») китобини кўлига олиб, у ер-бу еридан варақлади, сўнг уни яна тоқчага қўйди, мусиқа тарихидан баҳс юритувчи «Рисола дар илми мусиқа» («Мусиқа илмига бағишланган рисола») китобининг «Дар баёни давоздоҳ мақом» («Ўн икки мақом зикрида») бобидан мана бу жойни ўқиди: «... хожа Абулқодир ибн Абдурахмон Мароганӣ, хожа Сайфиддин Абдилмўмин ва Султон Увайс Жалоирийнинг сўзларига қораганда аввалда мақомлар еттита бўлгон: мақоми рост, мақоми ушшоқ, мақоми наво, мақоми ҳижоз, мақоми ироқ, мақоми ҳусайний, мақоми раҳоъ..» Сўнг китобни ёпди, танбурни олиб рост мақомидан Самарқанд ушшоғини чалди. Кейин ўзи ихтиро қилган булужий, шодийона, ахлоқий, табризий, усули равон ҳамда улусий отлиғ куйларни ногорада чалиб кўрди.

Эрталаб турганда Улугбек ўзини қушдай енгил ҳис этди. Шайхулислом мажлисида қалбига ўтирган губордан асар ҳам қолмаганди. Ўша куни мадрасада дарси йўқ эди,

тушликкача боргоҳга бориб девон ишлари билан машгул бўлди арз-дод билан келган одамларни қабул қилди. Тўшга яқин эшикка кўринишидан бадавлат, лекин қаттиқ изтироб чекаётган бир одамни етаклаб кирди. У ўзини подшоҳ оёқларига отди ва зорланиб деди:

— Шохим, бошимга мушкул савдо тушди, сендин нажот тилаб хузурингга келдим.

— Бошингга не савдо тушди? Сўзла!

— Ироқдан келаётиб эрдим. Хуросондин Самарқанд сори келаётган савдо карвонига кўшулдим. Жайхун ёқосига келуб тушдик. Ҳамёнимда бир парча лаъл бор эрди; шу сабабдин сувга тушиш олдидин аҳли карвондин ҳадик олуб бир четга чиқдим ва бутазор ичига кириб ечиндим, лаълни бўлса чарм халтачага яшурдим, сўнг ани куйлагимнинг этагига маҳкам қилуб чигуб олдим. Сувдин мешга минуб ўтдук. Яна аҳли карвондин пинҳона четга чиқуб кийиниб олай деб қўйлагимни олсам бояги тугун ечилган, лаъл солинган халта эрса йўқ бўлубтур. Ечинганимни ҳам, кийинганимни ҳам шерикларимдин пинҳон тўтган эрдим, шу сабабдин бирон кишидан гумон қилмадум. Бошимга тушган савдо мана шу подшоҳим.

— Бағоят қизиқ воқеа бўлубтур, тақсир. Кичик бир халтани Жайхундек дарёйи азимнинг қаъридин қандай қилуб тобса бўлур?

Улугбек чарчаганда бир оз эрмак бўлар, деб уни қидиришга ваъда берди. «Бирон йил сабр қил, тужжор. Лаълнинг топулса пур устига аъло пур, топилмаса анинг қийматини биздин олурсен», — деди. Сўнг фурсат ўтмай уни ҳам босди. Бўкириб оқаётган, қирғоқларини кўз илгамас бу асов дарёнинг қай бир қавагидан қидириб топади энди ўша лаълнати халтани?! Жайхун уни аллақачонлар оқизиб Дарёйи хазарга олиб бориб ташлаган бўлса-чи? Еки унинг фақат ўнг қирғоғидагина эмас, балки сўл қирғоғида ҳам, масалан Ҳазрати имом, Калиф, Замм яқинида чиқарилган бирталай наҳрларни айтмайсизми? Айтишларича Хоразмда ҳам ундан жуда кўп наҳрлар чиқарилибди. Уларнинг қайси бирини қидиртиради? «Қани энди бир кунга бўлса ҳам бу асов дарё қуриб қолса, ушбу бечоранинг халтаси топулиб қолиши мумкин эрди», деган фикр Улугбекнинг хаёлидан кечди. Лекин, буни мулоҳаза қилиб юраги орқасига тортди. «Йўг-е. — деди кейин ўз-ўзига, — мен нималар деб ётибмен? Бир халта дурни деб-а?» Сўнг бошини кўтариб арз-дод билан келган одамга қараб: «Майли, боравер,

бўлар иш бўлибди», деди ва кетишига ижозат берди. У Улугбекка икки букилиб таъзим қилди ва орқаси билан юриб кўринишхонадан чиқди. Подшоҳ дарҳол муставфий ул-мамоликни чақиртириб ўша йили солиқ тўлаши керак бўлган рааёнинг умумий рўйхатини тузиб келишни буюрди. Рўйхат тузиб келинган эса уни диққат билан кўздан кечирди ва бир четга олиб қўйди...

Шундан кейин қанчадан-қанча сувлар оқди, янги йил ҳам келди. Улугбек муставфий ал-мамоликдан бу сафар ўтган йили солиқ тўлаганларнинг рўйхатини талаб қилиб олди. Сўнгра, ҳар иккала рўйхатни бир-бирига солиштириб кўрганда, қизиқ бир нарса аниқланди: ўтган йили қоракўллик бир одам нимагадир хирож учун 50 танга ўрнига 500 танга тўлаб юборибди. Улугбек ясовулбошнинг чақиртириб шитоб билан Қоракўлга бориб ўша одамни Самарқандга олиб келишни буюрди. Тез орада ўша одамни топиб саройга олиб келдилар. Мирзо Улугбек уни хилватхонага етаклаб кирди ва не сабабдан 50 танга ўрнига 500 танга хирож тўлаб юборганини тафтиш қилди:

— Не вақтдин хирожни ўн баробар ортиқ тўладинг. Нима, бирон бойлик топуб олдингму? Ё бўлмаса бирон кимсанинг уйини ўғирладингму? Еки отангдин арзигудек мерос қолибдиму эрди? Ёхуд суйган бирон сармоядор орқасидин гани бўлуб олдингму?

— Шохим, оддий бир наддофдурмен. Бир куни пахта титиб ўлтириб эрдим, тасодифан дўконим олдидаги дарахтга бир ҳаққа келиб қўнди. Онинг тумшугида бир парча гўштга ўхшаш нарса бор эрди. Дарахтга яна бир ҳаққа келиб қўнди. Боягиси ғағиллай кетди ва шу пайт тумшугидаги нарсасини тушириб юборди. Уни олмоқ ниётида ўзини ерга отди, лекин мен киш-кишлаб қувиб юбордим. Бориб ўшал нарсани олдим, карасам, лойға қопланган чарм халтача эркан. Қизиққандин ани дарҳол ўша ернинг ўзида очдим, локин мошолло, не кўз билан қарайким, ичидин кўзни қамаштиротурган, ҳатто офтобни ҳам нурсизлантуратурган дурафшон бир тош чиқди. Ани тангри таоллонинг менга кўргузган шафқат ва марҳамати деб онгладум. Эртаси куни тош билан «зар қадриши-заргар, жавоҳир қадриши-жавҳаршунос билур», деган нақлга кўра Бухоройи шарифга қараб жўнадим. Шаҳарга келгондин сўнг сўраб-суриштириб бир жавҳаршуноснинг дўконига бордим. Жавҳаршунос тошни қўлга олган ҳамона безовта бўла бошлади, руйи лаъли руммоний бўлуб кетди.

Англадумким, мен олуб келган нарса оддий бир тош эрмас, балким қимматлироқ нимарса бўлмай. Жавҳаршунос кўзларимга қараб титраб-қақшаб деди:

— Ушбу келтирган нарсанинг баҳоси бир минг танга.

— Йўқ, тақсир, яна пича қўшсунлар, дедим анга.

Кўп савдолашуб, охири ани бир мингю беш юз тангага сотдим. Сўнгра бозордин ўзимга бир от, хотинимга тақинчок, болаларимга эса кийим-кечак, даги уйимга бир гилим ва бошқа нарсаларни сотуб олиб, юртга қайтдим. Бирдан бойуб кетганимизга таажжублангонлар ҳам бўлди. Мен аларга Бухоройи шарифда бадавлат бир қариндошим бор эрди, ул вафот топибдур. Мендин бошқа меросхўри йўқ эркан, молу-мудки менга қолди, деб жавоб қилдим.

Мирзо Улуғбек ўша жавҳаршуносни саройга олиб келтириб тафтиш қилди:

— Жаноблари яқинда қимматбаҳо бир лаъли арзимас оқчага сотиб олибдур деб эшитдук, муборак бўлсин!

Жавҳаршунос тонди:

— Ўлимдин хабарим бор, локин бунақа гапни сира эшитмагонмен.

Улуғбек унинг жовдираб турган кўзларига қаттиқ тикилди, жавҳаршунос эса ўнгайсизланиб подшоҳдан кўзларини олиб қочишга ҳаракат қилди.

— Гапингиз галат, тақсирим, шундоқ лаъл олгонингизни кўзларингиз айтиб турубдур.

— Каломулло урсин агар ёлгон сўзлаган бўлсам.

Улуғбек мунажжим билан ясовулбошини чақиртирди ва мунажжимга: «Қани, мана бу қасамхўрга ром очингиз-чи, ани ичган қасами ўзига қачон қайтур эркан», — деб буюрди, ясовулбошига эса зудлик билан дўконини ва уйини тинтув қилишни топширди. Жавҳаршунос қаттиқ саросимага тушди, ранг-рўйи бўзариб, бутун вужудини титроқ босди. Сандуққа яширинган ўша лаъли топиб келтирсалар ҳоли не кечишини мулоҳаза қилиб кўриб, Улуғбекнинг оёқларига йиқилди.

— Тавба қилдим, аълоҳазрат. Мен осий бандани ўлдирманг, ўша лаъл менда, — деди у кўзларини жовдиратиб.

Ясовуллар уни уйига олиб бордилар. Жавҳаршунос лаъли ясовулбошига берди. Улуғбек бўлса молини эгасига топширди.

Лаъли топилган савдогарнинг қувончи қандоқлиги-ку аниқ, айни чоқда Улуғбек ҳам бир кимса ҳожатини чиқаргани учун кўп вақт суюниб юрди...

1940-йилларнинг бошларида мирзо Улугбек яна ўша мухтасиб Саид Ошиқ билан тўқнашиб қолди. Бунга мухтасибнинг дағаллиги, қўрслиги, мутакаббирлиги ҳам бахонайи сабаб бўлди. Воқеа мана бундан эди: бир кун шайхулислом хожа Исомиддин чорбоғидан шаҳар ховлисига қайтиб келаётиб, Чорсу бозорига етаёзганида ажойибу гаройиб бир тамошонинг устидан чиқди. Тамошони мухтасиб Саид Ошиқ кўрсатаётган экан. Унинг буйруғи билан миршабнинг иккита норғил йигити бозорга қоғоз харид қилгани келган бир муллаваччани «не сабабдин бемоврут кўча-кўйда юрибсен», деб қамчи билан савалаб ётган экан. Мухтасибнинг ўзи бир четда томошачи бўлиб турар эди. Шайхулислом яқинлашиши билан давра қуриб турганлар ўзларини сал четга олдилар. Йигитлар муллаваччани калтаклашдан қўл тортдилар ва шайхулисломга икки букилиб таъзим қилдилар. Муллавачча кўйлагининг этаги елкасига қайрилган ва бўз лозими хиёл пастга туширилган ҳолда чалқанча инграб ётарди. Елкаси қамчи зарбидан тилим-тилим, думбаси моматалоқ эди. Шайхулислом муллавачча ҳолига ачинди, Саид Ошиқдан ранжиди. Истеҳзо билан унга мурожаат қилди:

— Жаноби мухтасиб, қайси айби учун бу бечорани куппа-кундузи рааё ва бараёнинг кўзи ўнгида шу алфозга солдингиз?!

Саид Ошиқ бўш келмади:

— Ҳа, куппа-кундузи... дарслар итмомига етмагон бир пайтда мадрасадан қочуб чиқиб бозорда тентираб юргони сабабдин они чўби ёсоқга тортдук.

— Қочмоғонмен, мударрис жанобларининг ўзлари буюрғонлар, ўзлари, — деди муллавачча йиғи аралаш.

— Андоқ бўлса мударрис нега икки энлик хат қилуб бермабтур?! — Саид Ошиқ кўлини шоп қилиб муллаваччага ўшқирди.

Шайхулисломнинг жаҳли чиқди:

— Бир энлик битиги йўқ деб, арзимас гуноҳи учун бир мўмин мусулмон фарзандини чўби ёсоқдайин оғир жазага тортиш инсофдин бўларму, жаноб?!

— Мухтасиб ундан баланд келди:

— Шариат йўруқларига бигонан кимни қойси жазага тортишни тафтиш қилиш шайхулисломнинг вазифасига кирмайду. Ўзингиз билмагон ишга бурун суқманг, жаноб.

Шайхулисломнинг жаҳли чандон бўлди, лекин халойиқ олдида у билан ади-бади айтишиб ўлтиришни ўзига эй

кўрмади, «буни кейинроқ бафуржа сўзлашурмиз албат», деди-ю отига қамчи босди. Кечкурун эса мирзо Улугбек билан учрашганда уни бошқалардан ҳоли топиб мухтасиб Саид Ошиқнинг устидан астойдил шикоят қилди.

Улугбек кўпдан бери мухтасибдан ранжиб, унинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлиб юрган эди, шайхулислом шикояти бунга баҳона бўлди. Эртаси куни мухтасибни «аройга чақиртириб, қози калон, мударриселар ва бошқа аҳли уламо ҳузурда итобга олди:

— Кейинги вақтларда баъзи мўътабар зотларнинг оёқ олиши ўзгача бўлиб кетаётганга ўхшайдур. Ушбу аҳвол сизга ўян кўринмайдиму, жаноби мухтасиб?

Саид Ошиқ аввал қози калонга, сўнг шайхулисломга ўқрайиб қаради. Сўнгра подшоҳга жавоб қилди:

— Мен ҳам шундай фикрдамен, мирзо. Ўйлашимча оёқ ул ёқда туриб, тилу забони воситаси ила юргувчилар кўпайиб бораётганга ўхшайдур.

· Хожа Исомиддин мухтасибни узиб олди:

— Жаноби мухтасиб ҳақ гапни айтдилар, аълоҳазрат. Бундайлар оёғи бирлан ҳам, тилу забони бирлан ҳам бир турда юра билурлар.

Гапга қози калон Шамсиддин Муҳаммад Мискин ара-лашди:

— Оёқ бирлан ҳам, тил-забон бирлан ҳам бир таврда юра олатурганларнинг наслу насаби айғоқчи ёки масха-рабозлардин эрмасму дейман?

Саид Ошиқ жаҳлга ҳай беролмай тутақинди:

— Шариату тариқат сулукида устувор тургон бир мусулмонини маломат қилмоқ одобдин эрмас. Фақир шаклу шамоилига кўра мусулмон бўлуб, аслида даҳрий бўлгон каслар орасида ўлтиргонимдин пушаймонмен.

Энди Улугбек жаҳлланди. Мухтасибни чинакамига сў-роққа тутди.

— Э, саййид! Мен ёмонроқму, ё фиръавн?

— Фиръавн.

— Сиз яхшироқмусиз, ё Мусо алайҳиссаломму?

— Мусо алайҳиссалом.

— Қодирин мухтор Мусога яратилмишларнинг энг ёмони бўлгон фиръавнни тўғри йўлга солғил деб унда-гонда «қаттиқлик бирлан аччиқ сўзламағил, балки юмшоқ ва чучук тил бирлан гапир», деб буюрган. Сиз эрсангиз Мусодин ортуқ бўлмаини туруб менга, фиръавндин ёмон-роқ бўлмағоним ҳолда, не сабабдин қаттиқ гапирасиз?!

· Саид Ошиқ бошини ҳам қилиб сукутга кетди. Под-

шоҳиниғ мухтасиб хусусида қаттиқ ҳукмга келганини пайқаш қийин эмасди.

— Наслу насабингизни инobatга олуб бу сафар ҳам шахидлик жомидин пўш қилишингизга йўл бермайдурмиз. Локин бундин буён дахрийлар ўртасида бўлишлиқ сиздайин шариятпаноҳ кас учун маъкул бўлмас. Биз сизни ушбул кундин эътиборан мухтасиблик мансабидин ихрож этдук.

Санд Ошиқ бошидан бир челақ совуқ сув тўкилган каби жулжикди. У бундай бўлишини кутмаган, подшоҳ одатдагидек шунчаки дўқ-пўписа қилиб қўяди, деб ўйлаган эди. Илож қанча, подшоҳ амри вожиб. Бир вақтлар ўзи сийлаб уни шу мансабга тайин қилган эди. Энди яна ўзи мансабидан ихрож этиб, даргоҳидан қувяпти. Мухтасибни гам босди. Энди нима қилади? Бозор-ўчорда энди қандай қилиб илгаригидай юради? Ахир у шу мансабда турган йиллари бирон айб топиб азмунча одамни тўғри келган ерда тўқмоқлаганиди. Ушалардан бири билан фавқулodда учрашиб-нетиб қолгундай бўлса кўзларига қандай қарайди? «Ҳолинг шу эркан-ку, мухтасиб!» — деб улар устидан кулишмайдими? Нима, шоҳ оёқларига йиқилиб, ёлвориб кечирим сўрасинми? «Йўк, — деди у ўз-ўзига, — дахрий олдида эгилган бошнинг кесилгани афзалроқ». Санд Ошиқ даст ўрнидан турди ва у ёқ-бу ёғига қарамай, чаён чакқан одамдай, ўзини ташқарига отди. Саройдан чиқди-ю, тўппа-тўғри Камангаронга. Низомиддин Хомушникига борди.

Санд Ошиқ ҳазратнинг яқин муридларидан. Тез-тез келиб тургани сабабли бу хонадон ўз уйидай бўлиб қолганди. У дарвозани тақиллатиб ўтирмади, оҳиста очиб, ичкарига кирди. Ҳазрат ҳар қачонгидай ҳовлининг қоқ ўртасида, ариқ бўйига экилган мажнунтолнинг паҳмоқ шохлари чор-атрофдан ўраб олган суфада бошини ҳам қилганча пинакка кетиб, тасбеҳ ўгириб ўлтирарди. Дарвозанинг очилганини пайқаса ҳам парво қилмади. Суфага яқинлашиб қолган одам шарпасини эшитган бўлса ҳам эшитмаганга солди. Мухтасиб суфа олдида тўхтади ва ҳазратни чўчитиб юборишдан ҳадиксираб бир-икки марта калта-калта йўталиб қўйди. Шундан кейингина ҳазрат бошини кўтарди.

— Ассалому алайкум, ҳазратим.

Ҳазрат сезилар-сезилмас бош иргитиб алик олди. Ҳазрат содиқ муридининг юзида безовталиқ ва паришонлик аломатларини кўрса ҳам пинагини бузмади. Қўли билан

Ўлтиринг деб ишорат қилди-ю, яна бошини қуйи солганча пинакка кетди.

«Э-э, пиримнинг «хомуш» аталиши бежиз эмас эканда,— деди Саид Ошиқ суфанинг бир четига ўлтираётиб ўа-ўзига,— дунёни сув босиб кетса ҳам парвойи фалак. Нима бало, хожа бузургни ёки хожа Алоуддинни туш кўраётирми?»

Ҳазратнинг ўзлари ҳол-аҳвол суриштирар, шундан кейин юз берган воқеани унга арз қиларман деб ўйлаганди, умиди пучга чиқди. Бир ош пишар вақт ўтди ҳамки, ҳазрат бош кўтармас, бир нима демасдан тасбеҳ ўғирарди. Саид Ошиқнинг тоқати тоқ бўлди, охири ўзи гап очди.

— Омонмусиз, ҳазратим. Шу кеча тушимга кирубсиз, ҳол-аҳвол сўрай, деб келиб эрдим.

Ҳазрат бу сафар ҳам бир нима демади. Яна ўша алфозда оҳистагина бош ирғаб миннатдорчилик билдирди.

Бу мухтасибга оғир ботди. Даст ўрнидан туриб кетмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин бир оз мулоҳазага бориб, шаштидан қайтди. Ахир бу даргоҳга зўр умид билан келмадими? Саид Ошиқ муддаога кўчди:

— Пирим, қулингизнинг бошига оғир тапвиш тушмиш, мадад излаб даргоҳингизга бош уриб келдим.

Саид Ошиқ Низомиддин Хомушнинг шайхулислом хожа Исомиддин билан оралари созлигини яхши биларди. Шундан умид қилди — ахир ҳазрат дўстига икки оғиз сўзини аямас, шайхулислом ҳам кўнгли юшаб, подшоҳдин жаримасини сўраб берсалар ажаб эмас.

Ҳазрат эринибгина бошини кўтарди. Саид Ошиқ унинг катта қўй кўзларида ачиниш ва мойиллик аломатларини сизди, қўлларини кўксига қўйиб тавозеъ билан сўзида давом этди.

— Подшоҳ ҳазратлари бирлан оромиз нича бузилиб қолди, пирим. Мадад беринг!

Шу гапни эшитган ҳамано ҳазратни ваҳима босди: нима, Минҳожиддин бирон иш қилиб қўйдиму?

Ҳазрат анчадан бери саройда, девони иншода хизмат қилиб турган кенжа ўглини кўнглидан ўтказди, сергак тортиб, оғиз очди:

— Бошингизга қандай ташвиш тушмиш, жаноби мухтасиб, очик сўйлайверинг.

— Ушбу кундин эътиборан биз эмди мухтасиб эрмасмиз, ҳазратим. Ушбул мансабдин ихрож этулдик. Буёнгга

ҳолимиз не кечур эркан, бу танҳо яратган эгамнинг ўзига ҳавола.

Саид Ошиқ куни-кеча Чорсуда, бундан бир неча соат бурун саройда бўлиб ўтган воқеани қисқа қилиб гапириб берди.

«Хайрият, Минхожиддин омон эркан», деди ичида ҳазрат. Сўнг анчадан бери унинг фармойишини кутиб ўчоқ бошида тимирскланиб юрган хизматкорни чақирди. Муҳаммад Карим хожасининг феълени яхши биларди. Агар ун чиқармаса майда-чуйда юмушларини қилиб юра-верарди, борди-ю унинг исмини таъкидлаб чақириб қол-гундай бўлса, меҳмоннинг олдига апил-тапил дастурхон ёзарди...

Саид Ошиқ гап орасида фурсат пойлаб шайхулислом билан подшоҳни маломат қилди. Уларни дини ислом ва шарият чизигидан чиқаёзган даҳрийлар деб атади. Лекин бу гаплари нишонга тегдими-тегмадими буни англолмади. Ҳазрат унга бу хусусда бирон сўз қотмади. «Подшоҳга нега тил текизасан»,— деб муридини койи-мади ҳам. Бундан Саид Ошиқ ўзича хулоса чиқарди. У шу кундан ҳазратнинг даргоҳидан оёқ узмай қўйди.

Бир-икки ой шу тариқа кечди. Ҳадеб бўзчишнинг моки-сидай бир ерга қатнайверса ҳам бўлмас экан. Бора-бора уни кўрганда ҳазратнинг гаши келадиган бўлиб қолди. Масалан, кеча борганида яна имо-ишора билан суфанинг бир четидан жой кўрсатди-ю, лекин Муҳаммад Каримни чақирмади. Ҳазрат муридининг гапларига қулоқ осмай ҳам қўйди. У азалдан фиқ-фасод гаплардан ўзини олиб қочар, умуман кўча-кўйга кам чиқарди. Энди-чи? Аввал-лари қилмаган ишини энди, тўқсонни қоралаб қолганда қилсинми. Қисқаси, ҳазрат Саид Ошиққа эргашмади. Шундан кейин Саид Ошиқ ҳазратдан умидини узди. Шу даргоҳдан ҳам этак қоқиб кетмоқчи бўлди-ю, лекин илож қанча — қўл бериб эътиқод қўйган одами, буни Самарқанднинг жумла мўминни яхши билади. Энди эъти-қоддан ҳам кечса... Қолаверса энди қаёққа ҳам борарди. Тўғри, унинг бу шаҳри азимда яна бир илинжи бор — ҳожа Ҳизр масжидининг имоми мулла Шарафиддин. Саид Ошиқ у билан дўст. Балким даҳрий подшоҳ билан ку-рашида у жонига оро кириб қолар. Шу умид билан кеча ўша Шарафиддин тарашанинг (ўта озгинлигидан шундай аталарди) олдига борган эди, кўнгли тўлмай қайтди. Шарафиддин тараща уни самимият билан кутиб олди, ҳужранинг тўрига ўтқизди-ю, лекин олдига бир

коса илиқ овқат ҳам қўймади. Саид Ошиқ ҳам кимир этмай ўтираверди. Аллапайт бўлганда у рўпарасидаги миҳга осилган тугунчани олиб дўстининг олдига ёзди.

— Маъзур тутадилар, жаноби мухтасиб, э-э, жаноби Саид Ошиқ — унинг мухтасибликдан ихрож қилинганини биларди-да, — кеча худойига боруб эрдик, насиба тугиб беришгон эрдилар. Ушбуға сизнинг насибангиз ҳам қўшилгон эркан. Нега аввалроқ эсимга келмабдур. Узр, тақсир, фаромушхотир бўлуб қолубмен.

Сўнг рўмолчага тугилган тўрт дона нон, икки бўлак гўшт, бир сиқим ҳолво, бир сиқим печак қанд, икки бўлак новвот, саккиз дона самбусани рўмолчага тарқатиб қўйди. Пичоқча билан гўшти тўгради.

— Қани, дастурхонға марҳамат, тақсири олам. Бир майизни қирққа бўлуб есунлар, деган эркан азиз-авлиёлар. Боримизни баҳам кўрасиз.

Имом домла узр сўраб ташқарига чой қўйгани чиқди.

«Ҳа, қалангур-қасатқи. Ўлгунча хасис бу тараша. Шунча молу дунёни гўринга олиб кетасанму». Имом чой дамлаб келгунча Саид Ошиқ уни ичида сўкиб ўлтирди...

Энди бир пиёладан чой ичишган эдилар, хужрага фиску фужурлиги туфайли аҳли мўмин орасида ҳам, аҳли сарой ўртасида ҳам Фужириддин номи билан машҳур бўлган муаззин мулла Неъматулла кириб келди.

Имом домла ҳам уни ёмон кўрарди. Шунинг учун ҳам бир ижирғанди-ю, лекин сир бой бермади.

— Қадамларига ҳасанот, ҳожим. Қани дастурхонға марҳамат.

Мулла Неъматулла хужра тўрига ўтди. Апил-тапил дуо қилган бўлди-ю, бир парча нон ушатди, сўнг икки кесим гўшт олди ва нон билан қўшиб ҳаммасини лунжига тикди. Гўшт қаттиқлик қилдими, ёки тиши қурмагур панд бердими, луқмани эплолмади, апил-тапил чап лунжига ўтказди, бари бир бўлмади. Қаттиқ йўтал тутиб егани оғзи-бурнидан чиқди. Имом жаҳл қилди:

— Тақсир, биттадан олиб чойнаб есангиз бундоғ бўлмас эрди, — имом мухтасибга маъноли қараб қўйди, ахийри бир кун бу очкўз ёрилиб ўлади, демоқчи бўлди чамаси. — Ушланг, мана буни ичиб юборинг. Шошилмай ҳўплаб-ҳўплаб ичинг, йўқса яна тикилади.

Чойдан кейин учовлари у ёк-бу ёкдап гаплашиб ўтирдилар. Саид Ошиқ даҳрий подшоҳдан гап очган эди,

имом пастки лабини тишлаб, эгилиб чойга повот эритиш билан овора бўлиб ўтирган муаззинга кўзи қири билан ишора қилди.

— Тақсир, қўйинг, саройга дахлдор гаплардин сўйлашмайлик. Яхшиси ҳожим Маккаю муаззама ва Мадинаини мукаррамага қилгон саргузаштлардин сўзлаб берсунлар.

Саид Ошиқ «қани, марҳамат қилсунлар», дегандай муаззинга тикилди.

Муаззин бир бўлак повотини сездирмай лунжигга уриб олган экан, уни лўқ этиб ютиб юборишга ҳаракат қилди. Лекин, повоти қурмағур кекиртагига тикилиб ўлишига бир баҳя қолди. У уч-тўрт пиёла чой ичиб юборгандан кейин ўзига келди, ўлмай қолганига тангри-таолога шукрона келтирди, кейин бир-икки марта тамоқ қирди-ю, гапни саргузашти ҳарамайдан олди. Унинг аслида кимлигини Саид Ошиқ ҳам, имом ҳам яхши билишарди. Бир умр фиёқу фасод қилиб, одамларни бир-бирига гиж-гижлаб ораларини бузиб юрган бу қитмир одам, қараб-сизки, бир юмалаб ҳожини бўлиб олди. «Қариб-қартайгонда гуноҳларим тўкилур, ўлгонимда пули сиротдин оғонаб тўнгиз қабилида кетмайин», деб, бор бисотини пуллаб, дўппи бир айлангунча фалончи ҳожини деган ном орттирди. Лекин бу игвогардан ҳамма, шунингдек, мухтасиб билан имом ҳам чўчирди. Лекин муросаю мадора қилишга мажбур эдилар. Бугун ҳам шу қабилада иш тутдилар. Ҳатто Саид Ошиқнинг хаёлидан «ушбул касдин фойдаланса бўлур», деган фикри ҳам кечди.

Учовлан эртаси нонуштадан кейин биргалликда ҳазратни зиёрат қилишга бориш ҳақида маслаҳатни бир ерга қўйиб, тун яримлаганда хужрадан бирин-кетин чиқдилар.

Имом билан Саид Ошиқ эрталаб гузарда муаззинни кўп кутишди, лекин у келавермади. Охири ўзлари Камонгаронга қараб йўлга тушдилар. Лекин... Саид Ошиқ билан мулла Шарафиддин дарвозадан кирдилар-у, йўлакда ханг-манг бўлиб қолдилар. Кўзлари суфада ҳазратнинг қаршисига ўтирган Фужириддинга тушди. Муаззин улардан олдинроқ отини қамчилаб қолган экан. Шунда ҳам бир ўзи эмас, балки яна бир касни ҳам етаклаб келган эди. Унинг ёнида ўлтирган девсийрат йигитни танишмади. Ҳазрат мухтасиб билан имомга ҳам суфадан жой кўрсатди. Фотиҳадан кейин ҳазрат ўша нотаниш йигитни меҳмонларга таништирди.

— Мана бу йигит Кошгар ҳоқими Сиддиқ баҳодир-нишг навқари эрди. Охири ҳар иккалаларининг оралари бузилиб, кўп йил бўлди, ушбул баҳодир бу юртларга келиб қолди. Бошда Хирида мирзо Абдуллатифнинг узангисиди бўлди. Мирзо катта оналари билан аразлашиб қолган йили мирзо бирлан Самарқандга келган. Бир йилдан сўнг бегим келиб мирзони олиб кетишларида ота-онасини баҳона қилиб, бизнинг кўмагимиз бирлан Самарқандда қолди. Подшоҳ ҳазратлари кейин ани тўқсабонинг ёнига қўйдилар. Бизни ҳам зиёрат қилишни фаромуш қилмай кулбамизга келиб туради. Асли бизнинг Косондин бўладур. Бағоят садоқатлиқ йигит.

Эҳсон Буқо барлоқ сапчиб ўрнидан турди, икки кўлини кўксига қўйиб, ҳазрат ва унинг меҳмонларига икки букилиб таъзим қилди. Саид Ошиқ уни диққат билан назардан ўтказиб қўйди.

Меҳмонлар, Саид Ошиқ ҳам, муаззин ҳам, имом ҳам бошда ҳазратдан истиҳола қилиб сукут сақладилар ва унинг аҳён-аҳёнда айтган сўзларини жон қулоғи билан тингладилар. Кейин, унинг бугун нимагадир кўнгли чоғлиги, суҳбатга мойиллиги борлигини сезиб, бири қўйиб бири гапира кетдилар. Айниқса муаззин тап тортмай гапга кўп аралашди. Саид Ошиқ яна ўша дини исломни оёқ ости қилаётган даҳрийлардан нолиди. Ҳамма унинг фикрига қўшилиб, гапларини тасдиқлади, лекин бу хусусда ҳазрат қандай фикрда эканлигини билиб бўлмади. Бугунги хурсандчилиги боиси унинг йигирмадан сал ошган кенжатоий ичкаридан бир лаган ош кўтариб чиққанда англашилди.

— Минҳожиддин буқун бош муншийлик лавозимига таъйин этилуптур, — деди ҳазрат меҳмонларга мурожаат қилиб, — биз подшойи оламнинг лутфу эҳсонидин бағоят мамнун бўлдик. Тангри таоло анинг умрини узун, салтанатини пойдор қилсун!

Саид Ошиқ ҳамма қатори ҳазратнинг сўзларини маъқуллаб, қўлларини дуога очди, сўнг ҳазратнинг қадду қомаги келишган ўглини «муборак бўлсун!» қилди-ю; «ҳа, айёр тулки, энди билдим не сабабдин буқун кайфиятнинг чоғ эрканини, — деди ичида, унга кўз тагидан қараб, — шошмайин тур, хурсандчиликнинг зўрини бундин буёғига кўрасен».

Меҳмонлар хожазоданинг бемонанд чиройи, ақлу заковатини кўп мақтадилар, «мартабаси бундин ҳам зиёд бўлмай», деб узундан-узоқ дуо қилдилар. Саид Ошиқ

ҳазратнинг сарой хизматчиси бўлган ўғлини дарвоза олди-да гапга солди:

— Минхожиддин, олампаҳо саройда кам бўлур, кўпроқ расадхонада ёхуд Чиннихонада тунаб қолур эркан, шу гаплар ростму?

— Рост, жаноб. Ҳазрати олийлари кўп вақтини илм билан кечируб, кўпдин бери салтанат ишларига кўп майл кўргизмайин кўйгонлар. Шу боисдан онҳазрат саройда камдан-кам бўлурлар.

Саид Ошиқ сармушнӣ айтган гаплардан тегишли хулоса чиқариб олди: «Саройга камдан-кам боргондин кейин ҳарамни ҳам эсдин чиқаргон бўлса ажаб эрмас, — деди у ўз-ўзига — ишни айнан шу ердин бошлаш мақсадга мувофиқ бўлгай».

Саид Ошиқ ўша кунини ҳазратникидан аллақандай кайфиятда қайтиб келди, ўзини ҳеч ерга сиғдирилмай қолди. Ҳали ичкарига кириб хотинларига ўдагайлар, ҳали меҳмонхонага чиқиб ёнбошлаганча хизматкорни чой, ҳали чилимга буюрарди. Нуқул айтганини қайтараверганидан жаҳли чиқиб тўтини қафас-мафаси билан ташқарига улоқтирди... Ишқилиб у ўша кунини ит азобида кечирди, қоронгу тушиши билан эса хожа Ҳизр масжидига қараб йўл олди. Лекин имом домла ёлғиз эмас экан. Ҳалиги девсийрат йиғит — Эҳсон Буқо барлос ҳам ўша еда экан. Мухтасиб ҳоли қилиб дўсти билан бор гапни сўзлашиб олмоқчи эди, уни кўриб энсаси қотди. Ултираётди «энди буёғи неча пулдин тушди», дегандай имомга маънодор қаради. Имом дўстининг саросималанганини пайқаб эшитилар-эшитилмас: «Ташвиш намекашед, ин кас марди хушсавдо аст»¹, — деди. Эҳсон Буқо барлос тожикча билмас эди, лекин бари бир бу иккаласи ўзи ҳақида гаплашганларини пайқади, лекин ўзини билмасликка солди. Кимдир сал бурун мачит учун¹ бир товоқ чучвара келтириб берган экан, имом дастурхон ёзиб ундан меҳмонларга ва ўзига ярим косадан сузиб келди. Овқатдан сўнг хуфтонни ўқиб, яна дастурхон атрофига энди чўққайишган ҳам эдиларки, томоғ қириб муаззин кириб келди. Уни кўриб Саид Ошиқнинг жаҳли чиқди. «Нима, бу одам менинг изимдин тушгон айгоқчиму ўзи?» — деган шубҳага ҳам борди. Имом домла «ташвишланмасунлар, ул ҳам ўзимизга қаршлиқ одам» деган маънода мух-

¹ Ташвиш тортиасилар, бу одам керак одам.

тасибга қараб чап кўзини салгина қисиб қўйди, сўнг муаззинни дастурхонга таклиф қилди.

Уларнинг суҳбати ярим кечагача давом этди. Аввалда сал қовушмади, кейин мойдай юришиб кетди. Гап фақат дахрий подшоҳ ва сармунший устида борди. Пировард муаззин Эҳсон Буқога мурожаат қилди:

— Янглишмасам хожа саро сизга жигар бўлса керак, бек?

Эҳсон Буқо бош силкитиб ушнинг гапини тасдиқлади.

— Ундоғ бўлса буюгинин хотиржам эрканмизда?

— Ори, тақсир,— Эҳсон Буқо қўлини кўксига қўйиб бош эгди.

Шу кеча учовлон гапни бир ерга қўйиб олишди...

Орадан кўп вақт ўтмай аҳли сарой орасида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гаплар тарқалди. Эмишки, подшоҳ ҳарамдаги каппазаклардан Салима исмли бир соҳибжамол билан сармунший бир-бирига кўнгул қўйишганмиш, улар аҳён-аҳёнда фурсат топиб учрашиб ҳам туришармиш. Бунақа гап пайдо бўлдим, бас, кўз очиб-юмгунча қанот боғлаб парвоз қилади. Узунқулоқлар кўшиб-чатиб уни дostonга айлантиришади. Бу гап подшоҳнинг қулогига ҳам бориб етди. Сармунший кўрққанидан бир кечада гойиб бўлди. Ясовуллар уни қидириб ердан ҳам, кўкдан ҳам тополмадилар. Аҳли саройдан баъзилари «ҳамма бало ҳазратнинг ўзида, эркатойини талтайтириб юборгон», деб Низомуддин Хомушни маломат қилдилар. Билиб-билмай, «бола отога тортур», деганлар ҳам бўлди. Бир пайт подшоҳнинг нигоҳи шундайгина йўлакда чўк тушиб ўлтирган Эҳсон Буқо барлосга тушди. У ниманидир айтмоқчи бўлиб оғзини ростлаб ўлтирган экан, қўлларини кўксига қўйиб таъзим қилди.

— Хўш, бек, сиз ҳам бир нима демоқчиму эрдингиз?

— Агар ижозат берсангиз, олампаноҳ.

— Ижозат.

— Муҳтарам зотларнинг гапларида жон бордур. Ҳазрат эркатойини ҳар юмушга рағбатлантиргонини ўз кўзум бирлан кўрганмен — у яқинда муаззин ва имом билан ҳазратни зиёрат қилгани борганларида бўлган гапларни оёгини осмондан қилиб ва яна қўшиб-чатиб айтиб берди: — «Бизнинг Минҳожиддин етти иқлим гўзаллари ошиқ бўлса арзийтургон, хусну малоҳатда ягона, зукко йиғит.

Ани подшоҳ сармунийликга кўтарибдур. Мартабаси бундин ҳам баланд бўлур, албат. Локни тангри-таоло уни ёмон кўздин соқласун, подшоҳнинг ҳарамиди нима кўи — нари-найкарлар кўи. Алар даштда адашуб сувсираб қолгон сайёҳларга ўхшайдурлар. Ишқилиб кенжатоиймни ўшаларининг ёмон кўзидан асрасун», — деб айтгон сўзларини мана шу қулоқларим билан эшитгонмен.

Подшоҳнинг бир газаби чандон бўлди, ясовулбошинни чақиртириб ҳазратни Боги майдонга олиб келишни буюрди.

Ясовул деган халқ ховлиқмароқ. Дўпписини олиб кел, дейилса, бир йўла бошини ҳам кесиб бирга олиб келаркан. Бу гап ҳам шундай бўлди. Ясовуллар тўқсон ёшлик бу муҳтарам зотни бош-кийимсиз, ялангоёқ, яқтакчан ҳолда отнинг сағрига миндириб Боги майдонга олиб келдилар. Тағин устига, кўпчилик кўрсин, деб шаҳарнинг катта гузарлари орқали олиб келдилар. Подшоҳ жаҳл устида бетовфиқ ўглидан ҳам, ҳазратнинг ўзидан ҳам кўп койинди. Низомуддин Хомуш бошини қуйи солиб ўлтирганча аввалда миқ этмади, охири подшоҳга қараб деди: «Менинг айтатургон гапим битта: мен мусулмонмен. Ишонсанг кўп яхши, ишонмасанг билганингни қил!» Улугбек ҳазратнинг аҳволига қараб туриб, қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлди. Нима, у ясовулларга уни шу алпозда сазойи қилиб олиб кел, деб буюрганмиди?! Рўбарасида унинг амру фармонига мунтазир бўлиб турган ясовулбошига қараб ўшқирди:

— Йўқол, кўзимдин, бадбахт!

Сўнг хос мулозимларидан бирини чақиртириб: «Ҳазратни уйларига элтиб қўйингиз», — деб буюрди.

Ҳазрат ҳам уйига элтиб қўйилди, канизак ҳам даргоҳдан бадарға қилинди-ю, лекин миш-мишларни босиб бўлмади. Чиққан кўз ўрнига тушмас экан. Бунинг устига Низомуддин Хомуш билан кечган нохушлик дард устига чипқон бўлди. Улугбекни даҳрийликда айлаб юрган баъзи бир руҳонийлар ҳам, кўпдан ўлжа йиғолмай, қиличи қонсираб занглаб ётган амирлар ҳам гимиллашиб қолишди. Улугбек эса расадхонада қўлга киритилган ва киритилаётган ютуқлардан ўзига сигмай юрарди. Яна ўша кунлари математикага оид янги бир рисоласини ҳам тугатиб, хатотининг қўлига топширган эди. Илмга тамом берилиб кетиб, боши устида тобора қуюқлашиб бораётган қора булутлардан беҳабар эди.



ХИЁНАТ

Шоҳрух 850 йил зулҳижжа ойининг 25 куни (1447 йил 12 март) набираси Султон Муҳаммад исёнини бос-тириш вақтида Рай вилоятига қарашли Пашоварий қишлоғида 72 ёшида оламдан ўтди. Ўша пайт унинг ёнида хотини Гавҳаршод, набираси Абулқосим Бобир, жияни мирзо Халил ва бегимнинг эркатоий Пир Лукмон барлосдан бошқа одам йўқ эди. Қўшин мирзо Султон Муҳаммадни таъқиб қилиб ғарб сари силжиб борарди...

Пир Лукмон барлос ҳаммадан аввал йиғи солмоқчи бўлди, лекин бегим уни босиб қўйди:

— Азиз-авлиёлар «майит тепасида йиғи-зор қилуб бўлмас, мағфиратлангоннинг гуноҳи ортур» деган эрканлар. Ҳоқони сайдининг ўзлари ҳам шундай васият қилгонлар.

— Э, яратган эгам! Аълоҳазратдин кўра мен қулиннинг жонини олсанг бўлмасму эрди?! Қайси гуноҳимиз учун ул табаррук зотни, падари бузрукворимизни, валиеъматимизни биз бандаларингга кўп кўрдунг?! Бунга қандоқ чидаб бўлади, ҳолимиз эмди не кечадур, э қодир эгам?!

Пир Лукмон барлос бари бир чидаб туролмади, ўзини ўзи уриб йиғи солди. Ҳа, у йиғламай ким йиғласин. У Шоҳрухдан ўз вақтида кўп яхшиликлар кўрган. Марҳум подшоҳ унга талайгина ер-сув ва оқча берди, мартабасини улуглади, ҳамиша ёнида бирга олиб юрди, зафарли ҳарбий юришлардан кейин эса уни суюрғоллар билан сийлади. Масалан, Халил Султонни даф қилиб, Мовароуннахрни олганидан кейин подшоҳ унга Қаррух вилоятини суюрғол қилиб берганди. Бир учи Ҳирот, иккинчи учи Бодҳиз билан туташ бўлган бу вилоятга ўша вақтларда саксонга қишлоқ қарарди. Пир Лукмон барлос-

нинг бундан бошқа ҳам серунум ерлари, боғу роғлари кўп эди. Ва яна унинг мўмай даромад келтириб турган тегирмон, обжувоз, корхона ва дўконлари ҳам бўлган. Мана шуларнинг ҳаммасига бундан бир неча дақиқа аввал тирик бўлган шу одамнинг орқасидан эришмаганмиди? Энди у йўқ, бундан кейин холи не кечаркин? Шундай олийжаноб одамдан, валинеъматидан бир умрга ажралиб турибди-ю, у йиғламай ким йиғласин.

Бегим шу пайт ёруғ дунёдан тамом кўз юмган ёстиқдошини эмас, тожу тахтни кимга топшириш устида кўпроқ ўйлади. Ким бунга муносиб? Улугбекми, Олоуддавлами, Абдуллатифми? Тўғри, валнаҳд масаласи Шоҳрух тириклигидаёқ хал бўлганди. Тожу тахтни тўнғич ўғил Улугбек эгаллаши керак эди. Лекин она бўлатуриб Гавҳаршод бегим уни кўп ҳам хуш кўрмасди. «Бу ўғилдин ҳеч қачон подшоҳ ҳам, саркарда ҳам чиқмас, мударрис ё бўлмаса масжидга имом чиқса ажаб эрмас», деганди у эрига бир куни холи қолганларида. Шоҳрух эътироз билдирган эди, бегим бу гапни аслида соҳибқироннинг ўзи айтганлигига писанда қилди. Шоҳрух шу хотини билан ади-бади айтишиб ўтиришни ўзига эл кўрмасди. Шунинг учун ҳам одатдагидай индамай қўя қолди. Нима, ўшанда «хўп» демаган бегим, энди «майли» дермиди. Йўқ, Улугбекнинг тожу тахтни эгаллашига йўл қўймайди у. «Абдуллатиф-чи? — деди ўз-ўзига, — Абдуллатифнинг хонлиги ҳам бор, беклиги ҳам. Локин, ҳали отаси тирик турганда ани қандай қилуб тахтга ўтқизиб бўлур?» Демак Шоҳрухнинг бўш қолган тахтини у ҳам эгаллолмайди. Тахт вориси ким бўлишлигини бегим аллақачонлар ўзи ҳал қилиб қўйганди. «Ҳоқони санднинг тахт вориси фақат Олоуддавла бўлғай», деди у ўз-ўзига. Лекин, бахтга қарши, у шу пайт Ҳиротда эди. Пойтахтни қандай ташлаб кетади? Қўшин анча олисда. Уни охири ким бошқаради? Қўшинсиз, амирлар ва казо-казоларсиз юртни қандай бошқариб бўлади? Бу ерда бирон тадбир ишлатиш керак. Гавҳаршод бегим бунинг йўлини ҳам топди, лекин хонадагиларга эшиттириб: «Ҳа, буёғи тангри-таолонинг ўзига омонат», деди у ва ўрнидан даст туриб, шитоб билан ташқаруга чиқди. Эшикога бегимни кўриб салчиб ўрнидан турди. Бегим уни имо-ишора билан ёнига чорлади.

— Ҳоқони санд қаттиқ бетоб бўлуб қолдилар, хонага бирон зот кирмасун.

— Бош устига хазрати олиялари.

Эшикога икки букилиб таъзим қилди.

Эшикога кетгач, бегим хос шатурпарисими чақириб, уни қўшиннинг баронгорига бош бўлиб турган мирзо Абдуллатифнинг хузурига юборди. Унга қайта-қайта таъкид қилди:

— Шамол бирлан бирга учуб бор, мирзо Абдуллатифни бошқалардин холи қилиб, хоқони саид ўсаллаб қолибди, деб айт. Шитоб бирлан ўрдуйи олийга етуб келсун, лашкар ва элу улус ишини илгига олсун.

Шатурпарини жўнатиб бегим ичкарига қайтиб кирди ва хонани ичидан занжирлаб олди. Абдуллатиф келгунча бу ердан ҳеч ким ташқарига чиқмади.

Абдуллатиф чопарнинг сўзларидан оғир фожиа юз берганини фаҳлади, лекин буни бошқалардан пинҳон тутди. Шаҳзодалар билан амирларга фақат олий ўрдуга чақиртирилганини айтди ва қўшинини амир Саид Али тархонга топшириб, Пашоварий қишлоғига етиб келди. Гавҳаршод бегим қистови билан ақлу ўрду Абдуллатифга қасамёд қилди. Абдуллатиф енг шимариб ва бир-икки кун ичида теварак-атрофда турган бор лашкарни ўзининг туғи остига тўплашга муяссар бўлди.

Лекин, Гавҳаршод оғанинг тутган бу иши, яъни ҳокимиятни Абдуллатифнинг қўлига топшириши, бошқаларга, айниқса мирзоларга хуш келмади. Абдуллатифнинг бирдан бу қадар олий мартабага кўтарилиши уларнинг иззат-нафсига тегди. Мирзо Абулқосим Бобир билан мирзо Халил қўшин ва хос мулозимларини олиб 13 март кунини тунда олий ўрдунини тарк этдилар ва Ҳирот сари юзландилар. Орадан икки кун ўтгач, 15 март кунини тонгда Гавҳаршод оға, Абдуллатиф ва олий ўрдудагилар ҳам подшоҳни тахтиравонга юклаб йўлга тушдилар. Икки манзил босиб ўтилгач, ҳордиқ чиқариш учун Симнонга қарашли Сурхча қишлоғига келиб тушдилар. Бахтга қарши шу ерда кутилмаганда фалокат из берди. Кечқурун бир гуруҳ фитначилар Абдуллатиф хузурига кириб Гавҳаршод бегимни маломат қилдилар. «Маҳди улёнинг ниятлари бузук, тархонлар бирлан тил бириктируб сизни тузоққа плинтирмоқ тараддудидадурлар», деб шивирладилар улар шаҳзоданинг қулоғига. Абдуллатиф бошда нима қиларини билмай ҳанг-манг бўлиб қолди. Унинг кўнглидан «ахир бундин уч кун бурун зоти олияларининг сўзлари бошқача эрди-ку, энди не бало бўлди», деган фикр кечди. Сўнг, чуқур мулоҳаза қилиб кўриб, масаланинг туб моҳиятига етгандай бўлди. «Ҳа, бу ерда бошқа гап бор. Ахир бегим бирлан бизнинг орамизда Олоуддавла турибди-ку.

Нега буни аввал ўйламадун?» — деди у ўз ўзига. Ахир бувиси Олоуддавгани кўпроқ суюнтини ~~лини~~ билардику! Бувисининг тили остида тили борлиги ҳам барчага аён эди-ку! Абдуллатиф хушёр тортди. Ўзига кўрсатилган hozirги ишонч ва илтифотни вақтинчалик бир нарса, одатда дўппи тор келиб қолганда кўрсатиладиган мулозамат деб ҳисоблади. Абдуллатиф теvarак-атрофдан ўраб келаётган хавф-хатарни аниқ ҳис қила бошлади. Турган гап — Олоуддавганинг қўли узун. Масалан, пойтахт унинг ихтиёрида, марҳум подшоҳнинг дуру жавахир, кумушу олтинлар билан тўлиб-тошган хазинаси ҳам унинг қўлида. Ҳиротга етиб борганларидан кейин нима бўлиши аниқ эди. Шу ерда Абдуллатиф кейинги йиллари саройда бўлиб ўтган икки воқеани ҳам эслади. 1441 йили, кунлардан бир кун, неваралар саломга киришганда Гавҳаршод бегим Олоуддавлага кўпроқ илтифот кўрсатди. Мўйлаби шопдай бўлса-да, уни қучоқлаб, икки юзи ва пешонасидан чўлпиллатиб ўпди. Абдуллатифга эса: «Ҳа, бойвачча, зерикмайин юрибсанму?» — деб қўйди, холос. Ушанда Абдуллатиф аразлаб Самарқандга кетиб қолди. Келаси йили бегимнинг ўзи бориб ёлиниб-ёлвориб уни Ҳиротга олиб келди. Бундан уч-тўрт йил муқаддам Ҳиротда, Шоҳрухнинг саломатлиги оғирлашиб қолган кунларда содир бўлган иккинчи воқеа бундай эди. Ушанда Шоҳрух тожу тахтни Муҳаммад Жўқийга васият қилмоқчи бўлганда Гавҳаршод бегим додлаб осмону фалакни бошига кўтарди. Бегим ворисликка фақат Олоуддавла муносиб эканлигини айтганда эса подшоҳ индамади. У кўзларини юмиб олди, хотини ва ёнидаги ўғиллари ва невараларига қўли билан «чиқинглар бу ердан!» деб ишора қилди. Бари бир бегим бўш келмади. Чиқиб кетаётиб зарда билан, «майли, омон бўлсак кўруرمىз!» — деди. Шоҳрух тез орада согайиб кетди-ю, лекин Муҳаммад Жўқий тўсатдан вафот этди. Абдуллатиф мана шуларни ўйлаб бир сесканиб тушди. Нахотки, чор-атрофида айланиб, энди елкасига қўнаман деб турган бахт қуши бирдан учиб кетса-я! Абдуллатиф хушёр тортди. Йўқ, бундай бўлишига йўл қўймайди, жони борича олишади. Тожу тахт ва салтанатга у фақат мушарраф бўлмоғи зарур. Тўғри, бобоси бир вақтлар Улуғбекни, сўнг, ундан бир оз ранжиб қолиб, Муҳаммад Жўқийни валиаҳд қилган. Муҳаммад Жўқий энди йўқ — у ўлиб кетган. Кўп вақтни расадхонада, кутубхонада ва мадрасада ўтказиб, илмга муккасидан кетган отаси бўлса тожу тахтни эплолмайди. Айни шу пайтда мам-

лакатни чулғаб олган беқарорлик ҳам Абдуллатифга қўл келиб турибди. Масалан, Мозандарон билан Журжонда Абулқосим Бобир, Ҳиротда Олоуддавла, Райда Султон Муҳаммад ўзларини ҳокими мутлақ фараз қилиб юришибди. Ғазни ва Қобулда мирзо Суюрғатмишнинг фарзандлари, Хутталонда эса мирзо Муҳаммад Жўқийнинг ўгли мирзо Абубакир ўзи билан ўзи овора. Бундай шароитда ташаббусни қўлга олмаса, қачон олади.

Абдуллатиф темирни қизигида босиб қолишга қасдланди. У зулҳижжа ойининг сўнгги куни (1447 йил 18 март) — олий ўрду яна бир манзилга қўнган куннинг эртаси илк саҳарда юзга яқин чапдаст йигити билан Гавҳаршод бегим хизматкорлари ва тобут билан тушган ҳовлига бостириб кирди, ўрдани кўриқлаб турган амир Низомуддин Аҳмад бошлиқ соқчиларни ўлдириб, бегим ва тобутни олиб келаётган тархоний амирларни ҳибс қилди.

Нонуштадан кейин Абдуллатиф қўшин ва тобутни олиб шитоб билан Ҳирот сари юрди. Симнонда уни Шохрух вафот қилмаёдан аввал шу ерга келган вазири аъзам хожа Ғиёсиддин Аҳмад Ҳавофий билан соҳиби икром хожа Шамсиддин Али Симноний кутиб олишди ва итоат камарини белга боғлаб, Абдуллатифнинг хизматига ўтишди. Шаҳзода ҳам уларга хизматларига яраша иззат-икром кўрсатди, сўнг ҳар иккаларини вазирлик мансабига тайин қилди. Сўнг Абдуллатиф Домгон ва Биستم орқали Нишопурга ўтди. Олий ўрду Нишопур ҳокимининг қасрига ўринлашди, маҳбуслар билан тобутни эса омборхонага солдилар. Омборнинг атрофига, ҳатто том тепасига ҳам соқчилар қўйилди...

Маҳди улё Гавҳаршод ога олий ўрду Симнонда турган пайтда Олоуддавла билан алоқа боғлашга улгурди. Бегим ҳибсдагиларга тушлик олиб кирган соқчини танигандай бўлди. Қорачадан келган норгил барваста бу йигитни қаерда учратган? Ҳа, эсига тушди. Бундан роппа-роса ўн икки йил бурун ҳоқови саид билан Машҳади муқаддаснинг муборақ мазорларини зиёрат қилгани борганларида бу йигитни соқчилар орасида кўрган эди. Соқчи ҳам оғир мусибат, йўл азоби ва суюкли невараси кўрсатиб турган кароматдан анча уриниб қолган, ҳорғин ва қўллари кишанланган бу олий насаб аёлни бир кўришда таниди. Бошда бир қадар ўнғайсизланди, таъзим бажо келтириш уёқда турсин, саломлашолмади ҳам, чунки эшик олдида яна бир соқчи уларни кузатиб турган эди.

Бегим соқчининг юзида ачиниш ва хайрхоҳлик аломатларини сезд. Ўша соқчи овқатдан сўнг дастурхонни йиғиштириб олиш учун кирганда бегим икки қўлини кўтариб: «Э, парвардигори олам! Олоуддавланинг умрини узун, давлатини пойдор қил!» — деб дуо қилди. Шу асно ўнг қўлининг ўрта бармоғидаги ёкут кўзли тилла узук дастурхонга оҳишта юмалаб тушди. Соқчи апил-тапил дастурхонни тахлаб қўйнига солди, чойнак-пиёла ва шўрвадан бўшаган чинни косаларни олиб ташқарига чиқди.

...Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин Олоуддавла Симнонда юз берган мудҳиш воқеадан хабар топди. Аввал Самарқандга, амакиси Улуғбек мирзо хузурига чопар юбориб, Шохрухнинг вафот этганлигини хабар қилмоқчи ва тожу тахтни унга топширмоқчи бўлиб турганди. Лекин Абдуллатифнинг кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бу ишларидан ранжиб фикридан қайтди. Ихтиёридди қалъасига бориб хазинанинг эшигини очдирди, унинг катта қисмини лашкар билан ҳарбий бошлиқларга тақсимлаб берди. Сўнг Абдуллатифни даф қилиш ва Гавҳаршод оға билан тархонларни ҳибедан озод қилиш учун Нишопурга мирзо Эрмухаммад Шерозийнинг ўғли шаҳзода Муҳаммад Солих, Увайс тархон ва Аҳмад тархон бошчилигида қўшин юборди. Қўшин Сарахс йўли билан Машҳадга келди.

Шаҳар нотинч, халқ орасида Абдуллатиф ҳақида, унинг Домғон, Бистом ва Нишопурда ўтказган таъди ва зулми ҳақида бири-бирдан даҳшатли миш-мишлар тарқалган эди. Кишининг табиатига, феъл-атвориغا кўп нарса боғлиқ экан. Оғир-босиқ одам мулоҳазали, етти ўйлаб бир кесадиган бўларкан, зулм-бедодлик эса ҳамма вақт енгил таъб ва дағал одамга соядек эргашаркан. Абдуллатиф шунақа йиғит бўлиб чиқди. Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-саъдайн»ида унинг хусусида мана буларни ўқиймиз: «Мирзо Абдуллатиф эҳтиёкорлик бирлан иш тутмайдур, серзарда ва дағал йиғит. Элу юртни одамларига талон-тарож этдурди, тамом халқ онинг жабр-зулмига қолди.»

Ҳиротлик амирлар Машҳаддан чиққанларидан сўнг эҳтиёт учун фақат кечалаб юрдилар ва сафар ойининг 13 шанба куни (1447 йил 29 апрель) Нишопурга яқин манзилга келиб қўндилар. Шаҳарга зиёратчи либосида Увайс тархоннинг икки йиғити бориб аҳволни суриштириб келишди. Улар билан мирзо Муҳаммад Солихнинг ўзи гаплашди. Улардан бири, ёши улуғроғи бундай деди:

мирзо Абдуллатиф ҳам, маҳбуслар ҳам ҳокимнинг қасрида ўринлашгонлар, қўшини эрса шаҳар четида йўл ёқасида модир тикиб турадур. Алар куйдузлари теварак-атрофни горат қилиш бирлаш машғул бўллуб, кечалари эрса майшат қилуб, суриқасига ичкилик ичар эрканлар.

Шаҳзода амирларни кенгашга чақирди. Улар амалга оширилажак ишни режалаб олдилар.

— Икки қўшун тун яримлашгонда Абдуллатифнинг лашкаргоҳини бостурса, бир қўшунни қаср устига юборсак.

Аҳмад тархон Увайс тархоннинг бу режасини умуман маъқуллади, лекин кичик бир қўшимча қилди.

— Қасрга бир қўшин кўплик қилгай. Ёғийни чўчи-тиб юбориш мумкин. Бундин тошқари, қоронғу тун, ёғийни ўзимизникилардин ажратолмаслик хавфи ҳам бордур. Каминанинг фикри ожизи шулким, юз-юз эзлик нафар чабдаст йигит ушбу юмушга кифоя қилур.

Шаҳзодага бу фикр маъқул тушди. Бошқалар ҳам шу фикрга қўшилдилар.

Тун ярмидан сая оғонда Увайс тархон ва Аҳмад тархон бош бўлган икки қўшин Абдуллатифнинг Машҳад йўли ёқасида турган лашкаргоҳига, бир юз эзлик нафар сара йигит эса Муҳаммад Солиҳ раҳбарлигида бир вақтнинг ўзида қасрга ташландилар. Қасрни олиш унча қийин бўлмади. Чунки дарвоза ёнида мудраб ўлтирган соқчилардан бошқа ҳамма гафлат уйқусида эди. Муҳаммад Солиҳнинг йигитлари кўз очиб-юмгунча қоровулларни ва қаср ичидаги соқчиларни бирёқли қилиб, иккинчи қаватдаги Абдуллатиф ётган хонага бостириб кирдилар. Абдуллатиф ҳарам соҳибаларидан бирининг илиққина қўйнида дунё ташвишларини тамом унутиб қаттиқ ухлаб ётган экан. Муҳаммад Солиҳнинг имо-вишораси билан йигитлардан бири оҳистагина Абдуллатифнинг оёқларини қитиқлаб, уни уйғотди. Абдуллатиф аўрга кўзларини очди. Нигоҳи теварак-атрофини ўраб турган нотаниш йигитларга тушди.

— Кимсанлар ўзи? Бу ерга киришга ким ижозат берди?

У ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин кимдир унинг кўк-сига қиличнинг тақади:

— Ун чиқармаиғиз, мирзо, йўғаса ўласиз.

Абдуллатиф қилич тақаган бу йигитин ниқоб кийиб

олган бўлса-да, овозидан таниди. Мирзо Муҳаммад Солих эди у...

Шундан кейин Муҳаммад Солихнинг йигитлари омборни бузиб кирдилар ва маҳди улё Гавҳаршод бегим, тархоний амирлар ҳамда тобутни ҳибсдан озод қилдилар.

Хулласи калом, қасрин олиш хамирдан қил сугургандай осон кўчди-ю, лекин лашкаргоҳда кўп қон тўкилди. Қаттиқ олишувдан кейин Ҳиротдан келган сипоҳийлар уларни ҳам бир ёқлик қилишди.

Мирзо Муҳаммад Солих ва унинг одамлари тушнинг қолган қисмини шу ернинг ўзида ўтказишди, тоғ билан подшоҳнинг тобутини тахтиравонга солиб Ҳирот йўлига чиқдилар. Олоуддавла уларни Жом вилоятининг Саъдобод қишлоғида кутиб олди.

Олоуддавла Абдуллатифни ҳар нима қилмоқчи бўлди-ю, лекин отасидан кўркли. Шунинг учун ҳам уни ўлдирмади, лекин банддан ҳам бўшатиб юбормади. Аксинча, кишанлатиб, қамаб қўйди. Ҳиротга борганларидан кейин эса уни Ихтиёриддин қалъасидаги қамоқхонага ташлади...

Кечқурун Гавҳаршод ога Богизогонда озод бўлгани садақасига кичиккина мушкулкушод ўқиттирди. Эртаси куни пешинда Шохрухнинг жасадини маҳди улё Гавҳаршод ога мадрасасига, Бойсуқур мирзо ёнига дафи этдилар...

Отасининг вафотидан Улугбек ҳам хабар топганди. Хабарни Самарқандга Абдуллатиф Раё атрофидан юборган чопар олиб келганди. Юз берган бу мудҳиш хабарни муҳокама қилиш ва мамлакатда фитна-фасод ўти аланга олмасдан бурун биров чора-тадбир кўриш учун Улугбек ўша куннинг ўзидаёқ умаро, фузало ва юрт улугларини кенгашга тўплади. Йигилганлар аввал подшоҳга, унинг бошига тушган оғир мусибат туфайли, чуқур таъзия изҳор қилдилар. Сўнг ҳамма бир оғиздан давлат жиловни қўлдан чиқиб кетмасдан туриб кўшини жамлаш ва шитоб билан Хуросон сари отланиш зарурлигини таъкид қилдилар. Кенгаш охирида қолганда шайхулислом мавлоно Исомиддин унга яқин ясади:

— Мўнсууддин Улугбек Кўрагон жаноби олийлари жаннат мақом ҳоқони санднинг тўнғич фарзанди эрурлар. Шу боисдан тожу тахт зоти олийларига тегишлидур. Ушбу важдин жаноби олийларининг Хуросонда инқи-

лоб чиқмасдин бурун лашкар бирла ул мамлакат устига шитоб ила боруб давлат тизгинини илгга олишлари зарурлигини замон тақозо этадур.

Хулласи калом, бу юришни пайсалга солмай узоги билан бир ҳафта орасида бошлаб юборишга келишиб олдилар. Уч кун фотиҳахонлик бўлди, юртга катта ош ҳам берилди. Шу фурсат ичида илгари теварак-атрофга юборилган жарчилар ва тавочилар лашкар тўплаш билан машгул бўлдилар. Тўртинчи кун эрталаб Улуғбек хос кишилари, черик ва Самарқанд тумонларидан йиғилган лашкар билан пойтахтдан кўчди ва Насафга қараб йўл олди. Қўшиннинг асосий қисми Термизда тўпланадиган бўлди.

Уша вақтда Жайхуннинг ҳар иккала қирғогидаги вилоятларда ҳам аҳвол яхши эмасди. Бу вилоятлар Муҳаммад Жўқий вафот этгандан кейин унинг икки ўғлига суюрғол қилиб берилганди. Хусусан, Муҳаммад Қосимга (1422 йили туғилган) Балх, Шибиргон, Қундуз ва Бағлон вилоятлари, мирзо Абубакрга (1427 йили туғилган) эса Бадахшонга туташ Хутталон, Арханг ва Солисарой вилоятлари берилганди. Шоҳрух вафотидан кейин оғани ўртасида низо чиқиб, Абубакр мирзо оғасига қарши қурол кўтарди ва вилоятларни ундан тортиб олди. Сўнг Балхга кўчиб бориб унинг қалъа ва истеҳкомларини мустақамлашга тутинди. Бундай шароитда, мирзо Абубакрнинг бир ёқлик қилмай туриб, Хуросон ва Ҳиротни эгаллаб турган Олоуддавла, Журжон ва Астрободда мустақиллик байроғини баланд кўтариб ўлтирган Абулқосим Бобир, Ғарбий Эрон билан Форснинг ўзиники қилиб олган Султон Муҳаммад ва ниҳоят, Озарбайжоннинг темурийлар қўлидан тортиб олган Жаҳоншоҳ (1438—1467) билан курашиб бўлмасди. Нима қилиш керак? Ишни нимадан бошлаш керак? Улуғбекнинг боши қотди. Жайхуннинг нариги тарафига ливҳона юборган айғоқчилари Балхнинг қалъаси мустақам эканлиги, Андхуд билан Шибиргонда ҳам катта ҳарбий куч тўпланганлигини аниқлаб келишди. Улуғбек кўп ўйлади, яқин одамлари билан кенгашди, маслаҳатлашди. Борди-ю, Абубакрга қарши уруш очса, унда нима бўлади? Балхни олиши мумкин-у, лекин кўп одамидан ажралади-да, Ҳиротга юриш учун эса янги қўшин тўплашга тўғри келади. Бу ўз-ўзидан бўлмас, кўп вақтни талаб қилади, албатта. Бунга катта маблағ ҳам керак. Уни қаёқдан олади? Яна раиятга қўшимча солиқ соладими? Хазинадан олаверса, мўлжаллаб қўйган қури-

лишларни нима билан қилади? Бундан чиқди, юриш кечиктирилади. Улугбек ўйлаб-ўйлаб, охири қилич ялангочламасликни, нима қилса ҳам жиянини ўз тарафига оғдириб олишни режаллади. Шу мақсад билан Балхга, мирзо Абубакр хузурига, катта совға-салом билан шайхулислом мавлоно Исомиддин ва Таваккал барлосни элчи қилиб юборди. Абубакр мирзо амакисининг элчиларини иззат-ишром билан кутиб олди. Мавлоно Исомиддин мирзога подшоҳнинг меҳру муҳаббат, яқдиллик ва садоқат сўзлари билан битилган мактубини ҳам топширди. Абубакр мирзо ўша куни кечқурун Навбахор дарвозаси ёнидаги Боги хуррамсарода элчилар шарафига катта зиёфат берди. Эртаси куни нонуштадан кейин эса элчилар Дарагез кўриқхонасида уюштирилган овга таклиф этилдилар. Дарагезга қош қорайганда етиб бордилар ва Хижданахр тўғони ёнидаги Оқбулоқ қишлоғида тунаб қолдилар. Хожа Исомиддин кечки овқатдан кейин шаҳзодани холи топиб Улугбекнинг алоҳида таъкидларини унга етказди:

— Улугбек мирзо жаноби олийлари мағфират нишон подшоҳнинг тўнғич фарзанди эрурлар. Еш жиҳатдин ҳам ул зоти олийлари тирик бўлгон теурийлар орасида энг улуғидир. Шундай бўлғач, тожу тахт шак-шубҳасиз аларга тегишлидур. Сизни бўлса фарзанди аржиманд ўрнида кўруб, ул жаноб эртаю кеч дуонгиздадурлар. — Абубакр мирзонинг насиҳатга мойиллигини пайқаб шайхулислом отни қамчилаб қолди: — Шу бонедди ҳам сизнинг оғойингиз хусусида тутгон ишингизни қораладилар.

Абубакр бу гапга ҳам эътироз билдирмади.

Шайхулислом давом этди:

— Қувончлисиз шулким, мирзом, подшоҳи олам сизни ўзларига куёв қилиш ва ифбат пардасида ўлтиргон суюкли фарзанди Билқизи замон Робия Султон бегимни сизнинг никоҳингизга тобшуришни ихтиёр қилдилар.

Шаҳзода икки қўлини кўкенига қўйди. Мавлоно Исомиддин соддадил шаҳзоданинг юзида тўла ишонч ва миннатдорчилик аломатларини кўриб асл муддаога ўтди. Сўз очишдан олдин у ёқ-бу ёққа бир назар ташлаб олди ва яқин-атрофда ҳеч кимнинг шарпаси йўқлигини пайқағач, яна сўзида давом этди:

— Аълоҳазрат сизни муборак оғизларидин асло туширмайдурлар. Банданинг фикри ожизига маълумким, ул зот шаҳзодани олий нажодни кўп соғингон кўринадур. Марҳум падари бузрукворингиз бирлан Улугбек мирзо ораларидаги меҳру муҳаббат ва мувофиқликни биз бандалар

яхши билурмиз. Улугбек жаноблари мирзо Муҳаммад Жўқийни Бойсункур мирзодин ортиқ кўрур эрдилар, аларсиз туролмасдилар, тез-тез кўришуб турур эрдилар. Бир сафар Муҳаммад Жўқий жаноблари Самарқандга борсалар, эндиги сафар мирзо Улугбек аларни йўқлаб Хуросонга борур эрдилар. Афсусу надоматлар бўлсунким, мирзо Муҳаммад Жўқий жаноби олийлари ҳозир орамизда йўқдурлар. Тангри таолонинг иродаси шундай эркан, мирзом, энди мирзо Улугбекнинг ишенига бўлгон меҳру муҳаббати анинг фарзандларига, хусусан сизга кўчгон мирзом. Шу боисдан йўқ демай, биз бирлан улуг амакингиз зиёратига борсангиз, деган умидда келдик, мирзом.

Эртаси кечгача ов қилишди. Ов баракали бўлди-ю, лекин Абубакр мирзо нимагадир фаоллик кўрсатмади, бироқ жонивор кетидап қувмади. У кечгача ўй суриб юрди, мавлоно Исомиддин айтган гаплар магзини чақишга ҳаракат қилди. Кечки овқатдан кейин оталигини ҳузурига чақиртириб ундап маслаҳат сўради. Лекин анчайин қартайиб қолган Турдибек бироқ фикр айтмади.

Мирзо Абубакр кечаси алламаҳалгача мижжа қоқмай шипга термилиб ётди. Анчадан бери ҳали у ёнбоши, ҳали бу ёнбошига ағдарилиб тўлғанаётган хотинига қиё ҳам боқмади. Гўзал Робия Султон бегимнинг қиёфаси кўз ўнгидан кетмади, турли-туман кўринишда намоён бўлаверди. Абубакр мирзо бир вақтлар отаси билан Самарқандда бўлганда бу гўзал қизни бир неча бор кўрган эди...

Абубакр мирзо шу тариқа тун бир ерга борганда ширин хаёллар огушида қаттиқ ухлаб қолди. Эрталаб понушта ва саломдан кейин эса эшикоғасини чақиртириб қайтиш ҳозирлигини кўришни буюрди. Балхга қайтилган кунни барча хос кишиларини тўплади, лекин Улугбек элчисининг таклифини ўртага ташлаб ўтирмади. Қарорини ўзи эълон қилиб қўя қолди.

— Биз улуг амакимизнинг мулозаматига боришга қатъий қарор қилдук, тонгла йўлга чиқурмиз. Куббат ул-исломнинг ишон-ихтиёри биз қайтгунча Турдибек жанобларининг иқтидорлик илгида бўлғай.

Шундай қилиб, Абубакр мирзо Термизга отланди. Орол пайғамбарда уни Пирмуҳаммад Тоғой Буқо, Саодат Темиртош бошлиқ Улугбекнинг яқин одамлари кутиб олишди. Термиз кечуви ёнида эса уни зўр шодиёна ва тантана билан Улугбекнинг узи қаршилади. Тога-жиан

кучоқ очиб кўришишди, сўнг навкарлар ва мулозимлар қуршовида Султон Содатга бордилар; зиёратдан сўнг шаҳарнинг кучиққиш тарафида жойлашган Термиз бегининг чорбоғига кўндилар. Тоға-жиян бир неча кун бир-биридан асло ажралмадилар, доим бирга бўлдилар. Хос мажлисларида Улугбек уни ҳаммадан юқори, ҳатто ўгли Абдулазиздан ҳам юқори ўтқизди. Бахтга қарши, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас ораларига совуқлик тушди. Бунга асосан мирзо Абубакр битган шеър баҳона бўлди. Шеърни подшоҳга фитна-фасод уюштиришда устаси фарағ бўлиб кетган айғоқчилар бошлиғи Эҳсон Буқо барлос топиб келтириб берганди. У фисқу фасодчи ва чақимчилиги билан не-не қариндош-уруғни бир-биридан жудо қилмади, не-не яхши кишиларнинг ёстиғини қуритмади! Бир кун Улугбек хонайн хосда чуқур хаёлга чўмиб, нималарнидир ўйлаб ўлтирган пайтда бош айғоқчи қоровулни ҳам чалғитиб хонага кириб келди, остонада тиз чўкди, сўнг подшоҳ пойнигача эмаклаб бориб, оёқларини ўпишга ҳаракат қилди. Улугбек қўл-оёқлари, ҳатто кулоқларининг учигача кўтир бўлиб кетган бу одам билан қўл бериб сўрашишдан ҳазар қиларди. Шунинг учун оёқларини тортиб олди.

— Хўш, бек, яна не хабар келтурдинг?

— Мудҳиш хабар, аълоҳазрат.

— Сўзла!

Эҳсон Буқо барлос мушукдай сапчиб ўрнидан турди, кўйиндан тўрт букланган қоғозни олиб подшоҳга тутди. Улугбек юқоридаги сабабга кўра, қоғозни ўзи олмади, айғоқчининг кетидан кирган эшикогага ишора қилди. У ҳам ҳазар қилди ва енг учи билан қоғозни Эҳсон Буқодан олди ва «нима қилай», деган маънода подшоҳга қаради.

— Ўқинг, тақсир.

Эшикога қоғозни ёзди ва «не, шеър экандур бул», деди. Улугбек сабрсизланди. Эшикога ўқиди:

Эр керак ўртанса ёнса ёлина,
Ера еб ётса отининг ёлини.
Ит ўлуми бирла ўлса яхшироқ,
Эр отониб душманнга ёлина.

— Хўш, не бўлбудур! — деди шеърдан бирон ўян топмаган Улугбек. — Баҳодирлиг таврида битилган нозик туюқ эркан.

Ҳамон тиз чўкиб таъзимда турган айгоқчи бўш келмади.

— Сўнгги мисраларига эътибор қилинг, аълоҳазрат, «ит ўлими», «душман» деган сўзларига диққат қилинг, олампаноҳ!

Дарҳақиқат «душман» деганда мирзо Абубакр кимни назарда тутяпти? Бу савол Улугбекни бир оз ўйлантириб қўйди. «Наҳотки, у мени назарда тутаётгон бўлса?» Шу ерда Улугбек иккиланиб қолди; кайфияти Эҳсон Буқодап сир қолмади, «ҳа, ўқ нишонга тегди чамаси», деди айгоқчи ўзинча ва яна ҳам пастроқ эгилди.

— Олампаноҳ, қулбаччангизнинг бир қошиқ қонидни кечсангиз...

— Сўзла!

Кеча шаҳзода Абубакр амир Ҳарий Малик ҳамда Абуқа баҳодир бирлан дарё бўйида бир вақтгоча сўзлашуб ўлтирдилар.

— Неларни сўзлашдилар алар?

— Уқолмадум.

Улугбек ҳайрон бўлди, сал аччиги чиқди. «Нима, учрашса учрашгондир ўшал амирлар бирлан. Ахир одам бўлгондин кейин бир-бириси ила учрашур, суҳбат қурур. Балки биргалиқда сайр қилушиб юришгондур», дея мулоҳаза қилди. Кейин фурсат ўтиб яна ўй-хаёлга ботди. «Лекин шеъринин исён ҳиди ҳам келиб турибдур. Ушбу узунқулоқ навкарнинг шубҳаси бежиз эмасқа ўхшайдур». Охири айгоқчига буюрди:

— Шаҳзода Абубакрга кўз-қулоқ бўлуб юр, онинг босгон ҳар қадами, оғзидин чиққон ҳар бир сўздин бохабар бўл!

Орадан бир неча кун ўтгач, Эҳсон Буқо барлос подшоҳ ҳузурига муаззин мулла Неъматиллони эргаштириб келди, шаҳзоданинг думоғини киша-кудурат ва мустақиллик ислари чулғаб олганлигини айтди, бунга озми-кўпми далил-исботни ўртага қўйди. Мулла Неъматулла бош айгоқчининг сўзларини тасдиқлади. Шундан кейин Улугбекнинг бир газаби ўп бўлди, жиянини гуноҳкорга йўйди... Уша кун тундаёқ Абубакр мирзони ҳибсга олдилар, тонг-ла уни Самарқандга жўнатдилар. Шаҳар ҳокими амир Аргуншоҳ шаҳзодани Кўксаройга қамаб қўйди. Орадан уч кун кечгач, Абубакр мирзо ўша ерда қатл этилди.

Термизга келганларининг эртаси кунин Улугбек ҳузурига мирзо Абдуллатифнинг Нишопур йўли устидаги Пули абришимдан юборган чопари келди. Чопар шаҳ-

зоданинг Шохрух тобутини Нисо орқали Мовароуннахрга олиб келаётганлигини хабар қилди. Шу сабабдан Улугбек ўглини кутиб Термизда икки ҳафта чамаси туриб қолди. Лекин Абдуллатиф Нишопурга келгандан кейин аввалги режасини ўзгартирди, чунки атрофига анча-мунча куч тўпланди. Илгарини Султон Муҳаммадга қарши юборилган Султон Боязид барлос, Султоншоҳ барлос ва бошқа амирлар лашкари билан келиб у билан қўшилишганди. Шундан кейин Абдуллатиф тўғридан-тўғри Ҳирот устига юришга қарор қилди. Бу ҳақда хабар олингандан кейин, Улугбек қўшинга сафар эгар-жабдуғини ҳозирлаш ҳақида буйруқ берди. Қўшин уч кунда дарёдан кечиб ўтди ва Балхга қараб йўл олди. Мирзо Абубакрнинг Балхдаги амирлари шаҳарнинг йирик машойиҳлари, уламоси ва фузалоси билан Улугбекни Хонободга келиб кутиб олдилар ва унга шаҳар дарвозаларининг калидини топширдилар. Шу тариқа Хуросоннинг тўрт устунидан биттаси ҳисобланган бу улкан шаҳар осонгина Улугбек қўлига ўтди. Сўнгра Балхга тобе бошқа вилоятлар ҳам таслим бўлдилар.

Улугбек вақтин бой бермай Ҳиротга юриш тараддудига тушди, лекин, бахтга қарши, тараддуд-тараддудлигича қолди. Шу пайт мирзо Абдуллатифнинг Машҳадда Олоуддавла қўшинидан енгилганлиги ва асир олинганлиги ҳақида мудҳиш хабар олинди. Улугбек қаттиқ ташвиш ва изтиробга тушди, ўглининг аянчли аҳволига ачинди. Нима қилиш керак? Олоуддавла Абдуллатифни қатл этиши ҳам мумкин. Энди катта уруш хусусида гап бўлиши мумкин эмас. Нима қилиб бўлса ҳам Абдуллатифни Олоуддавланинг қўлидан қутқариб олиш керак. Буни қурол воситасида ҳал қилиш мушкул. Айни шу вақтда, дард устига чипқон бўлиб, мирзо Олоуддавла кўп сонли қўшин билан Мурғоб дарёсидан кечиб ўтганлиги ҳақида ҳам хабар келди. Улугбек улуг амирлардан Идику Темир, Боён Темир, амир Боязид ҳамда бошқа хос кишиларини хузурига чақиртириб юз берган аҳвол борасида кенгаш ўтказди. Тортишув ва фикр алмашинувлардан кейин Олоуддавла билан ҳозирча, мирзо Абдуллатиф озод қилинганга қадар, урушмай туриш, у билан музокара очиш ва можарони тинч йўл билан ҳал қилишга келишилди. Шу мақсадда мавлоно Низомиддин Мирок Муҳаммад садр бошчилигида Олоуддавла хузурига элчи юборилди. Улугбек йўллаган мактубда хусусан бундай дейилган эди: «Олий остоналик шахзоданинг соф

кўнглидларига маълум ва равшан бўлганим, чархи гардуннинг тескарилиги, балким абадий тақдир тақозоси билан фарзанди ариқуманд Абулмузаффар Абдуллатиф баҳодир бандга тушуб қолгани хусусида даҳшатомуз хабар олинди. Анинг бизга фарзандлиги, доруссалтана Ҳирри эрса улуг отамизнинг мулки эркинлиги ҳам барчага аён. Биз ҳам жаҳонни ёндургувчи, чўл қумларидин ҳам кўн, арслон ҳамлалиг лашкар билан қуббат ул-ислом Балхда муқим туруرمىз. Борди-ю, шайтон васвасаси билан икки ўртада уруш чиқгудай бўлса, элу юрт хароб бўлиши эҳтимолдин йироқ эрмас. Раятнинг рифоҳияти, эл-юртнинг эмну омонлиги Сиз билан бизнинг сулҳ тузмоғимизни тақозо қиладур. Шу букундин қолдирмайин мирзо Абдуллатифни банддин озод этуб, хузуримизга юборсалар инфоқ йўли тўсилуб, сулҳга йўл очилур эрди...»

Олоуддавла мактубни бир неча бор ўқуб чиқди, лекин пинагини ҳам бузмади. Эртаси кун элчига керагича иззат-икром кўрсатиб, жўнашига ижозат берди, лекин бирон аниқ жавоб қайтармади. Элчи жўнаб кетгандан кейин эса амирлар ва хос одамларини чақиртириб уруш тараддудини кўришни буюрди.

Балх устига юриш тараддуди аспосида Ҳиротдан Мурғобга чопар келди ва Абулқосим Бобирнинг Журжон ва Мозандарондан катта қўшин билан чиқиб, Тусга келиб тушгани ҳақида хабар олинди. Бу ҳол Олоуддавла тузган режанинг белига телди. Қўшинининг катта қисмини, Ҳиротда қолган аскарларга қўшиб, Абулқосим Бобир йўлини тўсиш ва уни Хуросонга ўтказмаслик вазифасини юкляб, Машҳад тарафга жўнатишга мажбур бўлди. Лекин улар торшириқни уйдололмадилар. Чунки Абулқосим Бобир аллақачон Жом атрофига келиб қолган эди. Шу ерда уруш бўлди. Абулқосим Бобир Олоуддавла қўшинини тор-мор келтирди ва Ҳирот устига юришни давом эттирди. Бу ҳол Олоуддаврани таҳликага солиб қўйди. У икки ўт орасида эди. Энди аввалги дабдабасидан асар ҳам қолмаганди. Олоуддавла нима бўлса ҳам Улугбек билан сулҳ тузиб Ҳиротни қўлда сақлаб қолиш пайига тушди. Бу сафар энди у ўзи сулҳ сўраб амакиси хузурига элчи юборди. Ҳар икки томоннинг вакиллари Балхда сулҳга қўл қўйдилар. Сулҳ шартларига биноан, Хуросон Олоуддавранинг мулки, деб эътироф қилинди, илгари унга қарашли бўлган Балх музофоти, яъни бир вақтлар мирзо Мухаммад Жўқий ва унинг ўғилларига тегишли бўлган

вилоятлар энди Улугбек давлати таркибига кирадиган бўлди. Чечатку ҳар икки давлат сарҳади деб белгиланди. Бундан ташқари, Олоуддавла Абдуллатиф ва унинг хос кишиларини банддан озод қилиб Балхга, Улугбек Кўрагон хузурига юборишга ваъда берди.

Шундай қилиб, элчи Балхдан қувончли хабар олиб келди. Олоуддавла Мурғоб бўйидан кўчиб, шитоб билан Ҳирот сари юрди ва уч кундан кейин Дарвозайи хуш орқали шаҳарга кириб борди. Абулқосим Бобир Ҳиротни ололмади. Бир неча кундан сўнг қамални бўшатиб Машҳадга қайтишга мажбур бўлди...

Олоуддавла бу сафар қисман гапининг устидан чиқди. Ҳиротга қайтиши ҳамано мирзо Абдуллатифни хибсдан бўшатди, унга дилжўйлик қилди. Амакиваччалар «бундин буён ёвлашмасмуз, дўстлик ва яқдиллик риштасини мустаҳкамлагаймуз», деб аҳду паймон қилдилар. Олоуддавла мирзо Абдуллатифнинг илгари Машҳадда бандга олинган навкарлари ва мулозимларини ҳам озод қилишга сўз берди. Шу билан бирга Абдуллатифга хазинадан катта маблағ ҳам ажратди, сўнг уни катта совға-саломлар билан, мавлоно Жалолиддин садр мулозимлигида, Балхга, отаси хузурига жўнатди.

Ўглининг эсон-омон қайтганидан Улугбекнинг кўнгли тоғдай кўтарилди. Балхнинг мазорлари, хонақоҳлари ва далоилхонларига садақалар улашди, кечқурун унинг шарафига Боги хуррамсарода катта тўй ўтказди. Ҳамма тарқалгач, ота-бола бир вақтларгача гаплашиб ўтирдилар. «Мирзо Улугбек, — деб ҳикоя қилади тарихчи, — фарзандининг эсон-омон қайтганидин бениҳоят қувондилар, они меҳрибонлиг оғушига олдилар, сўнг ўз ёнига ўтиргизиб банд бўлғонидин сўнгра зиндонлар ва Ихтиёриддин қамоқхонасидаги кечмишларини суриштирдилар ва мирзонинг хижил кўнглини анвойи тасаллилар билан кўтардилар. Улугбек шу тариқа бир неча кун омон қолган фарзанди атрофида парвона бўлди, сўнг Балх ва унга қарашлик ерларни унга суюрғол қилиб, ўзи фирдавсмонанд Самарқанд сари равона бўлди».

Улугбек тинчликка умид боғлаб ўз юртига қайтди-ю, лекин Олоуддавла билан Абулқосим Бобир тиниб-тинчишмади. Олоуддавла Улугбек билан Абдуллатифдан хотиржам бўлгач, Абулқосим Бобирга қарши кўшин тортди. Айни шу пайтнинг ўзиде Абулқосим Бобир ҳам Ҳиротни эгаллаш тараддудида эди. Олоуддавла Машҳадга келиши ҳамано кўшинининг бир қисмини Ҳабушонга юборди,

лекин уни Абулқосим Бобир тор-мор келтирди. Шундаё кейин Олоуддавланинг амирлари катта уруш бўлишига йўл қўйишмади. Бир иложини қилиб ога-инини: Абулқосим Бобир билан Олоуддавлади яраштириб қўйишди. Улар амирлар воситачилигида битим туздилар. Битимга кўра, Журижон билан Мозандарон Абулқосим Бобирнинг, Хуросон эса Олоуддавланинг улуси эканлиги эътироф қилинди. Хабушон икки улуснинг сарҳади деб белгиланди.

1448 йили қиш ўртасида Абдуллатиф билан Олоуддавланинг ораларидан яна қора мушук ўтиб қолди. Бунга кўпроқ Олоуддавла сабабчи бўлди. У илгари икки ўртада тузилган битим шартларини бузди. Абдуллатифнинг ҳибсдаги навқари ва мулозимларидан биронтасини ҳам бўшатмади. Бундан ташқари, изғирин-совуққа қарамай, Чечактуга теваарак-атрофдан аскар тўплай бошлади. Абдуллатиф Нишопурда юз берган бахтсизлик, кўп ойлик қамоқ, таъди ва камситишларнинг алами билан яшарди. У Олоуддавлдан ўч олиш учун пайт пойлаб юрган эди. Олоуддавланинг Чечактуда ғимиллаб қолиши баҳонасида Абдуллатиф нуқул суворийлардан иборат сара қўшин билан Чечактуга бостириб борди ва мирзо Солиҳ бошчилигидаги Хуросон қўшинини тор-мор келтирди. Мирзо Солиҳ қочиб қолди ва не-не машаққатлар билан Хиротга етиб олди. Олоуддавла мирзо Абдуллатифдан даргазаб бўлди, унинг зиндонда ётган навқарларини Мусаллога ҳайдаб чиқиб жаллод қўлига топширди. Ўзи эса эртаси куни лашқарни мустаҳкамлаб, совуқни ҳам писанд қилмай, Балхга от сурди.

Абдуллатиф ҳам уруш ҳозирлигини жадаллатиб юборди. Жарчилар билан тавочиларни вилоятларга лашқар тўплашга йўллади. ўзи эса Балх қалъасининг буржу бораларини мустаҳкамлашга киришди. Айниқса шаҳри дарун ва унинг дарвозалари: Ироқ, Ислон, Уштурхор ва хожа Укшошаларни, Айёрон, Кабутархона буржлари билан Хиндувонни устувор қилишга алоҳида эътибор берди. Ва яна Самарқандга чопар юбориб, юз берган аҳволдан отасини хабардор қилди, ёлиниб-ёлвориб ундан ёрдам сўради.

Қутилмаган ҳодисадан Улугбек аввал таажжубланди, сўнг Олоуддавланинг қилмишидан ғазабланди. Аввал хазинанинг бир қисмини Самарқандга юборишга ваъда қилиб, кейин сўзи устидан чиқмагани ҳам етмай, ботуноҳ одамларни ўлдиргани нимаси?! Жаниқал бөр жойда ўзини томдан ташлайдиган фарзандидан ҳам бир оз ранжиди,

юз берган аҳволга қўл силтамоқчи бўлди-ю, лекин кўп мулоҳаза қилиб кўриб, фикридан қайтди. Нима ҳам қилсин, ахир фарзанди-ку у. Қийин аҳволда қолган бўлса керакки, яна ёрдам сўрабди. Илож қанча, лекин яна совут кийиб, отга минишга ҳеч майли йўқ эди-да. Қиладиган ишлар эса бошдан ортиб ётибди. Урушга кетиб қолгундай бўлса бу ишларни қачон тугаллайди? Олоуддавла билан балким музокара очиб, яна сулҳ тузган маъқулмикан? Ҳа, шу йўл тўғри, бир қарра уриниб кўриш керак. Шу фикр унинг хаёлидан ўтди-ю, можарони тинч йўл билан бартараф қилишга қарор қилди ва Ҳиротга, Олоуддавла хузурига насихатомуз мактуб билан элчи юборди. Мактубда хусусан мана бу гаплар битилган эди: «... Сулҳ асослари мустаҳкамланиб бораётган ушбу айёмда ани бузишдин не мурод? Магар мирзо Абдуллатиф тарафидин бирон номақбуллик содир бўлгон бўлса, они бизга маълум қилиш зарур эрди. Энди ўтгон ишга салавот, мирзо Абдуллатифни ўтин қилишларига имонимиз комил. Аччиққа ҳай берилмаса лашкар ҳам, раият ҳам, элу юрт ҳам хароб бўлиши мумкин». Лекин Олоуддавла Улуғбекнинг панд-насихатларига қулоқ осмади, совуқнинг шиддатига қарамай, Чечакту атрофида янги қалъа бино қилишга тутинди. Қаерда пишиқ гиштдан қурилган иморат: тош ховузми, лангарми, ўзига тўқ одамнинг иморатими, хуллас ниманки бўлса буздириб, гиштини келтиртириб янги қалъага ишлатди. Ўша қишда Олоуддавланинг аскарлари Боломурғоб, Гурзувон, Чечакту ва Маймана атрофларини аёвсиз таладилар, кўп қишлоқлар хароб бўлди. Олоуддавла Боломурғоб ва Чечакту қалъаларида кўп лашкар, қурол-аслаҳа ва озиқ-овқат жамғариб қўйиб, ўзи Ҳиротга қайтди.

Улуғбек Кўрагон Олоуддавла инсофга келиб қолар, деган умидда кутди, лекин Олоуддавлдан мужда бўлмади. Демак, яна уруш. Абдуллатиф тарафидан эса чопарлар узлуксиз ташвишли хабарлар олиб келиб турардилар. Абдуллатиф отасини тинимсиз ялиниб-ёлбориб ёрдамга чақирарди. Улуғбек охири воилож юришни давом эттиришга мажбур бўлди. Унинг қўшини 1448 йилнинг баҳорида Жайхундан кечиб ўтди. Абдуллатиф Балх ва Бадахшондан тўпланган қўшин билан дарёнинг сўл қирғогида отасининг олий ўрдусига келиб қўшилди. Отабола жами тўқсон минг аскар жамлаган эди.

Ўша кунлари тамом Ҳирот зўр тантанага — Олоуддавланинг ўгли мирзо Маҳмуднинг хатна тўйига ҳозирлик кўраётган эди. Улуғбек билан Абдуллатиф Хуросон

устига қўшни тортгани хабари келиб, тўй тўхтатилди; Олоуддавла тараддудга тушди. У амирлар ва черикни рағбатлантириш учун ҳазина эшигини катта очиб қўйди. Шохрух қарийб эллик йил тўплаган зару жавоҳирдан бир қисмини уларга тақсимлаб берди. Шундан кейин пойтахтга ҳамда баъзи муҳим қалъаларга одам тайинлади. Хиротга ҳоким ва доруга қилиб амир Муҳаммад Сўфи тархон билан амир Султон Абу Саидни, Олоуддавланинг шахсий хазинаси сақланаётган Имод қалъасига Аҳмад ясовулни, Ихтиёрдин қалъасига (бу ерда давлатнинг 4.000 тумон, яъни 20 миллион сўмга яқин нақд ақчаси сақланарди) хос амирларидан Оқо ҳожини тайин қилди. Шундан кейин Олоуддавла ҳам урушга отланди. У Хирот билан Тарноб (Хиротнинг Шарқ тарафида, ундан 14 фарсах масофада жойлашган манзилгоҳ) оралигидаги Санжоб довоидан ўтгандан кейин қўшинни тўхтатди. Мурғобдан чопар олиб келган даҳшатли хабар бунга сабаб бўлди. Хабарда Улуғбек билан Абдуллатифнинг юз минг атрофидаги катта қўшини аллақачон Мурғоб дарёсидан ўтиб Тоғкон деган ерга келиб тушганлиги ваҳима қилинган эди.

— Бундин чиқди ушбу манзилда ёғийни қорши олмоқ маъқул бўлмай, — деб Олоуддавла қаршисида қўл қовуштириб турган нақибга тикилди.

— Дуруст, ҳазрати олийлари. Бошқа амирларнинг фикру мулоҳазалари ҳам шундоқ.

Олоуддавла нақибга қўшинни кўриikka ҳозирлаш ва ҳар бир қисмининг турадиган ўринини аниқ қилиб белгилашни буюрди. Лекин, нақибнинг ҳам, улуғ амирларнинг ҳам юзида саросима ва ташвиш аломатлари сезди, ўзи ҳам аллақандай бўлиб, бир қадар юраги уюшди. Шу ерда унинг кўнглидан Улуғбек Кўрагон балки аввалгидай фитна оловига таскин сувини сепар ва жияни билан яна ярашиб, Туронзаминга қайтиб кетар, деган фикр ҳам ўтди. У амакисининг мулоҳазакорлиги, урушдан кўра кўпроқ тинчликка майли борлигини яхши биларди. Шунинг учун Хиротга, шайхулислом Баҳоуддин Умарнинг олдига одам юбориб, ундан ўртада туриб амакиси билан яраштириб қўйишни илтимос қилди. Шайхулислом Олоуддавланинг илтимосини қабул қилди. Лекин у Тарнобга етиб келганда ҳар иккала қўшин ясол тузиб бўлган эди. «Йўл азоби — гўр азоби», деганларидай анча қартайиб қолган шайхулислом ўрдуга бир алфозда етиб келди. Уни шу аҳволда рақиб ўрдусига юбориб бўлмасди. Шай-

хулислом Олоуддавланинг чодирга кириб, эндигина ким хоб тўшакчага ўлтириб қўллариини дуо-фотиҳага очган ҳам эди, ташқаридан отларининг дунур-дунури эшитилди. Шу онда чодирга эшиккога кириб келди. Олоуддавла унга «ўлтир», деб ишора қилди. Эшиккога турган жойида чўк тутиди. Узундай-узок фотиҳа ўқиб бўлингач, Олоуддавла шайхулисломдан узр сўраб ўриндан турди ва эшиккогани эргаштириб ташқарига чиқди. Чодирдан беш-олти қалам шарида оти жиловидан тутиб турган ясовулга кўзи тушди. Ясовул шаҳзодани кўриши билан юганини аниқ-таниқ эгарининг қошига бослаб унинг олдига чопиб келди, кўлини кўксига қўйиб эгилиб салом берди ва бошини кўтармасдан бўғиқ овоз билан «ёғи босди, қоровул тамом бўлди», деди. Олоуддавла уруш бошланиб кетганини байқади. Энди уни чинакамнига ваҳима босди. Чопиб чодирга қайтиб кирди, шайхулисломдан узр сўраб орқасига қайтди. Зинбардор унинг эгарланган саман отини шай қилиб чодир олдида тутиб турарди. Шаҳзода иргиб отга минди ва чухралар ва қоровуллар қуршовида тўғридаги, тахминан бир йиғоч келадиган теналикка жўнади. Теналикнинг нариги тарафидаги катта майдонда жанг авжига чиққан эди. Ҳар икки томон жон олиб-жон бериб олишиб ётган эди...

Охири Улугбек билан Абдуллатифнинг кўли балайд келди. Хуросон лашкари эса мағлубиятга учради. Голиб тараф катта ўлкалик бўлди. Олоуддавланинг кўп аскарни асир олинди. Фожиага ҳали жанг бошланмасданок мурзо Абдулла кўшин-пўшини билан Улугбек тарафга ўтиб кетиши ҳам маълум даражада сабаб бўлди. Олоуддавла ҳамма нарса кўлдаи кетганини билди, подшоҳликдан ҳам умидини узди ва жанг майдонини ташлаб қочди. У бирон ерда тўхтамай, Ҳиротга ҳам кирмасдан, Машҳадни муқаддасгача борди, лекин, у ерда ҳам туролмай ўзининг Имом қалъасига қочиб борди, сўнг шошиб-пишиб қалъада сақланаётган хазинасининг бир қисmini олиб Астробод сари от сурди. Оғаси Абулқосим Вобир уни ёмон қарши олмади, лекин ортиқча илтифот ҳам кўрсатмади.

Маҳди улё Гавҳаршод ога ҳам, Тарнобда содир бўлган воқеадан хабар тоғгач, биродари Мухаммад Сўфи тархон ва хос амирларидан Ғиёсуддин Пир Аҳмад билан шаҳар даругаси амир Султон Абу Саидни олиб, Ҳиротни тарк этди ва улар ҳам Астрободга қараб йўл олдилар. Улугбек билан Абдуллатиф кўшинсиз ва ҳокименз қолган ноётахтга зўр дабдаба билан кириб бордилар. Лекин кўнга

тўхтамадилар. Пирри Хирот номи билан машҳур бўлган хожа Абдуллоҳ Ансорий мазорини зиёрат қилиб, эртаси кунни тонг-ла яна йўлга тушдилар...

Улуғбек қисқа қамал жангларидан сўнг Нерату қалъасини, Абдуллатиф эса Ихтиёридинни забт этди. Машҳад жангсиз таслим бўлди, лекин Улуғбек Имод қалъасини ололмади, кўп талофат бериб орқага чекинди. Шунга қарамай, ота-бола юришни давом эттирдилар. Кешифруд воҳасида Тус билан Кучан йўлида жойлашган Родгон қасабасига етганда Улуғбекнинг ҳузурига катта совғасалом билан Абулқосим Бобирнинг элчиси келди. Элчи Абулқосим Бобирнинг зўр тақаллуф ва тавозе билан ёзилган мактубини ҳам Улуғбекка топширди. Мактубда Абулқосим Бобир Улуғбекни олий ҳукмдор деб тан олибди, номини хутбага кўшиб ўқитиб, янги пул зарб қилишга ваъда берибди. Лекин Улуғбек элчига озми-кўпми илтифот кўргазди-ю, сулҳ хусусида аниқ бир гап айтмади. Элчи кетгандан кейин эса юришни давом эттирди ва Исфароинни ҳам олди. Абдуллатиф эса Абулқосим Бобир лашкарини таъқиб қилиб, Бистом билан Астрободгача борди. Абулқосим Бобир Домғонга қараб қочди. Тўла галабага яна бир қадам ташланса, отга яна бир қамчи босилса кифоя эди. Лекин, Улуғбек бундай қилмади ва Исфароинда муқим тўхтади. Юришни давом эттириш ва Абулқосим Бобирни бир ёқлик қилиш ишини эса Абдуллатифнинг зиммасига юклади...

Ушанда Улуғбек Исфароинда йигирма кун туриб қолди. Уша замонлардан қолган ва биз билган тарихий китобларда бу хусусда аниқ бир нима дейилмаган, лекин ҳар ҳолда бу бесабаб бўлмагандир. Улуғбек биринчи устози, йирик олим ва сайёҳ Шайх Ориф Озарий билан учрашиб қолиши бунга сабаб бўлмадимикан? Кўпдан бири билан кўришмаган икки қадрдон ва икки йирик олим шаксиз бир-бирлари суҳбатига муштоқ эди. Шайх Озарий бу қадрдон шаҳарга Улуғбекдан бир ой илгари келиб тушган эди. Шайх кўп йиллик Арабистон ва Ҳиндистон саёҳатидан қайтгач, ота шаҳри Байҳақда тургун бўлиб, тоат-ибодат билан кун кечирди, илм билан шуғулланди, «Жавоҳир ул-асрор», «Саъий ус-сафо», «Тугройи хумоюн», «Ажойиб ул-гаройиб» каби китоблар ёзди. Улуғбек Исфароинга келгач, Шайх шу кунидек шоғирдиннинг истиқболига шошилди. «Кўп вақт кечди, балки мирзо мени танимаса керак», деб хаёл қилди. Лекин Улуғбек устозини қирқ йил кўрмаган бўлса ҳам дарров

таниди. Келинг, бу ҳақда Шайх Озарийнинг ўз оғзидан эшитиб кўя қолайлик. «Мен, — дея ҳикоя қилади у, — ҳижрий 800 (1398) йили Қорабоғда улуг Амир Темур Кўрагоннинг қиссаҳои бўлмиш тоғоим бирлан бирга эрдим. Ушал йили Улугбек мирзонинг хизматиға тайинландум. Уша пайтда хали ёш бола эрдим ва бир неча йил ёшлик хурсандчилигини шаҳзода бирлан бирга кечурдим. Анинг бирлан бирга ўйнар, анга матлуб ривоятлардин сўзлаб берур эрдим. Ул зоти олийлари мен бирлан яқин дўст ва ўртоқ бўлиб қолгон эрдилар. Ҳижрий 852 (1448) йили мазкур подшоҳ Хуросонни забт этди ва Исфаронга келиб тушди. Ёшлик ўтиб қартайиб қолгон эрдим. Ўриндин туриб подшоҳнинг хузурига кирдим. Мени узокдин фақиру тақводор либосида кўрдилар, локин танидилар. Салом-алиқдан сўнг сўрадилар: «О, дарвеш! Сен бизнинг эски суҳбатдошимиз кўринасен, ўша қиссаҳонимизнинг жияни Ҳамза эрмасмусен?» Подшоҳнинг ўткир зеҳни, фаҳм-фаросати ва пок идрокидин ханг-манг бўлиб қолдум, сўнг жавоб қилдум: «Ҳа, жаноби олийлари, ўшамен», Мирзо Улугбек буини қирк йил муқаддам Қорабоғда айтилгон ҳикоятлар, Гуржистон ғазовати ва Озарбайжоннинг ажойибу ғаройиботларини эсга солдилар». Суҳбат асосида Улугбек Шайхдан Ҳиндистон сафарининг тафсилотларини, сафардан кейинги турини-турмушини суриштирди. Шайх Озарий Ҳиндистонда кўрган-билганларини мирзога сўзлаб берди. Пировардида Улугбекка мана буни ҳикоя қилди: Гулбарга подшоҳлари жумласиндин ҳинд малики Султон Аҳмад бир кунин манго эллик минг дирҳам ҳадя этдиким, бу ҳиндларининг ҳисобида бир лакга баробардур. Буининг шукронаси учун мендин подшоҳ хузурига бориб, бошимни анинг оёғига кўйишимни талаб этдилар. Мен ушбу ниъомни олмадум, подшоҳга сажда қиланшга кўнмадум ва ушбу байтни айтдим:

Тарк этуб Ҳиндуни мен қари Жайнол дегаймен.
Жуна кибру хавосин арпага олмагаймен.

Устозининг бу ҳикояти Улугбекда катта таассурот қолдирди, хаёлга толди: «Ул зот менга «кўндин бери подшоҳларининг, шунингдек сенинг ҳам хизматиңга зор эрмасмен», демоқчими? Ахир, мен уни хизматга олмоқ муддаом борлигини айтгонумча йўқ эрди-ку?»

Чол Улугбекнинг кайфияти бир оз бузилганини сездди.

— Бу бирлан сизни назарда тутаётганим йўқ, мирзом. Жонимни тикиб сизга мулозим бўлур эрдим-у, лекин бейда қувват, кўзда нур, оёқда мадор қолмаган. Умуман, ўттиз йилдирки, соҳибни давлатларнинг хизматига бормай кўйганмен.

Шайх Озарий мирзодан кўзини олиб қочди ва ерга қараганча кўп вақт сукут сақлади. Улар ўша кунни ярим тунгача ҳар тўғрида гаплашиб ўтирдилар. Шайх эртаси ўтиб индинга яна келди. Устоз ва шогирд яна бир вақтларгача суҳбатлашдилар. Ҳамёнида сариқ чақа бўлмаса ҳам подшоҳларнинг мўмай садақа ва эҳсонларига қиё боқмайдиган бу одамга мирзо Улуғбек ҳурмати минг чандон ошди. Қайтаётганда устозга бир қатор сарупо ниъом қилди, лекин пул бергани чўчиди.

Хуллас, Шайх Озарий билан бўлган суҳбатлар таъсиридами ёки бошқа сабаблари борми, билмадик, ҳар ҳолда, Улуғбек рақибларини бошқа қувмади. Пулни абришимдан орқага қайтди ва Машҳадда тўхтади. Шу ерда Абдулқосим Домгондан кўшини тортгани, Нишопурга келгани ҳақида хабар топди. Бир кунни эрта билан Улуғбек Нишопур ҳокимининг чорбоғида, ҳашамдор қилиб қурилган тошҳовуз бўйида чуқур ҳаёлга чўмиб ўлтирган эди, боғ дарвозаси тийқиллаб очилгандай туюлди. Эшикога шошиб дарвозага қаради, лекин у ёпиқ эди, ёнида эса қоровулдан бошқа ҳеч ким кўринмади. Хиёла ўтмай «ғийк-ғийк» яна такрорланди. Эшикога ўрнидан турди ва сал нарироқдаги ясовулни имо билан чақириб дарвозага юборди. Ясовул суриштириб қайтди. Соқчилар жой-жойида, дарвоза ёнида ҳеч ким йўқ экан. Кўп ўтмай эшикога орқа тарафдан оёқ шарнаси эшитди, ўгирилиб чорбоғнинг кун юриш тарафидаги дарчаси томондан халлослаб келаётган Эҳсон Буқо барлосни кўрди-ю, «бирон воқеа бўлдимикан», деб ўйлади ва оёқ учида подшоҳ ёнига борди ва оҳиста воқеани маълум қилди. Улуғбек тилларанг ва ложувард тусли балиқларни зўр пштиёқ билан томошалаётган экан, ноиллож кўзини узди ва ҳамиша ўғри мушукка ўхшаб пайдо бўладиган бу одамга жаҳл аралани назар ташлади.

— Ҳўш, тақсирим, бу сафар балки тоза хабар келтургандурлар? Подшоҳликда иелар кечаётган эркан?

Эҳсон Буқо эмаклаб келиб подшоҳнинг оёқларига ўзини отди ва деди:

— Буқун саҳар чоғи Нишопурдин бир кас келди. Ул одам содиқ кулбаччангизнинг яқин қариндошлари-

дин бўлур. Ул зот мирзо Абдуллатифнинг хожка саросер эркан, бу ерга қолуб келибдур.

Улугбек таажжубланди бадани увишиб, бир сеска ииб ҳам олди, хиёл саросимага тунди. Айгоқчи буни сесади ва ичнда «хайрият ган жойини тонди», деб қўйди ва бир оз ажим турди. Энди мирзо Улугбек тамом саросималанди. «Нима, мирзо Абдуллатифга бирои кор-қол бўлдимми? Қанназақлардин биронтаси захарлаб қўймадимму эркан? Йўқ, ўлиш менинг навбатим, болаларим орқамда қолинесун». Бир оздан кейин подшоҳ ўзига келди ва Эҳсон Буқога «давом этавер», деб ишора қилди.

— Хожка саро бир кунин мирзо Абдуллатифнинг Зулайхо отлиг суюкян қанназақидин сирлик бир ган эшитубдур. Ул дебдурки, мирзо бир кеча қаттиқ маст бўлуб қолуб, падари бузруквори хуеусида кўн иожўя гапларини айтибдур.

Улугбек хиёл ўнгайсизланди, сўнг Эҳсон Буқога сўз қотди:

Хўш, фарзанди аржумандимиз падари бузруквори хуеусида не сўзларини айтибдур?

— Жаноби мирзо айтибдурларки жангу жадалларда қон кечган бизмизу, докин не сабабдидур фатҳномаларда мирзо Абдулазизнинг оти аввал тилга олинадур. Ва яна риёзиёт, илми нуҷумда отомиздин кам эмасмуз, баён, маони, наҳву сарфда ҳам ортиқлигимиз бордур-у, докин кам эмасдурмиз. Подшоҳлик сулуқини, илми ҳарбин эрса отомиздин ортиқ билурмиз дебдурлар.

Улугбекнинг қаттиқ жаҳли чиқди, қони бошга уриб, кўзлари тинди, йиқилишига бир баҳя қолди. Айгоқчи эса сўзида давом этди:

— Шаҳзодайи гардун қадар яна дебдурларки, отомиз бари бир Хўросонини бизга тобишуруб, Мовароуннаҳрига қайтуб кетадилар. Аввал Шохрух мирзонинг тахтига ишиб олайлук, буёғини, ишюлло, кўрурмиз.

— Шуми? — Улугбек айгоқчининг кўзларига қаттиқ тикилди, унинг лаблари учиб, тамом вужудини титроқ босди.

— Ҳозирча шу, олампадох.

Мирзо Улугбек эшикогани чакирди ва имо билан унга буйруқ қилди. Эшикога ичкаридан бир заррин чопон олиб чиқиб айгоқчининг елкасига ташлади, қўлига эса бир халта олтин тутқизди.

Эҳсон Буқо бардос Улугбек кўнглини ган қилиб кетди. Нохуш хабар унга оғир ботди. Наҳотки фарзанди шу дара

жага бориб етган бўлса... Улугбек ўша кечаси мижжа қоқмай тонг отдирди. Эрталаб эса Нишопурга чопар юбориб, Абдуллатифни Машҳадга чақиртирди. Лекин чопар қуруқ қайтиб келди. Вазири Абдуллатиф «қаттиқ бетоблиги сабабдин Машҳадга бораолмайду», деб айтган эмин Улугбек ўглининг касаллигига нишонади ва буни муғом бирликка йўйди. Нишопурга яна чопар юборди. Унга буюрди: «Мирзони қандай аҳволдалигини қайтғий назар, ушбул ерға олуб келинсу!» Абдуллатиф ҳақиқатан ҳам бетоб бўлиб, қаттиқ иситмалаб ётган экин. Уни шу аҳволда тахтиравонга солиб Машҳадга олиб келдилар. Йўл азоби кўшилиб унинг аҳволи илгаригидан ҳам оғирлашганди: ҳарорати яна ҳам кўтарилган, кўз очишга ҳоли келмай куйиб ёниб ётарди. Улугбек фарзандини шу аҳволда кўриб, қилиб кўйган ишидан пушаймон бўлди, алданганини сездди. Эҳсон Буқо бардосдек мараз фитначилар кўлида ўйинчоқ бўлганга ачигиди. Ясовулбошини чақиртириб, Эҳсон Буқо билан Нишопурга аввал борган чопарни тутиб келишни буюрди. Ясовулбошининг одамлари Эҳсон Буқони ердан ҳам, кўкдан ҳам тонолмадилар, лекин чопарни тутиб келтирдилар. Улугбек уни ўзи сўроқ қилди. Чопар Эҳсон Буқонинг гапи билан ва ундан 250 динор иора олиб Нишопурга бормаган, бир ҳафта хилват бир жойда яшириниб ётган экин. Абдуллатиф ҳақидаги ривоятни эса ўша бадбахт Эҳсон Буқо тўқиган экин. Чопар ясоққа отка элди. Эҳсон Буқо бу сафар ҳам жазода кутулиб қолди. У аллақачон Машҳаддан чиқиб кетган ва Домгон йўлига тушиб олган эди. Кейинча маълум бўлишича, у тўғри Абдулқосим Бобир ҳузурига қочиб борибди.

Айнан ўша қунлари Улугбек Ҳиротни олдириб кўйишига оз қолди. Нерату қалъасида ҳибела ётган қора қуюқли туркман сулоласига мансуб бўлмиш шаҳзода Ёрали билан Ҳиротнинг Олоуддавла давридаги доругаси Султон Абу Саид қамоқдан қочдилар. Уларга Султон Абу Саиднинг Нератудаги тарафдорлари ёрдамлашибдилар: пон ичига эгов тиқиб киритибдилар. Маҳбуслар эгов билан кишани сиңдирибдилар ва соқчиларни ўлдириб, тутқуликдан қутулибдилар. Сўнг хазина эшикларини сиңдириб, зару жавахирларни қўлга киритибдилар. Ёрали ва Султон Абу Саид бу бойлик ёрдамида бир-икки кун ичиде дурустгина кўшин ёллаб, Ҳиротга бостириб бордилар. Шаҳар ҳокими Боязид парвоначи исбнчиларга қарши аскар юборди, лекин исбнчилар Қаррух булукида аскарни тор-мор келтирдилар. Сўнг улар Ҳиротни қамал остига олдилар. Исбн ҳақидаги

хабар Машҳадга етган. Улугбек бу ерда Абдуллатифни қолдириб, ўзи Хиротга жўнаб кетди. Улугбек Хиротга қамалининг ўн еттинчи кунини келди. Шундан кейин исбнчилар Нерату қалъасига чекиндилар.

Улугбек рамазон ойининг ўрталаригача (1448 йил ноябрь ойигача) Хиротда турди. Сўнг отасига тегишли барча молу мулкни туя, хачир ва отларга юклатиб, Самарқандга жўнатди.

Абдуллатиф ҳам Машҳадда қололмади. Абулқосим Бобир қўшнилари яқинлашиб қолганидан хабар топиб, шаҳарни ташлаб чиқди ва отасининг олдига — Хиротга келди. Бир-икки кундан кейин Улугбек Хиротни Абдуллатифга топширди ва отаси тобутини олиб, Калиф кечувига қараб йўл олди. Айнан шу пайтда Абулқосим Бобир Сарахсда эди. У усталик билан иш кўрди. Улугбекнинг кетидан қўшин билан амир Ҳиндукани юборди. У ярим кечада йўл бўйида тунаб ётган Улугбек Кўрагон ўрдусини босди, кўп кишини ўлдириб, катта ўлжани қўлга киритди. Лекин, Улугбекнинг ўзи, яқинлари ва қўшинининг асосий қисми омон қолдилар. Улугбек илк саҳарда Жайхун соҳилига йўл олди, амир Ҳиндука бўлса уни узоқдан таъқиб қилиб борди, лекин яқинлашишга журъат қилолмади.

Мирзо Улугбек Калиф рўбарасида Жайхун устига кўприк қурдирди. Лекин, бахтга қарши, кечув беташвиш ўтмади. Қўшинининг бир қисми эндигина нариги соҳилга келиб тушгандики, кўчманчи ўзбек қўшининининг хуружига дучор бўлди. Кўчманчилар Улугбекнинг оз сонли аскарига қаттиқ шикаст етказди. Кўп аскар олишувда ўлди, бир қисми асир тушди, қолганлари тум-тарақай қочди. Хайриятки, Улугбек билан қўшинининг асосий қисми ҳали дарёнинг сўл соҳилида турган эди, улар омон қолди. Кўчманчилар кўприк устига боришга журъат этолмай асирлар ҳамда ўлжани олиб жўнадилар. Ушанда улар Абулхайрхон бошчилигида Тошкент, Шохрухия, Самарқанд ва Бухоро теварагидаги барча қишлоқларни таладилар. Подшоҳ ва бошқа йирик мансабдорларининг шаҳар атрофидаги чорбоғлари ва кўшклари ҳам вайрон бўлди. Булар орасида Улугбекнинг Боғи майдон аталмиш чорбоғи, Чўпонота этагидаги кичик боғи ва унинг ўртасига қурилган икки қаватли Чилсутун отлине кўшкни, Кўҳак бўйида қурдирган бошқа бир боғи ва Чиниқхона аталмиш чиройли кўшкни ҳам бор эди.

Улугбек асосий қўшин, хазина ва Шохрух тобути билан Жайхуннинг сўл қирғоғида бир ҳафта чамаси қолиб кетди

Бу кунлар ҳам худди 1405 йил сиғари унинг учун энг оғир ва заҳматли бўлди. У икки олов орасида эди: бир тарафдан амир Ҳиндука уни худди пистирмада ўлжа пойлаб ётган овчидай яқин-атрофда пойлаб ётарди. Яна бир томонда кўчманчилар. Тўғри, уларнинг қораси кўринмасди, лекин ким билсин, балки улар ҳам яқин орада пистирма қуриб, унинг кўприкдан ўтишини кутишаётгандир. Нима қилиш керак? Нима бўлганда ҳам бу ерда ортиқча қолмоқ маъқул эмас.

Бир куни, ниҳоят, ярим кечада зўр эҳтиётлик билан кўприкдан ўтдилар, теварак-атрофни синчиклаб тафтиш қилдилар, яқин қишлоқларда бўлиб, сўраб-суриштирдилар, лекин кўчманчилардан ном-нишон топмадилар. Шундан кейин Улуғбек аскарлари, хазина ҳамда Шохрухнинг тобутини олиб эсон-омон кўприкдан ўтди, шиддат билан йўл босиб, Қоракўлга етиб олди. Шу ерда Улуғбек кўчманчилар аллақачон Самарқанд атрофидан ҳам чекинганликларини ашитди...

Шаҳзода Абдулализ ва шаҳар аслзодалари Улуғбекни Қарманда кўтиб олдилар. Улуғбек аввал Абдулазиз билан, сўнг шайхулислом Исомиддин, мавлоно Абуллайсий, аълам домла, қози калон, мавлоно Али Қушчи, амир Мироншоҳ қавчин билан сўрашди. Улуғбек ўглини соғинч билан кўксига босди. Ота-бола озгина оби-дийда ҳам қилиб олишди. Тўпланганлар Шохрух мирзо вафоти муносабати билан подшоҳга ҳамдардлик изҳор қилдилар...

Самарқандга қош қорайганда кириб бордилар. Ўша кеча мирзо Улуғбек ёнига Али Қушчинин олиб Султон Муҳаммад хонақосида тунади. Эртаси куни пешин намозидан кейин Шохрух мирзо жасадини Гўри Амир мақбара-сида дафн қилдилар. Кечқурун марҳум хотираси учун юртга ош берилди. Ошдан кейин Улуғбек Али Қушчи, унинг истеъдодли набираси Мирим, марҳум Муъиниддин Кошонийнинг ўгли Мансур ва бошқалар билан бирга расадхонага ўтди. Ўша кеча устоз ва шогирд у ёқ-бу ёқдан гаплашиб тонг оттирдилар. Улар кейинги йил ичида расадхонада олиб борилган ишлар хусусида, расадхона истиқбол ва кейинги режалар ҳақида, Шохрухнинг ўшмидан кейин мамлакатда юз берган воқеалар тўғрисида баҳслашдилар.

Намози бомдоддан кейин Улуғбек билан Али Қушчи расадхонага туташ янги боғни сайр қилдилар. Чинниҳонани кириб кўрдилар. Баъзи хоналарнинг деворларига ишланган суратлар, турли-туман нақшлар ва безакларнинг кўплари таниб бўлмас аҳволга келган, деразаларнинг

рангдор ойналари чил-парчин синган, саҳни қандилларнинг парчалари қоплаган эди.

Улугбек Али Қушчига мурожаат қилди:

— Янги иморатлар қурмоқ тараддудида тургонимизда бу не кўргулик, мавлоно?

Али Қушчи куюниб жавоб қилди:

— Ҳа, кўргулик бу, аълоҳазрат. Ғоратгарлар мўру малағ бўлуб, ёврилиб келдилар, ҳеч нимарсани аямадилар, амир Мироншоҳ жаноблари ҳам бир қадар суеткашлик қилдилар. Кўчманчиларнинг бу қадар ҳаддан ошишига зиммасига раият осойишталигини кўриқлаш вазифаси юклатилган бошқа амирлар ҳам айбдордур. Алар халқнинг шарофати билан емоги олдида, ичмоги ортида эрди, киссалари оқча, сандиқлари қимматбаҳо матолар, турли жавоҳир ила тўла эрди. Элу юрт бошига мушкуллик тушгонда эрса кўпроқ ўзларини ўйладилар, сичқоннинг инни минг тангага сотуб олдилар.

— Илож қанча, мавлоно. Алар ўзларини раъиятпарвар қилуб кўрсатурлар, локин дўппи тор келиб қолгонда қочадурлар, ўзларини кўпроқ ўйлайдурлар. Бу аввалдин бор, мавлоно. Сиз Туршизийнинг «Сирож ул-мулк» отлиқ китобини ўқигондиренс. Анда бундоғ ривоят бор: Нуширавони одил қуллардин бир қуни бош қоҳидин сўрабдур: «Саятанатнинг инқирози не сабабдин зоҳир бўлур?» Бош қоҳин жавоб қилубдур: «Бу уч сабабга кўра зоҳир бўлур. Бирламчи, мансабдорлар эл-юрт аҳволини подшоҳдин пинҳон тутсалар, сонён, раият ва тамом халқ подшоҳга назар-писанд қилмаслик кайфияти руҳида тарбиялангон бўлса, ва, ниҳоят, учламчидин, закотчи ва барча солиғ тўплағувчиларнинг зулму бедодлигидин бўлур». Афсуски, бундоғ аҳвол бизнинг салтанатимизда ҳам борга ўхшайдур, мавлоно.

«Вотвот мунажжим», Эҳсон Буқо барлос, Фужириддин муаззинга ўхшаш мунофиқлар Улугбекнинг хаёлидан бир-бир ўтди. Ҳа, у ҳали кўп нарсаларни билмайди. Кўп вақти уруш-талашларда ўтди. Кейин ҳақиқатан ҳам, илмга берилиб кетиб, эл-юрт ишини ана шу амирларга ташлаб қўйди. «Ҳа, мирзо Абдуллатиф ҳақга ўхшайдур, биз подшоҳликка муносиб эрмаёга ўхшайдурмиз, эсиз, умрим бекорга ўтди», — деди Улугбек ўй суриб.

Ношуштани Али Қушчининг ҳужрасида қилишди. Бугун Улугбек лой қуйиб бериб ўтирган шогирдининг наварасига астойдил разм солди: Ҳа, унинг бўйи ҳам анча чўзилиб қолибди, мўйлаби ниш уриб, сабза бўлибди...

Бола подшоҳнинг тикилишидан уялиб кетди, оқ-сарик юзининг кулчаси қизарди, бошини ҳам қилди.

— Миримжон ҳам катта бўлуб қолубдур, мавлоно Умрини берсун, ишшоолло, яхши одам бўлиб етишур. Кўзларидин билиниб турибдур.

— Қуллуқ, аълоҳазрат, айтгонлари келсун,— Али Қушчи қўлини кўксига қўйди, кейин набирасига мурожаат қилди:— Миримжон, кутубхонага ўтуб кеча кўчириб та-момлангон махтутотни олуб чиқинг, они аълоҳазратга кўз-кўз қилайлик.

Мирим токчада турган пистаранг чарм муқовали китобни олиб келди ва бобосининг қўлига берди, у эса ўрнидан туриб китобни икки қўлаб подшоҳга тутди.

— «Зижи жадиди Кўрагоний»дини кўчирилгон янги нусха бу, аълоҳазрат. Сизга бизнинг арзимас тухфамиз, устоз.

Улугбек китобни олиб кўзларига суртди, сўнг сарғич қалин қогозга чиройлик настаълиқ хати билан, сарлавҳалари эса қизил ва ҳаворанг спёҳ билан битилган, олтин унволик китобни ҳафсала билан варақлаб чиқди.

— Махтутот, беҳад баднаълиқ бўлубдур. Котиб ким эркан?

— Абдурахмон Хоразмий, аълоҳазрат.

— Ул жанобга бизнинг мамнулигимизни айтуб қўй сунлар, сизга ҳам ташаккур, мавлоно. Сизга ҳам раҳмат, ҳамкасаба.— Улугбек икки қўлини кўксига қўйиб, Али Қушчи билан унинг набирасига қуллуқ қилди. Сўнг китобни қўйнига солди.— Биз ани фурсат топиб ўқуб чиқурмиз!

Лекин бу китобни ўқишга фурсати бўлмади, шундай бўлса ҳам кутубхонага топширмай, уни сўнгги кунларига ўзи билан бирга олиб юрди.

Нопуштадан кейин Улугбек дастлаб бобоси билан отасининг қабрини зиёрат қилди, чошгоҳгача ўша ерда бўлди, сўнг саройга кўчиб ўтди. Сарой олдида уни мирзо Абдулазиз бошлиқ аҳли сарой, амирлар ва ўзга хизматкорлар кутиб олишди. Рикоббоши билан рикобдор подшоҳ ҳузурига пешвоз чиқдилар. Рикобдор подшоҳ отининг жиловини тутди, рикоббоши эса уни қўлтигида олиб, отдан тушишига кўмаклашди... Қабул маросими қисқа, совуққина, ўта расмий тарзда ўтди. Авваллари Улугбек вазирлар, улуг амирлар билан илиқ сўрашар, юмушлари, саломатликлари, аҳлу аёлини суриштирарди, йўқлаб келганларга навозиш ва илтифотлар кўргузарди. Бу сафар бунақа бўлмади. Кўпчилик подшоҳ кайфи яхши эмаслиги, руҳи

анча наслиги ва айниқса қовоғидан қор ёғиб туриш сабабини билмади. Ахир, бир бутун ҳарбий юриш барбод бўлди, унинг орзу-умидлари нучга чиқди, кўп қурбонлар берилди, беҳисоб молу маблағдан ажралди. Лекин Хуро сонни қўлга кирита олмади. Устига устак кейинги йилларда Улуғбек анча-мунча душман ҳам орттириб олди. Тўғри, Балх, Хутталон ва уларга қарашли ерларни олди, лекин бундан бу ёғига у ерларга ҳукми ўтармакан? Мовароуннахрни қўлда тутиб қола олармакан? Подшоҳнинг кайфияти бузуқлиги шундан эди. Буни аҳли сарой ҳам сезиб турганди. Амирлар Улуғбекнинг бу ва бошқа муваффақиятсизлиги сабабларини унинг ҳарбий ишни билмаслигидан, давлат ишларига кам рағбатлилигидан кўrsa, Саид Ошиққа ўхшаш тескаричи руҳонийлар буни Улуғбекнинг даҳрийлигидан кўрардилар. Ахир у мадрасаларда диний илмлардан кўра дунёвий фанларни ўқитишга кўпроқ рағбат бераётибди-ку. Самарқанд, Бухоро ва Гиждувондаги мадрасаларга, Регистондаги масжиди ва хонақосига шунингдек, Султон Муҳаммад хонақосига катта-катта мулкларни вақф қилиб бергани ҳолда хожа Хизр масжиди ва Регистондаги машҳур далоилхонага бир чақа ҳам бермади...

Улуғбек мирзо Абдулазиз билан амир Мироншоҳ қовчидан бошқа ҳаммага ижозат берди. Яна шима гап? Абдулазизни ҳам, Мироншоҳ қавчинини ҳам ваҳима босди. Улар Қарманадаги учрашув чоғидаёқ ҳукмдор кайфияти носозлигини пайқашганди. Иккаласининг кўнгилидан ҳам «энди ҳаммаси тамом» деган фикр кечди. Улуғбек бошини қуйи солганча бирмунча вақт индамай ўтирди. Ниҳоят, у бошини кўтарди ва ҳамон эшик олдида тарашадек қотиб турган Абдулазиз билан амир Мироншоҳ қавчинга қўли билан ёнидан жой кўрсатди.

Мирзомнинг сихат-саломатликлари қандай? Аҳлу аёллари омонмулар?

Шукр, аълоҳазрат, борчамиз эсон-омонмиз, кеча кундуз сизнинг дуоингиздадурмиз.

— Ташаккур, мирзо. Имоним комилким, элу юрт ҳам тинч-омон, аҳли тужжорнинг аҳволи ҳам кўнгилдагидек, шундай эмасму мирзо?

Абдулазиз бу киноя маъносини уқди. «Ҳа, у ҳамма нарсадан хабардор», деди у ичида. Лекин ўзини мугом билликка солди.

— Элу юрт эсон-омонку-я, лекин аҳли тужжор, жаноби олийларига яхши аёндур, об туймас бир халқ эркан Ҳар

куни аларнинг ҳамёнига муносиб самара тушиб турмагундай бўлса, тунлари бедор бўлур эркан.

Абдулазиз шундай деди-ю, лекин сал мулоҳаза қилиб кўриб, айтганидан ишаймон еди. Ахир у отасининг йирик савдогарлар билан яқин муносабатда эканлиги ва уларга, фойдаси билан қайтаринг эвазига улгуржи қарз бериб турадиган одати борлигини яхши биларди-ку.

— Ахир бирварақайта икки йиллик тағор ундириб олингоч, аларнинг касбу кори қандоғ ҳам ривож тонесун? Ва яна мамлакатнинг шимолий сарҳадлари кўчманчиларга очуб қўйилгондин кейин элу юрт қандоғ қилуб омон бўлсун? — Улугбек амир Мироншоҳ қавчинга шу қадар қаттиқ тикилдики, унинг баданига худди ўқ санчилгандай бўлди. Унинг авзойи-баданини титроқ босди, тили танглайига ёпишди. Подшоҳ яна Абдулазизга кўз ташлади ва сўзида давом этди. — Хурсондин юборгон фатҳномаларимизни олуб ўқуб хурсанд бўлгондурсиз, мирзо?

— Қуллук, отажон. Бошимизни етти осмонга еткурдингиз.

— Биз банданинг фикри ожизича мирзонинг муборак бошлари ундин ҳам юқорироқга кўтарилгонга ўхшайдур.

Истеҳзо билан айтилган бу гаплардан шаҳзода чинакамга чўчиди, уни қаттиқ қўрқув босди, кимдир оёқларидан олиб, чуқур икар ёқасига судраб бораётгандай туюлди. Подшоҳ итобда давом этди:

— Ҳа, эсим қурсин, унутабзибмен. Қаригонга ўхшайдурмен чамаси, мирзо. Марҳамат қилуб айтинг-чи, амир Харий Маликнинг қанзаги ҳам эсон-омонму?

Мирзо Абдулазизнинг қўлу оёқларини титроқ босди. Ажабо, отаси бундан ҳам хабардор экан. Тариобда қозонилган ғалабадан кейин юборилган фатҳнома олинган куни Боги дилкушода ўтган қатта зиёфат ва ўша кечаси юз берган воқеа шаҳзода Абдулазизнинг эсига тушди. У ўша кечаси қаттиқ кайф таъсирида ана шу амирнинг хусида тенги йўқ қанзагини мажбуран ҳарамга олиб келтиртган эди...

Худласи калом, тафтиш-сўроқ ярим кечагача давом этди. Сўнг Улугбек Абдулазиз билан амир Мироншоҳ қавчинга кетишларига ижозат берди, ўзи хонайи хосга кириб ёнбошлади, лекин бир вақтларгача ухломмай шинга термилб ётди. Ую хаёл денгизи уни яна ўз гирдобига тортиди: мамлакатнинг оғир аҳволи, сотқин амирлар, ноқобил ўғиллар, расадхона ва у ерда қилинадиган янги ишлар... Улугбек қачон ва қандай ухлаб қолганини билмади. Лекин бу-

гун ҳам ҳар қачонгидай барвақт уйгонди. Дераза ёнига бориб ташқарига разм солди. Ташқарида эса паға-паға қор ёғаётган эди. Ҳа, ҳақиқий қиш бошланганини ҳам сезмабди, у ташвишлар билан бўлиб, не бўлса ҳам ҳориган танга дам бермоқ зарур, худо билади янги йил яна не савдоларни бошига соларкин? Нонуштадан кейин эшиккоға билап қушбегини чақиртириб сафар эгар-жабдуқларини ҳозирлашни буюрди. Бу йилги қишни яна Бухорода ўтказишга қарор қилди...

Абдуллатиф отасидан кейин Ҳиротда бор-йўги ўн беш кун ҳукмронлик қилди. Абулқосим Бобирнинг амир Халил ва амир Бобохожа бошчилигида юборган кўшини шаҳарга яқинлаштири билан пойтахтни ташлаб чиқди ва бирон киши билан келгашмасдан тўғридан-тўғри Мовароуннаҳрга жўнади. Шу тариқа у Андхудга борди, сўнг Калиф кечуви орқали дарёдан ўтди ва дарё қирғоғидати қалъада тўхтаб, Самарқандга, отаси ҳузурига чопар юбориб, уни бўлиб ўтган воқеалардан огоҳ қилди ва Самарқандга боришига ижозат сўради. Мирзо Улуғбек эса унга Балх вилоятини суюрғол қилди, вақтин бекорга ўтказмай шитоб билан ўша тарафга жўнаб кетишини буюрди.

Абулқосим Бобир амирлари бўш қолган пойтахтни найзаини бошини огритмай осонгина эгалладилар-у, лекин уч кундан кейин унинг устига юқорида номини тилга олинган Ёрали туркман бостириб келди. У шаҳарни бирдан ололмади, лекин қаттиқ қамалда тутди. Ёралининг шаҳар ичида ҳам тарафдорлари бор экан, улар тўртинчи кунини тонгда унга Ироқ дарвозасини очиб бердилар. Абулқосим Бобир амирлари, аскарлар билан Ихтиёриддин қалъасига яширидилар. Ёрали туркман Ихтиёриддинга ҳужум қилмади — ололмаслигига кўзи етди ва амирлар билан музокара очди. Битимдан сўнг амирлар қалъани бўшатдилар. Лекин подшоҳ хазинасининг катта қисмини ўғирлаб кетдилар.

Амирзода Ёрали ҳукмронлиги ҳам узоққа бормади. У бор-йўги йигирма кун «подшоҳлик» қилди, охири Абулқосим Бобир қўлидан шахидлик жомини ичди. Воқеа тафсилотини замондош муаррихлар бундай хикоя қилдилар: Абулқосим Бобирнинг Абу Али исмли рикобдори бўлиб, подшоҳ Сараҳсада турган кезлари Нерату қалъасига қочиб келиб шахзода Ёрали хизматига қирган экан. Лекин Абу Али унга ҳам вафо қилмабди. Қувлардан бир кун у Абулқосим Бобирнинг айгоқчиси билан адоқа боғлабди. Келишувга биноан фурсат тошиб Абулқосим Бобирга Дар-

возайи маликни очиб берадиган бўлибди. Абулқосим Бобир шу дарвоза тарафдан шаҳарга яқинлашган кечаси шахзода Ералли Боги шаҳарда экан. Уша Абу Али шахзодага шаробга ухлатадиган дори кўшиб берибди. Уша куни Абулқосим Бобир Дарвозайи маликдан кириб шаҳарни эгаллайди. Ераллини эса кўл-оёқларини боғлаб, Абулқосим Бобир хузурига олиб келишади. У 852 йил зулҳижжа ойининг сўнгги куни (1449 йил 23 февраль) Хирот Чорусида қатл этилди.

Шу тариқа Шоҳрух тахтига 1449 йилнинг бошида Абулқосим Бобир эга бўлди. Лекин, орадан бир ой ҳам ўтмай, унинг Олоуддавла билан оралари бузилиб қолди. Бунга яна ўша лаънати Эҳсон Буқо барлос баҳонайи сабаб бўлди. Унинг ўтган йили Машҳаддан Улугбек хузуридан қочгани ва Домгонга бориб Абулқосим Бобир хизматига ёллангани маълум. Ушанда у Улугбек кўшинининг умумий аҳволи, подшоҳ билан унинг ўғиллари ва амрлари ўртасидаги муносабат, қисқаси, Улугбекнинг бутун кирди-корини Абулқосим Бобирга оқизмай-томизмай айтиб берди. Абулқосим Бобир унинг ўта синчковлигига қойил қолди-ю, лекин «эгасини қонган ит ўзганинг овига ярамас», деганларидай, уни шунчаки сийлаган бўлди, аммо ўрдада олиб қолмади. Уни ўша кезларда оғаси номидан Туини идора қилиб турган мирзо Олоуддавла хузурига жўнатиб юборди. Кўп вақт ҳам ўтмади, Эҳсон Буқо барлос Олоуддавлага ҳам хиёнат қилди. У «мирзо Олоуддавланнинг юзида фитна ва саркашлик аломатлари зоҳир бўлмоқда», деган мазмунда Машҳадга, Абулқосим Бобирга яширинча ахборот юборди. Абулқосим Бобир текширмай-нетмай Олоуддавлади хибсга олди. Лекин охири унга Эҳсон Буқо кўйган айб тасдиқланмади. Оғанин ойнаги хира бўлгани қолди, холос. Абулқосим Бобир айғоқчини жазолашга қарор қилди, лекин уни ердан ҳам, кўкдан ҳам қидиртириб тополмади. У Олоуддавла хибсга олиниб Машҳадга олиб кетилган кечасиёқ Туидан гоийиб бўлганди. Баъзилар уни Нисо ва Абивард тарафларда кўрдик, десалар, бошқа бировлар уни Фарғона ёқларда кўрганларини айтганлар. Мовароуннаҳр тарафдан Машҳадга келган бир савдогар бир кун карвонсаройда уни ҳазрат Баширда фаррош бўлиб олганини эшитган экан. Яна бир тоифа Эҳсон Буқо барлосни Хўжанднинг молбозорида даллоллик қилиб юрганни кўрган.

Улугбек Хуросондаги воқеалардан қисман хабари бор, лекин у тарафдан хавф-хатар кутмасди, чунки тахт даъво-

гарлари: Абулқосим Бобир ҳам, Олоуддавла ҳам, Абдуллатиф ҳам ўзи билан ўзи овора эди. Шунинг учун ҳам у ўтган йилги катта ташвишлар орқасида бирмунча заифлашиб қолган саломатлигини шу киши ичида бир оз бўлса ҳам тиклаб олмоқни мўлжаллади. Шунинг учун ҳам кўп вақтини ов ва сайру саёҳат билан ўтказди. Ўша қишда айниқса ўрдак ови яхши бўлди. Бухоро атрофида кўллар ва қамишзорлар кўп эди. Кунлардан бир куни қушбеги ана шу кўллар атрофида, қамишзор орасида бир неча жойда газалар қурдирди...

Одатда ўрдак ови саҳар пайтида яхши бўлади. Улугбек бир куни илк саҳарда бир-икки овчи билан газалардан бирига ўринашди. Қолган газаларга бошқа овчилар жойлашдилар. Оёғи ҳалқаланган «ўргатма»лар кўлнинг бир четига ташлаб қўйилди. Кўп фурсат ўтмай ўша «ўргатма»лар гагиллаб кетдилар. Осмонда гаг-гаглаб келаётган ёввойи ўрдак тўдалари кўринди. Улар бирин-кетин «ўргатма»лар атрофига учиб туша бошладилар. Лекин «ўргатма»лар гагиллаб уларни ўзларига яқинлаштирмадилар, шунда улар ҳам бир ерга тўп бўлишди. Шу пайт чор атрофдан тўдага ўқ узилди.. Улугбек ва унинг овчи шериклари ўша куни юздан ортик ўрдак отдилар, овдан кейин эса теварак-атрофни сайру тамоша қилдилар. Кечкурун кўли гул пазандалар ўлжадан турли-туман таом пиширдилар. Улугбек яқинлари билан бир вақтларгача базм қурди. Одатда Улугбек ҳар кунги ов қаерда ва қандай ўтганлиги, жониворлардан қай бири овлангани, уларнинг умумий сонини махсус дафтарга қайд эттириб қўярди. Бу вазифа воқеанавислардан бири зиммасига юкланганди. Унинг бу иш билан ҳам машғуллиги сабабларини ҳеч ким аниқ билмас эди. Балки илмий ишлар ёки давлат ишларидан чарчаган кезларида шунчаки эрмак учун шундай қилар, ёки бу унинг учун ақлни пешлаш воситаси бўлгандир, ёки овчилик ва ов ҳақида ҳам бирон китоб ёзмоқчидир... Ўша кеча зиёфат қиёмига борганда Улугбек воқеанависни чақиртирди.

— Қани, тақсир, дафтарни олсунлар, букун бўлгон овни қайд қилуб қўяйлик.

Воқеанавис одатда дафтарни ўзи билан олиб юргич эди, лекин бугун кўлида дафтар йўқ, лом-ним демай саросимада турарди. Улугбек дафтарнинг гоийб бўлганини англади, лекин кайфиятини бузмади, воқеанависни ҳам юпантирди.

— Асло таниши тортмаинга, мен ўшал дафтарга қайд этилганларни бошдин-оёқ ёд билурмен.

Улуғбек янги дафтар келтиришларини буюрди. Дафтарни олиб келдилар. Подшоҳ айтиб турди, воқеанавис ёзиб борди. Янги дафтар тўлган ҳам эдики, йўқоётганини топиб келтирдилар. Муҳосиблар ҳар шккала дафтарни бир-бирига солиштирдилар, лекин таажжубки, тўрт-беш ихтилофдан бошқа тафовут топмадилар. Шунда базмга йигилганларнинг барчаси Улуғбекнинг ажойиб хотираси ва ўткир зеҳинга таҳсини ўқидилар..

Улуғбекнинг Бухородаги кунлари шу тариқа ўтди. У ҳамма нарсадан хабардор эди-ю, лекин Абдуллатиф уюштира бошлаган фитнадан, унинг хонлик кўчасига кириб бораётганидан беҳабар эди. Абдуллатиф 1449 йил февраль ойининг бошларида Абулқосим Бобир билан боғланди ва уни биргалашиб Улуғбекка қарши курашга ундай бошлади. Абдуллатифнинг элчиси Хиротга, Абулқосим Бобирга олиб келган мактубда маъна булар ёзилганди: «Мирзо Улуғбек катта қўшун жамлаб Хуросон устига юриш тараддудидадур. Биз холо анинг йўлини тўсуб турурмиз, худо хоҳласа они ушбу тарафларга ўтқузмасмуз. Жавоби олийларига эрса муҳаббат, эътиқод ва дўстлик мақомида турмоқдамиз». Ҳа, энди Абдуллатиф ўз отасига қарши очикдан-очик душманлик йўлига ўтди. У бундан бир неча ой муқаддам Абулқосим Бобирга Хиротни топшириб Мовароуннаҳрга қочиб келаётганда отаси Балхни суюрғол қилиб бериб қайтариб юборганда ич-ичидан суюнган эди, чунки Нишопур билан Хиротни ҳеч қаршилиқ кўрсатмасдан ана шу подшоҳга топширгани сабабларини отаси тафтиш қилиб қолишидан қўрққан эди. Балхга қайтиб боргандан сўнг Абдуллатиф отаси билан бўлашиш байрогини кўнгил лавҳига тикди, Улуғбекдан норози бўлган кишиларни атрофига тўплай бошлади, у ҳатто аҳли тўнжорни ҳам ўз тарафига ағдариб олди. Буининг учун Балх музофотида томго солигини бекор қилиш ҳақида фармон чиқарди. Абдуллатиф отаси билан оралари бузилиб қолишига отасининг унга нисбатан номехрибон ва адолатсиз бўлганини баҳонайи сабаб қилиб кўрсатди. У сўраганларга бундай дерди: «Каминна Хирот, Машҳад, Бистом теварагида бўлгон жангу жадалларда жонимни аямадум, ўлимга тик боқдум ва ёғий бирлан олишдум, отам эрса теварак-атрофга юборилгон фатҳномаларда иним Абдулазизнинг номини мендин аввалга қайд эттурди. Ва яна Ихтиёриддиндоги хазинамини ҳам олуб қўйдилар».

853-йилнинг муҳаррам-ида (1449 йил март ойи) Улуғбек қишлоқдан Самарқандга қайтди. Бирдан-бир мақсади ўртадаги низои тинч йўл билан бартараф қилиш эди; фақат шуни ўйлади; шунинг кетидан тушди. Бу хусусда амирлар ва арқон давлат билан келганди. Улар билан бир эмас, бир неча келгаш ўтказди. Лекин чора-тадбир тополмади, чунки гишт аллақачонлар қолнидан кўчганди. Самарқандда ҳам Абдуллатифни ёқлаб юривчилар йўқ эмасди. Ҳарий Малик, Шоҳ Вали баҳодир ва Таваккал барлосга ўхшаш ота-болани уриштириб қўйиб томошасини кўрмоқчи бўлганлар гимиллаб қолнишганди. Улар ким зўр чиқса, ўшани ёқлагувчилар тоифасидан эдилар.

— Тўққон отага қўл кўтаргон фарзанд — фарзанд бўлурму? Андоғ фарзанднинг баҳридин ўтгон яхши, боридин-йўғи дуруст...

Таваккал барлоснинг бу сўзлари Улуғбекнинг қулоқларини ўқдай ялаб ўтди. Кимдир юрагининг бир учини чим этгизиб юлиб олди чамаси. Қисқаси Улуғбек ўйлаб ўйинга етмайдиган бир аҳволга тушди. Нима, ҳамма ҳам шу фикрдами? Энди тўққон фарзандига қурол кўтариши қолдимми! Улуғбек йиғилганларга бир-бир назар ташлади, лекин ҳамма ер чизиб ўтирарди. Сукутни Шоҳ Вали бузди.

— Эъзозу икром, сийлашларнинг ҳам чеки бор, подшоҳим. Мирзо Абдуллатиф ҳалдидан ошди, ани Балхдин икром; қилиш тўғри бўлур.

Улуғбекнинг ўғиллари, хусусан Абдулазиздан аламзада бўлиб юрган Ҳарий Малик Таваккал барлоснинг гапларини бош иргитиб тасдиқ қилди.

Абдуллатиф тарафдорлари ўзларини фош қилдилар-у лекин бошқалардан садо чиқмади...

Жайҳуннинг нариги тарафидан эса ҳар кунини бири-бирдан ташвишчи хабарлар келиб турарди... Шу сабаб охири ота билан ўғил ўртасида уруш чиқди. Улуғбек ҳам Насафда лашкар тўплай бошлади.

Робъи ул-аввалининг бошларида (1449 йил апрель ойининг охири) Улуғбек қўшинини Балхга қараб отақлади. Лекин вақт ўтган, ташаббус аллақачон қўлдан кетган эди. Дарёнинг ўнг соҳилида эса биронта кема ёки қайиқ кўринмасди. Уларни аллақачон Абдуллатифнинг одамлари нариги қирғоққа олиб кетиб улгуришганди. Кечувлардаги қоровуллар ва сувчилар ҳам қаёққадир гойиб бўлишганди. Нариги қирғоқда эса аҳвол тамоман бошқача: дарёга икки жойлашган қишлоқлар, шаҳарлар, ва истеҳкомлар лашкар

билан лиммо-лим — Абдуллатиф отасига нисбатан икки баробар кўп лашкар тўплаган...

Абдуллатиф ўрдусида ҳам мулоҳазали одамлар бор эди. Улар мирзонинг хузурига кириб уни ҳарчанд насихат қилиб бу йўлдан қайтармоқчи бўлдилар, лекин Абдуллатиф уларга қулоқ солмади, отаси билан ярашиш тўғрисидаги таклифни рад қилди.

Иккала кўшин ҳам кечувга биринчи бўлиб ташланишга ботинолмай жойида туриб қолди. Шу тариқа уч ой — ота ўнг соҳилда, ўғил сўл қирғоқда — пайт пойлашди. Ҳар икки тарафдан кичик-кичик гуруҳлар аҳён-аҳёнда, кўпинча тонг отмасдан бурун, дарёдан кечиб ўтар ва қисқа жанг қилиб яна орқага қайтардилар. Бир сафар Улуғбек рақибини доғда қолдирмоқчи бўлди. У сара йигитлардан бир гуруҳини куёви мирзо Абдулла бошчилигида дарёнинг нариги тарафига жўнатди. Мирзо Абдулла бир илож қилиб Абдуллатифнинг қоровулларидан ўтиб олди-ю, лекин ишнинг у ёғи юришмади. Абдуллатиф қўйган пистирмага дучор келиб мағлуб бўлди. Мирзо Абдулланинг ўзи асирга тушди. Абдуллатиф уни тўрт йигити билан ярим яланғоч қилиб қўйиб юборди. Асирларнинг қолганлари эса тигдан ўтказилди.

Абдуллатиф яна бир неча бор Абулқосим Бобир хузурига одам юбориб, уни Улуғбекка қарши урушга тортмоқчи бўлди. Лекин Абулқосим Бобир унинг йўлига юрмади. У ўта эҳтиёткор ва тадбиркор одам эди. Абдуллатиф унинг ёрдамида отасини бирёглик қилгундай бўлса, оқибати нима бўлишини яхшилаб мулоҳаза қилиб кўрди. Шунинг учун Бодғисда турган амир Ҳиндукага кўшимча аскар юборди ва унга «мирзо Абдуллатифнинг хатти-ҳаракатидин боҳабар бўлуб турилсун», деб буюрди. Абдуллатиф кейин ҳам бир неча бор уни ўз тарафига тортишга ҳаракат қилди, лекин бундан ҳам фойда чиқмади.

Сирасини олганда Улуғбекнинг омади келмади. Тўнгич ўғил қилич ўқталиб турган ана шу кезлари кенжа ўғил идрок, фаросат билан иш тутмади. У яна ранят ва амирларни ранжитди, яна ўша кайфу сафолар авжига минди. Қўшиндаги амирлар орасида норозилик кучайди. Бу қанақаси, ахир! Улар бу ерларда жонни жабборга бериб юрган бўлсалар-у, подшоҳнинг эркатойи кўнглига келган ишни қилса, иззат-нафсларига тегса! Амирлар ўртасида кўпдан бери юрган шивир-шивирлар бора-бора подшоҳга қарши фитнага айланди. Улуғбек фитнани сезиб қолди ва турли йўллар билан унинг олдини олди. Амирларнинг баъзи-

ларига юрт инъом қилди, баъзиларини қимматбаҳо матолар, зару ояшлар билан сийлади. Эндигина ўрдудаги гала-говур босилган ҳам эдики, кўн йиллардан бери Улугбекнинг хизматини қилиб юрган Султон Абу Саид мирзо исён кўтарди. У бир кун илк саҳарда кўл остидаги аргин қабиласи йигитларидан тузилган отлиқ кўшини билан ўз истеҳкомини ташлаб кетди ва Самарқандга қараб йўл олди. Султон Абу Саид тез орада Самарқанд остоналарида пайдо бўлди ва уни қуршовга олди. Мирзо Абдулазиз ихтиёридаги аскар Абу Саиднинг отлиқларидан икки баробар ортиқ эди, шунга қарамай, қалъадан чиқиб душман билан беллашишга журъати етмади. Абдулазиз билан Мироншоҳ қавчин қалъа дарвозалари ҳамда буржу бораларига одам тайинлаб, мудофаа жапғини ихтиёр қилдилар. Бу ҳақдаги хабар Термизга етгач, Улугбекни ваҳима босди, энди нима бўлса ҳам Самарқандни асраб қолиш зарур бўлиб қолди, чунки пойтахтнинг кўлдан кетиши — тожу тахтнинг кўлдан кетиши билан баробар эди. У Жайхун бўйидан кўчиб, шитоб билан Самарқандга қараб юрди. Улугбек йўл-йўлакай ташвиш оғушида борди. Мирзо Абу Саидни бартараф қила олармикин? Еки у боргунча Самарқанд кўлдан кетиб қолармикин? Абдуллатиф отасининг йўқлигидан фойдаланиб дарёнинг ўнг қирғоғига ўтиб олмасмикин? Аҳвол шунга борса, унда Улугбек шубҳасиз икки ўт орасида қолади. Бу ҳам етмагандай амирларнинг кайфияти ҳам яхши эмас. Ахир улар кеча уни бандга олиб Абдуллатифга топишироқчи ҳам бўлдилар-ку?! Мана шу ўйлар Улугбекнинг юрак-бағрини ўртади. Йўлда, Қаршига икки йиғоч қолганда, кўшинда яна бузилиш рўй берди. Бир гуруҳ амирлар одамлари билан тунда қаёққадир гоёиб бўлишди. «Лашкар шу қадар паришон бўлдимки, — деб ҳикоя қилди тарихчи Абдураззоқ Самарқандий, — кўнчилик чодир ва бошқа ашёларни ташлаб қочдилар. Улугбек зўр қийинчилик билан кўшинининг озгина бир қисмини сақлаб қолди».

Султон Абу Саид эса Улугбекнинг шаҳарга яқинлашиб қолганини эшитиб қамални бўшатди ва Туркистон тарафга қараб қочди...

Улугбек шаҳарда бир-икки кун қолиб, йўқлигида содир бўлган аҳволни тафтиш қилди. Аниқланишича, Абдулазиздан на фақат амирлар, балки қосиблар ва савдогарлар ҳам норози, эканлар. Шаҳзода кун оша бозор айланиб, заргарлик ҳамда ҳарир моллар ва кимхобу атласдан тикилган зардўзий либослар сотадиган дўконларда, расталарда

кўзига қайси мато ёки буюм яхши кўринса, оқчасини тўламайин олиб кетаверадиган қилиқ чиқариб олган экан. Сулув қизлар ва қанизақларни олиб кетиш одатини ҳам ташламабди. Бунинг устига Низомиддин Хомуш одамлари яна гимиллаб қолишибди. Улугбек ўғлини қаттиқ итобга олди. Мироншоҳ қавчинини аямасдан дўғвослади...

Шаҳарда тартиб ўрнатилгандан кейин Улугбек кўшинини тўлатиб яна Жайхун ёқасига, мирзо Абдуллатифга қарши отланди. Бу сафар у мирзо Абдулазизни ҳам ўзи билан олиб кетди. Пойтахт мутасаддийлигини яна ўша Мироншоҳ қавчинининг зиммасига юкледи. Лекин энди ташаббус тамом қўлдан кетган эди. Абдуллатиф отаси Термиздан кўчган ҳамона дарёдан ўтиб шаҳарни эгаллади ва Пули сангини орқали Самарқандга қараб юрди. Хузор билан Кеш осонгина қўлга кирди. Мирзо Абдуллатиф шу ерда бир неча кун тўхтаб, теварак-атрофдан озиқ-овқат жамгарди, сўнг Кеш, Хузор ва бошқа кентлар лашкарини ҳам кўшиб Самарқанд устига юрди. Тез орада Абдуллатиф Шероз туманига жириб борди. Улугбекнинг асосий кучлари ҳам шу ерга тўйланган эди.

Самарқанд шарқи-жанубида Димшиқ кўрғонининг шарқий тарафида жойлашган кенг текисликда ҳар иккала тараф кўшинлари саф тортдилар. Улугбек нимагадир ўз қароргоҳини баланд тепаликнинг кунботар тарафидаги ёнбағирликка қурди. Бу ердан жанг майдони яхши кўринмасди. Қуёш чикини билан ёвлашувчилар жойланиб қолдилар. Улугбек кўшиндан дастрўмолини олиб ёзди ва юқори кўтариб, бир-икки марта саякитиши билан унинг ёпғи-насида, беш-олти қадам нарироқда, тепаликда турган қарнайчи, сурнайчи ва ногорачилар ишга тушиб кетишди. Қарнайнинг наъраси, сурнай садоси, кўшиногоранинг гум-бир-гумбири осмон-фалакни титратди. Шундан кейин баронгор, жавонгор ва гулда турган амирлар қўллариини дуога очдилар ва қиличларини гилофдан сугуриб аскари жангга бошладилар. Абдуллатиф кўшини ҳам наъра торттиб ўзини жангу жадалга олди. Аскарлар жон олиб, жон бердилар, эрталабдан то чошгоҳгача тишим билмай жанг қилдилар. Дастлаб Улугбек кўшинларининг қўли баланд келди. Душман баронгори кўп талофот кўрди. Жавонгор бўлса бирин-кетин берилаётган зарбага зўрга дош бериб турарди. Абдуллатиф чекиниш тараддўдида амирлари билан от устида кенгаш қуриб турган бир пайтда Улугбекнинг баъзи амирлари Пирмуҳаммад Тогой Буқо иғвосига учиб Абдуллатиф тарафига ўтиб кетдилар. Бу қўли баланд ке-

либ турган кўйинининг шайтани қайтарди. Хонилик оқибатида лашкарда парокандалик ва бузиллиш бошланди. Бу воқеа 853 йил шайбонийнинг бошида (1449 йил 19 сеп-тябрь) юз берди. Улугбек ноилоҳ кўшинга чекинниши буюрди ва ҳамма парса қўлдан кетмай туриб Самарқандга етиш ва мустаҳкам қалъага жойлашиб олши фикрига тушди.

Ўша жонгда Абдуллатиф билан бирга бўлган хожи Муҳаммад Хусрав кейинча тарихчи Мирхондга маъна буларни хикоя қилган экан: «Агарчи подшоийи олам Улугбек Диминик ёнида бўлган урушда чодирини ўшал теналикнинг бизга қорагон тарафига тикканларида эрди, мирзо Абдуллатифнинг тамом кўшуни жангу жадал майдонини тарк этуб қочгон бўлур эрди». Ҳа, балким шундайдир. Лекин мағлубият сабаби бошқа тарафда — Улугбек атрофида хони кўнайганида эди. Буни Улугбек аллақачон пайқаган, шунинг учун ҳам чекинниши афзал кўрган эди.

Улугбек зўр умид билан Самарқанд остоналарига етиб келди. «Агар эсон-омон қалъага кириб олши муяссар бўлса, бас. Мирзо Абдуллатиф неёни бостирилгусидир», — деб айтди у ўшанда яқинларига. Афсуски, бу Улугбек ва унинг ҳамроҳларига насиб қилмади. Мироншоҳ қовчин кўрамаклик тариқини тутди ва шаҳар дарвозаларини Улугбекнинг юзига ёнди, уни шаҳарга киритмади. Бу қандай адолатсизлик? Кечагина қаринингда тиз чўкиб, лутфу марҳаматингга умидвор турган кимса бугун юзингга оёқ кўйса! Улугбек бу мунофиқни ўшанда йўқ қилиб юбормаганига нушаймон қилди. Энди нима ҳам қила оларди. Бўлар уни бўлди. Бу ерда ортиқча қозинининг фойдаси йўқ эди...

Абдуллатиф отасининг кетидан қувмади — уч кун Шерозда қолиб кетди. Амирлардан бири мирзонинг кўнгли хун шайтини пойлаб шини найсалга солишининг оқибати яхши бўлмаслигини ётиги билан айтган эди. Абдуллатиф «кўйверинг, қария у ёқ-бу ёқни бир айлашиб кўрсун, кўрамиз нимареага эринур эркан», деб кўй қолди. Ҳа, у бу ёғидан хотиржам эди. У Мироншоҳ қовчин билан аллақачон алоқа боғлаган, ҳаммасини у билан нишיתיб олганди.

Улугбек Абдулазиз ва яқинлари ҳамроҳлигида, содиқ қолган кичик кўшин билан Сайхун бўйларига, Шохруҳия қалъасига қараб йўл олди. Бир вақтлар Банокат аталган ва Сугддан Шонга, ~~уддан~~ Хитойга борадиган қарвон йўлида жойлашган бу шаҳар Мингизхон истилоси даврида тамом вайрон қилинган эди. Амир Темур 1382 йили уни

қайтадан тиклади ва кенжа ўгли Шохрух мирзо шарафига уни Шохрухия деб атади. Шохрухия асладан ҳам зиёда ва мустаҳкам қилиб қурилди. Унинг бир тарафи Сайхун иккинчи тарафи эса чуқур ҳандақ билан ўралган эди. Унда жамланган озиқ овқат кам деганда ярим йилга бема лол старди. Йўлда Улугбек Абдулазизга деди:

Унал қалъада уч тўрт кун турайлик, кўрамиз замон ўз ойнасида яна не ҳол суратини кўргузув эркан. Улугбек Абдуллатифнинг сулҳга кўнишига ҳамон умидвор эди. Майли, оғонигиз тожу тахт иштиёқиди бўлса бош устига, ани олаверсун, фақат урушин тўхтатса бас!

Шохрухия кутволи Иброҳим ибн Фўлод Мироншоҳ қовчин қабилда иш тутмади. У шаҳарнинг эътиборли зотлари билан Улугбекнинг йўлига ишвоз чиқди, зўр ҳурмат ва эътибор билан уни ва ҳамроҳларини қалъага олиб кирди. Кечкурун кутвол муътабар меҳмонлар шарафига қуюқ анёфат берди, яна бир-икки кун уларга мулоза мат қилди, кейин у ҳам вақиниёмаатидан юз ўгирди. Воқеа бундай содир бўлди. Шохрухияга келганларининг учинчи кунин Улугбек билан Абдулазиз сайру саёҳат деб қалъадан ташқарига чиқдилар ва эртадан кечгача Сайхун бўйларини айландилар, тўқайзорда қора кийик овладилар, қалъага эса қоронгу тушганда қайтдилар, лекин бу гал унинг дарвозалари берк эди. Дарвозани тақиллатдилар, овоз бериб ўзларини танитдилар, лекин фойдаси бўлмади. Ичкаридан дарвозабоннинг тўнгиллаган овози эшитилди.

Кутвол жапоблари «дарвоза ҳеч қимға очилмасун» деб буюргонлар, кетинглар бу ердин, йўлларингни берсин.

Шундан кейин Улугбекнинг хотирига олий мақом хон Абдулхайрхон ҳузурига илтижо қилиб бориш фикри келди. Лекин мулоҳаза қилиб кўриб, фикридан кечди. Улугбек нима бўлса ҳам ота-бола ўртасида меҳру шафқат ва мурувват бўлиши зарурлигини ўйлаб Самарқандга қайтиб боришга қарор қилди. Маънос бир кайфиятда мулозим ларига деди:

– Салтанатин Абдуллатиф мирзога тобширурмиз, ўзи миз эрсак мадрасайин хосда толиби илмга дарс бериш ва расадхонада илм бирлан машғул бўлурмиз...

Бу сафар ҳеч қандай гап-сўзсиз Шайхаода дарвозасини уларга очдилар. Абдуллатифнинг хизматкорлари уларни Боғи майдонга олиб келдилар. Боққа кираверишда, азамат терак тагида уларни мирзо Абдуллатифнинг ўзи қарши олди. Ота-бола кучоқлашиб кўришдилар. Шундан кейин хизматкорлар Улугбек билан Абдулазизни дарвозадан кўп

хам олис бўлмаган, боғ ўртасида жойлашган икки қаватли деворлари мармар ва қошиқлар билан қонланган, чор-атрофи айвонлик ихчамгина қасрга жойлаштирдилар. Ўша кун и кечқурун меҳмонхонада Улугбек ва унинг ҳамроҳлари шарафига зиёфат берилди. Абдуллатиф подшоҳларга хос сурур билан, ҳамма йиғилгандан кейин, кириб келди. Уни ҳамма, Улугбек билан Абдулазиз ҳам, тик турган ҳолда қўл қовуштириб қарши олди. Абдуллатиф тўрда, отасидан юқориққоққа ўтирди. Зиёфат совуққина ўтди... Ҳамма тарқалгандан кейин Улугбек, Абдуллатиф ва Абдулазиз холи қолишди. Лекин гаплари қовушавермади. Ҳеч ким биринчи бўлиб сўз бошлашга ботинмади. Ўртага чўккан сукутни Улугбек бузди:

— Сихат-саломатлигингиз нечук, мирзо? Аҳлу аёлигиниз омонмулар?

— Қуллуқ, худога шукур, ёмон эрмас.

Улугбек у ҳам ҳол-аҳвол сўрар, деб бир неча дақиқа ўғлининг кўзларига тикилиб турди, лекин ундан садо чиқмади. Улугбек аллақандай бўлиб кетди, энди ҳамма нарсадан умидини узди ва айни муддаога ўтиб кўя қолди.

— Биз эмди ёшимизни ёшаб, ошимизни ошоб бўлдиқ чамаси. Бундин бу ёғига қолгон умрин илм-маърифат ила кечирмоқ мувофиқ кўринадур. Бунга сиз не дерсиз, мирзо? — Улугбек яна ўғлига тикилди.

Абдуллатиф бошда тасодифан ўртага ташланган масла хатдан бир оз ўнғайсиланди, сўнг ўзини ўнглаб олди ва отасига тик боқиб иккиюзламачилик қилди:

— Подшоҳи олам зинда эрканлар бизнинг онҳазратнинг ўрнига ўлтиришимиз шариятга тўғри келарму эркан?

Дилдан айтилмаган бу гапга Улугбек ишонмади. Абдуллатиф шунчаикки кўнгил овлаётган эди.

Улугбек ўғлини имтиҳон қилишда давом этди.

— Қартайиб қолгон занф бир кишининг тожу тахт, раият ва элу юрт ташвиши деб аталмиш оғир бир юкин елкасида кўтариб юриши эмди маҳолдур, мирзо. Бундин ташқари, биз мусулмонлик ҳажини ўташ ва ҳазрати пайгамбаримизнинг муқаддас қабрини зиёрат қилиш саодатига етишгонимизча йўқ. Бу ҳар бир мусулмон учун ҳам фарз, ҳам суннат. Бундин тошқори, расадхонада ҳам қилатургон юмушларимиз кўп, мадрасада илми толиб бизга мунтазирдур.

— Парвардигори оламнинг иродаси ва падари бузрукворимизнинг хоҳишлари шундоғ бўлгоч, бизда не ихтиёр.

Ноқобил фарзанд тап тортмай шундай деди-я. Аммо

бошқа нима ҳам десин? Кўп йиллардан бери орашқиб кутган кун келди-ку. Энди у Амир Темур Кўрагоннинг тожу тахтига эга бўлиб турибди-ку. Ота тирик бўлса нима қилибди. Бугун тирик бўлса, эртага балки фаний дунёга равона бўлур. Улугбек ўғлининг кўзларига тикилди. Абдуллатифнинг дилидаги фикрни англаш қийин эмасди.

Ота-бола суҳбати шу билан тугади. Балким кўп нарсалар тўғрисида гурунглашишга майдалари бўлгандир-у, лекин гаплари қовушмади. Охири фотиха ўқиб ўринларидан кўзгалдилар. Мулозимлар Улугбек билан Абдулазизни хоналарига кузатиб қўйишди.

Улугбек ўша кеча мижджа қоқмай тонг оттирди. Ўз фарзандининг кўрсатиб турган каромати, бу етишмагандай, аҳли сарой олдида қилган ҳурматсизлиги юрак-бағрини ўртади. Кечагина тиз чўкиб оғзини пойлаб турган амирларни айтмайсизми?! Бугун улар ҳам бир умр бошини силаб келган валлинеъматдан юз ўгиришди, «янги дўст топилганда эскисидан кечмоқ керак» қабилида иш туттишди. Қисқаси, тузини ичиб, туздонига тупиришди. Наҳотки, энди у ҳеч кимга керак бўлмаса?! Ахир у бирёқлардан тентираб келиб қолган одам эмас-ку! У шу юртнинг боласи-ку, ахир! Шу ерда туғилди, улғайди, қирқ йил унга ҳукмфармо бўлди. Бугун юртига сизмай турибди. Наҳотки?!

Улугбек ҳеч қачон ўзини бу қадар ночор ва танҳо сезмаган эди...

Эртаси куни кечқурун ҳамма яна ўша меҳмонхонада тўпланди ва мирзо Улугбек машоих, уламо, фузало ва умаро олдида ўзининг сўнгги иродасини — тожу тахтни Абдуллатифга топшириб, қолган умрини тоат-ибодат ва илм-маърифат билан кечирришга қарор берганлигини эълон қилди. Табрик овозлари хонани бошига кўтарди:

— Боракалло, Мугисуддин Улугбек Кўрагон ва фарзандларининг умри узун бўлгай!

— Қутлуг бўлсин, мирзом! Тахту салтанат муборак!

— Абдуллатиф олий ҳазратларининг тахту салтанати у дунё бу дунё боқий бўлгай!

«Боқий бўлгай!» Бу гапни Улугбек қаердадир эшитган эди. Улугбек мажлисда ҳозир бўлганларни бирма-бир кўздан кечирди ва нигеҳи Абдуллатифнинг ўнг тарафига тўртинчи бўлиб ўлтирган «Вотвот мунааяжкимга» тушди. Ҳа, энди эсига келди. Бу нидо ана шу ернингидан чиққан. Бундан қирқ тўрт йил муқаддам Амир Темур

ўлим билан олишиб ётганда у худди шундай хитоб қилган эди. Қизиқ, бу зот энди Абдуллатифга «мунажжимлик» қилаётган экан-да. Ёши тўқсонлардан ортиб мункайиб қолган бўлса ҳам унинг ола кўзлари илгаригидай чакнаб турибди: Улугбек уни бир қарашда таниди. «Йўқ, у ҳали кўп умр кўради, ҳали кўп бор мансабдорларга лаганбардорлик қилуб кун кечиради бу айғоқчи», деди Улугбек ўз-ўзига.

Аълам домла Улугбек ва унинг фарзандлари ҳақиға узупдан-узоқ дуо қилди. Шундан кейин ҳамма биринкетин меҳмонхонадан чиқди. Улугбек Абдуллатиф ва Абдулазиз билан қучоқлашиб хайрлашди.

— Тангри-таоло сизларни ҳамиша ўз паноҳида асрасун. Яхши кунларда дийдор кўришайлик, — Улугбек ҳаж зияратини писанда қилиб шундай деди.

— Иншоолло! — Абдуллатиф ерга қараб шу жавобни қилди.

Ҳа, Улугбек ҳаж зияратини ўйлаб ўғилларига омонлик тилади, «яхши кунларда кўришайлик» деб умид билдирди. Лекин бу уларнинг сўнгги кўришишлари эканлигини на Улугбек ва на Абдулазиз биларди. Бу фақат биргина Абдуллатифга аён эди, холос. Боғи майдондан чиқишгач, Улугбек отига мишиб, Чўпонота тарафга, расадхона сари йўл олди, Абдулазиз Боғи беҳиштга, ўзининг доимий қароргоҳига жўнади.

Бироқ, Абдулазиз кўзлаган манзилга етиб боролмади. У Боғи беҳиштга яқинлашганда сал олдинроқда, йўл четида, терак тагида турган бир гуруҳ отлиқ йигитларга кўзи тушди. Шаҳзода ўгирилиб орқада келаётган навкардан «булар ким бўлди эркан», деган маънода имо-ишора билан сўради. Навкар елкасини қисди, чунки у ҳам буларни танимасди. Отлиқлар билан рўбарў бўлишганда улардан бири «чу» деб отига қамчи босди ва йўл устига чиқди, сўнг отдан тушиб икки букилиб мирао Абдулазизга салом берди.

— Олий ҳазратлари сизга бошқа қароргоҳ тайин этгонлар, биз бирлан юринг, шаҳзода.

Абдулазиз навкарга диққат билан разм солди. У чопон ичидан совут кийиб, қилнч осиб олган экан. Четда турган йигитларга қаради. Улар ҳам шу алфозда эдилар. Абдулазиз ҳаммасини англади. Булар Абдуллатифнинг йигитлари бўлиб, унинг буйруғи билан иш тутаётган эканлар. Улар шубҳасиз унинг жонига қасд қилишган. Лекин энди нима ҳам қила оларди — улар кўпчилик.

Абдуллатифнинг йигитлари Абдулазиз билан унинг навкарини чор атрофдан ўраб олдилар ва Кўксаройга олиб бориб, тўқсабога тошширдилар. Тўқсабо одамлари Абдулазизни юқори қаватдаги хоналардан бирига қамаб қўйдилар ва устидан қулф солдилар...

Улуғбек шу кечани Али Қушчи билан бирга расадхонада ўтказди. Улар бир вақтларгача гаплашиб ўлтирдилар. Пировардида Улуғбек шогирдига тожу тахтни мирзо Абдуллатифга топширгани, ўзи эса ҳаж сафарини ихтиёр қилганини айтди. Бу гапдан Али Қушчининг авзойи бузилди, кўнглини гашлик босди, лекин буни устозига сездирмасликка ҳаракат қилди. Кўнглига келган гапни айтмоқчи бўлди, лекин Улуғбек қаттиқ ҳориганиданми ёки энди ҳаммасига этак силтадимми, кўзларини юмиб олди. Улар ўтирган ерларида тўшакка ёнбошлаб қўя қолишди. Улуғбек ҳаял ўтмай ухлаб қолди. У Абдулазиз мирзо билан содир бўлган воқеадан тамом беҳабар эди.

Ҳижрий 853. йил рамазон ойининг еттинчи куни (1449 йил 25 октябрь) Эрталаб полушта вақтида расадхонага Абдуллатифнинг навкари кприб келди ва Улуғбекнинг Маккаю Мадина зиёратига бориш тўғрисидаги истаги ижобатга олинганлигини хабар қилди. Улуғбек бундан беҳад хурсанд бўлди-ю, лекин Али Қушчининг ваҳима босди Улуғбек бунинг сезиб шогирдига тасалли берди:

— Ташвиш тортмангиз, мавлоно, ҳамма нарса таъгри таолонинг ихтиёрида. Мирзо бизга бир умрга унутиб бўлмас мурувват кўргузибдурлар.

— Йўқ, ҳазратим, бу ерда бир гап борга ўхшайдур, ҳар ҳолда эҳтиётлик тадорикини ҳам кўруб қўйиш яхши. Модомики жаноблари ўшал муқаддас жойларга боришга аҳд қилган эрканлар, унда жанобларининг бир ўзини ёлғиз жўнатиб бўлмас. Яқин ва содиқ кишиларининг сизга қўшгаймуз. Йўқ демасангиз, устоз, сизни ўзум кўзатуб борсам.

— Ташаккур, мавлоно. Сиз кўпроқ бу ерда зарурсиз. Сиз ҳам бўлмасангиз расадхонани ким мутасарриф қиладур? Мирзо Абдуллатиф бизни ёлғиз қўймас. Ишончли, яхши одамларини ҳамроҳ қилиб берур, ишшоолло. Ҳар иш таъгри-таолонинг продаси билан бўлур, бошга не тушса кўрурмиз.

Дастурхонга фотиҳа ўқидилар ва Улуғбек хос хизматкорини чақириб сафар эгар-жабудугини ҳозирлашни

буюрди. У шу кунпёк йўлга чиқинга қарор қилди ва қарорини одам юбориб Абдуллатифга ҳам билдирди. Абдуллатиф отасига ўзининг содиқ хизматкорларидан ҳожини Муҳаммад Хусравни қўшди.

Уша кунини иешини намозидан кейин Улуғбек хос нав кари, хизматкорлари ва ҳожини Муҳаммад Хусрав билан бирга Самарқанддан жўнаб кетди. Улар Боғи шамолни этаклаб қолган ҳам эдиларки, орқадан отларнинг дупур дупури эшитилди. Булар мирзо Абдуллатифнинг йиғитлари бўлиб чиқди. Суворийлар йўлни тўсиб Улуғбек билан унинг ҳамроҳларини шў ерда тўхтатдилар.

Улуғбек сафар ҳозирлигини кўриб турган бир пайтда Абдуллатиф отасини ўлдириб тадорикни билан банд бўлди. У Улуғбекдан порозини бўлиб юрган одамларини ҳузурига тўплаб уларга гап уқтирди:

Кимда-ким Улуғбек мирзодини жабр кўрган бўлса ҳонининг (у Муғлуқ исмлики бир мўғулнинг шувчаки номига ҳон деб эълон қилган эди) ҳузурига борсун ва айтсункими мирзо Улуғбек фалон вақтда фалон касминини қонунга хилоф тарзда ўлдиртурган, мен аянинг хунини талаб қиламен. «Хон, — деб ҳикоя қилади Абдураззоқ Самарқандий, «шаръан илма бўлса шуни қилинглар», деб буюрди. Хонининг ҳузурига арз-дод қилиб келганлар орасида Аббос исмлики девсийрат бир йиғит ҳам бор эди. У бир вақтлар золимлигини учун Улуғбек тарафидан ўлимга ҳукм қилинган сулдуз қабиласини бошлиқларидан бирининг ўғли эди. Аббос хонининг ижозатини олиши билан Абдуллатифнинг олдига чопиб келди...

Суворийлар Улуғбек билан унинг ҳамроҳларини йўлда тўхтатган пайтда Абдуллатиф шаҳар уламосини тўплаб Улуғбекни ана шу Аббоснинг қўлига топшириш хусусида мажлис қуриб турган эди. Мажлисга фақат аълам, қозини калон ва шаҳар масжидларининг имомлари тўпланган эди. Тўрда Низомиддин Хомушининг халфаларидан бири, осто-нада малъун Аббос чўк тушиб ўлтиришарди. Тинчликни аълам домла бузди.

— Муҳтарам жамоага маълум ва равшандурким, қоршиниғизда тиз чўқуб ўлтиргон мўмин-мусулмоннинг отасини бундини ўнму-ўн бешму, анигини валлоҳу аълам хотирдини фаромуш бўлибдур, йил бурун бизу сизга маълум бўлмагон сабаб ила Улуғбек мирзонинг амри билан қатл этилган эркан. Энди ушбу йиғит падари бузрукворининг хунини сўраб келибтур. Бу хусусда жамоанингни фикрини не бўлғай?

Имомуддин Хомуш халфаси, имомларнинг кўнчилиги Аббоснинг даъвосини қувватлаб таширдилар. Фақат қози калон Шамсиддин Муҳаммад Мискин уларга қарши чиқди.

— Хушталаблик жоҳилиятдин қолгон бир расм-одат. Бу хусусда муқаддас китобларда, шунинг киби «Қуръон шариф»да айтилганлар барчамизга аъён. Бир халқ орасида одам ўлдирганлик ёки ноҳақ қон тўққанлик учун жуда бўлмағида дийгана тортурлар. Ахир аҳли мажлисининг кўнчилиги подшоҳ Бурхонуддин Марғиновичнинг тамом муеъмом оламига машҳур бўлган «Ал-Хидоя»сини, ҳеч бўлмағида «Мухтасари виқоя»ни ўқигон кишилардурлар. Абу Ханифа жанобларининг «Ал-фиқҳ ал-акбар»ичи? Оши ҳам ўқигонмуз. Писоф ва истиҳсон ила иш тутмоқ зарур. Ахир подшо кимдир ўлимга маҳкум этгон бўлса эл-юрт эмишяти ва рифоҳияти деб қилгон. Модомки, шундай эркан, у шарият олдида жавобгар эрмасдур.

Имомлар билан халфа фикрида қаттиқ тўриб олдилар. Пировардида можаро кўтарилди. Кимдир чой қўйилган пиёлани қозикайфияга қараб отди. Мансаб ва мартабаси ҳаммадан юқори бўлган аълам домла овози борица бақирди:

— Хой, жамоа! Қойси ерда ўлтиргонингизин унутманг ахир бу ер Чорсу бозори эрмас-ку!

Ҳала-говур аста-секин босилди. Аълам ҳаммаси бир-бир қўздан кечириб чиқди. Кўнчиликнинг қўзларида тобеллик ва бўйсуниши аломатларини кўргач, тўшак қатидан тўрт букланган қоғозни олди ва уни ёзиб биринчи бўлиб ўзи муҳр босди, сўнг ўнг қўлида ўлтирган хожка Хиёр масжидининг имомига узатди. Имом қоғозга шунчаки бир кўз ташлаган бўлди, сўнг у ҳам унга муҳрини босди. Бошқалар уни ўқинини ҳам нетамадилар, муҳрларини босдилар-у, қўйдилар. Фақат қозикалон Шамсиддин Муҳаммад Мискин қоғозга муҳрини босмади. У ҳатто ўша хатни қўлига олмади ҳам... Улугбекни қатл этини тўғрисидаги фатво шу тариқа имзоланди. Аълам уни ҳамон останада тиз чўкиб ўлтирган Аббосга узатди.

— Мана, ўғлим, ол, худо биз бандаларини кечирсуни!

Аббос ўрнидан санчиб турди, бориб аъламдан қоғозни олди, икки букилиб жамоага таъзим қилди, сўнг фатвоини тўрт буклаб, қўлига солди ва, қўллари кўксенди, орқаси билан юриб хонадан чиқди...

Қози Шамсиддин Муҳаммад Мискин уйига бир аҳволда араб етиб олди ва меҳмонхонага кириб ўзини кўрипача, устга отди. Овқат ҳам емади. Туни билан мижага қоқмай

тўлғониб чиқди, эрталабга бориб эса қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Шу тариқа у бир ҳафта чамаси оғриб ётди. Ўша кунлари кўп валийлар ва фақиҳларнинг ҳаёти унинг кўз ўнгидан ўтди. Не-не софдил кишилар тўғрилиги орқасидан азоб чекишмаган, қувғинга учрашмаган, қурбон бўлишмаган. Абу Ханифа, Ибн Ханбал, Нажмиддин Кубро ҳам эътиқод йўлида қурбон бўлганлардан эмасми?! Ибн Ханбал маътазаллийларга қарши тургани учун халифа Маъмуи (813—833) ва ал-Муътасим (833—842) томонидан бир неча бор қамалган ва жазога тортилган. Абу Ханифа эса қози калонлик лавозимини қабул қилишга рози-риздлик бермагани учун халифа Мансур (754—775) уни зиндонга ташлади ва у ўша ерда калтак зарбидан ўлиб кетди. «Мухтасари Виқоя»га шарҳ ёзган бир олим ҳукмдор талаб қилган масала бўйича ёзма ривоят беришдан бош товлагани учун қўл-оёғи боғланиб, ётқизилиб, қоқ белидан гўла каби арралаб ташланган экан: Қози калон ўзининг тақдирини ҳам ўшаларниқига ўхшатди. «Эгилиб кун кўргандин кўра тик туриб ўлгон яхши», деди у охири... Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас мавлоно Шамсуддин Муҳаммад оламдан кўз юмди. Айтишларича кимдир унинг овқатига захар қўшиб берган эмиш...

Юқорида таъкидланганидек, Абдуллатиф йиғитлари Улугбек ва ҳамроҳларини Боғи шамол этакларида тутиб қолдилар. Шундан кейинги воқеани ўша фожиа топасида бўлган хожки Муҳаммад Хусрав тарихчи Мирхондга батафсил ҳикоя қилиб берган, олим эса уни ўзининг «Равзат уе-сафо» номли китобига битиб қўйган экан. Келинг, биз ҳам китобдаги ана шу ҳикояни келтириб қўя қолайлик:

«Шом пайтида мирзо Улугбекнинг узангисенда Самарқанддин чиқдик. Ул жаноб ўзида йўқ хурсанд ва бахтиёр эрдилар, муборақ кўнгулларига нимарса келса тортинмай сўйлардилар. Бир оз масофа ўтилгондин сўнг кутламагонда кимдир орқамиздин от қўюб бизга етишди. Ул кас сўнгра менинг илгимдин тутиб четга тортди. Анга тикилиб қарадим, кўрсам сулдуз қавмига мансуб ва мирзо Абдуллатифнинг йиғитларидин эркан. Мен ондин «хўш, нима гап ўзи», деб сўрадим. У қулоқимга астагина шивирлади: «Мирзо Улугбекни бирон ободон ерга олўб боруб туринг ва ўшал жойда кутунг. Мирзо Улугбек подшоҳ эрур, шу сабабдин ул зоти олийларининг ҳаж сафари ҳам турку тожикни хайрон қилатургон тарзда, аёр дабдаба бирдан кечмоғи лозим, бунга тайёргарлик эрса ҳали поб-

нига етишмоган». Кутилмаган бу ходисадин таажжубланиб оиниг юзига тикулдим. Ул менинг шубхаларимни сээди шекилли, баланд овоз бирлан деди: «Аълоҳазратларининг амру фармонлари шу».

«Фармонга бош эгурмуз», дедим мен унга.

Уша отлиқ йингит қайтиб кетгандин кейин мирзо Улугбек «не гап», деб сўрадилар. Мен анга бўлгон гапни айтдум. Хулласи калом, яқин орада кичик бир қўрғон бор эркан, ўшал ерга боруб тўхтадик. Ҳаво бир оз совуқ эрди. Аълоҳазрат ўчоққа ўт қалаб юборишни буюрдилар. Навкарлардин баъзилари ушбу юмушга тутундилар. Ўтин катта қилиб ёқдилар. Тасодифан ўчоқдин учгон учқун мирзо пўстунининг иенига келиб тушди ва оиниг бир четини куйдира бошлади. Мирзо Улугбек оини ситг бирлан уриб ўчирди ва «аҳвол не эканини сен ҳам билдинг-а?!» — деб ўчоқдаги оловга хитоб қилдилар. Шундин кейин ушнинг кайфияти тамом бузулди, оғир-оғир тин олиб, изтироб чека бошладилар. Бир оз фурсатдин кейин мирзо Абдулазизнинг ҳол-аҳволини сурштирдилар:

— Мирзо Абдулазиз омонму эркан? Балким қатлга еткурмадиларму эркан оини?

Мен анга тасалли бериб, юпатишга ҳаракат қилдум. Бир вақт эшик очилиб Аббос иемлик кимса шериги бирлан кириб келди. Аълоҳазратининг кўзлари оинга тушиши бирлан ранги ўчди, сапчиб ўрнидин турдилар ва ташлашиб Аббосининг кўкрагига бир мушт тушурдилар. Аббос орқасига тисарулди, шериги орқадин келиб мирзо Улугбекка ёпишди, илгини қойириб пўстунини ечиб олди. Шу пайт Аббос ташқарига арқон олиб келиш учун чиқиб кетди. Мен подшоҳ таҳорат қилиб олсун учун эшикни ичидин занжирлаб турдим. Сўнг Аббос кириб Улугбек жанобларининг кўлларини боғлаб, тошқорига судраб олиб чиқди ва машғала ўрнатилгон дарахт остига олуб боруб тиз чўктирди ва ул бесаодат қиличнини гилофидин сугирди ва ул одил ва олим подшоҳининг бошини танидин жудо этди. Биз эрсак аввал уйининг теварак-атрофига беркиниб ётдик, сўнг барчамиз Самарқандга қайтдик».

Тақдир шундай қаттол экан: Улугбек ҳамроҳлари бурчак-бурчакка яшириниб томошабин бўлдилар, кейин кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган ёвузликни амалга оширганларидан кейин Самарқандга қайтиб бордилар. Оби Сужаринининг бўйгинасида жойлашган кичик қалъада эса боши кесилган Улугбек билан олишув чоғи унинг кўйнидан тушиб тупроққа қоришган китоб қолди, холос...



ПАДАРКУШ ФОЖИАСИ

«Қилмиш-қидирмиш». Қадим замонлардан бери огиздан-огизга кўчиб келаётган бу мақол заминда зўр ва аччиқ ҳақиқат ётади. Дехқон аҳли «нима эксанг шуни ўрасан», дейди. Бу мақол ҳам ҳаётдан олинган, аччиқ ҳақиқатнинг меваси. Ёки Бобир мирзонинг мана бу сатрлари маъносини чақайлик:

Ҳар ким ки вафо қилса вафо топгусидур,
Ҳар ким ки жафо қилса жафо топгусидур.
Яхши киши ёмонлик кўрмагай ҳаргиз,
Ҳар ким ки ёмон бўлса жаза топгусидур.

Инсон дунёга бир марта келади, икки марта эмас. Шу сабабдан у ўзидан яхши ном қолдиришни орзу қилади, шуни истайди, шунга интилади. Лекин бунга етишганлар ҳам бор, етишмаганлар ҳам. Бу кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига боғлиқ. Бир умрга ёмон отлиг бўлиб қолиш ҳам мумкин. Бу — инсон табиатида бўладиган тангназарлик, ҳасадгўйлик ва очкўзлик сингари ёмон хислат оқибати. Мана шундай иллатларга мубтало одамдан яхшилик чиқмайди, бундайлардан ёмонликнинг ҳар қанақасини: пасткашлиқ, тубанлик, хонлиқни кутса бўлади. Шунинг учун ҳам бунақалардан яхши ном қолмайди. Мирзо Абдулатифнинг тақдирини шунақа. У ўз отаси — ҳаёт ато қилган инсон жонига чанг солди. Шунинг учун ҳам бир умрга у ёмон отлиқ бўлиб қолди, падаркуш деган ном орттирди, абадулабад шу ном билан тарихда қолди...

Умуман, хотира умри қисқа. Лекин бу инсонга нисбатан тўғридир, яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам вақт ўтиши билан инсон унутади. Лекин тарих бу борада

ўжар — у ҳеч нарса ни унутмайди. Мана, масалан, падаркушлар Абдуллатифдан аввал ҳам бўлган экан, Ундайларини ва уларнинг қилмишларини тарих ўз варақларида сақлаган. Бундан ўн тўрт аср муқаддам сосонийлар сулоласига мансуб шахзодалардан Шеруи тожу тахт илтиёқида отаси Кубод биринчиси (498—531) ўлдирди, лекин хукмронлиги олти ойдан ошмади, вабо касалига мубтало бўлиб ўзи ҳам ўлди. Ундан фақат падаркуш деган ном қолди холос Аббосийлардан Мунасир ҳам 861 йили отаси Мутаваккилга қўл кўтарди ва уни ўлдириб халифалик тахтини эгаллади. Лекин олти ойдан ортиқ тахтда ўтиролмади — ўлиб кетди. У ҳам ота ўлдирган деб ёмон отлиқ бўлиб тарихда қолди. Мана энди бунақа тавқи лаянат мирзо Абдуллатифга тамга бўлиб тушди.

Ҳижрий 853 йил рамазон ойининг тўққизинчи куни (1449 йил 26 октябрь) Бугун ҳам Самарқанд одатдагидай уйқудан безовталаниб турди. Эрта саҳардан Регистон теъарағидаги кўчалар, бозор ва расталар тавжум. Аввалгидай ҳар ким ўз юмунин билан овора. Лекин нимагадир бугун кўчада аскар кўп. Суворийлар тишмасиз у ёқ-бу ёққа от чоптириб ўтишади чорраҳаларда ва бозорларда, чойхона ва қаҳвахоналарда миршаблар изғийди. Нима бало, яна урушми? Ё саройда бирои кор-ҳол юз бердимми? Лекин, нима бўлганини ҳеч ким билмасди. Боғи шамолнинг этагида, Суж ариғи бўйида юз берган қотилликдан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. «Қор ёғди — излар босилди» бўлиб кетгандан кейин қанақасига ҳам хабар топсин авом халқ? Шаҳид подшоҳ жасади ўша кечасиёқ яширин тарзда шаҳарга олиб келиниб, ўзининг мадрасаси ҳовлисига кўмиб қўйилди, қабр ўрни эса теп-текис қилиб ташланди. Бу ишни қилганлар ҳам тигдан ўтказилган эди...

Чонар Боғи майдон дарвозасидан ўтганда тун яримлаб қолган эди. Абдуллатиф хали ётмаган. Хобхонанинг бир бурчагида боғ тарафга қараган дарча ёнида ташқарига тикилганча кўнгли гаш, чироқ ёқса ҳам ёришмайдиган бир алфозда ўтирибди Аббос ишнинг удасидан чиқолдимикан ёки Улугбек ва хизматкорлари унинг ўзини даф қилдимикан? Ҳамма гап хожи Муҳаммад Хусравда. Борди-ю, у хоинлик қилиб сирин Улугбекка очиб қўйган бўлса-чи? Мана шу ўйлар унинг қалбини тирнарди, оромини бузган эди. Шу пайт эшик оҳиёста очилиб, хос мулозим кирди ва чонар борлигини хабар қилди.

— Кирсин!

Мулозим девенйрат бир йигитни етаклаб кирди. Йигит тиз чўкиб Абдуллатифга таъзим қилди. Абдуллатиф уни бир кўришда таниди. У Аббос билан бирга Улугбекнинг кетидан борган ўзининг хос йигитларидан экан. У чўк тушди ва хожасининг кўзларига жовдираб тикилди. Абдуллатиф даст ўридан турди ва охиета-охиета босиб бориб унинг қаршисига тўхтади.

— Гашир, не хабар келтурдинг?!

— Подшоҳи олам, Улугбек мирзо жаноби олийлари фойий дувёни тарк этуб охират сафарини ихтиёр қилдилар. Чуқур ҳамдардигимизни қабул этинг, аълоҳазрат.

Чонар кўзига ёш ояди. Хар ҳолда хожаси отадан ажраб турибди. Бошига мусибат тушди-да. Балким Улугбек ўлимида унинг кўзи йўқдир, ўша аблаҳ Аббос уни қозондек салла ўрагаларининг фатвоси билан ўлдиргандир, деган хаёлга ҳам борди у. Лекин Абдуллатифнинг юзида ачинини аломати сезилмади, кўзлари эса қуй-қуруқ эди. У шунчаки кўзларини юзига тортиб «оллоҳу акбар, худо раҳмат қилсин», деб қўйди. Кейин чонардан сўради:

— Анови бадбахт Аббос қойда қолди?

— У йўлда отдан йиқилуб тил тортмай ўлди, аълоҳазрат.

Абдуллатиф «хайрият» дегандай, чуқур тин ояди. Юзига хотиржамлик аломатлари пайдо бўлди, сўнг удайчини чақиртирди.

— Шул мард йигитга заррин чопон кийдирулеун, яна минг динор кепакай инъом ҳам берулесун, мартабаси ўнбошиликга кўтарилесун.

Навқарга совга-салом ва ўнбошилик ёрлиғи тоширилди. Йигит совгани олиб Абдуллатифга чуқур таъзим қилди ва орқаси билан юриб хонадан чиқди. Абдуллатиф останада турган хос мулозимига «кузатиб қўй!» деб ишора қилди. Ўнбошини боғ дарвозаси останасида чошиб ташладилар...

Ота энди йўқ. Амир Темурнинг тожу тахти, мамлакатнинг ишон-ихтиёри энди унинг қўлида. Тўғри, тож дарвогарлари ҳали йўқ эмас, акёинча улар аллақанча: Абдулазиз, Султон Абу Саид, мирзо Абдулла, Абулқосим Бобир, Султон Муҳаммад... Лекин улар эндиликда унинг учу-хавф-хатарли эмас. Абдулазиз Кўксаройда қамокда ётибди. Мирзо Абдулла ҳам ўша ерда. Султон Абу Саидни яқинда Бухоро доругаси тутиб зиндонбанд қилди. У ҳозир Бухоро арки ичидagi зиндонда суварак билан чаёнга ем бўлиб ётибди. Олоуддавла, Абулқосим Бобир ва Султон Муҳам-

мад бу ердан йироқда — Хуросонда. Уларнинг Абдуллатиф билан ишлари йўқ. Улар Шохрухнинг тожу тахтини таланиб бир-бири билан олишиб ётишибди. Хулласи калом, Абдуллатиф энди Мовароуннахрнинг яккаю ягона хожаси, Хуросон билан Ироқ бўлса қочмас. Тангри «ол, қулим», деса тезда бу мамлакатлар ҳам иқтидорли қўлига кириб қолар. Мана шу фикр-хаёл билан Абдуллатиф бирмунча вақт тиккасига қотди, лекин бари бир нимагадир кўнгли ғаш эди.

Эртаси куни Абдуллатиф ҳеч кимни қабул қилмади, ҳатто «зарур юмушим бор», деб ёлиниб-ёлворганига қарамай, айғоқчилар бошлиғи «Вотвот мунажжим»ни ҳам унинг олдига киритишмади. У эшикогага хира пашшадек ёпишиб кўп ялинди.

— Аълоҳазратга айтатурсон муҳим гапим бор, жаноби эшикога. Жуда зарур, подшоҳлик аҳамиятига молик хабар келтургонмен.

Эшикога сўзида туриб олди:

— Аълоҳазрат бугун ҳеч кимни қабул қилмайдулар. Ясовул келмасдин бурун жўнаб қолинг, тақсири олам. Сизда нима кўп — тоза хабар кўп, давлат аҳамиятига молик хабар кўп. Эртага эрталаб келинг, унғача янгилари ҳам топилуб қолур, қўшуб айгурсиз.

«Вотвот мунажжим» бўш келмади, дўқ-пўписи ҳам қилиб кўрди:

— Кейин хижолат бўлуб қоласиз, жаноби эшикога. Яна пушаймон бўлиб юрмангиз. Кейинги пушаймон — ўзиниға душман, деган нақлни эшитмагонмусиз?

— Эшитганмен, жаноб! Лекин бари бир бугун сизни подшоҳ ҳузурига киритмасмен, ахир эртага эрталаб келинг деб айтдим-ку!

«Вотвот мунажжим» энди ҳақорат сўзларга ўтди. Шундан кейин эшикоганинг жаҳли чиқди ва ясовулни чақиртирди. Ясовул рўдапони икки буклаб, даст кўтариб айвондан улоқтирди.

Эртаси куни хуфтон намозидан кейин Абдуллатиф Кўксаройга борди. Ҳеч тарафга қайрилмай тўғри юқори қаватга кўтарилди ва Абдулазиз истиқомат қилиб турган хона олдига келиб тўхтади. Соқчи белбоғидан калитни ечиб олиб қулфни очди. Абдуллатиф эшикдан кирган ҳамона уни ичидан занжирлади. Мирзо Абдулазиз Убайд Зоконийнинг «Ушшоқнома»сини ўқиб ўлтирган экан, шарпани эшитиб, кўзини китобдан олди, оғасини кўриб суюниб кетди, даст ўрнидан турди ва унга қўл қовуштириб

салом берди. Абдуллатиф писи билан кучоқлашиб кўришди, сўнг ога-нин бирмунча вақт гурунглашдилар. Лекин гаплари кўп ҳам қовушмади, Абдулазиз акасининг сўзларида самимият сезмади. Шунчаки қараганда у ўзини подшоҳларга хос тавоноликда тутарди, лекин ичдан қандайдир изтироб чекаётганлиги, нимадандир ҳадиксирётгани кўзларидан кўришиб турарди. «Бир гап борга ўхшайдур», деди ўнча Абдулазиз; ҳайрон бўлди, ўйлади, лекин ўйлаб ўйига етолмади. Охири фотиҳа ўқиб Абдуллатиф ўрнидан турди. Ога-нин яна кучоқлашиб ҳайрлашдилар. Абдуллатиф тилёгламалик қилди.

— Хўб, ҳайр бўлмасам, шахзодам. Сизни, аҳли оилангиз билан парвардигори оламнинг паноҳига тобшурдим, омон бўлингиз.

— Қулдук, огажон. Бахтимизга сиз ҳам омон бўлингиз. Сизни ҳам тағри таоло ўз паноҳида асрасун.

Абдуллатиф эшикка яқинлашиб қолганда Абдулазиз унга мурожаат қилди:

— Падари бузрукворимиздин хабарингиз йўқму? Алар омонму арканлар?

— Хабарим йўқ, тинч бўлсалар керак. Яна ўша расад хонасида осмону фалакни остин-устун қилуб тиштиётгандурлар-да.

Абдуллатиф чиқиб кетгандан сўнг ҳаял ўтмай эшик яна очилди. Абдулазиз китобдан яна кўзини узди. Қаршида икки ясовул билан тағиш жаллод турарди. Абдулазиз салчиб ўрнидан турди ва уларга ташланди. Лекин кучлар тенг эмасди. Бунинг устига Абдулазизнинг қуроли ҳам йўқ. Шундай бўлса ҳам у анча олишди, охири ясовуллар унинг қўлларини қайириб йиқитдилар, арқонлаб устига қоп ташладилар ва ташқарига судраб олиб чиқдилар... Ўша кеча Абдулазизнинг ҳам боши кесилди.

Абдуллатиф шу тариқа яна бир рақибидан қутулди. Энди мирзо Абдулла қолди. Хўш, уни нима қилади? Мирзо Улугбек ақлли, зийрак ва ўқимишли бу жиянини жонидан яхши кўрарди. Шаҳзоданинг айниқса тарих илмига рағбати зўр эди. У машҳур муаррих Шарафуддин Али Яздийдан таълим олган. Балазурий, Табарий, Диноварий, Гардизий, Вассоф, Жувайний, Ҳамдуллоҳ Қазвиний сингари катта олимларнинг китобларини ўқиб ўрганган эди. Илми нуҷум, риёзиёт ва шеър илмидан ҳам хабардор эди. Отаси Иброҳим Султон вафот этгандан (1435 йил 4 май) кейин Шохруҳ икки ёшли набирасини Форсга, отасининг ўригига, ҳоким қилиб тайинлади. Лекин у ҳали балоғат

ёшида бўлмаганлигидан давлат ишлари онаси Рукия бегим билан оталиги Шамсуддин Шерозийнинг кўлида қолди. 1447 йили Форс вилоятини мирзо Султон Муҳаммад босиб олгандан кейин мирзо Абдулла Хиротга қочиб келди ва маълум вақт Олоуддавла билан бирга бўлди. 1448 йили Улуғбек Хуросон устига қўшни тўртиб келганда мирзо Абдулла Тариоб ёнидаги урушда Олоуддавладан қочиб Улуғбекка келиб қўшилди. Улуғбек уни қуёв қилиб олди, доимо қаерда бўлмасин ўзи билан бирга олиб юрди. Ўлимидан уч ой илгари, Жайхун бўйида Абдуллатифга муқобил бўлиб турган кезлари, Улуғбек уни валиахдликка мўлжаллаб ҳам қўйган эди. Энди бу валиахд ҳам Абдуллатифнинг кўлида. У ҳам Кўксаройда маҳбус. Улуғбек мирзога валиахд бўлса бўлар-у, лекин Самарқанд тахтига хожа эмас. Абдуллатиф уни ўлдирмайди, тириклайин зиндонда чиритиб юборади. Абу Саид-чи? У ҳам ҳозир унинг кўлида. Хўш, уни нима қилиш керак? Мирзо Мироншоҳнинг бу набираси мирзо Абдулладан тўққиз ёш катта, ҳаётининг аччиқ-чучугини озми-кўйми тотиб кўрган йигит. У ҳозир йигирма бешга, тўлиб, йигирма олтига қадам қўйган. Айни тўлишган ва етилган вақти. Ақли-хуши ҳам жойида, ҳарб ва сиёсат сулуқларини Абдуллатифдан кам билмайди. Қайсарлик, мутакаббирлик ва мансабпарастликда ҳам ундан қолишмайди. Шу сабабдан Улуғбек уни кўп ҳам ёқтирмасди, лекин ҳарбий салоҳиятини қадрлаб уни доимо ўзи билан бирга олиб юрди, ўзидан йироқлаштирмади. Абдуллатиф унга ҳам тегмасликка қарор қилди. У ҳам зиндонда чирисини. Абдуллатиф арқонини бу қадар узун ташлаб қўйиши бежиз эмасди, бунинг сабаби бор эди. Мирзо Абдулланнинг ўлими Олоуддавла билан Султон Муҳаммадни қаттиқ ранжитиши мумкин, Султон Абу Саиднинг эса Бухорода ҳам, Самарқанда ҳам кучли тарафдорлари бор. Абдуллатиф буни ҳисобга олмасдан иложи йўқ.

Кўксаройга бориб келган кечаси Абдуллатиф яхши ухломлади. Энди кўзи илинди дегунча тушига алланарсалар кирарди: гоҳ жарликдан қулаб кетади, гоҳ қутурган ит болдиридан бир парча гўштини узиб олади. У шу тариқа минг азобда тонг оттирди. Таҳорат олиш учун ўтаётганда айвон устунига суяниб турган «Вотвот муннажим»га кўзи тушди. Айғоқчи подшоҳни кўриши билан икки букилиб салом берди. Абдуллатифнинг нафрати келди. «Яна бирон касофат ишни кўзгаб келди бу иблис», деб ўйлади. Таҳорат олаётиб мулоҳаза қилди:

«Балким зарур бир ган топиб келгандур, ахир уни биз салтапанинг кўз-қулони қилиб кўйгонииз-ку!» Таҳоратхонадан қайтишда унинг саломига бош иргитиб алик олди. Понушта вақтида эса уни хонаини хосга чақиртирди.

— Қани, айт-чи, еркиндик, яна қандаг ган топуб келтурдинг?

— Батъзи амирларингиз, аълоҳазрат, тесқариллик йўлига ўтган кўринадур.

— Кимлар эрқандур алар?

— Идуку барлоос, Рустам барлоос, Сиддиқ барлоос, Султоншоҳ барлоос ва бир-икки тархоний.

— Хўш, алардин не номуносиблиқ содир бўлубдур?

— Алар кеча Шохзизинидада Қусам ибн Аббос мақбарасининг зиёратхонасида қандайдир махфий мажлисида қатнашибдурлар. Уна ерлик шайхларнинг бирини сўраб билдим, мажлисини Бобо Хусайн Туркистоний отлиг бир амир уюштирган эрмин.

— Бу, Бобо Хусайн дегони ким эркан ўзи?

— Шаҳид подшоининг содиқ амирлари жумласинин эрмин.

Бобо Хусайн Туркистоний Абдуллатифнинг эсига тушиди. «Қизик, ахир у астойдил бел боглаб ва садоқат бирлап бизга хизмат қилуб туруб эрди-ку? Ҳа, масала равшан. Ул бадкирдор, ёмон мақсад бирлап ичимизга киргон эркан-да!» Абдуллатиф удайчини чақиртирди. Лайоққинга адрас човон билан бир халта ақча шўбм қиллиди. Шундан кейин тўқсобоини чақиртириб, фитнанинг олдини олиш чораларини кўришини буюрди. «Ул бадкирдор тириклайин тутуб келтурулсун», деб буюрди тўқсобога.

Улугбек ўлдирилгандан сўнг уч кун ўтгач Абдуллатиф Боги чинорда катта зиёфат берди. Дастурхон олтин табақларга тузалган турли-туман мевалар, ширинликлар ва бошқа поз-неъматлар билан тўла, тилла кўзаларда подшоҳ учун махсус тайёрланган мусаллас ва гулоб. Ҳар тарафда наргис чехрали, нари юз машшоқлар дилини эритадиган пагмалар чалмоқдалар, масиҳо-дам хонадалар дилини ўзига ром этиб турли мақомлардан хонини қилдилар: нари юз, фаринша манзар дилбарлар, ой тап, жавзо камарлик маҳбубалар рақсдан етти осмон фарингаларининг ҳам оғзи очилиб бармоқларини тинглаб қолган эдилар... Лекин шундай баъму сафо ҳам Абдуллатифнинг кўнглини ёзолмади. У баъз охиригача тунд бўлиб ўтирди, лекин бугун одатдагидан кўн ичди ва охири қаттиқ

маст бўлиб олди. Баъм поёнлаб қолгач, у имо қилиб ёнига вазири аъзам Камолиддин Абдулвосеини чақирди ва унинг қулоғига нималариндир шивирлади. Вазири аъзам оҳиста ўридан туриб ташқарига чиқиб келди ва ўз ўрнига қайтиб ўлтираётиб Абдуллатифга ер тагидан қаради ва «айтганингиз бўлди» дегандай бошини сил қилиб қўйди...

Баъм тарқалди, лекин бир умр ота-бола қиличини чоғиб келган Идику барлос, Рустам барлос, Сиддиқ барлос, Султоншоҳ барлос ва яна бир неча тархонларни Абдуллатиф тутиб қолди. Амирлар бунинг сабабини билломай ажабландилар. Абдуллатиф ўнг қўлига суяниб аранг ўридан турди, хиёл довдираб кетди, сўнг ўзини тутиб олди. Ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ амирларга захарни сочди.

— Биламен сенларни, ҳар бирингни биламен, обдон яхши биламен. Юзингда табассум-у, лекин қўйинларингга тош солуб олгонсанлар! Сенларга ишонмай дурмен, отаминага хиёнат қиладиглар, куни келиб бизни ҳам ташлаб кетасенлар. Балким энди Абулқосим Бобир хизматиға бел боғлаб тургондурсенлар, ё Султон Абу Саидни банддин бўшатиб, тахтга ўтқизмоқчимусенлар?!

Рустам барлос вазминлик билан деди:

Аълоҳазрат, бизлар неча вақтдин бери сизнинг қиличингизни чоғуб келадурмиз, гуноҳимиз не? Гапларингиз ўринсиз, мирзом!

У яна бир нима демоқчи бўлиб оғиз очган эди, Абдуллатиф шартта кесиб ташлади.

— Бас қил, аблаҳ! Йўқса тилингни сугуриб олурмен!

Султоншоҳ барлос жаҳли қаттиқ чиққанидан бурнининг учигача қизариб кетди.

— Ҳақоратингиз ўрунсиз, мирзом, бизни беҳуда маломат қилманг, биз бунга муносиб эрмасмуз.

Мирзо Абдуллатиф унинг ҳам оғзига урди.

Бу маломатларга чидолмай дурмиз. Керагимиз бўлмаса жавобимизни беринг, мирзо! — Рустам барлоснинг тоқати тоқ бўлганди, гапнинг пўстқалласини айтди-қўйди.

Абдуллатиф ўзини туюлмади, чоғиб бориб Рустам барлоснинг юзига тарсаки туширди, бошқаларини оғзига келган ибора билан ҳақорат қилди. Подшоҳга қўл кўтариш гуноҳи азим ҳисобланарди, шунинг учун амирлар жаҳлга ҳай бердилар ва қўл силтаб бирин-кетин чиқиб кетдилар. Лекин, ташқарида уларни пойлаб туришган экан. Амирлар қилич яланғочлаб турган ясовуллар қўлига тушдилар.

Ясовулар қуролсиз ва кайфи ошиб қолган амирларни бирма-бир чошиб ташладилар...

Богн чинорда базми жамшид бўлган ўша кунни Улуғбек ка садоқат сақлаб, теварак-атрофда яшириниб ётган амирлар, шунингдек мударрислар ва талабалар, косиблар ва олимлар расадхона билан мадрасада пинҳона йиғилдилар. Шаҳид подшоҳга атаб фотиҳа ўқилди, ош берилди. Расад хонадаги фотиҳахонликка Али Қушчи бошчилик қилди мадрасада йиғилганларни мавлоно Бурхониддин кузатди..

Абдуллатиф ўзини олиму фозил қилиб кўрсатиш учун ҳам озмунча ҳаракат қилмади. Туркистон ёки Фарғона сафарларидан бўш вақтларида шаҳар уламосини тўплаб, бирор масала хусусида мубоҳасалар ўтказиб турарди. Бу билан у «илмда отамдин кам эмасмен», демоқчи бўларди. Баъзида жума кунлари масжиди жомеда ўқиладиган хутбани ҳам Абдуллатифнинг ўзи ўқийдиган одат чиқариб олди. Бунақа тартиб халифани Рошидин замониди жорий этилганди. Бу билан Абдуллатиф ўзини биринчи халифаларга: Абубакри Сиддиқ, Умари Хаттоб, Усмони Афъон ва Али Муртазога тенглаштирамоқчи, ўзини ҳар қандай подшоҳ ёки хонлардан юқори кўймоқчи. Баъзида у мадрасаларга бориб дарсларда иштирок этарди. Бу билан у ўзини яна отасига тенглаштирамоқчи бўларди. Тарихчи Мирхонд унинг бир кунни Улуғбек мадрасасида илми наҳв ва сарф дарсида иштирок этганлигини ҳикоя қилади. Бу ҳикояни унга Шамсуддин Муҳаммад Жожирний исмли мударрис сўзлаб берган экан. Ушанда дарсида араб тилида феъл мавзуси ўтилаётган экан. «Феъл, — деб сўз бошлади ўшанда мударрис, — араб лафзида айрим ҳолларда «дахаб» («кетмоқ») сўзи бирлан ҳам ифодаланадур». Абдуллатиф даст ўрнидан туриб, мударриснинг сўзини бўлди: «Форс лафзида ҳам айнан шундоқ ҳол учрайдур, масалаи, «рафтаи» («кетмоқ») деди у» ва мисол ҳам келтирди: «Фалон кас рафт» («фалон киши кетди»).

— Офарин, мирзом, ақду заковатларига ҳасанот! Мударрис икки букилиб унга куллуқ қилди.

Талабалар қарсак чашиб, Абдуллатифни олқинладилар. Абдуллатиф ўзини еттинчи осмонда фараз қилди. У ўзинга ўзи деди: «Мен отамдин ҳам маълумотлидурмен, ул зот илми сарф бирлан илми наҳвини яхши билмайдур эрди, мен эрсам отам уёқда турсини, мударрисдини ҳам ортиқ билурмен».

Абдуллатиф сарой эшикларини машойиҳлар ва дин ула-

моларига келг очиб қўйди. Бу билан у «мен отамга муқобил ўлароқ дини исломга равлақ берурмен», демоқчи эди.

Шу тариха олти ой ўтди. Абдуллатиф мамлакат ишида ўта қаттиққўллик билан иш тутди. Бирон киши, хоҳ у ва-зир бўлсин, хоҳ амир ёки оддий сарой хизматчиси бўлсин, унинг бир гапини икки қилолмас, йигинларда унинг ижозатсиз мамлакат аҳволидан сўз очолмас, очиқ фикр айтишга ботинолмас эди. Бундай киши ҳоли не кечиши ҳаммага аён эди. Абдуллатифнинг хос мулозимларидан бири тарихчи Абдураззоқ Самарқандийга, Абдуллатиф ўлдирилгандан кейин, мана бундай деган экан: «Самарқанднинг жами умароси ва ақобирлари анинг дагал гаплари ва хатти-ҳаракатидин мажруҳу абгор бўлдилар. У на кексани ҳурмат қилар ва на кичикка мурувват... Халойиқ кимга арз-дод қилишни билмасди... Мен анинг яқин махрами эрдим. Уни ўлдириш ҳақида бўлгон мажлисдин хабарим бор эрди, лекин Абдуллатифнинг қаҳридан кўрқ-қонимдин онга бу ҳақда бир нима демадим».

Қаранг, Абдуллатиф зулми унинг хизматида бўлганларнинг ҳам жўнига тегибди. Қолаверса, ҳамманинг сабр косаси тўлиб тошди. Абдуллатифдан норози бўлмаган одамнинг ўзи кам қолди. Унинг номига хутба ўқилган кунни қасида битган бир кекса шоир ҳам бир кун китоб-фурушлар растасида бу ишидан пушаймон бўлганини очиқ-ошқора айтган. Мана ўша шоир қасидасидан парча:

Бобонг зулми замон юзидин ювиб ўтди,
Одил отанг адолат отини қувиб ўтди.
Муборак эгинингаким салтанат тўни битди,
Ҳарна қодирсен кўрсат, эй, навбат кунни етди.

— Садқайи анго салтанат чопони, ул махлуқ олти қари бўзга муносиб эркан,— деди йигинлардан бирида Бобо Ҳусайн Туркистоний.

Хулласи калом, Улуғбек билан Абдулазизнинг Абдуллатиф киргинидан бир илож қилиб жон сақлаб қолган амирлари ана шу Бобо Ҳусайн Туркистоний деган кекса амир теварагига уюшдилар. Уларга умуман Абдуллатифдап безор бўлган бошқа амирлар ва хизматкорлар ҳам қўшилдилар. Шайхулислом Бурҳониддин ҳам Бобо Ҳусайн Туркистоний тарафига ўтди. Фитначилар 854 йил рабъи ул-аввал ойининг 25 кунни (1450 йил 8 май) қош қорайганда Улуғбек мирзонинг Кўҳак ариги этагида, расадхонага туташ боғчасига тўпландилар. Абдуллатифни

орадан кўтариб ташлаш режасини маъна шу ерда пиштиб олдилар. Мажлис қисқа бўлди. Асосий фикрни Бобо Хусайн Туркистоний билан шайхулислом Бурҳониддин айтди. Гапни Бобо Хусайн бошлади:

— Муҳтарам жамоа! Маълумингиз, мирзо Абдуллатиф туққан отасини ўлтирди, туғишгон инининг бошини кесди, бир умр жонини жабборга бериб темурийлар хонадонининг қиличини чопғонларни ҳам аямайин ёсоққа еткурмоқда. Эл-юрт аро зулму бедодлигини кучайтирди. Жонимизни ҳовучлаб ушбу манзилга йнгилогимиз боиси шулким, онинг тадбирида не иш қилмоқ даркорлигини маслаҳатлашиб олмакдур. У золимни ўртадин кўтариб ташлаш фурсати етди, бу бадкирдорнинг золим илгини мазлумларининг этагидин юлуб ташлаш вақти келди. Хўш, онинг тадбири қандог бўлгай? Кимнинг қандай фикр-мулоҳазаси бор? Жамоа йўқ демайтургон бўлса, мавлоно Бурҳониддин жанобларининг бу хусусдаги фикр-мулоҳазаларини эшитсак.

Шайхулислом Бурҳониддин шөшилмай руҳонийларга, умуман зиёлиларга хос салобат ва вазминлик билан сўз бошлади:

— Мирзо Абдуллатиф Шохрух мирзо бирлан маҳди улё Гавҳаршод бегимнинг арзандаси. Алар мирзонинг таълим-тарбияси борасинда ҳеч нимарсани аямадилар. Шу сабабдин ҳам ул жаноб зукко, фаҳм-фаросатлик, кўп илмлардин хабардор бўлуб етишдилар. Дунёвий билимларни, хусусан, тарих, шеър, наҳву сарф ҳамда нужум илмларида тенгқурларидин мумтоз бўлди. Ва яна шаҳзода диний илмларни ҳам хўб биладурлар. Диний масоил ва илмларнинг далоилини мушкулотсиз ечиб бера олиш даражасига етдилар. Локин, афсусу надоматлар бўлгайким, ҳасад-гўйлик, тангназарлик ва мутакаббурлик каби иллатларнинг гўбояи мирзо Абдуллатифнинг дил ойнасини занглатган кўринадур. Шаҳзодага ёпишгон хунук сифатлар, валлоҳу аълам, бегим жаноби олиялари саъий ҳаракатининг самарасига ўхшайдур. Магар онинг мезожи ушбул иллатлардин ҳоли бўлгонда эрди, падари бузрукворидек одил подшоҳ ва забардаст олим бўлур эрдилар. Минг афсус, минг афсус жаноблар!

Шайхулислом ўйга толди. Бошқа гапирувчилар бўлмади. Лекин ҳаммининг кўзиде Абдуллатифга нафрат, уни маҳв этишга истак учқунлари ёниб турарди. Ўтирганлардан кимдир баланд овоз билан: «Ул бахти қаро эмди тожу тахтга муносиб эрмас!» — деди. Қолганлар: «Тўғри,

эмди онга тириклар орасида ўрин йўқ!» — деб унинг сўзларини қувватладилар.

Бобо Хусайн Туркистоний кенгашга яқин ясади:

— Биз ўликлар ва тириклар отидин надаркуш Абдуллатифни ўлимга ҳукм қилурмиз, омин!

Йиғилганларнинг барчаси Бобо Хусайнга эргашиб, қўлларини фотиҳага очдилар:

— Оллоҳу акбар!..

Раъби ул-аввалнинг 25 кунидан 26 кунга ўтар кечасини мирзо Абдуллатиф Боғи майдонда ўтказди. Шу кунги мажлисга амирлар ва бошқа олий мартабали зотлардан бироитаси таклиф этилмади. Бошқа эшикка, хожа саро, хизматкорлар, қоровуллар ва Абдуллатифнинг хос чухраларидан бошқа ҳеч ким киргизилмади. Абдуллатиф бу кечани фақат парилар ва малакенимолар даврасида ўтказишни ихтиёр қилган эди.

Хожа саро Абдуллатифдан базм хусусида кўрсатма олгандан кейин ҳарамдагиларни кундузиёқ қаттиқ оғохландирди:

— Валинеъматимизнинг кайфияти бугун ҳам дуруст эрмас, балки илгаригидин бир баҳра хунукроқ кўринадур. Не қилсак ҳам ул жанобнинг муборак кўнгилларига қувонч ва шодлик бағишламоғимиз лозим. Локин ниҳоятда ҳушёр бўлмоғимиз даркор.

Хожа саро шу пайт қаршисида минг позу карашма билан «мени ҳам олинг» деб турган Дорияга қараб ўшқирди:

— Кўп жилпиллама Дория! Аълоҳазратнинг бугун рақсга майллари йўқ кўринадур.

Сўнг хожа саро «бугун подшоҳнинг хилват базмига сен, сен, сен ва сен борурсен», деб созанда ва хонанда қизлардан Робия, Зулфия, Маҳбуба ва Матлубаларни тайин қилди. Чоғирчилик ҳам, дастурхончилик ҳам ўша тўрт канизак зиммасига юклатилди.

Базм мажлиси хуфтон намозидан кейин бошланди. Мажлис бу сафар одатдагидай қасрнинг катта меҳмонхонасида эмас, балки боғ ўртасида, ислимий ва хитой услубида қурилган Миён сарой деб аталувчи олти хонадан иборат шпнамгича бинонинг меҳмонхонасида ўтди. Бу бино бир вақтлар Улугбекнинг дарсхонаси эди, давлат ишларидан фориғ бўлган пайтлар, кўпинча кечалари, шу ерда китоб мутолаа қилар, илмий иш билан шугулланарди. Мурасса дастурхон яқинида Абдуллатифнинг буюртмаси

билан оёқлари шер панжасига ўхшатиб яратилган катта хон устига ёзилди. Унинг устида махсус асралган узум, олма, анор, тармевадан тортиб то барра қабоб ва самбу сагача зўр дид билан терилганди. Тилло кўзачаларда сара мусаллас ва гулоб, ёшида биллур қадаҳлар. Баковул боши таомлардан бир-бир тотиб кўрди, тилло кўзачалардаги мусаллас билан гулобдан ҳам бир қултум-бир қултум ташовул қилди, сўнг базм ахлига қуллук қилиб чиқиб кетди.

Одат бўйича бир-икки пиёла чой ичилади, сўнг Робия биллур қадаҳларни тўлатиб, аввал шаҳзодага, сўнггра дугоналарига бир-бир узатди. Маишат бошланиб кетди... Бир оз фурсат ўтгач, мирзо Абдуллатифнинг ишораси билан қизлар мусиқа асбобларини қўлга олишди: Робия дуторни, Зулфия қонунни, Маҳбуба гижжакни, Матлуба эса добни қўлга олди. Бог узра дилни ўртовчи кўшиқ янгради:

Невчун ғазабда жонон, не муддаоси, айтгил?
Уткинчиму аҳд-паймон ё сўбх сабоси айтгил?

Бўлмаё сабабени аёлю бу шўхлигу дилбарлик,
Бу шўхлигу саркашлик, қайда адоси, айтгил?

Юшда бор малохат, қаддида бор зарофат,
Бу кун замонга нера борму қилбис, айтгил?

Ишиқ нера кимни бемор бўлеа йўқдир давоси,
Бир дам маҳбуб жамоли ошиқ давоси, айтгил?

Дилсизлара лутф этмак айб эмасдур, эй жонон
Ошиқлара раҳм отур хатто худоси, айтгил?

Ҳар кеч димоғимга ол зулфи неини келтурур,
Ҳамрозу ҳамдам анго боди сабоси, айтгил.

Файх Балобатийн невчун арзон сотурсен,
Хожа, ақлинг олган ул рақиб ошноси, айтгил

Қизлар кўшиқни зўр маҳорат билан ижро этдилар. Ҳар қанақа дардга чалинганнинг ҳам кўнглини ёзадиган, ошиқларнинг ярасига малҳамдек босиладиган кўшиқ бўлди бу. Абдуллатиф мирзонинг ҳам дили бирмунча ёришди. Икки кўлини хил кўтариб қарсақ чалди, сўнг майкўзага ишора қилди. Бу сафар қадаҳларни Зулфия тўлатди. Мирзо қадаҳни олмай, унинг белларида қучди. Зулфия унинг тизасига ўтириб майни ўзи ичирди «хурушига бу».

деб "мирзо унинг юзларидан тўйиб-тўйиб ўиди. Шу кеча Абдуллатиф кўн хурсандчилик қилди, кўн ичди, қизларни навбатма-навбат қучоғига тортди. «Яраланган дилга туз сепувчи майкисе бўлди-да», — деди у ўз-ўзига. Сўнг қар-сак чалиб хизматкорни чақирди.

— Бориб хожя сарога айт, кеча бизга атаб келтирил-гон тортиқни олуб чиқеун.

Хаял ўтмай хожя саро ўн беш-ўн олти бешга борган ўрта бўйли, қадди-қомати келинган чиройли бир қизни етаклаб кирди. Истарианг нафисе кўйлак ва бекасам кам-зул унинг позик ошноқ бадашига жуда ярашган, бошидаги товус сурати солинган хитойи инак рўмол унинг кулча-дай чиройли юзини хиёл ёниб турибди, қошиқдай обқла-рида бети, усти ва рангига зар бериб тикилган чиройли амиркон кафш...

Бу позик-ниҳол нари-пайкар Ургут беги Тоймасбек-нинг қизи экан. Кеча «Вотвот муннажим»нинг хотини да-рам бекаси Биби Таманно билан бирга Ургут бориб, бекни алдаб-сулдаб кўйдириб қизини Самарқандга олиб кели-шибди. Асли қизалоқ Биби Таманнога ҳам бегона эмасди. Тоймасбек Биби Таманнонинг кўз очиб кўрган эри эди. Тоймасбек бир вақтлар Улугбекнинг қушбегиларидан бўлиб, сағбонлик мансабида турган вақтда ўша Биби Таманнога уйланганди. Биби Таманнонинг ўзига ёққан эр-каклар билан ниҳона дон олишиб турадиган одати бор экан. Тоймасбек уни бир кун кунна-кундузи ясовулбо-ши билан тутиб олди; шу заҳотиёқ уч талоқ қилиб этак қоқиб уйдан чиқиб кетди. Улугбек қушбегини яхши кў-рарди. Воқеадан хабар тонгач, гап-сўз кўнаймасин, деб қушбегини Ургутга ҳоким қилиб юборди. Биби Таман-нони «Вотвот муннажим» хотин қилиб олди. Орадан икки ой ўтар-ўтмас Биби Таманно қиз кўрди, лекин «қулдан тарқалган қурбонликка ярамас», деб уни қўлига ҳам олмади. Чақалоқни Ургутга олиб бориб бердилар ва уни Тоймасбекнинг саховатли онаси Ризвои биби боқиб кат-та қилди...

Абдуллатиф остонада нийманибсига турган бу қизга бир қаради-ю, тамом вуждига ўт кетди:

— Кўрқмангиз, яқинроқ келингиз, бибиचा.

Абдуллатиф қўли билан имо қилиб, уни ёнига чорлади. Лекин қизча, боргани Биби Таманно яхшилаб уқдириб қўйганига қарамай, нима қилишини билмай тураверди. Сал орқароқда турган хожя саро эгилиб шивирлади:

— Эгил, мирзога қуллук қил!

Қиз эгилиб салом берди, лекин турган жойидан қимир-лоямади. Қимдир оёқларини ерга михтаб қўйгандай эди.

— Боракалло, отағизга раҳмат, бибича. Сизни биздек содиқ қўлига еткургон эгамга шукур.

Абдуллатиф ёнида виқор тўкиб ўлтирган Зулфияга маънодор қараб қўйди. У мирзонинг жуда қўи хилват базмларида бўлган, унинг нима демоқчилигини кўзидан биларди. У даст ўрнидан турди ва қизалоқни етаклаб келиб мирзонинг ёнига ўтқизди.

— Май келтурулсун!

Маҳбуба икки биллур қадахга шароб тўлатиб мирзо Абдуллатиф билан унинг янги маҳбубаси олдига қўйди.

— Сизнинг сихат-саломатлигингиз, кулиб боқсувчи бахтингиз учун, бибича!— Абдуллатиф майни охиригача сипқорди, қизалоқ бир-икки хўплаган бўлиб, қадахни охистагина хоннинг четига қўйди. Абдуллатиф хиёл ўғирилиб сўради:— Малол келмаса пемингизни айтингиз, бибича.

Бу ердаги оддийгина ҳолат, мирзонинг хушмуомалалиги қизалоққа таъсир қилди шекилли, аввалги ҳаяжони бир оз босилди, аста-секин ўзига кела бошлади. Ийманибгина жавоб қилди.

— Баҳринисо.

Абдуллатиф қистови билан тагин май сузилди. Мирзо тагри таоло етказган бу мўъжиза туфайли хурсандчиликдан анча-мунча ичиб қўйди, кайфи ошиб, қўлларига эрк бера кетди. У тез-тез қўлини Баҳринисонинг елкасига ташлар, аҳён-аҳёнда уни тўшига тортар, хитойи рўмолини хиёл кўтариб қўйиб ширмондай юзларидан бўса узарди...

Қанизаклар шаҳзоданинг муҳаббатини янги-янги қўшиқ айтиб рағбатлантириб турдилар. Бу гал улар суюкли қизга атаб қўшиқ айтдилар.

Абдуллатиф учун ҳам, бошқалар учун ҳам бир умрга эсдан чиқмайдиган бу ўлтириш, бу базми-жамшид тонг отгунча давом этиши ҳам мумкин эди-ю, лекин қанизаклар ишни бузишди. Улар мирзо кўнглига ёқмайдиган қўшиқ айтиб қўйишди:

Қимки бул водига келса, бошига давлат келур.

Юрса қим омад йўлидин омаду ҳинмат келур.

Шоҳлар ноғорасидин етгой қулоққа бу нидо:

Қи, сарой подшолара навбатма-навбат келур.

Кўшиқ шу ерга келганда Абдуллатиф хонга шундай қаттиқ зарб билан мушт урдики, бўшаган ёки ярим-ёрти бўшаган тахсимчалар чил-парчини бўлди.

— Яна қандоғ навбат?! Бу нидо сенларнинг узун кулоқларингга қойдин келди? Йўқол кўзимдин, мочағарлар, ҳамманг йўқол!

Абдуллатиф кўлидаги қадахни канизакларга қараб отди. Канизаклар зог қувлаган мусичадай ўзларини эшикка урдилар. Бир зумда меҳмонхона бўм-бўш бўлиб қолди. Бир вақт Абдуллатиф Баҳринисони ўйлаб ёнига қаради. Хайриятки, у учиб кетмабди, шу ерда экан. Абдуллатиф унга илтижо назари билан боқди:

— Мана, кўрдингму, жоним, мени бу даргоҳда ҳамма ёмон кўрадур, ёлгузмен бу оламда. Ҳеч бўлмаса сен ташлаб кетма мени.

Абдуллатиф ўзини Баҳринисонинг қучоғига отди ва шу зайилда учиб қолди...

Шу кеча Абдуллатиф ёмон ухлади, тун бўйи алахсираб чикди, ёмон тушлар кўрди. Азонга яқин қаттиқ ухлаб қолган экан, яна туш кўрди: ёши олтмишлардан ошган барваста, серсоқол бир одам унинг олдига мис табоқ келтириб қўйди. Абдуллатиф ёпқични олиб қараса мис табоқда ўзининг кесилган боши эмиш. Кўрққанидан додлаб юборди ва ўз овозидан ўзи уйғониб кетди. «Хайрият-ей, туш экан бу», деди у ўз-ўзига, сўнг токчадан Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сини олиб тўғри келган жойини очди. Очилган варақда мана бу байт битилган экан:

Падаркуш подишоҳиро нашояд,
Агар шояд ба-жуз шеш моҳ напояд.

Яъни:

Шоҳ бўлмас отасин ўлдиргон одам,
Ошмас олти ойдин магар бўлса ҳам.

— Э, танграм, бу не кўргулик? Шайх Низомий ушбу байтда кимни назарда тутгон эрканлар?

Абдуллатиф титраб-қақшаганча бир вақтларгача гоҳ ҳуш, гоҳо беҳуш бўлиб ўлтирди, хаёл денгизига чўмди, бутун умри кўз олдига келди. Ҳа, энди эслади — бу шеър не боис ёзилгани ва кимга аталгани маълум. Фаҳриддин Розийнинг «Ҳадонқ ул-анвор» («Нурлар боғи») китобини Абдуллатиф Ҳиротда, Бойсунқур мирзо кутубхонасида кўрган, ўқиган ва ёқтириб қолиб ундан пусха кўчиртириб олган эди. Лекин ҳозир бу китоб унинг ёнида эмас, Самар-

қанда ҳам йўқ. Китоб Ихтиёрдин қалъасида катта китоб сандугида хазинаси билан бирга қолиб кетган. Тарихда ўтган падаркушлар ҳақида мана шу «Хадомқ ас-сехр»да ёзилган. Падаркушларнинг номлари ҳам эсига тушди. Булардан бири — Шеруя. Сосонийлар сулоласидан Қубод I нинг ўғли. Яна биттаси Мунтасирдир.

— Ҳа, даҳшат бу! Наҳотки, биз Шеруя бирлан Мунтасирнинг ишини тутдик? Йўқ, бундай бўлиши асло мумкин эрмас. Шеруя бирлан Мунтасир отоларини ўз қўллари билан ўлдиргон бўлсалар, биз эрсак отамизга қўл текизгонимиз йўқ. Ул жанобни малъун Аббос ўлдиргон, биз эрсак бу қотилни жазога тортдук.

Абдуллатиф нима қилса ҳам ўзини оқлашга уринди. Лекин шу пайт қаёқдандир нидо келди:

— Йўқ, тақсирим, сиз ҳам падаркушлар рўйхатиغا тиркалгонсиз, Шайх Низомийнинг ушбу шеъри сизга ҳам тааллуқли.

— Э, парвардигори олам. Наҳотки, мен ҳам падаркуш бўлсам. Мени бу маломатдин ўзуниг қутқор!

— Йўқ, шаҳзодам, сизни эмди ҳеч ким ўз ҳимоясига ололмайду. Ўз қўли билан ўлдирдим, одам ёллаб ўлдирдим, онинг не фарқи бор?! Ҳимоячи қидириб овора бўлманг, далил-дастак ҳам ахтарманг, шаҳзодам, сиз ҳам падаркушсиз. Отангизнинг ноҳақ тўкилгон қони сизни чорлаб турибду, охират сафарига ҳозирлигингизни кўрингиз, хазратим.

Абдуллатиф салчиб ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Кўзлари тиниб, боши тарс ёрилиб кетгундай бўлди. Кечкурунги кайф-сафодан асар ҳам қолмаган. Қўл-оёғи дирдир титради. Наҳотки, ҳаёти битган бўлса?!

— Йўғ-э, бу туш-ку, ахир! Тушда нималар бўлмайди? Йўқ, ўлмайди у. Ҳали олдида не-не юмушлар турибди.

Абдуллатиф ўзини бир оз овуtgандай бўлди, сўнг таҳорат олиб бомдод намозини ўқиди. Жойнамоз устида кўп ўтирди, қўл очиб тангри таолога илтижо қилди, йиғлади, ялинди, ёлворди, ундан марҳамат ва ёрдам сўради. Сўнг нонуштага ҳам қолмай бу даҳшатли манзилдан тезроқ кетишга қарор қилди, юртчини чақиртириб, кўчвиш ҳозирлигини кўришни буюрди.

Абдуллатиф жўнаш олдидан хобхонага кирди ва остонада турганича бирмунча вақт ҳеч нарсадан хабари йўқ ширин уйқуда ётган Баҳринисога тикилиб турди. У хитойи зангори чойшабга маҳкам ўранганича қаттиқ ухлар эди.

Тимқора узун сочлари эса нар ёстиқдан тушиб тўзиб ётарди...

Мирзо Абдуллатиф отга минди ва мулозимлари билан Боги майдон дарвозасидан чиқиб шаҳарнинг гарби-жанубий тарафида жойлашган Боги чинорга йўл олди. Лекин бу унинг охириги сафари эди. Йўлда Бобо Хусайн ва унинг ҳамроҳлари кўйгап тузоққа илинди. Мирхонд ва «Тарихи Абудхайрхоний» китобининг муаллифи воқеани бундай хикоя қиладилар: «Жангу жадалларда Рустами дoston ва Исфандиёрдеқ бўлгон ва Абдулазиз мирзо тарафидин мартабаси юқорилатдирилгон Бобо Хусайн баҳодир икки номдор подшоҳ: Улугбек Кўрагон бирлаи мирзо Абдулазиз шахид этилгонларидин сўнгра қасд қилуб бадкирдор Абдуллатиф мирзонинг хизматига кирдилар ва кеча демайин, кундуз демайин онга тиришиб хизмат қилдилар, аймо қалбида онга кина сақлаб, ул бадкирдорни маҳв этиш хаёли бирлаи юрдилар. Бобо Хусайн баҳодир ўша куни камонни елкага осуб, жонни шу ишга тикди, содиқ навкари бирлаи Абдуллатифнинг йўлини ноилади. Шаҳзоданинг навкари Чорроҳа дарвозасидин ташқарига чикди ва тор кўча бўйлаб йўлга тушди. Кўчанинг бир тарафи жарлик бўлуб, иккинчи тарафи Боги навнинг баланд девори эрди. Бобо Хусайн баҳодир ва онинг навкари от устида йўл четидаги катта қайрағоч орқасида пойлаб турдилар. Абдуллатиф аларнинг ёнгинасидин ўтиб кетди, локни беш-олти қадам ўтгач, Бобо Хусайн камонни елкасидин олди ва уни ўқлаб шаҳзодани аниқ нишонга олди. Абдуллатиф фақат «Олло, ўқ тегди!» деб айтишга улгурди, холос. У отдин қулаб тушди ва шу тондаёқ жон берди. Ўқ анинг чап курагини тешиб ўтиб юрагига қадалгон эркан. Мирзонинг мулозимлари олди-орқасига қарамайин тум-тарақай бўлуб қочдилар. Бобо Хусайн баҳодирнинг навкари чопуб боруб Абдуллатифнинг бошини кесиб олди ва хуржинга солди. Падаркуш Абдуллатифнинг бошини шу пайтнинг узидаёқ Регистонга олуб боруб мирзо Улугбек мадрасасининг пештоқига осуб кўйдилар».

Бу воқеа 854 йил раби ул-аввал ойининг 26 кунда (1450 йил 9 май) содир бўлди.

Уч кунгача Регистондан одам оёғи узилмади...

Акобир, умаро ва шаҳар уламоси ўша кунидёқ мирзо Абдуллани Кўксаройдан олиб чиқдилар ва уни подшоҳ кўтардилар. Инги подшоҳ номига хутба Улугбек мадрасасида шайхулислом хожа Бурҳониддин томонидан ўқилди.



АБАДИЯТ

Бемурувват фарзандининг отага қилган шафқатсизлиги ҳаммага қаттиқ ботди. Ғаму андуҳ узоқ вақтгача кўнлар қалбини ўртади. 1449 йил 25 октябрдаги фожиадан кейин расадхонадаги муҳосиб ва мунажжимларнинг кўпчилиги: «Абдуллатиф эми Мирзо Мироншоҳнинг ишини тутмасму эркан» деган шубҳага бориб, тўғри келган тарафга қараб қочиб қолдилар. Мироншоҳ бир вақтлар ов пайтида отдан йиқилиб боши лат егандан кейин тўғри келган ерда, учраган одамга: «Биз отамиз қурғон иморатларни, ишқолло, бузиб ташлагаймиз», — деб очиқ-ошқора айтган гапи ҳаммаининг эсида эди. Хусусан Табризда шу қабилда тутган баъзи ишларини ҳамон бозор-ўчарда одамлар оғиздан қўймас эди. Кўпчилик Самарқанддан кўчиб кетди-ю, лекин Али Қушчи кетмади.

— Тангри-таолонинг иноятисиз ҳеч нимарса бўлмаган, — деди у бир куни невараси Миримга. — Биз олам-панох устозининг хокларини ташлаб ҳеч ерга кетмайдурмиз.

— Буважон, мен сиз билан қолурмен, — Мирим буважининг бўйига осилиб пиқиллаб йиқлади. — Менни дадам билан онамга бермангиз, буважон! Сизни ташлаб ҳеч қаерга бормайдурмен.

Фожиага олти ой бўлди, падаркуш жазосини тортди. Шундан бери кўп воқеалар кечди. Лекин, бари бир Али Қушчи ўзига келолмади, ўша мудҳиш дамлар унинг хотирдан кўтарилмади. Тез-тез оғриб уйда ётадиган бўлиб қолди. Хотини Буойша эрининг ўнгланиб кетолмаганидан ташвишланиб тез-тез Миримни мавлоно Бурхониддин Нафиснинг уйига юборарди...

Табиб ташриф буюрган куни кечкурун Али Қушчининг куёви билан қизи хайрлашгани Дарби Сўзангаронга келишди. Улар тун яримдан оққанда Румга жўнаб кетишлари керак эди. Бу хусусда улар ўтган ҳафта келишиб олишганди. Шунинг учун ҳам Ойша билан Муҳаммад кўп ўтиришмади. Бир пилладан чой ичишди-ю, отадан фотиҳа сўрадилар. Али Қушчи аллақандай бўлиб кетди. Валинеъматининг доғи ҳали юрагини ўртаб турган бир пайтда яна бу жудалик ҳам бормиди?! Энди уни фарзандлари бир умрга ташлаб кетишяпти. Дийдор насиб бўлармикан яна? Али Қушчи бошини қуйи солиб хаёл суриб кетди. Бир оздан сўнг бошини кўтариб болаларининг кўзига боқди. Куёви сафар ташвишлари билан нина устида ўтиргандай безовта эди. Ойша бўлса пиқиллаб йиғлаётган эди. Миримнинг кўзлари ҳам намли.

— Қани, Миримжон, кетайлик эмди, — деди Муҳаммад ўғлига.

Мирим бувасига ялт қаради, унинг маънос ўлтирганидан хўрлиги келиб йиғлаб юборди.

— Буважон, сизни ташлаб ҳеч ерга бормайдурмен. Мени олиб қолинг, буважон, — деди зорланиб.

— Болам, кўпам куюлма, — бувиси унинг кўнглини кўтарган бўлди, — биз сени ҳеч кимга бермайдурмиз.

Чол-кампирнинг гамгин кайфияти, боланинг зор-зор йиғлаши Ойша билан Муҳаммадга ҳам таъсир қилди. Эр-хотин бир-бири билан кўз уриштириб олдилар. Панжанинг унисини тишласанг ҳам оғрийди, бошқасини тишласанг ҳам. Жигарбандларини қолдириб кетишга қандай кўзлари қияди? Бу кўргиликка Муҳаммад-ку кўп ўтмай кўникиб кетар, лекин Ойша чидай олармикан?

— Қани, эмди не қилсак эркан, Ойша? — деди Муҳаммад хотинига.

Ойша билмадим деган маънода елкасини қисди. Кейин чидолмай хўнграб йиғлаб юборди, ва ўзини отасининг оёқларига отди.

— Дада, сиз ҳам, онам ҳам биз бирлан бирга кета қолинглар.

— Ташаккур, болаларим. Локин азиз устознинг хокларини ташлаб кетолмайдурмен, — шундай дея Али Қушчи Мирим хусусида мулоҳазага борди, унинг қўлларини елкасидан оҳиста олиб қўйиб, юзи ва пешонасидан ўпди, сўнг ёнига ўтқизиб мурожаат қилди: — Қани, ўғлим, ўрнингиздин турингиз. Падарингиз бирлан онайи зорингизни кут-

дириб қўймайлик. Аларнинг ҳали қилатургон юмушлари бор, йўл эрса огир ва олис.

— Йўқ, буважон. Сизни ташлаб ҳеч ерга бормайдур-мен.

Мирим бувасига осилиб, яна бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. Али Қушчи изтироб исканжасида қолди, қалбини қандайдир огир туйғу эза бошлади. Лекин, қариб-қартайиб қолганиданми, ё азалдан ўзи дийдаси қаттиқмиди, кўзлари қуппа-қуруқ эди. Энди Ойша қайрилиб эрининг кўзларига боқди. Муҳаммадга ҳам осон эмасди. У, куёвлигидан ташқари, кўп йил расадхонада шу кекса одам билан ёнма-ён туриб ишлаб, ундан кўп нарсаларни ўрганди. Шунинг учун ҳам қайнотасини кўп ҳурмат қиларди. У бир хўрсиниб олгач, деди:

— Майли, дада, Миримжон сизлар бирлан қолсун. Ани сизларга, сизларни эрса таңгри-таолонинг ҳимоясига тобшурдик. Эмди бизга оқ фотиҳа беринглар...

Бир куни эрталаб Али Қушчи расадхонага борди, лекин ичкарига киришга юраги дов бермай, остонадан қайтди. Шу-шу бўлди, у кўп вақтгача, бу даргоҳга оёқ босмади.

Бир куни уни мирзо Абдулла саройга чақиртирди, ҳолаҳвол сўраб, кўнглини олди, навозишлар кўрсатди. Кейин, гапни чўзмай, муддаога ўтиб қўя қолди:

— Дунё дегани ўзи бевафо эркан, мавлоно. Бевақт ўлим ҳазрати амакимизни орамиздин юлуб олди. Эмди сиздин ўзга суянчигимиз йўқ эрур. Сизни йўқлатишдин мурод, бундин буёғи каминанинг ёнида бўлсангиз.

Али Қушчи расадхона нима бўлади, дегандай кўз остидан унга нигоҳ ташлади. Мирзо зукко йнгиб эди, олимнинг асл муддаосини дарров пайқади:

— Расадхона ишини йўлга солиш ушбул айёмда мушқулга ўхшайдур, мавлоно. Муннажим ва муҳосибларнинг кўпчилиги ҳар тарафга тарқалиб кетгани жанобларига аёндур. Ва яна, билакс, хазинада ақча ҳам йўқ.

Али Қушчи мирзо Абдулланинг қўлидан ҳеч нарса келмаслигини пайқади. Ветоблигини баҳона қилди-ю, мирзога миннатдорчилик билдириб, қабулхонадан чиқди.

Сираси мирзо Абдулланинг ўзи ҳам расадхона ишларини интизомга солиб, шу одам тириклигида амакимининг битмай қолган ишларини поёнига отказиш илтида эди. Лекин, сармоя камчилигидан ташқари, эл-юртнинг ҳамон алғов-далғов бўлиб тургани ҳам бу муддаони рўёбга чиқаришга имкон бермади.

Ўша куллари эшикога саройга ҳожини Муҳаммад Хусравни етаклаб кирди. Мирзо амакисининг жасади қаерга дафн этилганини билолмай, хуноби ошиб юрган эди. Ясовуллар уни Кеш вилоятидаги ҳазрати Башир мазоридан топиб келишибди. Уни итобга олишга ҳожат ҳам бўлмади. Ҳожини Муҳаммад Хусрав воқеани оқизмай-томизмай айтди. Эртаси куни мирзо Улугбек жасаднинг илгари кўмилган жойидан олиб Гўри амирга дафн қилдилар. Қабр устига хотира лавҳаси ҳам ўрнатилди. Мирзо Абдулланинг бирдан-бир яхши иши шу бўлди.

Мирзо Абдулла бор-йўғи бир йилдан сал кўпроқ (1450 йилнинг 9 майдан — 1451 йилнинг 21 июнигача) ҳукмронлик қилди. Бутун вақти уруш-талаш билан ўтди. Кўпроқ Султон Абу Саид ва Олоуддавлага қарши курашди. Шу сабабдан амакисининг илмий ишларини давом эттириш хуеусидаги нияти ушалмай қолди.

Мирзо Абдулланинг энг хавфли рақибини Султон Абу Саид эди. Бу тадбиркор одам тарафдорлари оз эмасди. Бундайлар айниқса Бухорода кўп эди. Абдуллатиф ўлдирилганлиги ҳақида хабар олинishi билан Бухороини шарифининг казо-казолари ифтихор ул-уламо Шамсиддин Муҳаммад Арқуқий бошчилигида Абу Саидни зиндондан халос қилиб, уни подшоҳ кўтардилар. Сўнг Султон Абу Саид қўшин тўплаб Самарқанд устига от сурди. Лекин муродига етолмади. Пойтахт ёнида бўлган урушда мирзо Абдулланинг қўли баланд келди. Султон Абу Саид қолган-қутган одами билан Ясси ва Саброн тарафларга қочди.

Орадан кўп ҳам ўтмай Ҳисордан «Олоуддавла катта қўшин билан келуб, Шопурком, Балх ҳамда Ҳисор вилоятининг бир қисмини босиб олди ва Самарқанд фатҳига қўл уриш тараддудида турибдур», деган ташвишли хабар олинди. Мирзо Абдулла шошилинч равишда Кешда катта куч тўлади ва Олоуддавлага қарши отланди. Лекин, хайриятки, уруш бўлмади. Тарафлар сулҳ тузиб орқага қайтишди.

Шу билан мирзо Абдулла мамлакатнинг жанубий сарҳадларидан бир оз хотиржам тортди, лекин Сирдарё тараф ҳамон нотинч эди. Султон Абу Саид йўлини қилиб Сабронда ўрнашди ва Амир Темурнинг тоғу тахтини эгаллаш иштиёқи унга ором бермади: мирзо Абдуллага қарши куч йиға бошлади. Бунақа шароитда қўл қовуштириб туриш подонлик эди. Шу сабабли мирзо Абдулла

1451 йилнинг қирчиллама қиш кунлари Саброн ва Ясен устига қўшни юборди. Самарқандликлар Сабронни қаттиқ қуршовга олдилар. Қалъа бирмунча мустаҳкам эди-ю, лекин, барибир, узоқ муддатлик қамалга дош беролмасди. Абу Саид умаро, узаро ва бошқа аркон давлатини кенгаш учун тўнади. Султоннинг ўзи сўз бошлади:

— Қалъанинг бурику болалари ҳали ишнинг, локни захиранинг чўғи наст. Бу етишмагондай қирчиллама қиш. Бундай шароитда қойси тариқда бўлгон маъқул? Муҳтарам жамоа бандога не қил дейдур?

Даврага сукут чўкди.

Охири амир Абу Саид аргин сукунатини бузди:

— Саброн қалъасининг бурику болалари бошқа шаҳар қалъазарига муқоёси қилингонда кўн ҳам ишнинг эрмас. Захиранинг камлиги ҳам ҳақ гап. Локни аълоҳазрат неши раво кўрсалар ўшанга бўйин эгурмиз.

— Бандайи мўминининг фикри ожизига кўра бу борада бирон хийла ишлатмоқ зарур, — деди ҳаммани оғзига қаратиб Шамсиддин Муҳаммад Арқуқий. — Чандаст ва норгул йиғитлардин тахминан юз-юз эллик кишини ўзбек кўчманларининг либосига бурқаб, туяла эҳтиётлик бирлаи қалъадан тошқарига ихрож қилсак. Алар эрса сездирмайини ёғининг орқа тарафига ўтиб олиб, илк саҳарда отларига шоҳу шабба боғлаб, узоқдин суруи кўтариб қалъа устига от солсалар. Ушбу бирлаи бир вақтда қалъа томига қарнайчи, сурайчи ва пақорачиларини чиқоруб буюрилсаким шодиднани етти омонга, балким сидрат ул минтаҳога еткуриб қалсалар. Егий от суриб, суруи солаётгон йиғитларини кўриб ва қалъа дарунидин келаётгон шодиднани эшитуб, қамалдагиларга Абулхайрхон кўмак юборибтур, деб англайдурлар.

Султон Абу Саид бу ҳарбий най рангининг епру асрорини яхши биларди. Буни соҳибқирон ҳокимият тенаенга келмасдан бурун Кешин олишда қўллаган эди. Шундай бўлса ҳам ифтихор ул-уламони мақтаб қўйди:

— Аҳсан, мавлоно. Ақлу заковатларига тасанно. Сиз ҳукм-фармонларининг ношини жўнга емайдурсиз. Ҳарбий одамларининг ақли етишмагон фикрини сиз айтдингиз. Офарин, мавлоно Арқуқий, офарин! Хўш, сизларда қандай фикр бор?

Мўътабар амирлардан Абу Саид аргин аҳли кенгаш номидан арз қилди:

— Ҳазрати олийларининг ҳукму фармонларига бош

эгурмиз. Шоҳазрат нени раво кўрсалар биз бандалар
нинг жонимиз бўлгонда ҳам ушбулга қурбон қилишга аҳд
қилгонмиз.

— Ушбу корнинг жилави сизнинг иқтидорлик илгин-
гизга топшириладур, амир ҳазратлари, — деди Султон унга
қатъий.

Абу Саид аргин ўриндан турди, қўлини кўксига қўйиб
икки букилиб султонга таъзим қилди.

Эртаси у кун бўйи шу юмуш билан машғул бўлди, юз
нафар сара йигитни ўзбек кўчманлар қиёфасига киргизиб,
ярим кечада қалъанинг кунботар тарафидаги дарвозасидан
ташқарига олиб чиқди. Сўнг кечаги кенгашда нима дейил-
ган бўлса шунини адо қилди. Хужум илк саҳарда бошланди.
Қоровуллар йироқдан от солиб, чўлини бошига кўтариб
кедаётган «ўзбек кўчман»ларни кўриб тум-тарақай бўлди-
лар, хайқиринқ ва сурондан мурчилдагилар ҳам уйғон-
дилар. Отларнинг туёғи кўтарган чап-тўзон осмони-фа-
лакни қоплаб, қарийб бир фарсах масофани тутган эди.
Самарқандликлар буни тумонот аскар чоғлаб, чодир, от
улов, угруқ ва бошқа анжомларини ташлаб қочдилар.

Лекин бари бир Султон Абу Саид Саброн билан Яссини
қўлда тутиб қололмади. Мирзо Абдулла катта лашкар
билан Шоҳруҳияга келиб тушди, деган хабар эшитили-
ши билан, унга тоб беришга кўан етмай, Саброндан кечди.
Бирмунча вақт, қаёққа боришини билмай, Сирдарё бўйла-
рида теңтираб юрди. Кунлардан бир кун Яссинда ҳазрати
Султоннинг хонақосида тунаб қолганда бирдан хожа Убай-
дуллоҳ Аҳрор ўтган йили Паркатда айтган гап эсига туш-
ди: «Хоқони муаззам Абдулхайрхон хузурига бор ва он-
дин мадад тила», деган эди унга эшон ўшанда. Тоғ билан
Султон Абу Саид Сигноққа қараб йўл олди. «Тарихи
Абулхайрхоний» муаллифининг ибораси билан айтганда
хон хузурига борди ва «чўк тушиб, тилини дуога ва
давлатхоҳлиқга очди ҳамда подшоҳларга муносиб бўлмиш
хизматкорлик ва иттифоқкорлик қондаларини ўрнига қўйди».

Абулхайрхон Султон Абу Саиднинг илтимосини қабул
қилди. Хоннинг ўзи катта қўшин билан Тошкент, Чинос
ва Жиззах орқали Самарқандга юрди. Буни эшитиб мирзо
Абдулла ҳам қўшин билан келиб Шероз шаҳарчаси ёнида,
Булуғур ариғининг бўйида ясол тузди. Шу ерда тараф-
лар кўп қон тўкди. Иттифоқчилар галиб келдилар. Мирзо
Абдулла жангда ҳалок бўлди. Хондамир маълумотларини
инobatга оладиган бўлсак, бу даҳшатомуз воқеа 855 йил

жумади ул-аввал ойининг 22 куни (1451 йил 22 июнь) юз берди.

Султон Абу Саид Самарқандни эгаллади, Абулхайрхон битишув шартлари бажарилгунга қадар Қонигилда турди. Орадан бир неча кун ўтгач, хон катта ўлпон олиб юртига қайтди. Ўшанда Абулхайрхон мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султон бегимни хотини қилиб Сигноққа олиб кетди. Робия Султон бегим хондан икки ўғил кўрди. Улар тарихда Суюнчхожахон ва Кўчкунчихон номлари билан машҳурдир.

Султон Абу Саид тожу тахтни эгаллади-ю, лекин, худди мирзо Абдулла давридагидай, хазина бўм-бўшлигинча қолди. Тагги устига Абу Саид ҳукмронлигининг дастлабки йиллари ҳам нотинч келди. Масалан, 1454 йили Мовароуннаҳрга Абулқосим Бобир бостириб кирди ва Самарқандни қамал остига олди. Бу етмагандай баъзи йиллар қуруқ келиб, турли касалликлар тарқалиб, халқнинг типкасини қуритди. Кечагина «шундай обод ва аҳолиси зич бўлган мамлакат, — деб ёзган эди Абдураззоқ Самарқандий, — букуни харобазор ва чўлу биёбонга айланди». Бундай шароитда расадхонага маблағ ажратиш у ёқда турсин, давлатнинг зарур эҳтиёжларига ҳам сармоя топиш мушкул эди.

Орадан етти йил ўтгач, Султон Абу Саид Мовароуннаҳрни балоғатга етмаган етти яшар ўғли Султон Аҳмадга қолдириб, ўзи Ҳиротга кўчиб кетди. Хайрлашув муносабати билан тўпланган йиғилишда илгарч эшикоғаси мансабида турган Жонибек дулдойни шаҳзодага оталиқ этиб тайинлади.

— Шаҳзодани сизларнинг ишон-ихтиёрингизга тобшурдик, сизларни эрса, тангри таолога, — деди султон Жонибек дулдой билан хожа Убайдулла Аҳрорга мурожаат қилиб. Лекин, «ғариб ахлоқ ва атворлиқ» оталиқнинг илм-маърифатга кўл ҳам ҳуши йўқ эди, хожа эса кўпинча бисотидаги жамгармага янги ер-сув ва мулк сотиб олиш билан овора эди. Мана, келганига кўн ҳам ўтмай, Дарби Сўзангарондан Ҳасанхожа деганининг катта ҳовлисини, Нигор биби деганининг Мачоқ мавзенидаги уч қитъа ерини, Солиҳа султондан ўн нафар дўконни сотиб олди.

Хожа Убайдулло Аҳрор Самарқандга Султон Абу Саид ҳокимият тепасига чиққандан (1451) кейин кўчириб олиб келинди. Унинг Самарқанддаги иктимойи-сий фаолияти, тарихий манбаларга таянғудек бўлсак, 1454 йилдан бошланади. Унга қадар ота юрти Тошкентда истиқомат қилди. Тўғри, унинг таржиман ҳоли битилган

китобларда 1454 йилгача эшоннинг Самарқандга икки бор келиб-кетганлиги қайд қилинган. Биринчи марта у Самарқандга тахминан йигирма икки ёшида (ҳижрий 828 йил) мадрасада ўқиш ёштиёқида хожа Ислом деган шахсга қўшиб юборилган. Маълум вақт шу ерда турган, лекин ўқишга майли бўлмай, яна тез-тез оғриб (бир марта хасба касалига чалиниб, сўнгра кўзи оғриб) кетиб қолган. Эшоннинг котиби Али ибн Хусайн воиз ал-Қошифийнинг «Рашахоту айн ул-ҳаят» («Ҳаёт булоқларидан томчилар») китобида унинг бу хусусда айтган мана бу сўзлари келтирилган: «Шу маслаҳат бирлап мени Тошкентдан Самарқандга олиб келдилар ва кўп ҳурмат-эҳтиром кўргуздилар. Локин ҳар сафар тонг отиб ўқишга боратургон вақт келганда касалим зўрайиб таҳсилга боришимга монелик қилур эрди. Охири хасба билан оғриб қолдим ва ўз-ўзумга дедимки, мен таҳсил қилатургон аҳволда эрмасдурмен, сизлар эрса қанчалик тиришсангиз ҳам мени ўқишга олиб боролмайдурсиз. Шундай қилатургон бўлсангиз ҳалок бўлурмен. (Хожа Исмом) гапимдин қаттиқ таъсирландилар ва «аҳволингиз яхши билмайдурмен, локин шу гаплардин сўнг не қилсанг ихтиёринг ўзингда, сени мажбур қилмайдурмен», дедилар. (Яна) бир сафар таҳсилга боришга қасд қилдим, локин кўзум оғриб қолди. Касаллик қирқ беш кун давом этди. Охири ўқишни тарк қилдим. Дебдурларки, наҳву сарфдин бор-йўғи икки саҳифа ўқибдурмен...»

Шундай қилиб хожа Аҳрор ўқишни тарк этади. Бир икки бор хожа Низомуддин Хомуш ва Самарқанднинг катта уламоларидан Қосим Табризий билан учрашган бўлади-ю, сўнг Бухоройи шарифга қараб жўнади. Бухорода анча вақт туриб, мавлоно Ҳисомиддин билан хожа Олоуддин Ғиждувоцийларнинг суҳбатларидан баҳра олади. Сўнг Марв орқали Ҳиротга борди. Бу ерда Саид Қосим Табризий, шайх Баҳоуддин Умар ва мавлоно Зайниддин сингари машҳур шайхларга яқинлашди. Охири Шопурком ва Балх орқали Ҳисор сафарини ихтиёр этди. Балхда мавлоно Ҳисомиддин Порсо билан учрашди, Чағониёнга бориб ҳаврат Олоуддин Аттор қабрини зиёрат қилди, сўнг Хулғатура-нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намояндalarидан мавлоно Ёқуб Чархий ҳузурига жўнади. Бу одам бир умрга хожа Аҳрорга пир бўлиб қолди. «Йигирма тўққизга тўлгунумизгача, — деб ҳикоя қилади хожа Аҳрорнинг ўзи, — турли шаҳарларда бўлдик, вабо тарқали-

шидин беш йил бурун Тошкандга келдик. Вабо тарқалиши воқеаси ҳижрий 840 йили содир бўлди».

Хожа Аҳрор Улуғбек билан учрашгани ёки учрашмагани ҳақида маноқиблардан ҳам, тарихий китоблардан ҳам маълумот топилмади.

Хожа Аҳрор иккинчи марта Самарқандга мирзо Абдулла тахтга ўлтирган йили келди. «Рашахот»да бу ҳақда мана бу ҳикоятни ўқиймиз: «Мавлоно Носириддин Ўтрорий бундай нақл қиладилар: ҳазрат эшон шарият унинг мадади билан қувватланишини тушларида кўрибдурлар. Шундан кейин муборак хотирларига келибдурким, бу маъни подшоҳларнинг воситасисиз муяссар бўлмас, Бинобарин, Самарқандга бориб султони замон билан учрашмоқчи бўлибдурлар. Мирзо Абдулла ибн мирзо Иброҳим ибн мирзо Шоҳрух ўшал пайтда Самарқанд вилоятининг ҳокими эрқандурлар. Мен (мавлоно Носириддин Ўтрорий — Б. А.) ўша вақтда ҳазрат эшон билан бирга эрдим. Самарқандга борганимиздин кейин мирзо Абдулланинг амирларидин бири ҳазрат эшоннинг ҳузурига келди. (Ҳазрат эшон) унга дедиларки, бизнинг ушбу вилоятга келишимиздин мақсад мирзоингиз билан учрашишдур. Агарда сиз ушбул гоининг амалга ошишига боис бўлсангиз кўп яхши бўлур эрди. Ўша амир беодобона жавоб қилди: мирзоимиз ўта бепарво йигитдур. Сизнинг у билан учрашишингиз ташвицдин ҳоли эрмасдур. Дарвешлар ўзларини бунақа ташвишга солишларининг не даркори бордур? Ҳазрат эшоннинг жаҳли чиқуб дедиларки, бизга подшоҳлар билан мулоқотда бўлиш (тангри-таолодин) буюрилгои, ўзимизча келган эрмасмуз. Агар мирзоингиз парво қилмаса, парво қилатурғони топилиб қолур.

Хожа Аҳрор эл-юрт бошига катта ташвишлар тушган пайтларда, яъни мамлакат уруш хавфи остида қолган вақтларда қўл қовуштириб четда турмади. Масалан, 1454 йили Мовароуннаҳрга Абулқосим Бобир бостириб кириб Самарқандни қамал остига олганда, 1463 йили уч ҳукмдор: Самарқанд подшоеси Султон Аҳмад мирзо бир тарафдан, Андижон ва Фарғона ҳокими Умаршайх мирзо, билан Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон иккинчи тарафдан Ховос ёнида бир-бирига қилич ўқталиб, лак-лак қўшин билан турганда, тахминан ўша йиллари Абдуллатифнинг ўгли Муҳаммад Жўқий билан амир Нурсайдбек Нурота ва Шоҳрухия теваарагида қўзғолон кўтарганда хожа Убайдулло Аҳрор можарога қатъиян аралашди ва тараф-

гузарларин ярашишга мажбур қилди. Буни у қора халқнинг манфаатининггина кўзлаб қилмади, балки, биринчи навбатда хусусий манфаатини, хукмрон феодал синфининг мақсад ва манфаатларини ҳам кўзлаб қилди. Чунки уруш чиққудай бўлса сармоядорлар ҳам катта зарар кўрардиларда. Бундан ташқари, бу билан хожа Аҳрор кенг халқ оmmasи олдида ўзини халқпарвар қилиб кўрсатиб, унинг тўла ишончини қозонишчи, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқенини мустаҳкамламоқчи, қолаверса, қора халқни ҳам, хукмдорларини ҳам ўзига мутеъ қилиб олмақчи эди. У бунга эришди ҳам. Султ, тақводор ва бесавод Султон Аҳмад мирзо (1451—1494) мамлакат ва давлат жиловини амирлар ва хожа Аҳрорининг кўлига бериб қўйди. Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) Султон Аҳмадни бундай таърифлайди: «... беш вақт намозини бешак ўтар эрди... Ҳазрати хожа Убайдуллоға продати бор эрди. Ҳазрат хожа (анга) мураббий ва муқаввий эрдилар... Ҳеч нимарса ўқигон эрмас эрди, оми эрди. Бовужудким, шаҳарда уяғайиб эрди, (локин) турк ва содда эрди. Таъьидин баҳраси йўқ эрди... ихтиёри беклари илгида эрди». Хўш, мана шу одам қандай қилиб хукмдор бўлиши, қандай қилиб илм қадрига етсин, яна бу илм дунёвий бўлса!

Қисқаси, Султон Аҳмад даврида ҳам расадхона эътибордан четда қолди.

Энди бир савол тугилади: жаҳолат авжга минган бир шароитда, яъни Улуғбек ўлдирилгандан кейинроқ расадхонани бузиб юбордиларми? Йўқ, албатта. Улуғбек расадхонаси XVI асрнинг бошида ҳам тик турган. Бобур Самарқандга мудҳиш воқеадан қарийб эллик йил кейин келган эди. У Улуғбек қурдирган иморатлар, боғларини ва шулар қатори расадхонани ҳам ўз кўзи билан кўрган. Мана унинг сўзлари: «Улуғбек мирзонинг иморатларидин Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг гумбази бисёр улуғ гумбаздур... Яна ушбу мадраса ва хонақоҳга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибтур, мирзо ҳаммомига машҳурдур... Яна бир олий иморати Пуштайн Кўҳак доманасида расаддурким, зиж битмакининг олатидур. Уч ошёналикдур...» Бобур расадхона уч ошёналик (қаватлик) эканини ҳам тасдиқлайди.

Расадхона ҳам, Самарқанднинг бошқа осори-атиқалари ҳам кейинроқ вайрон бўлган. Бу ҳақда ўша вақтлардан қолган эски китобларда, хусусан «Дастур ул-мулк» (тахминан 1696 йилда ёзилган), «Тарихи Абулфайзхо-

ний» (1747 йилдан кейинги манба), «Тухфат ул-хоний» (1780 йил), «Зикр таъдоди подшоҳони ўзбек» ҳамда «Самария» (ўтган аср) каби асарларда қимматли маълумотлар бор. Шуларга кўра, расадхона, мадраса ва Самарқанддаги бошқа бинолар XV асрда эмас, балки ундан анча кечроқ — XVII асрдан вайронгарчиликка юз тутдилар. Бунга XVII—XVIII асрларда ўзаро феодал кураш ва ур-ийқитлар бениҳоя кучайиб кетиши сабаб бўлди. Маълумки, темирлийлар давлати таркибига кирган Мовароуннаҳр XVI-XVII асрларга келиб икки мустақил давлатга: Бухоро ва Хива хонликларига ажралиб кетди. 1709 йили Бухоро хонлигидан Фарғона ва Тошкент ҳам ажралиб чиқиб, Қўқон хонлигига асос солинди. Орадан кўп вақт ўтмай, 1722 йили Самарқанд ҳам Бухоро хонлигидан ажралиб чиқди ва ҳокимият Ражабхон деган подон ва жоҳил хон қўлига ўтди. Бу хонликлар орасида уруш-талаш тинмади. Масалан, 1681, 1685 ва 1686 йиллари Хива хони Анушахон Бухоро хонлигига уч бор кўшин тортди. Ушанда Қоракўл, Бухоро, Самарқанд, Насаф ва Кеш шаҳарлари катта зарар кўрди. XVII асрнинг бошларида, шунингдек 1722—1728 йиллари қозоқ хонлари Мовароуннаҳрнинг ички районларига кўп бор бостириб кирдилар ва Тошкент, Шохруҳия, Бухоро ва Самарқанд атрофини беаёв таладилар. 1740 йили ўлкамизга Эрон подшоҳи Нодиршоҳ бостириб кирди. Тўхтовсиз ур-ийқит ва можаролар юртга оғир кулфатлар келтирди. Халқ катта жабр кўрди, шаҳарлар вайрон бўлди. Ундан ташқари, тез-тез бўлиб турадиган қургоқчилик ва қаҳатчилик ва бошқа табиий офатлар ҳам эл-юрт тинкасини қуритди. Бир мўътабар қўлэзма асарда айтилишича, XVIII асрнинг биринчи ярмида шундайини азим шаҳар Самарқандда бир маҳалладаи ортиқ халқ қолмаган экан. XVIII асрнинг биринчи чорагидаги ур-ийқитлар оқибатида қози Соқий, Саид Аҳмадхожа, хожа Аҳрор, қози Ғафур, Дари занжир ва Шайбонийхон мадрасалари тамоман вайрон бўлди. Ушанда қайси бир ҳукмдор амри билан, муҳолиф кузатиш учун фойдаланишмасин деб, Улуғбек мадрасасининг иккинчи қавати тамом кўпориб ташланди. Ғоратгарларнинг дастидан расадхона ҳам омон қолмади. Домла Садриддин Айний Абу Тоҳирхожанинг «Самария» китобига ёзган изохотида бу хусусда ушбу мулоҳазани келтирган: «Расадхона қойси бир хон даврида «остида олтин кўмулгон» ҳаёли бирлаи буздирулгон эрди. Бирон ийма топулмагач шу ҳолатда қолдирилди. Замонанинг кечини бирлаи

у тупроққа кўмулиб кўздан йўқолди»: Кейинча мутаассиб руҳонийлар илмоси билан унинг қолган-қутган қисми ҳам бузиқди. Эл орасида «бу муқаддас жой, бу ерда азия-ақибелардан Чўноқта дафи этилган» деган мишмишлар тарқатилганди.

1897 йил кузида бўлган кучли зилзила ҳам Самарқанднинг осори-атиқаларига катта зиён етказди.

Улугбек расадхонасининг тақдирини ҳақида фақат айрим, ўзимизга маълум далилларинигина келтирдик. Ҳали қидирув ва ўрганув давом этади. Келгусида ҳали қўл урилмаган, ўқиб-ўрганилмаган қўлдэзма китоблар, васиқалар ва бошқа мавбаларни тадқиқ этиш ва бу масалага тағин ҳам ойдинлик киритиш тарихчиларнинг бурчидир. Лекин, ҳар ҳолда, жаҳонга машҳур илм маскани XV асрда бузилмаганлигига аминимиз...

Али Қушчи кейинги вақтларда аҳён-аҳёнда расадхонага бориб турди. Бир гал ичкарига ҳам кирди, айланди, хужрасига кириб бир оз ўтирди. Лекин, бари бир, қўли ишга бормади. Бундан ўн-ўн беш йил илгариги воқеалар ҳаёлида жонланаверди. Уша пайтлар бирга ишлашган дўстларини эслаб, айниқса валиннеъматини мирзо Улугбекнинг сиймоси кўз ўнгидан ўтиб, кўнгли бузилади. Қутубхонага кирди-ю, Хоразмийнинг «Китоб ал-жабр ва муқобала», Ҳабаш ал-Марвозийнинг (864 йилда вафот этган) «Зиж ас-сағир», Аҳмад Фарғонийнинг (IX аср) «Китоб фи жавомиъ илм ан-нужум ва усул ал-ҳаракат ас-самовия», Абулқосим Абдуллоҳ ибн Аҳмаджўр ат-Туркий ал-Ҳаравийнинг (IX аср охири X аср бошлари) «Зиж ал-бадрий», Абулҳасан Абдурахмон ибн Умар ас-Сўфийнинг (903—986) «Сувар ас-самовия», Абулвафо Бузғандийнинг (940—998) «Китоб ал-комил», Ибн Синонинг (980—1037) «Китоб аш-шифо», Абу Райҳон Берунийнинг (973—1048) «Қонуни Масъудий», Умар Хайёмнинг «Зижини Малвишоҳий», Носириддин Тусийнинг «Зижини Элхоний», Чағинийнинг «Ал-мулахҳас фи-я-ҳайъа» сингари китобларини рўмолга туғиб уйига олиб кетди-ю, у ерга бошқа бормади. 1460 йилдан тез-тез Ҳиротга қатнади. Бир гал ёшлигида маълум вақт таҳсил кўрган Қирмонга ҳам борди. Ҳиротда бўлган кезлари у мадрасадони дўсти мавлоно Абдурахмон Жомий билан дийдорлашиб турди.

1470 йилининг кузлари эди. Мавлавий (Абдурахмон Жомий) шогирдларидан Камолиддин Абдулвоҳид ан-Низомий билан суҳбатлашиб ўлтирганди. Шу пайт Али Қушчи

кириб келди. Қўлтигида тугунча. Унга кўзи тушиши билан Мавлавий даст ўрнидан турди ва дўстини очиқ чехра билан қарши олди:

— Мархабо, мавлоно, мархабо! Муборак қадамларига ҳасанот!

— Қуллук, мавлоно.

Дўстлар кучоқ очиб кўришдилар. Жомий мўътабар меҳмонга тўрдан жой кўрсатди.

Фотиҳа ўқилиб, ҳол-аҳвол сўрашганларидан сўнг Али Қушчи тугунни ечиб, ундан қуни кеча саҳҳофининг қўлидан чиққан пистарағи муқовали китобни олиб дўстига узатди.

— Қаминайи камтаринининг арзимас тухфасини қабул қилгайсиз, мавлоно.

Жомий ташаккур айтиб ундан китобни олди, аввал зўр ҳафса ва санъат билан ишланган муқованинг у ёқ-бу ёғини кўрди, сўнг очиб бир-икки еридан ўқиди. Биринчи варағидан унинг номини топиб қувониб кетди.

— «Шарҳи тажрид ул-калом» эркан ушбул махтутотнинг номи. Аҳсан, дўсти азиз, хўб фойдали китоб ёуб-сиз, — дея Али Қушчига қаради. — Янглишмагон бўлсам ушбул шарҳ Исфахонийга бўлсам эркан?

— Йўқ, устоз. Банданинг ушбул китоби Носириддин Абу Жаъфар Муҳаммад ат-Тусийнинг «Тажрид ул-калом»ига битилгон шарҳдур.

— Ҳа, эмди хотиримга келди. Мен айтгон Исфахонийнинг китоби ҳам ўшал ат-Тусийга ёзилгон шарҳ эрди.

— Ори, устоз, локин ўшал ал-Исфахоний «Тажрид ул-калом»нинг фақат бир жузъининггина шарҳлагон эркан. Биз уни тўлиқ шарҳладик: ечилмагон, парда остида қолиб кетгон ўринларига нур бағишладик.

Жомий китобни яна варақлади, сўнг «кўп мўътабар китоб бўлубтур, вақт мусонда қилса бафуржа ўқуб чиқур-миз», деб уни токчага олиб қўйди.

Али Қушчи китоб Мавлавийнинг манзур назарига маъқул тушганидан руҳланиб кетди:

— Афсуским, мавлоно, фақирини ҳақирининг ушбул замонда Улугбек мирзодек мураббийси йўқдур. Яқинда султоннинг (Абу Саиднинг) кетидан Қирмонга боруб, маъкур рисоланинг бир нусхасини ул жанобга ҳам тортуқ қилдим. Тухфа онҳазратнинг қабул шарафига манзур бўлди. Бандани эллик минг динор бирдан мукофотладилар, локин подшоҳнинг юзидин раҳнамоликқа мойиллик аломатларини сезмадим. Мойиллиги бўлгонда эрди, расад-

хонага қайтур эрдим. «Мифтоҳ»нинг учинчи жузъини ва яна илми ҳайъатдин кўп китоблар битиб берур эрдим.

Жомий анча кексайиб қолган бу одамдаги жўш уриб турган гайратли кўриб қойил қолди, ҳатто ёши етмишни қоралаганига қарамай зиммасига шунча катта мажбурият олаётганидан таажжубланди. Сўнг гапни бошқа тарафга буриб юборди:

— Муқарриб ас-султоннинг ҳузурларида бўлгондурсиз, мавлоно?

— Ҳа, эсим қурсени, сал бўлмаса унутаёзибмен. Бўлдим, устоз. Фақирининг арзи сизнинг илтимосингиз туфайли ижобатга олинди. Сиздин миннатдормен, устоз.

Али Қушчи ўтган ҳафта, қистаб кўймаганидан кейин, Жомий ҳазратлари амири кабир Низомиддин Алишернинг номига ёзиб берган руқъани назарда тутди. Руқъада мана булар битилган эди: «Фақир Абдурахмон Жомийдан. Арзу инъездин сўнг сўз шулким, мавлоно Алоуддин Али Қушчи илгари ҳам аввалги сафардаги киби (Румга кетиш хусусида) ижозат сўраш бобида қатъийлик кўрсатмоқдалар ва кўп ҳафъа бўлмоқдалар. (Жанобларидин) илтимос шулким, иноят юзасидин шундоқ қилсаларки, ижозат тезроқ берилса...»

Меҳмон миннатдорчилик изҳор этса-да, Жомий юзидан хурсандлиги ёки ҳафалигини англаб бўлмади. Шундан Али Қушчи бир оз тараддудланди, сўнг жиддий тусда унга мурожаат қилди:

— Нима, хурсанд эмасмудирсиз каминанинг бу қилгон ишидин, мавлоно?

— Арзингиз олий даргоҳда ижобатга олинганидин хурсанддурмен, мавлоно Али. Лоқин, фақирининг бу хусусда муболагаси ҳам йўқ эрмасдур. Ёш етмишга боруб қолгонда ватанни тарк этмайин охират тадорикини кўрмоқ дуруст эрди. Яна ким билади дейсиз? Ахир йўл олис, удин ташқари хавфу хатардин ҳам ҳоли эрмасдур.

Али Қушчи унга мана бу икки мисра шеър билан жавоб қилди:

Кўп йиллар Самарқанду Ҳирот фазлимдин баҳраманд ўлди,
Давлатдин кеч, буқун навбат ул кишварга етди.

Бир ҳафтадан кейин Али Қушчи юк-тақин ва хос хизматкорлари билан Ҳиротни тарк этиб, Рум сари йўлга тушди. Орадан бир ой ўтиб, унинг аҳлу оиласи, яқин қариндошлари ва хизматкорлари Самарқанддан Ҳиротга

келиб тушдилар. Мавлавий амир Низомиддин Алишер юрқали Султон Хусайн мирзодан (1469—1506) уларга ҳам роҳнома олиб берди.

Али Қушчи карвонида икки юз атрофида одам, жуда кўп китоб ҳам бор эди...

Али Қушчи бирмунча вақт Табризда турди, сўнг 1472 йили Истамбулга келди. Туркия султони Муҳаммад Фотиҳ уни катта хурмат билан қарши олди ва Айя сўфия мадрасасига бош мударрис қилиб тайинлади. Ойлик маоши икки юз танга белгиланди. Улуғ олим ҳижрий 879 йил шаъбон ойининг еттиламчисида шанба кун (1474 йил 17 декабрь) оламдан ўтди. Жасади Айюб султон қабристонига дафи этилди. Миримжон битган ушбу мисралар унинг қабр тошига ёзиб қўйилди:

Раҳнамои илм мавлоно Али Қушчи,
Чув ба-суйи равази ривон бирафт:
Буд эн ҳижрат ҳаштаду ҳафтоду нўх,
Рузи шанба ҳафтуми шаъбон бирафт.

Яъни;

Илм-фан раҳнамоси мавлоно Али Қушчи,
Жаннат гулдори сари юзланган вақт:
Ҳижратдин саккиз юз етмиш тўққизинчи йил,
Шанба кун шаъбоннинг еттинчи кун,

Али Қушчининг хайру ҳудойилари ўтган куннинг эртаси Мирим Чалабий бобоси кутубхонасини тафтиш қилаётиб қогозлар орасидан муҳим бир хат мусаввадасини топиб олди. У марҳум Гиёсиддин Жамшид Кошонга — отаси номига юборган катта мактуб кўчирмаси экан. Мактубда мана бу гаплар бор:

«Шадари бузрукворимизнинг илгини ўпиш саодатига етишиш иштиёқи бениҳоят каттадур. Тангри таоло (фақирдин) марҳаматини дариг тутмай шундайин саодатга еткузгай.

Фақирнинг ушбул мактуби муқаддас зулқадда ойчининг 7 кун битилгон...

Маълумким, Кошон ва онинг теварак-атрофида ҳар бир фаннинг бир ёхуд икки намояндаси бордур. Аларга, гарчи билимдон бўлмасалар ҳам, баъзилар ишонурлар, бошқа бировлар ишонмайдурлар.

Самарқандда эрса, тангри таоло ани офатлардин асра-сун, бундоқ эрмасдур, чунки ислом подшоси (Улуғбек), тангри таоло анинг давлатини абадий қилсун, ўзи олим

кишидур. Мен ушбу гапларни хурмат-эҳтиром юзасидин айтаётганим йўқ.

Бор гапим шулким, бирламчидин ул киши муқаддас «Қуръон»нинг катта қисминин ёддин биладурлар, ани шарҳлаб бера оладурлар, муҳаддисларни ҳам номма-ном айтув бера оладурлар. Ҳар куни халқ олдидан андин икки суранн ўқийдурлар, локни биронта хато қилмайин тўғри ўқийдурлар. Сарф ила нахвин яхши биладурлар, арабчани кўн яхши ёзадурлар. Шу бирлан бирга фикҳни, мантиқни, илми адабни, мусиқанинг назарий асосларинин яхши биладурлар.

Риёзиёт илмининг барча соҳасида кенг маълумотга эгадурлар. Бу бобда шў даражага етишганларким, бир куни от устида ўлатирганлари ҳолда 818 йил ражаб ойининг ўнинчиси бирлан ўн бешинчиси ўртаси, душанба куни, йил фаслларининг қойси айёмига тўғри келишини суриштириб қолдилар. (Ҳеч ким айтиб беролмоган) ошинг ўзи, отдин тушмаган ҳолда, қуёшнинг узунлигини даража ва дақиқаларигача ҳисоблаш йўли бирлан оини ечиб берди. Ҳақиқатан ҳам ёддин ҳисоб-китоб қилгонда рақамларни эсда тутга билиш лозим. (Ушал пайтда) бир одам ёддин ҳисоб-китоб қилишга ҳаракат қилиб кўрди, локни хотираси дуруст эрмас эркан, у оини даража ва дақиқаларгача ҳисоблаб беролмади. Ёддин ҳисоб-китоб қилиб бериш замондошлардин (бошқа) ҳеч кимнинг илгидин келмай-дур.

Ушбунн ҳам қайдга келтирмоқчидурменки, Улугбек мирзо ушбул илмда тенги йўқдур. Осмон ҳаводислари ҳусусида асосли далиллар келтира оладурлар, саҳиҳ хулосалар чиқоришга қодирдурлар. Зоти олийлари Носирдин Тусийнинг «Тазкира»си ҳамда Қутбиддин Маҳмуд ибн Масъуд Шерозийнинг «Ат-туҳфа аш-шоҳий» асарлари бўйича шу даражада зўр дарс ўқийдурларким, ортиқча изохлашга муҳтожлиги йўқтурур.

Сонинг, ҳозирги вақтда Самарқандда энг машҳур олимлар йиғилгон, тамом илмлардин дарс берувчи мударрислар ҳам кўпдур. Аларнинг аксарияти риёзиёт илми бирлан банддурлар. Шулардин тўрт киши ушбу кунларда «Тажнисе ал-ҳисоб»га шарҳни яримлатув қўйингон, бир киши анга тўла шарҳ битиб бўлгон: Яна бир киши «Бароҳин аъмол ал-хатонн» отлинг рисола ёзминн. Алар орасида энг билимдон бўлгон Қозизодайн Румий Чағминийга ҳамда «Ашкол ал-таъсис»га шарҳ битибтур-

лар: Алалхусус, Самарқандга жуда кўп мунажжим била мухосиблар йигилгандур.

Хулласи калом, (ушбу шаҳарга) илмнинг ҳар соҳасидин мутахассис кишилар тўплангон эркан...

Аълоҳазрат, давлатпаноҳ (Улуғбек мирзо) кун аро дарс ва машгулотларда иштирок этадурлар, иштирок этгонларида ҳам риёзиётдин дарс беришни хуш кўрадурлар. Ушбу машгулотларга банда ҳам қатношатургон бўлуб қолдум...

Эмди расадхона хусусида сўз юритурмиз. Аълоҳазрат, тангри таоло апинг давлати ва салтанатини улугласун, Марога расадхонасини болалигида бориб кўргон эрканлар, дедилар: «Мен ўшал расадхона хусусида аниқ тасаввурга эга эрмасдурмен». Банда Самарқандга келгунга қадар эшитган эрдимки, (ўшал) расадхона одамлар истиқомат қилиб тургон тепалик остида деб.

Банда ушбу юртга келишимдин бурун Самарқанднинг уламози орасида (баъзи масалаларни ҳал этишда) айрим қийинчиликлар зоҳир бўлди... Масалан, алар қутри бир газ бўлган ва 1022 юлдузни қайд қила олатургон устурлоб ясамоқчи бўлдилар. Бунинг учун ушбу юлдузларнинг ўтиш йўлидаги тўғри кўтарилишини аниқлаш зарур эрди. Барча мухосибларга апинг устида иттифоқ бўлиб ишлаш буюрилгон эрди. Алар «Зижи элхоний»га таянуб иш олуб бордилар, локин тахминан 150 собита юлдузни ҳисоблай олмайин боши берк кўчага кириб қолдилар. Алар хандаса қондаларига таянуб тадқиқ этсунлар ва (масалани) ҳал қилуб берсунлар деб мухосибларга мурожаат қилдилар. Локин, ҳеч ким ани аниқлаб беролмади... Масалан, энг ёруғ юлдузлардин бўлмиш Фарқадон Даб ас-сағирдин бирмунча олисда бўлиб чиқди. Қанча тиришмасунлар, бари бир, ҳақиқатга етишолмадилар.

Банда Самарқандга келгон куннёқ аълоҳазратнинг ҳузуринда яна ушбул масала кўтарилди. Фақир ўшал мажлисининг ўзидаёқ юлдузларнинг бири мисолида ўшал масалани ҳал этуб бердим: аввалда кўйилгон хатоларнинг манбаи нимада бўлгонлигини ҳам кўргузуб бердим. Масаланинг бу таразда ечилиши аълоҳазратга ҳам, мухосибларга ҳам маъқул бўлди...

Фалак ал-буруж оғмалиги ва қуёш ҳаракатини Битлимус усули билан ўлчаш учун қутри олти газдин бўлгон (илгари) сариқ мисдин ишлангон иккита доира ясалгон эрди. Аммо, Битлимусдин кейин ҳам бир кузатиш асбобини ясашда турли хил натижалар олингони, (оқибатда) айрим

камчиляклар туфайли Битлимус ясагон доирадин четга чиқуб қолгонларидин беҳабар эрдилар.

Марога расадхонасининг қоқ ўртасига ўрнатилгон хандасавий шаклнинг вазифасини ҳеч ким билмас эрди. Банда бу хусусда подшоҳни хабардор қилдим ва тилга олингон доирани ишлатгон тақдирда ўлчашда юз бериши мумкин бўлгон тафовут ҳақида гапируб бердим. Мен яна Азудуддавла замонида ясалгон қутри ўн газдин иборат доира хусусида ҳам унга сўйлаб бердим, ваҳоланки, бу доира (Самарқандда сариқ мисдан ясалган доира — Б. А.) ундин кичикдур. Марога расадхонасида бунақа доира ўрнида Судси Фахрий деб аталгон хандасавий шакл ўрнатилгон эрди.

Аълоҳазрат ўшал сариқ мисдан ясалгон доирани синдириб ташлашликни ва Судси Фахрийга ўхшагон асбоб ясашликни буюрдилар...

Бир куни аълоҳазрат, тангри унинг давлати ва салтанатини балолардин асрасун, илм бирлан машгул эрдилар. (Уламонинг) ўшал машгулотида (подшоҳ) «Қонуни Масъудий» дин қандайдур масалани тушунтираётгон эрдилар. Султон ўшал машгулотда ҳар бир одамнинг қўлида «Қонуни Масъудий» бўлишлигини буюргон эрдилар. (Қозизода) машгулот давомида ўша масалага тикилиб ўлтирди, локин тушунмади. Шундин сўнг масалани хотиржам текшируб кўриш учун «Қонуни Масъудий» ни уйига олиб кетдилар. Икки кундин кейин ул китобни олиб келди ва дедик китобнинг айнан ўшал жойида сукут бордур, шунинг учун ҳам солиштуруб кўриш учун китобнинг бошқа нусхасини топиш зарур, бусиз масалани ечиб бўлмай-дур.

Каминна кўпдин бери безгак ҳуруж қилуб ётиб эрдим. Ўшал куни ушбу мажлисга бир илож қилуб келиб эрдим. Қозизода ҳам шул ерда эрдилар. Аълоҳазратнинг нигоҳи бечора бандага тушуб, ҳузурларига чорладилар ва «мавлони, шул масалани сиз ечинг», деб буюрдилар. «Қонуни Масъудий» ни қўлимга тутқиздилар. Китобдин, ўшал масала баён қилингон еридин, беш-олти сатр ўқидим-у, масалани тўлигича тушунтириб бердим. Китобда ҳеч қандай сукут йўқ эркан...

Бир вақт расадхона қурилаётган ерда нисф ан-наҳор ҳаттини аниқламоқ учун ер сатҳи текислангон эрди. Ушбу юмушга кўп иш кўргон тош ётқизгувчи усталар жалб этилгон эрди... Биз ўшал манзилга нисф ан-наҳор ҳаттини аниқлаш учун бордик. Аввал ер сатҳи тўриму эрканли-

ғини тафтиш қилиб кўрмоқчи бўлдик. Аълоҳазрат, давлатпаноҳ (Улуғбек мирзо), тангри онинг давлатини абадий қилсун, амалдорлар ва уламо усталар ер сатҳини текислаш учун ясагон асбоб атрофига йиғилгон эрдилар.

Расадхона учун ҳар тарафи тўрт газ хошимияга тенг учбурчак ясадилар.

Меъморлар бошлиғининг ўгли биринчи навбатда эҳтиётлик бирлан ўшал учбурчакнинг икки тарафи тенг ёки тенг эрмаслигини текшуруб кўриш зарур, деди. Мен бандайи ожиз дедимки, агар учбурчакнинг тарафлари бир-бирига тенг бўлмаса ул ҳолда ер сатҳининг текислигини аниқлаб бўлмайду, деб айтдум...

Ҳозирги пайтда Самарқандда, тангри они офатлардин асрасун, бундай одамлар сони 60—70га етаду. Аларнинг барчаси риёзиётга дахлдордулар. Мана ҳозир 10—15 йилдин бери самарқандликлар ушбуя фан бирлан машғулдулар, машғул бўлгонда ҳам жиддий шуғулланадулар, чунки олампаноҳ ҳазратларининг ўзлари ҳам шул илм бирлан машғулдулар...

Одамлар маоши ҳамда касбу ҳунари ўзгалардин ортуқ бўлсун, деб йиллаб захмат чекадулар. Локин... бундай кишилар озчиликни ташкил этаду. Оллоҳга шукурким, банда она юртида кўп вақт истиқомат қилгонидин сўнг шундай кўркем шаҳарда, олим, донишманд, билимга ҳавасмандларнинг пушту паноҳи бўлмиш аълоҳазрат, олампаноҳ теварагига уюшгон олимлар орасига тушуб қолдум...

Аълоҳазрат одамларнинг тақдирини бирлан қизиқмай қўйгон тақдирда эзгулик-ёвузлик, ёвузлик эрса эзгуликдай туюлу эрди. Аммо... тобеъларидин бирон шахс йўқким, ани аълоҳазрат яхши билмасун...

(Ёритғичларни) кузатиш юмушлари бир йил ичида тамомланмайин, 10—15 йилга чўзилуб кетиши масаласига келсак, анинг бир неча маълум сабаблари борду. Бу (аввалан) сайёрларнинг моҳиятига боғлиқ бўлуб, фақат маълум ҳолатга келуб етгонларидағина аларни кузатиш мумкин бўлу...

Сайёраларнинг барча ҳолатини бир йил ичида кузатиш мумкин эрмас. Зарур бўлгон шароит етуб келмагунча кутишга тўғри келаду. Ўшандай шароит етиб келгонда ҳам, осмонда булут пайдо бўлуб қолгондай бўлса, фурсат қўлдин бой берилу ва яна ўшандай фурсат келгунгача бир-икки йил кечу. Шу сабабдин (кузатишларга) 10—15 йил кетиб қолу.

Ҳозирда расадхона биносининг асосий қисми қурилиб бўлди. Фақат зот ал-ҳалқани қуришга тахминан 500 тумон пишиқ хишт ва ганч сарф бўлди. Яна бир (муҳим) асбобни ясашга киришилди. Бошқа асбобларнинг қурилиши ҳали ярим йўлда. Зот ул-самт ва зот ул-ҳадифанинг қурилиши (ҳам) тугалланди.

Аълоҳазрат аслида беҳад олийҳиммат, мулойим, меҳрибон одам.

Баъзида мадрасада аълоҳазрат бирлан талабалар ўрта-сида айрим илмий масалалар устида шунақа ҳам тортишувлар бўлув эрдикки, анинг тафсилотини ушбул ерда келтирув бўлмас. Онҳазрат «баҳсга сазовор бўлгон масала тўла ечилмагунча ва исбот қилинмогунча баҳслашилсун, кўр-кўрона ҳамма нарса тушунарли, деб айтишга йўл қўйилмасун», деган мазмунда ҳукм чиқаргон эрдилар. Баъзида кимдир, онҳазратга ҳурмат юзасидин у келтиргон далиллар бирлан келушгундай бўлса, каттиқ норози бўлув эрдилар ва аларнинг юзига қараб «мени ҳеч нимарсани билмайдур, деб овора бўлмангиз», дер эрди. Баъзида муҳолифини ймтиҳон қилиш учун атайлаб бирон нотўғри ечимни ўртага ташлар эрдилар. Кимдир онҳазратга ҳурмат юзасидин у (ўртага) ташлагон ечимни тўғри деб топатургон бўлса, масалани қайтадан ўртага қўюв ўшал одамни уялтирар эрдилар.

Сойангиз пойдор бўлгай.

Фақир хизматкорларингиздин бири Фиёс».

1908 йили самарқандлик археолог олим Василий Лаврентьевич Вяткин кутилмаганда зўр бир илмий кашфиёт қилиб қўйди. У Самарқанднинг шарқи-шимолий тарафида жойлашган Кўҳак ёки Чўпонота деб аталган тепаликдан мирзо Улугбек расадхонасининг қолдиқларини топди. Ҳа, В. Л. Вяткиннинг кашфиёти анойи кашфиёт эмасди. Бу бундан 500 йил муқаддам подшоҳ ва ажойиб олим мирзо Улугбекнинг ҳиммати, саъий ҳаракати билан қурилган, оламшумул илмий кашфиётлари билан жумлаи жаҳон таҳсинига сазовор бўлган расадхона устидаги кашфиёт эди. Аслида айланаси 46,40, баландлиги 30 метрга яқин уч қаватли, пишиқ гиштдан ишланиб, ганч билан шувалган, сирти мармар тошлар ва кошинлар билан қопланган улкан илм маскани тўғрисидаги кашфиёт эди.

Тез орада янгилик Тошкент билан Петербургга ҳам етиб борди. В. В. Бартольд, В. П. Наливкин, А. Л. Кун сингари олимларнинг эътиборини ўзига тортди. Маҳаллий

газеталар расадхона ва унинг тадқиқотлари билан боғлиқ хабарларни тез-тез эълон қила бошлади.

Илгор фикри рус олимлари расадхона асосчиси — буюк ўзбек астрономи мирзо Улуғбек хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги таклифларни ўртага қўйиб, генерал-губернаторга, оқ подшога илтимосномалар юбордилар. Лекин ўшанда генерал-губернатор ҳам, чор ҳукмдори ҳам бунга бир сўм маблағ бермади, ваҳоланки, Самарқанд вилоятидаги вақф ерлардан ҳукумат хазинасига йилига 40.000 сўм ақча жаранглаб тушиб турарди. 1910 йил 3 ноябрда оқ подшодан «биз бу ишга қарши эмасмиз, ёдгорликни халқдан садақа ва эҳсон тўплаб қураверинглар», деган мазмунда ижозати олий олинди. Шу йўл билан маблағ тўплаш рус астрономлари жамиятининг зиммасига юкланди. Жамият ҳам йўлини қилиб сувдан қуруқ чиқди. Ёдгорлик учун халқдан садақа ва эҳсон тўплаш Тошкент думахонасининг бошлиги Николай Гурьевич Маллицкийга топширилди.

Улуғбек хотирасига қўйиладиган ёдгорликнинг учта лойиҳаси тузилди. Кимдир буюк олимга ҳайкал ўрнатишни ўртага ташлади. Лекин бу таклиф ёдгорлик тарҳи тузилмасданоқ рад қилинди, чунки Улуғбекнинг биронта сурати сақланмаган, шаклу шамоийлини тасаввур қилиш иложи йўқ эди. Ҳар қандай одам қиёфасини бош суягига қараб чизиб берадиган герасимовлар ҳали етишмаганди. Иккинчи лойиҳа муаллифлари Регистонда буюк олим шарафига катта фаввора қуриш фикри билан чиқдилар. Лойиҳанинг учинчиси бениҳоя жозибали эди: расадхонани қайта тиклаш мўлжалланганди. Буни удалаш мумкин, чунки расадхона аслида қандай бўлганлиги ҳақида етарли далиллар бор эди. «Туркестанские ведомости» газетаси (1911 йил, № 231) бундай деб ёзганди: «Ҳоясига кўра ҳақиқатга яқин бўлган учинчи лойиҳа қабул қилинса керак: Балким бир вақтнинг ўзида Регистонда фаввора ҳам қурилса керак». Лекин, лойиҳаларнинг биронтаси ҳам амалга ошмади. Ҳайкал ҳам қурилмади, фаввора ҳам. Расадхона ҳам қайта тикланмади.

Аммо, Улуғбек тириклигидаёқ ўзига ҳайкал ўрнатиб кетди. Бунинг саъий ҳаракати билан қурилган мухташам бинолар, хусусан — расадхона, авлодлар учун ёзиб қолдирилган асарлари; унинг ҳомийлиги остида етишган олимлар, шоирлар ва бошқа аҳли ҳунар. Ҳайкалнинг бу тури ҳатто гранитдан ясалган ҳайкалдан ҳам мустаҳкамроқ ва абадийдир.

Улуғбек асарлари, у раҳнамо бўлган Самарқанд астрономия мактабининг шон-шухрати XV асрдаёқ Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия ва Миергача бориб етди. Кўп ўтмай Англия, Польша, Франция ва Америкада ҳам уни тан олдилар. Улуғбек ва Самарқанд астрономия мактаби мана шу мамлакатларда ҳам астрономия ва математика фанларининг тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Жуда кўп олимлар Улуғбек, Ғиёсиддин Кошоний, Қозизода Румий ва Али Қушчи асарларига таяниб бир талай зўр илмий аҳамиятга молик китоблар битдилар.

Эронлик олимлардан Абдулалли Биржандий (вафоти 1525 йил), Ғиёсиддин Мансур Шерозий (вафоти 1542 йил), Муслиҳиддин Муҳаммад Ансорий (1571 йилда ўлган), Баҳонддин Муҳаммад Омулий (1547—1622), Али Қушчининг шогирди (Табаристон) мунажжим Абдулқодир ибн Ҳасан Рўёний (1519 йилда вафот этган), Туркиядан Синон пошша (1486 йилда ўлган), Муҳаммад ибн Иброҳим ан-Никуроний (1495 йилда вафот этган), юқорида тилгә олганимиз Али Қушчининг набираси Мирим Чалабий (вафоти 1525 йил), Мустафо ибн Аҳмад Булавий (1679 йилда ўлган), Тақиуддин Муҳаммад ар-Росий (1521—1585), миерлик Шамсиддин Муҳаммад ибн Абулфатҳ ас-Сўфий ал-Мисрий (тахм. 1495 йилда вафот этган), Шамеуддин Муҳаммад ас-Суютий (вафоти 1533 йил), Алишер Навоийга илми ҳайъатдан дарс берган ҳиротлик олим Фасиҳиддин Муҳаммад Кўҳистоний (1513 йилда вафот топган), Ҳиндистондан Фаридиддин Масъуд ад-Дехлавий (1629 йилда вафот этган), машҳур муҳандис Лутфулла Лоҳурий (XVII аср), Муҳаммад Замон Дехлавий (XVII аср охири XVIII асрнинг биринчи ярми), Савой Жанг Синг (1686—1743) шулар жумласидан.

XVII аср бошларида Улуғбек ва самарқандлик олимларнинг асарлари Европага ҳам кириб борди.

«Зижи Улуғбек»нинг Европадаги биринчи тадқиқотчиси Оксфорд (Англия) университетининг профессори Жон Гривсдир (1602—1652). У чуқур маълумотли киши эди. Хорижий тилларни, хусусан грек, латин, араб ва форс тилларини яхши биларди. Шарқ мунажжимларининг асарларини ҳам мутолаа қилган одам эди. Жон Гривс кўп мамлакатларга ҳам саёҳат қилди. У 1638 йил Истамбулда ҳам бўлди. Бу улкан шەҳарда бирмунча вақт турди. Ушанда олим Византия императорларининг султон саро-

йида сақланаётган бой кутубхонаси билан танишди. Европаликнинг шарқ тилларида бемалол сўзлашганини кўриб китобдорнинг ҳаваси келди ва қайтишида Битлимуснинг «Ал-Мажастий»ини унга совға қилди. Жон Гривс деярли ҳар куни Истамбул бозорларини кезди, китобфуруш растасини айланиб, ўзига керакли китобларни суриштирди. Ниҳоят, жума кушларининг бирида таниш китобфуруш унинг димоғини чоғ қилди.

— Ассалому алайкум, плиз мистер, бефармойед!¹

Китобфуруш ўрнидан кўзгалиб сўл қўлини кўксига қўйди, ўнг қўли билан инглизни дўконга таклиф қилди, сўнг хон атрофидан жой кўрсатди. Ихчамгина хоннинг бир тарафида мулалардек кийинган, ўрта бўйли, оқ-сарикдан келган олтмиш-олтмиш беш ёшли бир киши ўлтирарди. У ҳам қўлларини кўксига қўйиб, инглизга қаршисидан жой кўрсатди. Китобфуруш тавозе ва ҳурмат билан уни инглизга таништирди:

— Ин кас авлоди алломайи бузург Али Қушчи анд. Песари аржиманд Мирнам Чалабианд. Исми шарифи эшон Маҳмуд Чалабий. Дар ин замон мударриси мадраса хас-танд.²

Жон Гривс Али Қушчи номини биринчи эшитиши, лекин унинг доврўкли эварасини озми-кўпми биларди. Шунинг учун ҳам унинг номини эшитиши билан ичига сигмай хурсанд бўлиб кетди. Ўрнидан даст туриб унга қўлини чўзди.

— О, ёесь, вери-вери гут, мамнунам!³

Мударрис ҳам ўрнидан турди ва инглизнинг қўлини олди. Жон Гривс инглизларга хос такаллуфни унутдими ёки шошиб қолганиданми айна муддаони айтиб қўя қолди.

— Ҳеяк аз таълифотхойи жадди шўмо намонд?⁴

Мударрис оғзини очгунча китобфуруш гапни илиб кетди:

— О, ёесь, монд-монд. Чанд китоб монд.⁵

Сўнг пастдан бир неча қўлэзма китобни олиб хон устига териб қўйди.

¹ Ассалому алайкум, жаноб, марҳамат қилиб ўлтирсенлар!

² Бу киши буюк аллома Али Қушчининг авлоди, Мирим Чалабийнинг катта ўғли бўладилар. Исми-шарифлари Маҳмуд Чалабий. Ҳозир мадрасада мударрислик қиладилар.

³ Ҳа, кўп яхши, мамнуман.

⁴ Аждодингизнинг китобларидан биронтаси қолмаганми?

⁵ Ҳа, албатта, қолган-қолган. Бир печта китоб қолган.

Жон Гривс китобларни битта-биттадан олиб шоялмай диққат билан кўздан кечирди, тўртинчи китобни олиб, илк саҳифасига кўз югуртирди-ю, бирдан қўллари титрай бошлади, юзларида ҳаяжон билан хурсандчилик аралаш аллақандай кайфият пайдо бўлди.

— Ит из «Зиж?» Султон кист?¹

Инглиз бир китобфурушга, бир мударрисга тикилди.

— Ин асар аз таълифотхойи султон ас-саид Улуғбек мирзойи шахид аст,²— деб жавоб қилди мударрис.

Инглиз кўп савдолашиб шу китобни олди. Китоб ҳақиқатан ҳам мирзо Улуғбекнинг «Зижи жадиди султоний»си бўлиб чиқди. Жон Гривс шу китобфурушдан яна уч-тўртта «Зиж» сотиб олди. Китобфуруши қурмағур уларни бирдан сотиб қўймади, битта-битталаб сотди. Аввал инглизни кўп қатнатди, ўзини хўб бозорга солиб, сўнг у сўраган китобни тагдан олиб берди. Улар орасида «Таъриб зиж» ҳам бўлиб, «Зижи жадиди султоний»нинг бир вақтлар Фиёсиддин Жамшид араб тилига қилган таржимаси эди.

Жон Гривс 1643 йили Улуғбек зиж асосида юлдузларнинг ҳолати (узунлиги ва кенглиги) кўрсатилган махсус юлдузлар каталогини тузди. Лекин, нима сабабдандир, бу муҳим тадқиқот ўшанда чоп бўлмай қолди. 1648 йили у Улуғбек зижининг бир қисмини (юлдузлар каталоги ва жуғрофияга тегишли қисмини) нашр эттирди. Орадан икки йил ўтиб, 1650 йили Лондонда «Зижи жадиди султоний»нинг хронологияга оид биринчи қисми ҳам нашрдан чиқди.

Шундан ўн етти йил ўтиб, 1665 йили яна ўша Оксфордда машҳур инглиз шарқшуноси Томас Хайд (1636—1703) «Зижи Улуғбек»нинг матни ва латинча таржимасини, зарур изоҳлар билан чоп қилди. Томас Хайднинг мазкур тадқиқоти «Зиж»нинг учта нусхасига асосланган бўлиб, «Зижи жадиди султоний» устида келажакда олиб борилган илмий изланишларга замин яратди.

Масалан, 1690 йили Ян Гевелий нашр этган «Астрономия даракчиси» ҳам маълум даражада шу нашрга асосланган.

«Зижи жадиди султоний» Европада бундан кейин ҳам кўп марта чоп этилди. Уни Гринвич (Англия) обсерваториясининг астрономи Д. Флемстид (1646—1715) ҳам

¹ Бу китоб «Зиж» бўлсамикан? Султон дегани ким?

² Ушбу китоб султон ас-саид, шахид бўлгон Улуғбек мирзонинг асарлари жумласидиндур.

нашрга тайёрлади. Китоб олимнинг вафотидан кейин 1725 йили босилди.

1767 йили Т. Хайдининг юқорида тилга олинган нашри иккинчи марта, 1843 йили Ф. Бейли (1774—1844) тарафидан учинчи марта нашр қилинди.

1839 йили йирик француз шарқшуноси Л. А. Седийо (1808—1876) «Зижи Улугбек»нинг бир қисмини, 1847—1853 йиллари унинг муқаддимасини, французча таржимаси билан бирга босмадан чиқарди.

«Зижи жадиди султоний» 1917 йили Э. Б. Нобл тарафидан Вашингтонда (АҚШ) ҳам чоп қилинди.

* * *

«Улугбек зижи»нинг грузинча таржимаси ҳам бор. Таржима Грузия подшоси, машҳур адиб ва олим Вахтанг VI (1675—1737) қаламига мансуб. У ҳам кенг маълумотли маърифатпарвар тождорлардан эди. Улугбекка ўхшаб атрофига етук олимларни тўплаб, катта илмий ишларга қўл урди. 1707-1708 йили унинг раҳбарлигида «Қонунлар мажмуаси» деган катта китоб ёзилди. Унинг шахсан ўзи Шота Руставелининг «Ўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» номли машҳур достонини зарур изоҳлар билан нашрга тайёрлади. Вахтанг VI нинг энг катта хизмати шу бўлдики, у грек, арман, форс ва араб тилларида ёзилган қимматли асарларни тўплаш ва грузин тилига ағдариб чоп эттиришдек эзгу ишни бошқарди. Шу мақсадда у 1707 йили Тифлисте босмахона ташкил этди...

«Улугбек зижи»нинг узоқ Грузияга бориб қолиш тарихи жуда қизиқ. Фалакнинг гардиши билан Вахтанг VI 1713—1714 йиллари Исфаҳонда туриб қолди. Ушанда китобфурушдан бир неча форсча китоб сотиб олди. Шулар орасида «Улугбек зижи» ҳам бор экан. Бу ноёб нусха қалин қоғозга насх хати билан кўчирилган, унвон ва жадваллари тилло суви билан, қизил ва зангори сиёҳлар билан ишланган экан. Вахтанг VI бу китобга қизиқиб қолди, ўша шаҳарнинг ўзидаёқ таниши Абу Ризо Табризийнинг ёрдами билан уни она тили грузинчага ағдара бошлади, у ердан қайтгач, бу ишни давом эттирди, таржимани тамомлади ва зарур изоҳлар билан нашрга тайёрлади. Унга грузин ойлари ҳақида маълумотлар ҳам қўшди. Лекин чоп қилишга улгурмади — 1724 йили содир бўлган оғир воқеалар (Туркия тазйиқининг кучайиши, мамлакат ичида вазиятнинг жиддийлашиб қолиши) сабабли

оиласи ва хизматкорлари билан Россияга кўчди; у бор китоблари, шунингдек, мазкур таржимани ҳам ўзи билан олиб кетди. Таржима қўлёмаси ҳозирги кунда СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланади. Унинг бир қисми, форсийча матни билан, 1926 йили Ю. Н. Марр тарафидан чоп қилинди...

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, дунёвий илмлар ривожига бебаҳо ҳисса қўшган гениал аллома, ажойиб маърифатпарвар ва йирик давлат арбоби мирзо Улуғбек Курагонийнинг жаҳолатни енгиш йўлидаги миселсиз кураши, оқилона илмий-назарий фаолияти ва мероси ҳозирги авлод ҳамда келгуси насллар учун илҳомбахш манба, тенгсиз ибрат мактабидир. Унинг табаррук номи билан эзгулик ва фан оламидаги фидокорона изланишлари, адолатни ёқлаб, ёвузликни маҳв этиш учун тик боришдек фазилати ер юзидаги жами илғор инсоният қалбида абадий яшайди. Истиқболга дадил ва зийрак назар ташлаган довишманд инсон атрофида йиғилган олимлар ва шогирдлари билан юлдузларга беҳад чуқур муҳаббат боғлади, бутун умрини сирли Сайёралар салтанатини тадқиқ этиш, ўрганишга бағишлади ва ўзи ана шу гаройиб салтанатда мангу сўнмайдиган порлоқ юлдуз бўлиб қолди.

АЛЛОМА ҲАЕТИ СОЛНОМАСИ

- 1394— Мирзо Улугбек туғилди (Султония, Эрон Озарбайжони, 22 март).
- 1399—1402— Улугбек бобосини ГАРБИЙ ЭРОН, Озарбайжон ва Туркияга қилган ҳарбий юришида кузатиб борди.
- 1404— Улугбекни амакиен Мухаммад Султоннинг қизи Ўтай бегимга уйлантирилди (16 октябрь).
- 1405— Амир Темур вафот этди (18 февраль, Ўтрор).
- 1406— Мирзо Улугбекка Тус, Ҳабушон, Калот, Нисо, Абивард, Язир, Сабзавор ва Нишонур суюргал тарафда ишлом қилинди.
- 1408— Табризнинг Шанби Ҳозоний деган мавзёда мирзо Мироншоҳ Қора Юсуф (1389—1402)га қарши жангда ҳалок бўлди (22 апрель).
- 1409— Мирзо Улугбекка Мовароуннаҳр ишлом этилди.
- 1416— Улугбек Оқ ўрда ҳукидорларига қарши Сирдарё соҳилларига кўшин тортди (март — апрель); Қошғар Улугбек давлати таркибига кўшиб олинди; Самарқандга Мўғулистондан элчилар келди.
- 1417— Бухорода Улугбек мадрасаси қуриб битирилди.
- 1419— Улугбекнинг рафиқаси Ўтай бегим вафот этди; Улугбек Сирдарё бўйларига қараб кўшин тортди (август — октябрь); Улугбек Бухорога борди (ноябрь); Самарқанддан Хитойга элчилар жўнатилди (декабрь).
- 1420— Самарқандда Улугбек мадрасаси қурилиши тамомланди.
- 1421— Мирзо Улугбек ўғил кўрди (13 январь). Унга Абдурахмон деб ном қўйилди.
- 1424— Самарқанд мадрасасининг жануб тарафига хонақоҳ, муқаттаъ масжиди, Регистонда эса Мирзойи ҳаммоми қурилди, расадхона қурилиши бошланди.
- 1426— Бароқхон нуфузи кучайиб кетди ва Оқ ўрда билан теурийлар давлати ўртасида муносабатлар ёмонлашди.
- 1427— Хиротнинг жоме масжидида Шохруҳга сунқасд қилинди (21 январь).

- 1430— йирик олим ва Улугбекнинг сафдоши Ғиёсиддин Ҷамшид Қишоний вафот этди.
- 1432— Улугбекнинг ўгли мирзо Абдурахмон вафот этди (15 январь).
- 1433— Улугбек мирзонинг Ғиёдувондаги мадрасаси қуриб битказилди.
- 1435— Шаҳрисабзда Кўк кумбаз масжиди ва Гумбази саййидаи бино қилинди.
- 1437— Йирик олим ва Улугбекнинг устози Қошиқода Румий вафот этди; Мирзо Улугбекнинг «Зиқи акадиқи Қўрагоний» асари ёзиб таъомланди.
- 1441— Мирзо Абдуллатиф бувиси Гавҳаришод бегимдан аразлаб Самарқандга келди; вазири аъзам Носириддин Ҳавофий вафот этди.
- 1447— Шоҳрухнинг вафоти (12 март); Абдуллатиф билан Олоуддавла ўртасида тоғу тахт учун қуран ва Абдуллатифнинг асир олиниши (29 апрель); Улугбек билан Олоуддавла ўртасидаги музокаралар ва Абдуллатифнинг асирлиқдан қутқарилиши.
- 1449— Хуросон тахтини Абулқосим Бобур эгаллади; Улугбек қўшини Димшиқ ёнида Абдуллатифдан енгилди (17 октябрь); Улугбек Маккага жўнаб кетди ва Самарқанд яқинида хонвона ўлдирилди (25 октябрь).
- 1450— Абдуллатиф Улугбекка содиқ кишилар томонидан қатл этилди (9 май).

ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛАР

- АБАҚАХОН** — Ҳалокуйлар сулоласидан чиққан Эрон ҳукмдори (1265—1282).
- АБУЛҲАЙРХОН** — XV асрда Дашти қишлоқнинг Шарқий қисми устидан ҳукм юргизган кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси (1428—1468).
- АБУ МАЪШАР** — хуросонлик машҳур астроном Абу Маъшар Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Балхий (786—886).
- АБУ САНДХОН** — Эронда ҳукмронлик қилган ҳалокуйлар (элхонийлар) сулоласининг сўнги ҳукмдорларидан (1317—1335).
- АБУ ҲАНИФА** — ҳанифия мазаҳабининг асосчиси нўъмон ибн Собит (699—767). Кўпроқ имоми аъзам номи билан машҳур.
- АЗУДАДДАВЛА** — Азудаддавла Фано Хусрав (978—983), бувайхийлардан.
- АЛАМУТ** — Қазвининг (Эрон Озарбайжон) шимолий-ғарбий тарафида, Эльбурс тоғида жойлашган мустақкам қалъа. Исмолийлар давлатининг (1090—1236) қароргоҳи.
- АЛИ ИБН ИСО УСТУРЛОБИ** — Аш-Шамосия (Бағдод) расадхонасининг астрономик кузатиш асбобларини (устурлоб ва б. қ) ясаган олим (IX асрнинг биринчи ярми).
- АЛИ СИНО** — бухоролик машҳур энциклопедист олим Абу Али ибн Сино (980—1037).
- АЛОНДИН МУҲАММАД** — Улубекининг шоғирди, машҳур олим Али Қушчи (1403—1474).
- «**АЛ-ҲИДОЯ**» — Бурхонуддин Марғиновийнинг (1197 йилда вафот этган) мусулмон қонуinchилигига (фиqh) оид асари.
- АМИРАК АҲМАД** — теурий Умаршайх мирзонинг ўғли (1409—1416 йилларда Қошғар ҳокими).
- АРАСТУ** — Аристотель.
- АРЖУМАНД** — азия, изаатчи, қадри, мўътабар.
- АРЗ** — эн, кенглик.

- АРИСТОЛИС** — қадимги юнон файласуфи Аристотель (мил. ав. 384—322 йиллар).
- АРКОН ДАВЛАТ** — давлат таянчлари, давлатнинг нуфузли кишилари.
- АФИЖИОН** — аногей.
- АФЛОТУН** — қадимги юнон файласуфи Платон (мил. ав. 427—347 йиллар).
- АФРОСИЕВ** — туркларнинг афсонавий подшоши.
- АХТАБЕГИ** — подшоҳ отхонасининг мутасаддийси.
- «АШКОЛ АТ-ТАЪСИС»** — саййид Шамсиддин Муҳаммад Самарқандийнинг (XIII—XIV) геометрияга тегишли рисоласи.
- АШПАРА** — Ашпара (Аспара) сойи бўйида (Чу дарёсига яқин, Қозоғистон ССР, Жамбул область Мерки районига яқин) ўрта аср шаҳри.
- АҲМАД ИБН АБДУЛЛА МАРВОЗИЙ** — кўпроқ Ҳабаш ал-Ҳосиб Марвозий номи билан машҳур йирик астроном олим; Маъмуни академиясининг кўзга кўринган намоёндаларидан (тахм. 764—864 йиллар).
- АҲМАД ФАРҒОНИЙ** — IX асрда ўтган йирик астроном олим; Бағдод академиясининг кўзга кўринган намоёндаларидан (861 йилда вафот этган).
- АҲРАМАН** — энг дахшатли дев.
- БАДИЪИ** — янги асар, подир, ажойиб асар, янги ижод этилган асар.
- БАЁН (ИЛМИ БАЁН)** — нозик маъноларни баён қилишни ўргатувчи илм; риторика.
- БАЙТ УЛ-МОЛ** — мол-дунё сақланадиган уй, хазина.
- БАРГУСТВОН** — от устига ташланадиган ўқ ўтмас махсус ёнқи.
- БАРОЁ** — барча махлуқот.
- БАРОНГОР** — қўшиннинг ўнг қаноти.
- БАРОҚ УҒЛОН** — Оқ ўрда хони (1428 йилда ўлдирилган).
- БЕҲОРИ** — тикасиз (киприкка ишора).
- БИР МИСҚОЛ КЕПАКИЙ** — Чигатой авлодидан бўлган Кепакхон (1309—1326) даврида зарб этилган кумуш (олтин) танга, тахминан 4,8 г. вазнда бўлган.
- БИТЛИМУС** — қадимги юнон астрономи Клавдий Птоломей (тахм. 90—160 йиллар).
- БОБАК** — Озарбайжон ва Ғарбий Эронда 816—837 йиллари бўлиб ўтган халқ ҳаракатининг етакчиси (тахм. 800—838 йиллар).
- БОЙСУНҚУР МИРЗО** — Шохрухнинг ўғли ва вазири, кейинча Ғарбий Хуросон ҳокими (1433 йилда вафот этган). Илм-фан ва маданият эрбобларига ҳомийлик қилган.
- БОТМОН** — оғирлик ўлчови; бир ботмон тахминан 24—25 килограммга тенг.

- БУАМ СОБИ** — Буам дараси (Шимолий Қирғизистонда, ҳозирги Тон ва Кемин районлари ораллигида жойлашган) буйлаб оқувчи сой, асл номи Чу.
- БУЗЖОНИЙ** — X асрда ўтган хуросонлик йирик математик олим Абулвафо ал-Бузжоний.
- БУЗУРЖМЕХЪР** — сосонийлардан Хусрав Парвезнинг (531—579) ва-зир.
- БУЛЖОР** — қўшин тўпланадиган жой.
- БУЛУК** — пойтахт атрофидиги район.
- БУРЖУ БОРА** — қалъа девори ва унинг чор атрофида қурилган мустақкам минора.
- БУРХОНУДДИН СОҒАРЖИЙ** — самарқандлик йирик олим Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ае-Самарқандийнинг (1143 йилда вафот этган) «Китоб ал-қанд фи маърифати уламоий Самарқанд» («Самарқанд уламоларининг маърифати ҳақида ширин китоб») асарига тилга олинган авлиё, «Ал-Ҳидоя» муаллифи-нинг авлоди.
- ВАРД** — атиргул.
- ҒАЗ** — тахминан 62—64 сантиметрга тенг узунлик ўлчови.
- ҒАЗИ ХОШИМНЯ** — 16,5 сантиметрга тенг узунлик ўлчови.
- ҒАЗА** — оғош.
- ҒАРДУН ҚАДАР** — осмон қадар, подшолар ва султонларга берил-диган шобат.
- ҒИЛҚОР** — иморат қурувчи уста.
- ҒУЛБАРГА** — Марказий Ҳиндистонда лашкарбоши Ҳасан Ғангу асос солган баҳманийлар давлатининг (1347—1527) дастлабки пой-тахти. Кейин Аҳсанобод аталган.
- ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙ** — машҳур тазкираниавис олим ва шоир (тахм. 1436—1495 йиллар).
- ДАЛОИЛҲОНА** — йирик шаҳарларда ташкил этилган диний мактаб. Унда «Қуръон»нинг айрим суралари ва «Далоил ул-хайрат» де-ган китоб ўқитилган.
- ДАРАҒЕЗ** — Балхдан тахминан тўрт фарсах жанубда жойлашган дара.
- ДАРЕЙИ ҲАЗАР** — Каслий денгизининг ўрта асрлардаги номларидан.
- ДАФТАРДОР** — ўрта асрларда ҳукумат молия маҳкамасининг хиз-матчиси.
- ДАҲЯК** — ўндан бир, солиқ тури.
- ДЕВОНИ МУСТАВФИЙ** — бош молия идораси.
- ДЕВОНИ МОЛ** — молия бош идораларидан, солиқ тўплайдиги идора.
- ДИБО** — нозик ва нафис нақшлар солиб тўқилган ипак мато.
- ДИНА** — хун ҳақи.
- ДИМИШҚ** — Самарқанд атрофида Темур биринчи эттирган катта қиш-лоқлардан.

- ДИНИЙ ИЛМЛАР** — қуръон, ҳадис, тафсири каби диний нитобларни ўргатувчи илм.
- ДИНОР** — пул бирлиги, 4,235 грамм вазндаги кумуш танга.
- ДИРАМ** — пул бирлиги, 3,235 граммга тенг кумуш танга.
- ДОМАНА** — чет, этак, қирроқ: Қоф тоғининг этаги. Бу ерда дарё этаги.
- ДОНГ** — динор ёки дирхамнинг 1/6 га тенг оғирлик ўлчови; шу вазндаги оқча.
- ДОРУССАЛТАНА** — салтанат эшиги, пойтахт.
- ДОРУГА** — ўрта асрларда шаҳар ҳокими.
- ДУНЕВИЙ ФАНЛАР** — диний илмларга зид ўлароқ, табиат ва жамият ҳақида конкрет тушунича берадиган фан (математика, астрономия, тарих, география ва б. қ).
- ЕСОҚ** — жазо.
- ЕҒОЧ** — масофа ўлчови, тахминан 6 километрга тенг.
- ЖАВЗО** — классик астрономияда осмон буржларидан бири; уни ёмаён турган икки қиз шаклида тасаввур қилганлар; Қуёш йили ҳисобига кўра 22 май — 21 июнь ораси.
- ЖАВОНҒОР** — қўшиннинг сўл қаноти.
- ЖАДИ БУРЖИ** — классик астрономияда осмондаги 12 буржлардан бири; Қуёш йили ҳисобида 22 декабрдан 21 январь ораси.
- ЖАДИ ЮЛДУЗИ** — кийик шаклида кўринадиган ва хатти истивода (экватор) жойлашган юлдуз (орион).
- ЖАЙПОЛ** — ҳинд рожаларидан (X аср).
- ЖАМШИД** — қадимга Эронда пешдодийлар сулоласидан учинчи ҳукмдор.
- ЖАРИБ** — тахминан 3600 кв. газга тенг сатҳ, бир таноб.
- ЖАҲОНШОҲ** — Мўғулистон ҳукмдорларидан Қамариддиннинг ўғли (1428 йилда ўзаро феодал курашда ўлган).
- ЖЕТЕ** — Чигатой улусининг Ғарбий қисми (Етнеув ва Қошгар); тарихда Мўғулистон номи билан ҳам машҳур.
- ЖИБА** — пўлат симдан тўқияган уруш қуроли, совут.
- ЖИРҒА** — доира бўлиб ўлтириш, олий кенгаш, ов вақтида ов манзилини доира шаклида ўраб олиш.
- ЖОЛИНУС** — Римлик машҳур врач Гален (130—200).
- ЖУНА** — буддизм таълимотининг давомчиси ва ислоҳчиси Жуна Махавира.
- ЖУЧИХОН** — Чингизхоннинг тўнғич ўғли (1226 йилда вафот этган).
- ЗАҲИРА** — ҳар эҳтимолга қарши асраб қўйилган озик-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа, ем-ҳашак.
- ЗИНБАРДОР** — подшоҳнинг отига эгар урувчи хизматкор.

ЗАММ — Балхга қарашли илоят; Амударё бўлини қамраб олувчи ва бир қети Марвага туташган.

ЗАРБОФ — зардан тўқилган мато, ўша мэтоддан тикилган кийим.

«**ЗИЖИ МАЛИКШОҲИЙ**» — Умар Ҳайёмнинг салжукийлардан Султон Маликшоҳга (1072—1092) атаб ёзган тақвим (календарь)га оид асари.

ЗИРИҲ — ўқ ва тир ўтмайдиган ҳарбий кийим, совут.

ЗОИЖА — ром очини учун тузиладиган махсус жадвал.

ЗОТ УЛ-САМТ — астрономик кузатиш асбоби, азимуталь доира,

ЗОТ УЛ-СУҚБАТАЙН — иккита тешиги бўлган ўлчаш асбоби, диопатр.

ЗОТ УЛ-ХАДИФА — астрономик кузатиш асбоби.

ЗОТ УЛ-ХАЛҚА — ҳар тарафи уч газга тенг бўлган астрономик кузатиш асбоби, армилар сфера.

ЗОТ УЛ-ШУЪБАТАЙН — қадимий астрономик асбоб, треввер.

ЗУБАЙДА — халифа Хорун ар-Рашиднинг (786—809) иқтидорли ва суюқли хотини.

ЗУЛУЧА — астрономик кузатиш асбоби.

ЗУҲАЛ — Сатурн сайёраси.

ЗУҲРО — Венера сайёраси.

ИБН ХАНБАЛ — ханбалия мазҳабининг асосчиси Аҳмад ибн Абдуллоҳ аш-Шайбоний (780—855).

ИЗОРА — уй деворининг ер билан тоқча орасидаги қисми; шу қисмга қопланадиган тош қоплама.

ИККИ МАНЗИЛ — отлик киши бир кундузда босиб ўтиши мумкин бўлган масофа.

ИЛИГ — қўл.

ИЛМИ МАЪОНИЙ — истилоҳлар моҳиятини ечиб берувчи илм.

ИЛМИ НУЖУМ — астрономия.

ИНОЧНОМА — ишонч ёрлиги.

ИТРИФО НИСФ АН-НАҲОР — қуёшнинг чошғоҳдаги (тахминан соат 12 лардаги) баландлиги.

ИСЛИМИЙ — классик нақш тури; олтин, қумуш, мис, ганч ёки ёғочга ўйиб ёки қабартиб ишланади; кийимларга эса зар билан тикилади.

ИСТИҲСОН — ихшилик билан эшлаш.

ИТОБ — қаҳр, гезаб; қаҳр-гезаб билан сўроқ қилиш.

«**ИХТИЕРИДДИНДОҒИ ХАЗИНАМ**» — Абдуллатифнинг Ихтиёриддин қалъасидаги хазинаси қарийб 2 миллион кепакий атрофида бўлган.

ИНТИҲОР — шухрат топши.

ИҚЛИДУС — қадимги юнон астрономи Евклид (мил. ав. III аср).

КАЙХУСРАВ — Хутталон ҳукмдори (XIV а. II ярми).

КАЛОНТАР — мулк, музофот ёки қасаба бошқарувчиси.

КАТУР ВА СИҲПЎШЛАР — ҳозирги Афғонистоннинг шимоли-шарқий тарафида, Бадахшондан жанубда жойлашган тоғли вилоят (Кофиристон ёки Нуристон деб ҳам аталади); халқ.

КАШШОФ — Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарийнинг (1075—1144) «Қуръон»га ёзган машҳур тафсири.

КЕНАТА — бирдан.

КИРБОС — жайдари пахта ипидан тўқилган мато; бўз.

КИЧИК ОСИЁ — Ғарбий Осиёда жойлашган ярим орол; ҳозирги Туркия.

КОРУН ТОҒИ — Табаристондаги (Эрон) Дамовалд тоғининг ўрта асрлардаги номларидан; араблар орасида бойлиги ва бахиллиги билан машҳур бўлган бадавлат одам, бой ва бадавлат одамга ишора.

КУТВОЛ — қалъа бошлиги; комендант.

КҶКАЛДОШ — сўт эмишган биродар.

КҶК ПУЛИ — фавқулодда шароитларда экин пишмай, унинг кўкига қараб ундириладиган солиқ; хирож.

КҶРАҒОН — хоннинг кўёви; Чингизхон авлодига уйланган одам.

ЛАВВОҶ — хошния қоғозини матога ёпиштирувчи.

ЛАК — юз минг.

ЛАНГАР — катта йўл устида йўловчилар қўниб ўтадиган жой; кам-бағал ва етим-есирга овқат бериладиган жой.

ЛАШКАРНАВИС — қўшин билан боғлиқ ишларни ҳисоб-китоб қилиб юрувчи манабдор, ҳарбий котиб.

ЛОҶАВЛ — қўрққан пайтда ўқиладиган дуо.

МАВҚАБ — улуг зотнинг ёнида дабдаба билан бирга юрувчи отлиқлар ёки пёдалар гуруҳи.

МАВЛОНО ФАЗЛИДДИН АСТРОБОДИЙ — Эронда XIV аср охирида тарқалган диний маслак асосчиси (1340—1394).

МАЙИТ — ўлик, мурда.

МАЖМУЪ АЛ-АНОМ — жами одамлар.

МАНҒЛАЙ — қўшиннинг илгөр қисми.

МАЛИК УШ-ШУАРО — шонрлар подшоси, сарой шонрларининг етакчиси.

МАН — оғирлик ўлчови, тахминан 3 килограммга тенг бўлган.

МАНЖАНИҚ — тош отадиган маҳсус ҳарбий қурилма.

МАНШУР — ёрлиқ, фармон.

- МАОНИЙ** — маънолар. Илми маоний — бирон нарсга ёки ҳодисанинг туб моҳиятини, мазмунини ечиб берувчи илм.
- МУДДАЛ АН-НАҲОР** — осмон экватори.
- МУХТАСИБ** — мусулмонлар тарафидан шариаат йўриқларининг бажарилишини назорат қилиб турувчи мансабдор.
- МАРОҒА** — Табриздан (Эрон Озарбайжони) 80 км. жанубда жойлашган шаҳар. Халоқуҳон даврида (XIII) мамлакат пойтахти.
- МАХТУТУТ** — қўлёзма асар.
- МАҲДИ УЛЕ** — энг олий бешик, подшоҳнинг катта хотинига берилган унвон.
- МЕЗОН** — классик астрономияда кўкдаги 12 буракнинг бири (еттинчиси); сентябрь ойига тўтти келлади.
- МИР АБДУЛАВВАЛ** — шайхулислом, мутасаввуф олим (1495 йилда вафот этган).
- МИРРИХ** — Марс сайёраси.
- МИСОЛ** — фармон, буйруқ.
- МОРДИН** — Месопотамиянинг шимолидаги шаҳар ва қалъа.
- МОРПЕЧ** — илонни эслатувчи нақш тури.
- МУАЗЗИН** — азон айтувчи, сўфи.
- МУБОҲАСА** — баҳслашув.
- МУНАЖЖИМ** — юлдузларнинг ҳолати ва ҳаракатини тадқиқ этувчи, астроном.
- МУНАЖЖИМИ ҲОС** — подшоҳнинг ҳос мунажжими.
- МУЗАЙИИН** — китобни безовчи.
- МУНТАҚАТ УЛ-БУРҶ** — буржлар минтақаси, кўёшнинг осмон сферасидаги бир йиллик ҳаракати.
- МУРАССАЪ** — қийматли тошлар билан безатилган буюм (ханжар, парча, дастурхон, хон ва б. қ).
- МУРЧИЛ** — қайал қилувчилар тарафидан қалъанинг чор тарафидан дарвозаларга қараб қазиладиган хандақ.
- МУСАВВАДА** — асарнинг қораламаси.
- МУСАЛЛО** — жамоа ҳайит кунлари шаҳар четида намозга тўпланадиган майдон.
- МУСТАВФИЙ АЛ-МАМОЛИК** — подшоҳликнинг молия ишларини бошқарувчи олий мансабдор.
- МУФТ** — текин.
- «МУХТАСАРИ ВИҚОЯ»** — Убайдулла ал-Маҳбубийнинг (1346 йилда вафот этган) мусулмон қонунчилиги (фиқҳ)га оид китоби.
- МУШТАРИЙ** — Юпитер сайёраси.
- МУҲАДДИС** — ҳадис олими.

- МУҲАНДИС** — ҳандаса (геометрия) ва минн яхши билган олим; бинб: кор инженер.
- МУҲОСИБ** — ҳисобчи.
- МУҲОФАЗАТ** — сақлаш, кўриқлаш.
- МУҲРДОР** — подшоҳлик муҳрини тутувчи олий мансабдор.
- МУҒУЛИСТОН** — XIV—XV асрдаги феодал давлат. Унга Еттисув ва Қошғор қараган.
- НАВБОБ** — ноиб, ўринбосар, тожу тахт вориси.
- НАВҲА** — товуш чиқариб йиғлаш, муңгли йиғи, нола.
- НАДДОФ** — пахта титувчи.
- НАЙСОН** — савр (апрель) ойи.
- НАСРИ ТОЙИР** — қийғир, қийғир шаклида тасаввур қилнадиған бир юлдуз номи.
- НАСТАЪЛИҚ** — арабча хат турларидан.
- НАФТ АНДОЗ** — нефтга милаган «тўппи» ёндириб отувчи бир хил ҳарбий қуралма.
- НАҚИБ** — жамоа бошлиғи, бирон жамоа ёки қабиладнинг энг эътиборли киши.
- НАҚШБАНДИЯ** — исломда йирик сўфийлик тариқатларидан бири; унга бухоролик шайх Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389) асос солган.
- НАҲВУ САРФ** — араб тили грамматикаси.
- НИСОР** — соҳитқи: махсус маросимларда ҳурматли зотларнинг бошидан таңга-чақа сочиш.
- НИСФ АН-НАҲОР** — меридиан.
- НОСИРИДДИН ТУСИИ** — XIII асрда ўтган йирик қомусий олим (тахм. 1201—1274).
- НУЁН** — мўгуллар шаҳзодаси; ўн минг ва ундан ортиқ қўшинга қўмондонлик қилган саркарда ҳам шу ном билан аталган.
- ОБИ ТУРК** — Чирчиқ дарёсининг ўрта асрлардаги номларидан.
- ОЛ-ТАМГА** — қилив тамга, подшоҳнинг имтиёзан ҳужжатларига босиладиган хусусий муҳри.
- ОЛТИН УРДА** — 1226—1502 йиллардаги йирик феодал давлат; унга Ғарбий Сибирь ва Дашти қипчоқнинг Шарқий қисми ва Волга бўйи ерлари қараган.
- ОРЛОТ** — XIII—XV асрларда ўтган йирик турк-мўгул қабиласи.
- ОРОЛ ПАЙҒАМБАР** — Амударё ўртасида, кўҳна Термиз рўпарасида жойлашган орол. Ривоятларга қараганда, буздай аталмишига сабаб, исломиятдан илгарн ўтган пайғамбарлардан Зулкифл шу ерга кўмилган эмиш.
- ОТАКА** — шаҳзодаларнинг тарбиячиси.

ОТАЛИҚ — қ. отақа.

ОҚСУВ — Несефқўлнинг шарқи-жағубий тарафидан оқувчи дарё.

ОҚ УРДА — Жўчи улусининг бир қисми, Оролдан Балхашгача бўлган территория.

ПЕШКАШ — тортиқ, совға, инъом.

ПОЛУДА — тиник, соф, сўзгичдан ўтказилган; мевадан тайёрланган ширин овқат.

РАБОТИ ЕМ — Самарқанд вилоятига қарашли манзил, ҳозирги Ломакино темир йўл станцияси атрофида бўлган.

«РАВЗАТ УС-САФО» МУАЛЛИФИ — машҳур тарихчи олим Мирхонд (1498 йил 23 июнда вафот этган).

РАНИЯТ — бирон ҳукмдорга қарашли халқ, тобе халқ.

РИКОБДОР — подшоҳ ва асқодадорларнинг отига эгар урувчи, донмо унинг узагиёсида юрувчи хизматкор.

РИКОББОШИ — рикобдорлар бошлиги.

РИФОҲИЯТ — фаровонлик.

РУБЪИ МАСКУН — дубининг аҳоли яшайдиган тўртдан бир қисми.

РУҚЪА — нарча қоғоздаги ёзув, мактуб.

САБРОН — Сирдарё бўйига жойлашган қадимий шаҳар.

САДАЖОТ — юз кишилик ҳарбий бўлима, юз хонадон атрофида аҳолиси бўлган тоғ бағридаги қишлоқ.

САДОҚ — чармдан тикилган ўқ халта, ўқдон.

САДРИ АЪЗАМ — бош садр.

САМТ — ёнбоши, тарафи.

САНДАЛ ДАРАХТИ — қора-сарик тусли хушбўй бир дарахт.

САНБИЪ — касб-хунар, бирон хунарни мукаммал эгаллаш.

САРБАДОРЛАР — 1337—1381 йиллар орасида Хуросонда ва 1365—1366 йиллари Самарқандда ҳокимият устида турган бир жамоа.

САРДОБА — сув сақланадиган усти ёниқ чуқур ҳовуз.

САҚАРЛОТ — жундан тўқилган кийимлик.

САҲҲОФ — муқовасоз.

СИДРАТ УЛ-МИНТАҲО — ривоятга кўра еттинчи осмонда ўсадиган бир дарахт.

СИПАР — қалқон; елпигич, табак.

СИРОТ — кўприк, йўл; мусулмонлар эътиқодига кўра дўзахда ўтиладиган йўл, кўприк.

СОБИЙЛАР — маъжусийлар, бутпарастлар; Беруний сўзларига қараганда, Вавилонга асир тушиб қолган яҳудийлар авлоди.

СОТУҚХОН — Улугбек даврида ўтган қўғирлоқ хон (1434 йили Мўғлистонда ўзаро феодал курашда ҳалок бўлган).

СОҲИБ ИХТИЁР — тўлиқ ихтиёрлик, том ҳуқуқли одам сарой ми-
нистри.

СУД — фойда, наф.

СУДСИ ФАХРИИ — бувайхийлар сулоласига мансуб Фахруддавла
Али (983—997) замонида ал-Хўжандий тарафидан ихтиро
қилинган астрономик асбоб; жойининг географик координат-
ларини, юлдузларнинг чиқиш ва ботиш вақтларини ўлчаш учун
ниҳлатилган.

СУЛДУЗ — нуфузли мўғул қабилаларидан бири.

СУЛТОН АҲМАД — баҳманийлар сулоласига мансуб ҳукмдор, асл
исми малик Аҳмад Вали (1422—1436).

СУЛТОН АБУ САНД МПРЗО — темирлий ҳукмдорлардан (1451—1469);
Мироншоҳнинг аялоди.

СУЛТОН СОДАТ — термизлик сандлар дафи этилган мақбаралар ком-
плекси (X—XVII асрлар); Термиз яқинида.

СУЛТОНИЯ — халокунийлар сулоласидан Улжойтухоннинг (1304—
1317) амри билан 1307 йили Қазвинга яқин ерда бино қилин-
ган шаҳар, халокунийлар давлатининг янги пойтахти.

СУРОН — жангга кириш олдидан қилинадиган хайқирик; ура.

СУЮРГОЛ — подшоҳликка кўрсатилган катта хизмат эвазига берила-
диган маҳсус нисом.

СУҲО — Катта Айиқ юлдуз туркумидаги кичик юлдуз; Алькор.

ТААРРУЗ — тегиш, қаршилик кўрсатиш.

ТАБАРЗИН — туранига ўхшаш уруш қуроли.

ТАВОЧИ — қўшин тўплаш ва подшоҳнинг бошқа масъул юмушларини
бажарувчи олий мансабдорлардан бири.

«**ТАЖРИД УЛ-КАЛОМ**» — Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Муҳаммад ат-
Тусийнинг (672 йилда вафот этган) асари.

ТАНЖИМ — тақдирин юлдузларга қараб олдиндан айтиб бериш.

ТАНСИҚ — аслзодаларга тортиқ қилинадиган наъиб нарса.

«**ТАРИХИ АБУЛҲАЙРХОНИЙ**» — самарқандлик тарихчи Масъуд ибн
Усмон Кўхистоний (XVI асрнинг биринчи ярми) тарафидан
ёзилган Шайбон улусининг XV асрдаги тарихи.

«**ТАБАҚОТИ МАҲМУДШОҲИЙ**» — Абулкарим ибн Муҳаммад Нами-
дхий (XV асрнинг иккинчи ярми — XVI аср бошлари) қала-
мига мансуб тарихий асар; Хурмуз подшоҳи Маҳмудшоҳга
(1459—1511) бағишланган.

ТАРҲ — қурилажак иморатнинг режаси; лойиҳа.

ТАРҒУ — зигирповдан тўқилган мато.

ТАХМУРОС — қадимги Эрон пендодийлар сулоласидан чиққан ҳукм-
дор.

ТАХТА ҚОРАЧА — Самарқанддан тахминан 43—45 км. жануби-шарқ-
да жойлашган доvon.

ТАШТХОНА — идиш-тавоқ сақланадиган хона.

ТАҚВИМ — сайёраларнинг ҳолати ва ҳаракатини кўрсатувчи махсус жадвал, календарь.

ТАҒОР — уруш вақтида қўшни учун аҳолидан тўпланадиган фавқулодда солиқ.

ТИББ — медицина.

ТИЛЛАКОРИЙ МАДРАСАСИ — Самарқанд Регистонда 1647—1659 йиллари бадавлат ва нуфузли амир Ялантушбий тарафидан қурилган бино.

ТОМҒО — ўрта асрларда хунәрманлар ва савдогарлардан олинадиган солиқ.

ТОШ — тахминан бир километрга тенг масофа ўлчови.

ТРАНСОКСИАНА — Окенинг (Амударё) шарғи тарафидаги ерлар; Мовароуннаҳр.

ТУЛ — узунлик.

ТУМОН — ўн минг атрофида аскарни бўлган ҳарбий қисм; пойтахт тева-рағидаги район.

ТУРА — тури-мўгул халқлари орасида ҳукм сўрган урф-одат асо-сида яратилган қонуи; қўшнида четан тўсиқ.

ТЎҚСОБО — махсус байроқдор ҳарбий қисм бошлиғи.

УБАЙД ЗОКОНИЙ — XIV асрда ўтган машҳур сатирик шоир.

УБУЛИСТОН — Ироқ вилоятларидан; маркази Улулла шаҳри, Басрадан тўрт фарсах нарида, Тигр дарёсининг асосий ўзанлари орасида жойлашган.

УВАИС УҒЛУН — Мўғулистон хони (1429 йилда ўлдирилган).

УДАЙЧИ — подшоҳ ва хонларнинг расмий тантаналарини уюштириш-га мутасадди мансабдор.

УЛАМО — билимдонлар, олимлар.

УЛУФА — аскарга от-улов учун ажратилган ем-хашак ва маблаг, шу мақсадда халқдан тўпланадиган солиқ.

УМАР ҲАЙЕМ — (1048—1122) ўрта асрда ўтган йирик математик ва астроном олим; йирик шоир.

УММОН ДЕНГИЗИ — Арабистон ярим оролининг жанубидаги денгиз, катта денгиз, океан маъносида.

УМҚ — чуқурлик, туб.

УСТУРЛОБ — осмон ёриткичларини кузатиш асбобларидан бири; астролыбия.

УҒРУҚ — ҳарбий юришлар вақтида подшоҳнинг хотинлари ва бало-латга етмаган болалари тушган, шунингдек ҳарбий анжомлар ва озиқ-овқат ортилган қарвон.

ФАЙЛАКУС — Искандар Зулқарнайнинг отаси, Македония подшоҳи Филипп II (мил. ав. 382—336 йиллар).

- ФАЛАК АЛ-БУҲЖ** — буржлар доираси; эклиптика.
- ФАРОР** — қочини, чекиниш.
- ФАРРОШ** — палос тўшовчи, сарой, мазор, мачит ва мадраса сингари жойларни суғириб юрвчи хизматкор.
- ФАРСАХ** — 6—7 км. масофага тенг ўлчов бирлиги.
- ФАРҚАДОН** — Шимолӣ кутб яқинидаги икки ёруғ юлдуз.
- ФАРҲОР** — қадимги Тохаристон (Амударёнинг сўл соҳилида) шаҳарларидан.
- ФАТА** — эшилмаган инакдан тўқилган, бўялмаган ялтироқ мато; шойи рўмол.
- ФАТХНОМА** — эришилган галаба ҳақида ёзиб ўлка ва мамлакатларга юбориладиган махсус мактуб.
- ФАХРИДДИН РОЗИЙ** — ўртаасиёлик машҳур файласуф, астроном, табиб ва илҳиёт олими (1209 йилда вафот этган).
- ФИҚҲ** — қонун, юриспруденция.
- ФУЗАЛО** — фозиллар, олимлар.
- ХОЗОНАЙИ ОМИРА** — бош хазина.
- ХАЛАБ** — Суриядаги Алеппо шаҳрининг ўрта асрлардаги номи.
- ХАЛИФАЙИ РОШИДИН** — пайгамбардан кейин ўтган тўрт халифа: Абубакр (632—634), Умар (634—644), Усмон (644—656), Али (656—661).
- ХАНДАҚ** — қалъа атрофига қурилган ва сув тўлатилган зовур; мудофаа ишоти.
- ХАРВОР** — бир эшак кўтариши мумкин бўлган юк.
- ХАТТ НИСФ АН-НАҲОР** — меридиан чизиги.
- ХАТТОТ** — хушхат киши, хуснихат устаси.
- ХИРОЖ** — асосий даромад солиги.
- ХИТОЙИ** — архитектурада қўлланилган хитойча услуб.
- ХИТОЙИ ХОН** — оёқлари шернинг оёқларига ўхшатиб ишланган хонтахта.
- ХОБХОНА** — подшоҳнинг махсус ётоқхонаси.
- ХОЖА АБДИ БИРУН** — ривоятларга кўра, халифа Усмоннинг авлоди эмиш; Самарқандга араб истилочилари билан бирга келган; мазори шаҳрдан тахминан икки километр масофада, жануб тарафда.
- ХОЖА АБДИ ДАРУН** — асл исми Муъизуддин ибн хожа Муҳаммад Ёқуб, ривоятларга кўра, Самарқандда араблар ҳукмронлиги даврида Самарқанд қозиси бўлган; мазори шаҳарнинг шарқи-жанубий тарафида, Мулиён маҳалласида, қадимги Искандар қалъасининг яқинида.
- ХОЖА АБДУЛЛА АНСОРИЙ** — хиротлик машҳур шайх ва илҳиёт олими (1005—1088).

- ХОЖА АЛОУДДИН** — нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намоёндалардан хожа Алоуддин Аттор (1400 йилда вафот этган).
- ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙ** — ўртаовш ёлик шоир ва мутасаввуф (тахм. 1105—1166 йиллар).
- ХОЖА БУЗУРГ** — нақшбандия тариқатининг йирик намоёндаларидан хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1389 йилда вафот этган).
- ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО** — нақшбандия тариқатининг намоёндаларидан, йирик мутасаввуф олим (1419 йилда вафот этган).
- ХОЖА МУҲАММАД САНГРАСОН** — асл исми хожа Муҳаммад Хомуйи, Қусам ибн Аббоснинг сафдошларидан: ривоятларга кўра, араблар Самарқандни қамал қилган вақтда аскарларга тош ташиб бериб тургани учун шундай ном билан аталган.
- ХОЖА САРО** — подшоҳнинг ҳарамига қараб турувчи хизматчи, бичилган кул.
- ХОЖА ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙСИЙ** — машҳур фақиҳ (фиқҳ олими) хожа Абуллайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Самарқандийнинг (X аср) авлоди, Хожа Фазлуллоҳ ҳам фиқҳ ва тил илмларидан кенг маълумотга эга бўлган.
- ХОНСОЛОР** — дастурхончи.
- ХОРАЗМИЙ** — хоразмлик буюк матеманик олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (тахм. 783—850 йиллар).
- ХУМС** — [Қумис] Рай ва Журжон билан қўшни вилоят; бир вақтлар бувайхнийлар давлати (932—1062) таркибида бўлган.
- ХУТ** — осмон буржларининг ўн иккинчиси; февраль-март ойларига тўғри келади.
- ХУТБА** — жума ва ҳайит намозларида, шунингдек, подшоҳ тахтга ўтирган куни ўқиладиган панд-насихат.
- ХУФФОШ** — кўршапалак.
- ЧАВГОН** — от устида туриб ўйналадиган ва ҳозирги хоккейга ўхшаш бир ўйин.
- ЧАҒМИНИЙ** — хоразмлик машҳур олим Маҳмуд ибн Умар ал-Чағминий (1345 йилда вафот этган).
- ЧЕРИК** — қўшин, армия.
- ЧОРДАРА** — чорбоғ ўртасида икки тарафдан дарчалар қўйиб солиingan бино.
- ЧОЧИЙ КАМОН** — ўрта асрларда Тошкентда ясалган ўк-ёй, пишиқлиги, хусусан, нам тортмаслиги билан шуҳрат топган.
- ЧУҲРА** — подшоҳ ва амирларнинг хос қўриқчилари.
- ЧУБИ ЕСОҚ** — калтак билан савалаб жазолаш.
- ЧУНГ КЕМИН** — Шимолий Қирғизистонда жойлашган водий.
- ШАМЪИ ЖАҲОН** — Мўғулистон ҳукмдорларидан (1419 йили заҳарлаб ўлдирилган).
- ШАҲРИ ДАРУН** — шаҳарнинг мустаҳкам девор билан ўралган ички қисми.

ШАЪРИ — икки ёруғ юлдуз: Протин ва Сириус.

ШЕРОЗ — Самарқанд теварагида Амир Темур қурдирган қишлоқ; шу номи тумон маркази.

ШИБА — учар ўқ.

ШИГОВУЛ — элчилар ва хориждан келган мўътабар кишиларни подшоҳ хузурига етаклаб кирувчи мансабдор.

ШОМИЛА — астрология ва квадрант ўрнида ишлатиш мумкин бўлган универсал астрономик асбоб.

ШОҲ АБУ ИСҲАҚ — XIV асрнинг биринчи ярмида ўтган Форс хукмдори; кўпроқ Абу Исҳоқ ибну номи билан машҳур.

ШОҲРОҲ — катта йўл; Самарқанд билан Бухоро ўртасидаги катта йўл.

ШОҲРУҲИЯ — Оҳангарон сойининг Сирдарёга қуйилиш жойида бўлган ўрта аср шаҳри, илгари Банокат деб аталган.

ШУТУРПАРИ — подшоҳнинг махсус чопари.

ЭЛХОНИЙЛАР — Эронда 1256—1353 йиллар хукмронлик қилган ёулола.

ЮРТЧИ — сафар вақтида подшоҳ мавқабни қўнадиган жойни ҳозирлаш учун жавобгар бўлган мансабдор.

ЯНГИ — ҳозирги Жамбул шаҳрининг ўрта асрлардаги номи.

ЯСОВУЛБОШИ — подшоҳнинг махсус хизматкорлари (ясовулар) бошлиғи.

ЯСОЛ — қўшинни уруш олдида кўриқка сажлаш, қўшин сафи.

ЯССИ — ҳозирги Туркистон шаҳрининг ўрта асрлардаги номи.

ЯТИМЧА — ота-онасиз, умидсиз; алдамчи, товламачи, маъносиди.

ЎЗБЕК УЛУСИ — Олтин ўрданинг шарқий қисмида (XV аср) жойлашган улус, шайбон улусининг XIV асрдан кейинги номи.

ЎРДУ — подшоҳ ва хонларнинг ҳарбий юриш вақтидаги муваққат қароргоҳи.

ЎТОРУД — Меркурий сайёраси.

ЎҚТОЙ ҚООН — Чингизхоннинг ўғли ва тахт вориси (1227—1241).

ЎҒЛОН — турк-мўғул халқлари орасида шахзодалар шу ном билан аталган.

ҚАВЛ (ҒУЛ) — қўшиннинг кўпинча подшоҳ ва хоннинг ўзи бош бўлиб турадиган марказ қисми.

ҚАВС — классик астрономияда осмон буржларида тўққизинчиса, ноябрь ойига тўғри келади.

ҚАЛЪА БУРЖИ — қалъанинг баланд мустаҳкам минораси.

ҚАРИ — ўлчов бирлиги: бир метр атрофида бўлган.

ҚАРНА — қишлоқ.

ҚАСАБА — катта қишлоқ; шаҳар типдаги қишлоқ.

ҚАТИЙФА — духоба.

- ҚАТЛИ ОММ** — бирон тирик жонни омон қўймаслиги, оммавий қиргын.
- ҚОДИРИ МУХТОР** — худонинг сифатларидан.
- ҚОРАБОҒ** — Озарбайжонда Араке билан Кура орасида жойлашган катта вилоят.
- ҚОРА ЮСУФ** — Озарбайжон билан Ироқда 1380—1468 йиллари ҳукмронлик қилган Қора қўнли сулоласига мансуб ҳукмдорлардан (1389—1420).
- ҚОРАСАМОН** — Арис дарёсининг сўл қирғоғида жойлашган манзилгоҳ, ҳозир Қорааспан аталади.
- ҚОРАУНАС** — дурагай; Чигатой улуғининг шарқий қисмидаги мўғуллар; Мовароуннаҳрга келиб ўтроқлашиб қолган мўғулларни шу ном билан аташган.
- ҚОРА ҚУЮНЛИ ТУРКМАНЛАР** — Ван ва Урмия қўллари атрофида истиқомат қилган, ўғузларга тегишли туркман қабилалари иттифоқи.
- ҚОЗИ АСКАР** — ҳарбий судья.
- ҚОҶИН** — мажусийлар руҳонийси.
- ҚУББАТ УЛ-ИСЛОМ** — ислом куббаси; Балхга берилган исбёт.
- ҚУРХОНА** — қуро-аслаҳа омбори; арсенал.
- ҚУССАМ ИБН АББОС** — пайгамбар Муҳаммаднинг амакиваччаси, 677 йилда Самарқандни истило қилиш пайтида ўлдирилган.
- ҚУТРИ** — ҳажм.
- ҚУШБЕГИ** — подшоҳнинг оғ ишларига мутасадди олий мансабдор.
- ҚУШУНОТ** — қўшинлар.
- ҒАЖАРЧИ** — йўл кўрсатувчи, йўлни тафтиш қилувчи.
- ҒОЗОНХОН** — халокуйлар сулоласига мансуб Эрон ва Ироқ ҳукмдори (1295—1304).
- ҒОЛИЯ** — қош ва соғга суртиладиган хушбўй қора модда.
- ҒУЛ** — қ. қавл.
- ҒУЗА ПУЛИ** — пахта экинидан олиннадиган солиқ.
- ҲАБИСА** — қабих, ифлос, жипсий ишларга қўл урган одам.
- ҲАЗОРАЖОТ** — тахм. минг уйлик аҳолиси бўлган тоғлик қишлоқ; минг атрофида аскарни бўлган ҳарбий қисм.
- ҲАЗРАТ БАШИР** — ҳозирги Қашқадарё область Киптоб районида жойлашган муқаддас жойлардан.
- ҲОЗРАТИ ИМОМ** — Тохаристоннинг валоятларидан, Балхдан Тибет ва Қошсарга олиб борадиган қарвон йўли устида жойлашган, илгари Арҳанг сарой аталган.
- ҲАЗРАТИ СУЛТОН** — хожа Аҳмад Яссавий.

- ҲАЛОКУХОН** — Чингизхоннинг набираси, тарихда элхонийлар давлати номи билан машҳур феодал давлатга (Эрон, Озарбайжон, Ироқ) асос солган ҳукмдор (1256—1265).
- ҲАМДУЛЛОҲ ҚАЗВИНИЙ** — эронлик машҳур тарихчи ва жуғрофия олими (1281—1349).
- ҲАРАМАЙН** — мусулмонлар эътиқодича, икки муқаддас шаҳар — Макка ва Мадинага берилган нисбат.
- ҲАФТОН** — соғут остидан кийинладиган пахталик камзул.
- ҲИРИ** — Ҳирот.
- ҲИНДУВОН** — Балхнинг ички қалъаси.
- ҲОЗИН** — хаазиначи.
- ҲОФИЗИ АБРУ** — XIV—XV асрда ўтган машҳур тарихчи олим (1430 йилда вафот этган).

МУНДАРИЖА

Бир-икки оғиз сўз.....	5
Ташвишларга тўла болалик.....	9
Тахт ҳаваси, илм зиёси.....	60
Жаҳон ичра зеб.....	94
Самарқанд Академияси.....	111
Хиёнат.....	142
Падаркуш фожияси.....	191
Абадият.....	209
Олим ҳаёти солиномаи.....	235
Қисқача изоҳлар.....	237

Аҳмедов Бўрибой.

Улугбек. (Эссе). — Т. «Еш гвардия», 1989. — 256б. — (Машхур кишилар ҳаёти).

Азия китобхона!

Жаҳонга танилган етук аллома, беназир инсон, адолатпарвар жамоат арбоби мирзо Улугбек Кўрагоний феодализмнинг ашаддий душман ва эзгулик маънавиятини нақадар юксакка кўтаргани яхши маълум. Айни чоқда ўз даврининг етук олими босиб ўтган мураккаб йўлнинг кўпгина жихатлари ҳалигача бизга қоронғи. Шу нуқтаи назардан қараганда таниқли муаррих Бўрибой Аҳмедов узок изланишлардан сўнг қадимий ёзма ёдгорликлар асосида яратган ушбу китоб диққатга сазовордир. Китоб саҳифалари орқали сиз Улугбек замонига юриш қиласиз, буюк алломанинг оламшумул илмий кашфиётларига гувоҳ ўтиб севинасиз, у жаҳолат қаршида почор қолганини кўрганда изтиробга тушасиз.

Ахмедов Бурибай. Улугбек. Эссе.

*Литературно-художественное издание
Серия «Жизнь замечательных людей»*

На узбекском языке

БУРИБАЙ АХМЕДОВ

УЛУРБЕК

Эссе

Такризчи — тарих фанлари доктори Ҳамид Зиёев

**Мухаррир Асад Дилмурод
Мусаввир Т. Саъдуллаев
Расмлар муҳаррири Н. Абдуллаев
Техн. муҳаррир В. Демченко
Мусахдиҳалар М. Набиева, М. Хўжаева**

ИБ № 2512

Босмахонага берилди 24.01.89. Босишга рухсат этилди 19.07.89. Р—10670. Формати 84×108¹/ 32. №1-босма коғозга «Янги оддий» гарнитурда офсет босма усулида босилди. Босма листи 8,0+0,25 (вкл.) Шартли босма листи 13,44+0,42 (вкл.) Нашр листи 13,75+0,38 (вкл.) Тиражи 60000. Буюртма 5763. Шартнома 145—88. Баҳоси 1 с. 40 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700113, Чилонзор, 8 квартал, «Правда» газетаси кўчаси, 60.

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонасида терилди ва матрица қилинди. Ингилйўл шахри, Самарқанд кўчаси, 44